

БУХГАЛТЕР УЧУН АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

II ЖИЛД

Central Library (UWED)



00024256


2010

«НОРМА МАСЛАХАТЧИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

БУХГАЛТЕР УЧУН АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

ИККИ ЖИЛДЛИК

II жилд



ТОШКЕНТ — «НОРМА» — 2010

УДК: 657.1(076)

ББК 65.052

Б97

- Б97** **Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик / Э.Ф.Гадоев (ва бошқ.). — Тошкент: «NORMA», 2010. («Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси).
II жилд. — 5-чиқарилиш — 424 б.
I. Гадоев Э.Ф. ва бошқ.**

Икки жилддан иборат бўлган мазкур қўлланмада корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ва уларга солиқ солиниши билан боғлиқ масалалар ёритилган бўлиб, ундаги маълумотлар ишингиз давомида Сизга керакли ёрдамчи бўлади деган умиддамиз.

Қўлланманинг II жилдида турли вазиятларда ходимлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, корхона мажбуриятлари, хусусий капитали ва ишлаб чиқариш харажатлари, корхонанинг тайёр маҳсулот, товарлар ва асосий воситаларни сотишдан олинган тушумни ҳисобга олиш масалалари мисоллар билан ёритилган. Қўлланманинг охирида, молия-хўжалик фаолиятни амалга оширишда корхоналар ва мансабдор шахслар йўл қўядиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик турлари келтирилган.

«Бухгалтер учун амалий қўлланма»ни тайёрлашда Гадоев Э.Ф., Ҳайдаров Ш.У., Ванюшина А.А., Раҳматуллина О.Р., Махмудова С.Н., шунингдек «Норма эксперт» гуруҳи мутахассислари иштирок этишди.

ББК 65.052

ISBN 978-9943-316-63-8

© «NORMA» нашриёти, 2010

Х бўлим. ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАР

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Ишга қабул қилишни расмийлаштиришда ходим қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат, 16 ёшга ча бўлган шахслар эса туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома-сини ва яшаш жойидан маълумотномани тақдим этадилар;

— меҳнат дафтарчаси, биринчи бор ишга қабул қилинаётганлар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга қабул қилинаётган шахслар меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этадилар;

— ҳарбий гувоҳнома ёхуд ҳарбий хизматга мажбур ёки чақирув ёшидагилар учун бериладиган ёзма гувоҳнома;

— олий ёки ўрта махсус ўқув муассасасини тамомланганлиги ҳақидаги диплом, ушбу ишни бажариш ҳуқуқини белгилловчи гувоҳнома ёки қонунчиликка кўра фақатгина махсус таълим ёки махсус тайёргарликка эга шахслар бажаришлари мумкин бўлган ишга қабул қилишда керак бўладиган тегишли ҳужжат.

Қонунчиликда кўзда тутилган баъзи бир ҳолларда ишга қабул қилинаётган шахслар тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишлари шарт.

Янги ишга қабул қилинишда, СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами)га ва ШЖБПҲ (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи)га эга фуқаролар ўзлари ҳақидаги маълумотларни корхона бухгалтериясига тақдим этишлари керак. Биринчи бор ишга қабул қилинаётганлар бу ҳужжатларни ўрнатилган тартибда солиқ инспекциясидан (СТИР) ҳамда фуқаронинг идентификацион рақами (шахсий коди) асосида корхонанинг жойлашган жойидаги Халқ банкнинг бўлиmidан (ШЖБПҲ) оладилар.

Ишга қабул қилишда қонунчиликда кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб этиш тақиқланади.

Ишчи ва иш берувчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиши керак.

Меҳнат шартномалари қуйидаги муддатларга тузилиши мумкин:

— белгиланмаган муддатга;

— белгиланган, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;

— маълум ишни бажариш вақтига.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати келишилмаган бўлса, у ҳолда шартнома белгиланмаган муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Белгиланмаган муддатга тузилган меҳнат шартномаси ишчининг розилигисиз белгиланган муддатга ҳамда маълум ишни бажариш вақтига қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси (контракти) ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқни чиқаришга асос бўлиб ҳисобланади. Буйруқда тузилган меҳнат шартномаси (контракти)-нинг мазмунига қарама-қаршиликлар бўлмаслиги лозим.

Мисол. Маркетинг бўлимига меҳнат шартномаси асосида 2007 йил 2 январдан сотиш ишлари бўйича менежер — Аҳмедов М.М. ишга қабул қилинди. Штат рўйхати бўйича маош — 70 минг сўм, бундан ташқари корхона ишчига ҳар ой овқатланиш учун 10 минг сўм ва йўл ҳақи учун 10 минг сўм миқдорида қўшимча компенсация тўлайди.

Қабул қилинган ишчиларга шахсий варақа очилиб, унда ишчи тўғрисида маълумот: паспорт маълумотлари, маълумоти, меҳнат стажи ва бошқалар кўрсатилади. Ишчи тўғрисидаги маълумот ўзгарган тақдирда, унинг шахсий варақасига тегишли маълумотлар киритилиб, кадрлар бўлими ходими томонидан имзоланади.

Касаначи билан тузилаётган меҳнат шартномасида, умумбелгиланган бандлардан ташқари, қуйидаги бандларни кўрсатиш тавсия этилади:

— иш жойи ва касаначининг иш ўрни жойлашган манзил;

Ташкилот _____

«НТТМ» МҶЗ

БХУД буй. шакл

Кодлар

0301001

КТУТ буй. шакл

17398222

Ишга қабул қилиш тўғрисида
БҮЙРУҚ (ҚАРОР)

Ҳужжат рақами	Тузилган сана
01	02.01.2007 й.

Аҳмедов Мансур Мираҳмедович

фамилияси, исми, отасининг исми

Ишга қабул қилинсин _____

2007 йил 2 январдан

_____ гача

Меҳнат шартномаси (контракт) бўйича 2007 й. 2 январь

№ 1

Синов мuddатисиз

синов мuddати билан ёки синовсиз _____

синов мuddати

Кодлар

Иш тавсифи _____

доимий

доимий, белгиланган мuddатга,
вақтинчалик, мавсумий

Иш тури _____

асосий

асосий, уриндошлик асосида

Меҳнат режими _____

тўлиқ

тўлиқ, қисман иш вақти

Иш кунининг (ҳафтасининг) давомийлиги, с 8 соат

Мутахассислиги, лавозими сотиш ишлари буй. менежер

Маоши (тариф ставкаси), сўм 70 000 сўм

Кўшимча ҳақ, сўм _____

10 000 сўм — овақтланиш учун

10 000 сўм — йўл ҳақи учун

Табель рақами _____

35

Меҳнат шароитлари _____

меъёрида

меъёрида, оғир, зарарли ва бошқ.

Тиббий кўрик хулосаси _____

_____ лавозими
20 _____ й. « _____ » _____

имзоси

имзо распифовкаси

Техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши минимум ва бошқа йўриқномалар
ўқувидан ўтганлиги тўғрисида белгилар

Йўриқнома ўқуви тури	Сана	Ўқув ўтказган шахснинг лавозими ва имзоси
1	2	3

И л о в а . Жорий календарь йили учун ҳисобланган иш ҳақи ва ушланган солиқлар тўғрисида олдинги иш жойидан маълумот.

Раҳбар _____

лавозими

имзоси

имзо распифовкаси

Буйруқ билан танишдим _____

_____ ишчининг имзоси

2007 й. 2 январь

Ташкилот

«НТТМ» МЧЖ

БХУД бўй. шакл

Кодлар

0301002

КТУТ бўй. шакл

17398222

Фото-
сурат
учун
жой

Хуж- жат рақа- ми	Тузиш санаси	Табель рақами	Алфа- внт	Иш тавсифи (доимий, белгилан- ган муддатта, вақтинча- лик, мав- сумий)	Иш тури (асосий, ўрин- дошлик асосида)	Жинси (аёл, эркак)	СТИР
288	2.01.2007 й.	35	А	доимий	асосий	э	202970222

ШАХСИЙ ВАРАҚА

Меҳнат шартномаси (контракт)

санаси 02.01.2007 й.рақами 01

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1. Фамилияси Аҳмедов Исми Мансур Отасининг исми Мираҳмедович
2. Туғилган йили 15 апрель 1955 й.
3. Туғилган жойи Тошкент ш.
4. Фуқаролиги Ўзбекистон Республикаси
5. Тилнинг билиши: она тили ўзбек, рус
- Хориж тилларини билиши
- | | |
|-------------|-----------------------|
| <u>номк</u> | <u>билиш даражаси</u> |
| <u>номк</u> | <u>билиш даражаси</u> |
6. Маълумоти Олий мутахассис

Код

Урта (гунаҳ, умумий), бошланғич мутахассис,
урта мутахассис, олий мутахассис

Ўқув муассасасининг номи	Дипломи, серияси, рақами	Тамомлаган йили
<u>Тошкент халқ хўжалиги институтини</u>	<u>Г-11 № 256695</u>	<u>1979</u>
Диплом бўйича малакаси	Диплом бўйича йўналиши ёки мутахассислиги	
<u>Иқтисодчи</u>	<u>Моддий-техник таъминот ва сотиш</u>	Код

ОУЮдан кейинги
проффессионал таълим

аспирантура, адъюнктура, докторантура

Код

Ўқув, илмий муассасасининг номи	Гувоҳномаси, рақами, берилган санаси	Тамомлаган йили
	Мутахассислиги	
		Код

7. Мутахассислиги Иқтисодчи
асосийси
бошқаси

Код

8. Иш стажы (2 январь 2007 йил ҳолатига):

Умумий	<u>15</u> кун	<u>4</u> ой	<u>24</u> йил
Узлуксиз	<u>15</u> кун	<u>4</u> ой	<u>24</u> йил
Кўп йиллик хизмати учун қўшимча ҳақ ҳукуқини берувчи	<u> </u> кун	<u> </u> ой	<u> </u> йил
	<u> </u> кун	<u> </u> ой	<u> </u> йил

Сана		Ташқилотнинг, таълим муассасасининг номи, унинг жойлашган жойи	Мутахассислиги, лавозими
Келиш	Кетиш		
1	2	3	4
15.08.1979	31.12.2006	Минавтотранс АТШ	Иқтисодчи, булим бошлиғи

9. Никоҳдан ўтганлиги уйланган Код

10. Oilaviy аҳволи

Қариндошлик даражаси (яқин қариндошлари)	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили
1	2	3
турмуш ўртоғи	Аҳмедова Зухра Икромовна	1956

11. Паспорт: СА № 210803 Берилган санаси 2000 й. 18 апрель
 Берилган Тошкент ш. Чилонзор тумани ИИБ томонидан
 паспорт берган органининг номи

12. Яшаш жойи манзили:

Паспорт бўйича

Почта индекси
700097

Тошкент, Чилонзор-6, 35-уй, 24-хонадон
 Телефон рақами

II. ҲАРБИЙ ҲИСОБДА ТУРИШИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

1. Захира тоифаси	_____	6. Яшаш жойи бўйича ҳарбий комиссарнат номи	_____	Чилонзор тумани
2. Ҳарбий унвони	<i>захира рядовойи</i>	7. Ҳарбий ҳисобда туради:	_____	
3. Таркиби (профили)	<i>Аскар</i>	а) умумий (гуруҳ, партия рақами)	_____	
4. ХҲМ тўлиқ кодли белгиси	<i>021101</i>	б) махсус	_____	
5. Ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси	_____	8.	_____	
Кадрлар бўлими ходими	_____	Ҳарбий ҳисобда ўқитилиш ҳақида белги		
Ишчи	_____	_____	_____	_____
	_____	_____	_____	_____
	_____	_____	_____	_____
Тўлдирилган сана	<i>2007 й. 2 январь</i>			

III. ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ

Сана	Таркибий бўлим	Мутахассислиги (лавозими), разряди, малака синфи (тоифаси)	Маоши (тариф ставкаси), қўшимча ҳақ, сўм	Асос	Меҳнат дафтарчаси эгасининг имзоси
1	2	3	4	5	6
<i>02.01.2007 й.</i>	<i>Маркетинг бўлими</i>	<i>савдо ишлари бўйича менежер</i>	<i>70 000</i>	<i>ариза, меҳнат шартномаси</i>	

IV. АТТЕСТАЦИЯ

Аттестация санаси	Комиссия қарори	Ҳужжат (баённома)		Асос
		рақами	санаси	
1	2	3	4	5

V. МАЛАКАНИ ОШИРИШ

Сана		Малакани ошириш тури	Таълим муассасасининг номи, унинг жойлашган жойи	Ҳужжат (гувоҳнома)			Асос
ўқиш бошланиши	ўқиш тугаши			номи	серияси, рақами	санаси	
1	2	3	4	5	6	7	8

VI. КАСБИЙ ҚАЙТА ТАЙЁРГАРЛИГИ

Сана		Мутахас- сислиги (йўналиши, касби)	Ҳужжат (диплом, гувоҳнома)			Асос
қайта тайёргар- ликнинг бошлан- иши	қайта тайёргар- ликнинг туғати		номи	рақами	санаси	
1	2	3	4	5	6	7

VII. РАҒБАТЛАНТИРИШЛАР ВА МУКОФОТЛАР

Мукофот номи	Ҳужжат		
	номи	рақами	санаси
1	2	3	4

VIII. ТАЪТИЛЛАР

Иш даври		Асос	Таъ- тил тури	Асосий таътил иш кун- ларининг миқдори	Қўшимча таътил				Жами таътил кун- лари	Сана		
дан	гача				кунлар миқдори					асосий па қўшимча таътил	11	12
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10			

IX. ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ ХОДИМ ҲАҚЛИ БЎЛГАН
ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗЛАР

Имтиёз номи	Ҳужжат		Асос
	рақами	берилган санаси	
1	2	3	4

XI. ИШДАН КЕТИШИГА АСОС

Ишдан кетиш куни «___» _____ 20___ йил

Буйруқ (фармойиш) № _____ «___» _____ 20___ йилдаги

Кадрлар бўлими ходими _____ лавозими _____ имзоси _____ имзо расмифровкаси _____

Ходим _____

имзоси _____

— касаначи томонидан меҳнат функциялари амалга оширилиши учун асбоб-ускуналар, жиҳозлар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни бериш тартиби;

— хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни қабул қилиш ва топшириш тартиби;

— моддий жавобгарлик шартлари;

— меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шарт-шароитларининг зарур қоидаларига риоя этиш бўйича иш берувчи ва касаначининг мажбуриятлари;

— иш берувчининг буюртмасини бажариш учун касаначининг ўз асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва инвентаридан фойдаланилган тақдирда касаначининг харажатларини қоплаш тартиби ва шартлари;

— иш берувчининг буюртмасини бажариш муносабати билан фойдаланилган касаначининг энергия, сув, алоқа учун харажатларини қоплаш (компенсация) тартиби;

— меҳнат функцияларини амалга ошириши учун касаначига берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарни таъмирлаш бўйича иш берувчининг мажбуриятлари;

— касаначининг айби билан материаллар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар бузилиши билан боғлиқ, шунингдек маҳсулот тўлиқ ёки қисман яроқсизлиги учун зарарни иш берувчига қоплаш шартлари;

— касаначига фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарь, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни инвентаризациядан ўтказиш тартиби ҳамда иш берувчи ва назорат органлари вакилларининг касаначилик меҳнати амалга оширилаётган жойларга кириши шартлари;

— касаначига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (электр энергияси, сув, газ ва ҳоказолар йўқлиги) муносабати билан буюртмани белгиланган муддатларда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда бу ҳақда иш берувчини хабардор қилиш бўйича касаначининг мажбуриятлари ва бошқа шартлар.

Ишга қабул қилинганлик тўғрисида ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзув киритилади. Меҳнат дафтарчаларини олиш, бериш ва сақлаш тартиби АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатга олинган Меҳнат дафтар-

чаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (кейинги ўринларда — 402-сон Йўриқнома) билан тартибга солинади.

Корхона меҳнат дафтарчаси бўлмаган ходимларга меҳнат дафтарчасини бериши керак. Корхоналар меҳнат дафтарчаларини олди-сотди шартномаси асосида маҳаллий меҳнат органларидан сотиб оладилар. Уларни олиш учун штат жадвали бўйича ходимлар сони, бўш лавозимлар сони, меҳнат дафтарчаси берилиши керак бўлган ходимлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза тақдим этилади.

Меҳнат дафтарчасини олган ходимлар корхона кассасига энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдориди ҳақ тўлашлари лозим (402-сон Йўриқноманинг 5.1-банди).

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида меҳнат дафтарчаларини олиш ва ҳисобдан чиқариш харажатлари бухгалтернинг танловига кўра бир неча усул билан акс эттирилиши мумкин:

Корхонанинг меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш ва уларни ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлари акс эттирилади		
	дебет	кредит
I усул		
Меҳнат дафтарчалари сотиб олишга бўнак тўланди	4340-«Бошқа берилган бўнақлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Келиб тушган меҳнат дафтарчалари кирим қилинди	5610-«Пул эквивалентлари»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Бўнакни ҳисобга олиш	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	4340-«Бошқа берилган бўнақлар»
Меҳнат дафтарчаларини етказиб берувчига қолган сумма тўланишининг акс эттирилиши	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Меҳнат дафтарчаларини бериш	9430-«Бошқа операция харажатлар»	5610-«Пул эквивалентлари»

Корхонанинг меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш ва уларни ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлари акс эттирилади		
	дебет	кредит
Ходимнинг меҳнат дафтарчаси учун қарзи акс эттирилди (энг кам иш ҳақининг 10 фоизи)	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	9390-«Бошқа операциялар даромадлари»
Ходим томонидан энг кам иш ҳақининг 10 фоизи тўланди	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»; 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»
Меҳнат дафтарчаси учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинди	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашinishлар»	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»
II усул		
Меҳнат дафтарчалари бланкалари кириш қилинди	1090-«Бошқа материаллар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки 6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Меҳнат дафтарчалари ҳисобдан чиқарилди	9430-«Бошқа операциялар харажатлари»	1090-«Бошқа материаллар»
Меҳнат дафтарчалари бланкалари улар ходимларга берилгунга қадар балансдан ташқарида ҳисобга олинди	006-«Қатъий ҳисобот варақлари»	
Меҳнат дафтарчаси ходимга берилганда ҳисобдан чиқарилди		006-«Қатъий ҳисобот варақлари»
Ходимнинг меҳнат дафтарчаси учун қарзи акс эттирилди (энг кам иш ҳақининг 10 фоизи)	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	9390-«Бошқа операциялар даромадлари»
Ходим томонидан энг кам иш ҳақининг 10 фоизи тўланди	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»; 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»

Меҳнат дафтарчалари қатъий ҳисобда турадиган ҳуж-
жат бўлиб ҳисобланади.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТИЗИМЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тизимлари

Корхона ўз ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ти-
зимини мустақил белгилайди. Танланган тизим Меҳнат-
га ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомда (агар у корхонада мав-
жуд бўлса) ва ходимлар билан тузилган меҳнат шартно-
маларида акс этиши лозим.

Бюджет ассигнациялари ҳисобига молиялаштирилади-
ган корхоналар меҳнатга ҳақ тўлашнинг барча мавжуд
элементлари — тариф-малакавий маълумотнома, тариф
ставкаси, разряд, сетка ва коэффициентдан иборат та-
риф тизимини қўллайдилар. Ягона тариф сеткаси Вазир-
лар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қаро-
ри билан тасдиқланган ва у 22 разряддан ҳамда уларга
мос 22 тариф коэффициентидан иборат.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,000
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг разрядлари	Тариф коэффициентлари
10	5,362
11	5,733
12	6,115
13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

Тижорат корхоналари меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари ва тизимларини, мукофот миқдорини, қўшимча ҳақни, устама ҳақни, рағбатлантирувчи тўловларни ўзларининг молиявий имкониятларидан ҳамда меҳнат бозоридаги конъюнктурадан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдилар. Улар меҳнатга ҳақ тўлашни дифференциациялаш мақсадида, давлат тариф ставкалари ва маошларидан база сифатида ходимларнинг мутахассислиги ва малакасига, улар бажарадиган ишнинг мураккаблик даражасига боғлиқ равишда ва буларни жамоа шартномаларида ёки бошқа локал меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлашда ходимларнинг иш ҳақи улар томонидан ҳақиқий ишланган вақт ва лавозим маошидан (тариф ставкасидан) келиб чиқиб белгиланади. Иш ҳақи ушбу ойда барча иш кунлари ишлангандагина тўлиқ тўланади.

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш қуйидагича бўлиши мумкин:

- оддий вақтбай;
- вақтбай-мукофотли.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг *оддий вақтбай шаклида* иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда штат рўйхатига мувофиқ тариф ставкаси ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Унинг яна соатбай ҳамда кунбай шакллари фарқланади. Иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай (кунбай) ставкасини унинг ҳақиқий ишланган соатлар (кунлар) сонига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Мисол. Реклама бўйича менежернинг лавозим маоши 95 минг сўм миқдорида белгиланган. У февраль ойида 15 иш куни ишлаган.

Февраль ойида 20 иш куни бўлиб, шундан реклама бўйича менежер 15 иш куни ишлаган.

Унинг иш ҳақи миқдорини ҳисоблашдан аввал бир иш кунига тўғри келувчи иш ҳақи миқдорини аниқлаб олиш лозим. 95 минг сўмлик миқдоридаги маошда ҳар бир кундаги иш ҳақи 4 750 сўмни ($95\ 000 : 20$) ташкил қилади. Шунга кўра, менежернинг февраль ойи учун иш ҳақи $4\ 750 \times 15 = 71\ 250$ сўмни ташкил қилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг *вақтбай-мукофотли шаклида* тариф ставкалари (маошлар) бўйича иш ҳақидан ташқари, корхонада Ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомига, жамоа шартномаси ёки корхона раҳбарининг буйруғига (фармойишига) асосан ишлаб чиқилган маълум миқдор ва сифат кўрсаткичларига эришганлик учун мукофотлар ҳам тўланади.

Мукофотлаш ой учун иш якунлари бўйича ёки ишнинг узоқроқ муддатли даври (чорак) учун амалга оширилиши мумкин.

Мисол. Тикувчи бир ойда 24 смена ишлади. Олти оатлик иш кунининг тариф ставкаси — 2 650 сўм. Болалар ссортименти буюмларини тикиш бўйича режани бажаранлик учун иш ҳақидан 12 % миқдорида мукофот, ортиги билан бажаришнинг ҳар бир фоизи учун эса иш ҳақининг

0,7%и тўланади. Тикувчи томонидан ой учун режа 105%га бажарилган.

Мазкур ой учун тикувчининг умумий иш ҳақи тариф ставкаси бўйича иш ҳақининг, болалар кийимини тикиш бўйича режани бажарганлик учун мукофотнинг ҳамда режани ортиғи билан бажарганлик учун мукофотнинг суммасига тенг бўлади.

Тикувчининг бир сменаси тариф ставкаси 2 650 сўм бўлганда ишланган 24 смена учун иш ҳақи 63 600 сўмни ($24 \times 2\,650$) ташкил қилади.

Режани бажарганлик учун мукофот 7 632 сўмни ($12\% \times 63\,600$) ташкил қилади.

Тикувчининг ойлик режаси 105%га бажарилди, шунга кўра унга ортиғи билан бажарилган режанинг 1%и учун иш ҳақининг 0,7%идан иборат режани ортиғи билан бажарганлик учун мукофот тўланиши лозим. Мукофот 2 226 сўмни ($5 \times 0,7 \times 63\,600 : 100$) ташкил қилади.

Умумий иш ҳақи 73 458 сўмга ($63\,600 + 7\,632 + 2\,226$) тенг.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида иш ҳақи иш бирлиги учун белгиланган амалдаги нархлар асосида ҳақиқатда бажарилган иш (тайёрланган маҳсулот) учун ҳисобланади.

Меҳнатни ташкиллаштириш усулига қараб, меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш *якка ва жамоавий (бригадали)* турларга бўлинади.

Меҳнатга якка ишбай ҳақ тўлашда ходимнинг меҳнатини мукофотлаш якка тартибда ишлаб чиқилган маҳсулотнинг миқдорига, сифатига ва ишбай нархига тўла боғлиқ.

Меҳнатга жамоавий (бригадали) ишбай ҳақ тўлашда бутун бригаданинг иш ҳақи ҳақиқатда бажарилган иш ва унинг нархини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, бригаданинг ҳар бир ишчисига ҳақ тўлаш эса бутун бригада томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажмига, умумий иш ҳажмида ишчи меҳнатининг миқдори ва сифатига боғлиқ бўлади.

Иш ҳақини ҳисоблаш усулига боғлиқ равишда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизими қуйидагиларга бўлинади:

- тўғридан-тўғри ишбай;
- ишбай-мукофотли;
- ишбай-ўсиб борувчи;
- эгри;
- аккордли.

Тўғридан-тўғри ишбай шаклида иш ҳақи ўрнатилган ишбай нархларга мувофиқ равишда ҳақиқатда бажарилган иш (тайёрланган маҳсулот) бўйича аниқланади.

Мисол. Тикувчи бир ойда 120 дона иш халатини тикди. Битта халат нархи — 425 сўм.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тўғридан-тўғри ишбай шаклида тикувчининг ойлик иш ҳақи 51 000 сўмни (120 x 425) ташкил қилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-мукофотли шакли меҳнатга ишбай ҳақ тўлашнинг кўпроқ тарқалган тизими бўлиб, унда тўғридан-тўғри ишбай нархлар бўйича иш ҳақидан ташқари, белгиланган кўрсаткичларни (ишнинг сифати, шошилинилик, мижозлар томонидан асосли шикоятларнинг йўқлиги ва бошқ.) бажарганлик ёки ортиги балан бажарганлик учун мукофот қўшимча ҳисобланади. Мукофотлар ишбай иш ҳақи асосида ҳақиқатда ишланган вақт учун ҳисобланади.

Мисол. Чилангар бир ойда 120 дона маҳсулотга ишлов беради, маҳсулотга меҳнат сарфи — 1,7 киши/соати, нархи — 455 сўм, ишлаб чиқариш меъерини бажарганлик учун ишбай иш ҳақининг 5%и ва меъеридан ортиқ бажаришнинг ҳар бир фоизи учун ишбай иш ҳақининг 1%и миқдоридан мукофот кўзда тутилган. Чилангар 8 соатдан 24 смена ишлади.

Тўғридан-тўғри ишбай иш ҳақи 54 600 сўмни (120 x 455) ташкил қилади. Деталларга ишлов беришга кетган вақт 192 соатни (8 соатдан 24 смена) ташкил қилди, маҳсулотга меҳнат сарфи — 1,7 киши/соати, шу тариқа вақт меъерини бажариш — $106,3\% [(120 \times 1,7) : (24 \times 8) \times 100]$.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат маънавият унитар корхонаси
Иш 594005-1

Вақт меъёрини бажарганлик учун чилангарга ишбай иш ҳақидан 5 % миқдориди мукофот тегиб, у 2 730 сўмни (54 600 x 5 %) ташкил қилади. Режа 6,3 %га ортиги билан бажарилганлиги сабабли, режани ортиги билан бажарганлик учун мукофот ҳам — 3 439,8 сўм (54 600 x 6,3 %) тўланади.

Чилангарнинг умумий иш ҳақи 60 769,8 сўмни (54 600 + 2 730 + 3 439,8) ташкил қилади.

Ишбай-ўсиб борувчи шаклда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган чиқувчи меъёр (база) доирасида тўғридан-тўғри ишбай нархлар бўйича, бу меъёрдан юқориси эса кўтарилган нархлар бўйича амалга оширилади. Ишбай нархларнинг ошиб бориши ҳар бир ҳол учун махсус шкала бўйича аниқланади. Масалан, чиқувчи меъёр 1 дан 10 %гача ортиқ бажарилганда ишбай нарх 30 %га кўпаяди, 10 дан 30 %гача бўлганда — 50 %га ва ҳ. к.

Мазкур тизимда қўшимча ҳақ тўлаш турлича усуллар билан белгиланади. Энг оммабопи бўлиб қуйидаги усул ҳисобланади:

— тўғридан-тўғри нархлар бўйича, бажарилган ишнинг бутун ҳажми учун ҳисобланган иш ҳақининг бир қисми аниқланади;

— олинган миқдор ишлаб чиқариш меъёрини ортиги билан бажариш фоизига ҳамда ишбай нархнинг ортиб бориш коэффициентига (коэффициент ўсиб борувчи тарзда ҳақ тўлашнинг амалдаги шкаласидан олинади) кўпайтирилади.

Мисол. Асосий ишлаб чиқариш ходими ойига 300 бирлик маҳсулот тайёрлади. Маҳсулот бирлиги учун ишбай нарх 250 бирликкача — 525 сўмни, 250 дан 300 бирлик атрофида — 570 сўмни, 300 дан 330 бирлик атрофида эса — 585 сўмни ташкил этади.

Бунда иш ҳақини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

белгиланган меъёр доирасида тайёрланган маҳсулот учун иш ҳақи миқдори аниқланади: $250 \text{ бирлик} \times 525 \text{ сўм} = 131\,250 \text{ сўм};$

белгиланган меъёрдан ортиқ тайёрланган маҳсулот учун иш ҳақи миқдори аниқланади: $50 \text{ бирлик} \times 570 \text{ сўм} = 28\,500 \text{ сўм};$

тайёрланган маҳсулот учун иш ҳақининг умумий суммаси аниқланади: $131\,250 + 28\,500 = 159\,750$ сўм.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгри ишбай шакли қоидага кўра фаолиятининг натижалари асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатининг самарадорлигига таъсир этадиган ёрдамчи ишларни бажарувчи ходимлар — технологик ускуналарни ўрнатувчилар, чегачи-таъмирловчилар, усталар ёрдамчилари ва бошқа ёрдамчи ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун қўлланилади.

Мисол. Ёрдамчи ишларда машғул бўлган ходимга асосий ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг иш ҳақидан 40 % ҳисобланади. Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг ойлик иш ҳақи 200 минг сўмни ташкил қилди.

Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақлари ойига 200 минг сўмни ташкил қилгани учун, ёрдамчи ишларда машғул бўлган ходимга 80 минг сўм (200 минг сўм x 40 %) ҳисобланади.

Ҳақ тўлашнинг аккордли тизими ишнинг бутун ҳажми (комплекси) учун иш ҳақи миқдорини белгилаб, аккордли вазифаларни бажариш муддатини қисқартирганлик учун мукофотни ўз ичига олади. Ишларнинг умумий қиймати бунда вақт (ишлаб чиқариш) меъёри ва нархлар асосида аниқланади. Бригадага асосий ва ёрдамчи ишларнинг бутун комплексини кўзда тутувчи аккорд топшириғи берилади. Топшириқда ишларнинг бошланиши ва тугалланиши, шунингдек иш ҳақи ва сифатни ҳисобга олган ҳолда мукофот суммалари кўрсатилади. Ишни муддатидан илгари бажаришда мукофот суммаси аввалдан маълум бўлади. Аккордли тизим узоқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган ишларда, масалан қурилиш соҳасидаги, автотранспорт корхоналарида қўлланилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизими

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимини қўллаганда ходимнинг иш ҳақи миқдори, ҳар доим бўлим ёки бутун корхона ишининг якуний натижаларига боғлиқ

бўлади ва уларга мувофиқ иш ҳақининг умумий жамғармаси аниқланади.

Тарифсиз тизимдан фойдаланилганда меҳнатга ҳақ тўлашнинг миқдори корхонанинг молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Бунда, фақатгина ходимнинг ойлик иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги қонунчилик билан белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги (вақт меъёри тўлиқ бажарилиши ва меҳнат меъёрлари бажарилиши шарти билан) кафолатланади.

Тарифсиз тизимлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сузиб юрувчи маошлар тизимини;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг комиссия шаклини.

Сузиб юрувчи маошлар тизими шунга асосланадики, ходимларнинг меҳнати натижаларига (меҳнат самарадорлигининг ўсиши ёки пасайишига, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатининг ошиши ёки пасайишига, меҳнат меъёрларини бажариш ёки бажармасликка ва бошқ.) боғлиқ ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариш вазифасини бажариш шарти билан тариф ставкасида (лавозим маошида) даврий ўзгартиришлар амалга оширилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг комиссия шакли қоидага кўра корхонанинг сотиш бўлими, ташқи иқтисодий фаолият хизмати ходимларига, реклама агентларига ва бошқаларга қўлланилади.

Ходимлар меҳнатига улар фаолиятининг самарадорлигига қараб комиссия ҳақ тўлашнинг турли хил кўринишлари мавжуд. Аниқ бир усулни танлаш корхона қандай мақсадларни кўзлаётганлигига, шунингдек сотилаётган товар хусусиятлари, бозор таснифи ва бошқа омилларга боғлиқ.

Масалан, агар корхона сотишнинг умумий ҳажми максимал ошишига интилаётган бўлса, у ҳолда қоидага кўра сотиш ҳажмидан қатъий белгиланган фоиз кўринишида комиссия ҳақ ўрнатилади.

Мисол. Косметика маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи ходимнинг иш ҳақи, томонлар келишувига биноан сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмидан 10 % миқдориди белгиланган. Ой давомида ходим томонидан 800 минг сўм миқдориди маҳсулот сотилган.

Шунга мувофиқ ходимнинг иш ҳақи 80 минг сўмни (800 x 10 : 100) ташкил қилди.

Агарда корхона бир неча маҳсулот кўринишига эга бўлса-ю, улардан бири кўпроқ сотилишини истаса, унда у маҳсулотнинг бу кўриниши учун каттароқ комиссия фониз ўрнатиши мумкин ва ҳ. к.

ТУРЛИ ХИЛ ШАРТЛАРДА ҲАҚ ТЎЛАШ

Ишлаб чиқариш меъёрини бажармаганда меҳнатга ҳақ тўлаш

Ходимнинг айби билан ишлаб чиқариш меъёри бажарилмаган тақдирда тайёрланган маҳсулот учун ҳақ ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланади.

Мисол. Дурадгорлик цехи ходими учун ўрнатилган ишлаб чиқариш меъёри соатига 2 маҳсулот бирлигини ташкил қилади. Маҳсулот бирлиги учун ишбай нарх — 1 500 сўм.

Ишнинг нормал шароитларида бутун иш куни (8 соат) давомида цех ходими ҳақиқатда соатига бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқарди.

Ҳақиқатда ишлаб чиқариш меъёри 50%га бажарилди, чунки соатига 2 маҳсулот ўрнига ходим битта ишлаб чиқарди. Жами у томонидан 8 маҳсулот тайёрланди. Ходимнинг кун учун иш ҳақи ҳақиқатда бажарилган ишдан келиб чиқиб аниқланади ва 12 000 сўмни (8 x 1 500) ташкил қилади.

Корхона раҳбарияти (мулкдорлари) ишлаб чиқариш (вақт) меъёрини бажариш учун нормал шароитларни яратиб бериши даркор. Агар бундай шароитлар яратилмаган ва меъёр ходимнинг айби билан бўлмаган сабабларга кўра бажарилмаган бўлса, у ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Бўш туришларга ҳақ тўлаш

Бўш туриш — бу ишдаги мажбурий танаффус вақти бўлиб, унинг давомида ходимлар корхонада бўлсалар ҳам ишлаб чиқариш жараёнига жалб этила олмайдилар.

Бўш туришда айбдорлар цех ходимлари ва раҳбарияти, шунингдек материаллар, энергия ва шу кабиларни ташқи етказиб берувчилар бўлиши мумкин.

Ходимнинг айби билан бўш туришга ҳақ тўланмайди.

Ходимнинг айби билан бўлмаган бўш туришда унинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Бўш туриш қўйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

- бўш туриш ҳақида варақа;
- бўш туриш ҳақида далолатнома.

Бўш туриш ҳақида варақа билан смена ичидаги бўш туришлар иш вақти табелига белги (В ҳарфи) қўйиш орқали расмийлаштирилади.

Бўш туриш ҳақида далолатнома билан қоидага кўра ташқи сабаблар билан боғлиқ бутун сменали бўш туришлар расмийлаштирилади. Иш вақти табелида улар П ҳарфи билан белгиланади.

2007 йил 4 июндаги

028-сонли бўш туриш ҳақида далолатнома

№ 12 қурилиш майдонида («Мусиқа коллежи» объекти) Алимов Н.М.нинг 2007 й. 4 июнь соат 8.30 дан 2007 й. 6 июнь соат 17.00 гача бўш туриши қайд этилди.

Бўш туришнинг давомийлиги: 3 тўлиқ иш кўни (24 соат).

Бўш туришнинг сабаби: кўтарма краннинг носозлиги.

Айбдор шахслар: бош механик бўлими.

Бўш туришнинг тури: ички, иш берувчининг айби билан.

12-сонли майдон иш бошқарувчиси Толкалин Н.Ч.

Илова:

1. Бўш турган ходимлар рўйхати;

2. Бўш туришдан кўрилган йўқотишларнинг ҳисоби (ижтимоий суғуртага ажратмалар билан биргаликда бўш туриш вақтига ҳақ тўлаш, амортизация ва бошқа йўқотишлар). Ҳисоб-китоб корхона бухгалтерияси билан биргаликда амалга оширилади.

Мисол. Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходими 8 соатлик иш кунинда кун давомида 4 соат бўш турди. Ходимнинг соатлик тариф ставкаси 5 250 сўм. Бўш туриш ходимнинг айби билан рўй бермади ва бу ҳақда бўлим раҳбарияти ўз вақтида хабардор қилинди.

Бўш туриш ходимнинг айби билан бўлмаган сабабга кўра рўй бергани учун унинг ўртача иш ҳақи сақланади. Шу тариқа, ходимнинг бўш қолган вақти учун иш ҳақи миқдори $5\,250 \times 4 = 21\,000$ сўмни ташкил қилади.

Ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бўш туришдан йўқотишлар умумишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади ва фойда солиғи бўйича солиқ солиш базасини камайтиради.

Яроқсиз маҳсулотни тайёрлаганда меҳнатга ҳақ тўлаш

Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот — бу технологик шартларни бузиш билан тайёрланган, ўрнатилган стандартлар ёки техник шартлар талабларига жавоб бермайдиган ҳамда ундаги мавжуд камчиликлар сабабли бевосита мақсадга кўра фойдаланиб бўлмайдиган маҳсулотдир.

Яроқсиз маҳсулот қисман ва тўлиқ турга бўлинади. Қисман яроқсиз маҳсулотда маҳсулотга қўшимча ишлов берилгандан (тузатилгандан) кейин бевосита мақсадга кўра фойдаланиб бўлади. Маҳсулотдан фойдаланиб бўлмайдиган ва унга қўшимча ишлов бериш сезиларли харажатларни талаб этгани учун мақсадга номувофиқ бўлган тақдирда, яроқсиз маҳсулот тўлиқ (тузатиб бўлмайдиган) ҳисобланади.

Ходимнинг айби билан бўлмаган сабабга кўра йўл қўйилган яроқсиз маҳсулотга ўртача иш ҳақи миқдориди ҳақ тўланади.

Ходимнинг айби билан йўл қўйилган қисман яроқсиз маҳсулотга жамоа шартномасида ўрнатилган, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда иш беврувчи томонидан белгиланган камайтирилган нархлар бўйича ҳақ тўланади.

Мисол. Ишбай ишловчи ходим кун давомида 40 та бутловчи қисм тайёрлади. Ўртача нарх — 2 500 сўм. Текширувда 15 та бутловчи қисм қисман тўғрилаб бўладиган яроқсиз маҳсулотга эгаллиги аниқланди. Жамоа шартномаси шартларига кўра, қисман яроқсиз маҳсулотга ўрнатилган ишбай нархнинг 70 %идан келиб чиқиб ҳақ тўланади.

15 та яроқсиз бутловчи қисм учун ходимнинг иш ҳақи $2\,500 \times 0,70 \times 15 = 26\,250$ сўмни ташкил этади.

Яроқсиз бўлмаган маҳсулотга тўлиқ ставкада ҳақ тўланади: $(40 - 15) \times 2\,500 = 62\,500$ сўм.

Ходимнинг кун учун умумий иш ҳақи — 88 750 сўмни $(26\,250 + 62\,500)$ ташкил этади.

Ходимнинг айби билан юзага келган тўлиқ яроқсиз маҳсулотга ҳақ тўланмайди.

ҚЎШИМЧА ҲАҚЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

Тунги вақтдаги иш учун қўшимча ҳақ тўлаш

Тунги вақт бўлиб соат 22.00 дан эрталабки соат 6.00 гача бўлган оралиқ ҳисобланади.

Тунги вақтда ишлаганда, агар ходим учун ўрнатилган кундалик иш (смена) давомийлигининг ярмидан кўп қисми тунги вақтга тўғри келса, иш ҳафтасининг давомийлиги қисқартирилган ҳолда ишнинг (сменанинг) ўрнатилган давомийлиги бир соатга қисқартирилади.

Тунги вақтдаги иш корхонада ўрнатилган бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва тун вақтида ишланган ҳар бир соат учун унинг бир ярим баробаридан кам бўлмаган миқдорида ҳақ тўланади. Яъни тунги вақтдаги иш учун қўшимча ҳақ миқдори соатлик ставканинг 50 %идан кам бўлмаслиги керак.

Мисол. Ой давомида ишчи тунги иш режимида 76 соат ишлади. Соатлик тариф ставкаси — 625 сўм.

625 сўмлик соатлик ставкада ходимнинг тунги вақт учун энг кам меҳнат ҳақи миқдори 71 250 сўмни (76 x 625 x 1,5) ташкил этиши лозим.

Меҳнат кодекси қўшимча ҳақнинг юқорисини чекламай, балки фақатгина қуйи чегарасини белгилаб берди. Корхоналар эса ўзларининг локал ҳужжатларида, масалан, Жамоа шартномасида ёки Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомида тунги вақтдаги иш учун қонунчиликда белгиланганидан ортиқ миқдорда қўшимча ҳақ тўлашни назарда тутишлари мумкин.

Тунги вақтдаги иш учун устама ҳақ ва қўшимча ҳақ суммалари, қўшимча тўловларнинг миқдорини ҳисобга олмай ва уларни қонунчилик билан ўрнатилган меъёрлар билан мувофиқлаштирмай, ишлаб чиқариш тусидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ёки давр харажатлари таркибига киради. Бинобарин, қўшимча ҳақлар, миқдоридан қатъи назар, ҳеч қандай солиқ оқибатларисиз маҳсулотнинг таннархига ёки давр харажатларига қўшилиши керак.

Амалиётда корхоналар икки сменали режимда ишлайдилар: соат 7.30 дан 16.00 гача — кундузги смена ва соат 14.00 дан 22.20 гача — кечки смена. Лекин амалдаги қонунчиликда фақатгина тунги вақтдаги, яъни соат 22.00 дан 6.00 гача бўлган иш учун кўпроқ ҳақ тўлаш зарурлиги кўзда тутилган. Кечки вақтдаги иш учун умумий қондага кўра қўшимча ҳақ тўланмайди. Бироқ корхоналар кечки сменадаги иш учун ўз ходимларига қўшимча ҳақ тўлашни тегишли локал ҳужжатларни (буйруқ, фармойиш) расмийлаштириш орқали мустақил белгилашлари мумкин.

Қуйидагиларнинг тунги вақтда ишлашига йўл қўйилмайди:

— ҳомиладор аёллар ва қарамоғида 14 ёшгача бўлган болалари (16 ёшгача бўлган ногирон болалари) бор аёллар;

— 18 ёшдан кичик бўлган шахслар;

— қолган тоифадаги ходимлар қонунчиликка мувофиқ.

Хизмат вақтидан ташқари вақтдаги иш учун қўшимча ҳақ тўлаш

Хизмат вақтидан ташқари иш бўлиб иш кунининг ўрнатилган давомийлигидан ташқари бажарилган ишлар ҳисобланади. Бунда иш, ходим ўзининг асосий ишини ёки унинг мажбурияти доирасига кирмайдиган ишни бажаришидан қатъи назар, хизматдан ташқари ҳисобланади.

Хизмат вақтидан ташқари ишга кетган вақт иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели, топшириқлар, ҳисоб-китоб-маълумотнома билан расмийлаштирилади ва унга икки баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Ҳақ тўлашнинг аниқ миқдори жамоа шартномаси билан ўрнатилади, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда корхона раҳбарияти томонидан белгиланади.

Ходимнинг хоҳишига кўра, хизмат вақтидан ташқари иш унга ишланган хизмат вақтидан ташқари соатлар йиғиндиси миқдориди дам бериш йўли билан қопланиши мумкин. Хизмат вақтидан ташқари иш дам бериш билан қопланганда, бундай ишга ҳақ тўлаш бир баробардан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Қуйидагиларнинг хизмат вақтидан ташқари ишлашига йўл қўйилмайди:

— ҳомиладор аёллар ва қарамоғида 14 ёшгача бўлган болалари (16 ёшгача бўлган ногирон болалари) бор аёллар;

— 18 ёшдан кичик бўлган шахслар;

— қолган тоифадаги ходимлар қонунчиликка мувофиқ.

Хизмат вақтидан ташқари ишлар ҳар бир ходим учун кетма-кет 2 кун мобайнида 4 соатдан (зарарли ва оғир меҳнат шароитларидаги ишларда — кунига 2 соатдан), йилига эса 120 соатдан ошмаслиги керак. Иш сменаси 12 соатдан давом этганда, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларидаги ишларда хизмат вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Хизмат вақтидан ташқари иш учун тариф ставкалари ва маошларга қўшимча ҳақлар ишлаб чиқариш таннарихига ёки давр харажатларига қўшилади.

Мисол. Ой давомида ходим хизмат вақтидан ташқари 6 соат ишлади. Соатлик тариф ставкаси — 625 сўм.

Ходимга хизмат вақтидан ташқари ишлаган соатлари учун энг кам қўшимча ҳақ 7 500 сўмни (6 x 625 x 2) ташкил этади.

Хизмат вақтидан ташқари иш учун қўшимча ҳақ тўлаш ходимнинг ялпи даромадига қўшилади ва қуйидагиларга солиш объекти бўлиб ҳисобланади:

— жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа;

— ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмаларга;

— фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий ажратмаларга.

Дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун қўшимча ҳақ тўлаш

Баъзи бир вазиятларда, меҳнат қонунчилигига кўра ходимларни дам олиш кунларида (умумий дам олиш куни бўлиб якшанба ҳисобланади) ва байрам кунларида ишга жалб этишга руҳсат берилади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1 январь — Янги йил;

8 март — Хотин-қизлар куни;

21 март — Наврўз байрами;

9 май — Хотира ва қадрлаш куни;

1 сентябрь — Мустақиллик куни;

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

8 декабрь — Конституция куни;

«Рўза хайит» (Ийд-ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи куни;

«Қурбон хайит» (Ийд-ал-Адҳа) диний байрамнинг биринчи куни.

Байрам кунларидаги ишларга икки баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Ҳақ тўлашнинг аниқ миқдори жамоа шартномаси билан ўрнатилади, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда корхона раҳбарияти томонидан белгиланади.

Мисол. Ишбай ишловчи ишчи дам олиш куни ишлади ва 10 бирлик маҳсулот тайёрлади. Маҳсулот бирлиги учун ишбай нарх — 520 сўм.

10 бирлик маҳсулот тайёрлагани учун ходим 5 200 сўм (520 x 10) ишлади. Лекин дам олиш кунларида ишлаганлиги учун унга икки баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланиши лозим бўлгани учун ходимнинг иш ҳақи $5\ 200 \times 2 = 10\ 400$ сўмни ташкил этади.

Дам олиш кунларидаги ишга қўшимча ҳақ тўлаш суммалари ходимнинг ялпи даромадига қўшилади ва даромад солиғи солинади. Ҳисобланган даромад солиғи суммаси ШЖБПҲга (даромаддан 1%) ажратмалар суммасига камаяди. Шунингдек, қўшимча ҳақ суммаларига ягона ижтимоий тўлов ҳисобланади ва фуқароларнинг сугурта бадаллари ушлаб қолинади.

Дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларидаги иш учун тариф ставкалари ва маошларга устамалар ва қўшимча ҳақларни ҳисоблашда шуни назарда тутиш керакки, ушбу харажатлар технологик жараённинг графикада назарда тутилган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришдаги ишчиларга тўланадиган қўшимча ҳақ суммалари, қўшимча тўловларнинг миқдорини ҳисобга олмай ва уларни қонунчилик билан ўрнатилган меъёрлар билан мувофиқлаштирмай, ишлаб чиқариш

тусидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига ки-
ради, яъни қўшимча ҳақлар, миқдоридан қатъи назар,
ҳеч қандай солиқ оқибатларисиз маҳсулотнинг таннар-
хига қўшилиши керак.

Ходимнинг хоҳишига кўра, дам олиш ёки байрам ку-
нидаги иш учун ҳақ тўлаш унга бошқа дам олиш кунини
тақдим этиш йўли билан қопланиши мумкин. Дам олиш
ёки байрам кундаги иш унга бошқа кун дам бериш
йўли билан қопланганда, бундай ишга ҳақ тўлаш бир
баравардан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Сайёр ва қатнов тусидаги ишлар учун устамалар

Республиканинг бутун ҳудуди бўйича сайёр тусдаги
ишлар учун устамалар корхонада белгиланган тариф став-
калари, лавозим маошларининг (коэффициентлар ва
қўшимча тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда) 30 фоизи-
гача миқдорда ҳисоблаб чиқарилади. Сайёр тусдаги ишлар
учун устамаларнинг аниқ миқдори тузилган жамоа шарт-
номаси (меҳнат шартномаси)га мувофиқ белгиланади.

Доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга
бўлган ходимларнинг харажатларини тўлаш учун, шунинг-
дек улар хизмат кўрсатадиган участкалар доирасидаги
хизмат сафарларида қуйидаги миқдорларда устама тўла-
нади:

— йўлда ишларни бажариш билан боғлиқ сафарлар-
да — 1,5 %, йўловчи поездда, почта-юк поездда, йўлов-
чи поезди ва почта вагонларидаги вагон-ресторан (кафе-
тамаддихоналар)да хизмат кўрсатадиган ходимларга — бир
сутка учун ойлик тариф ставкаси ёки лавозим маоши-
нинг 3 %и;

— бир ойда 12 ва ундан ортиқ кун сафарда бўладиган
ходимларга — ойлик лавозим маоши (тариф ставкаси)-
нинг 20 %и, агар бир ойда 12 кундан кам сафарда бўлса,
бир сутка учун ойлик лавозим маоши (тариф ставкаси)-
нинг 1,5 %и;

— бир кун ичида ишдан ташқари вақтда корхона (унинг
бўлинмаси) ёки тўпланиш пункти жойлашган жойдан иш

жойигача бориш ва қайтиш сафарлари камида 3 соат вақт-ни олган ҳолларда — сайёр тусдаги ишлар учун устама ойлик тариф ставкаси (маош)нинг 20 %и, камида 2 соатни олса — ойлик тариф ставкаси (маош)нинг 5 %игача миқдорда белгиланади. Устамаларнинг аниқ миқдори тузилган жамоа шартномаси (меҳнат шартномаси)га мувофиқ белгиланади;

— ходим ишлайдиган корхона жойлашган жойдан чиқиб кетган пайтдан бошлаб қайтишигача ҳар бир сутка учун 1,5 ва 3 % миқдоридagi устама тўланади. Бунда ходим томонидан поездда (шаҳар атрофига қатнайдиغان поездда хизмат кўрсатадиган ходимлардан ташқари) 12 соатдан кўп, лекин тўлиқ суткадан кам ўтказилган вақт бир сутка деб ҳисобга олинади.

Республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ошмайдиган устама суммасига жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинмайди.

Белгиланган меъёрлардан ортиқча тўловлар ходимнинг даромади ҳисобланиб, уларга умумбелгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинади.

Мазкур устамаларга ягона ижтимоий тўлов ва мажбурий суғурта бадаллари ҳисобланмайди.

Чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларидаги ишлар учун тўловлар

Ишлаш ва яшаш қўшимча харажатлар, ходимларга оширилган харажатлар талаб этадиган табиий-иқлим шароитларида уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори туман коэффицентлари орқали тартибга солинади (оширилади). Туман коэффиценти юқори тоғ, сувсиз ва чўл туманларда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақига нисбатан қўлланади.

Туман коэффиценти шахсий устама ва кўп йиллик хизмати учун мукофотлардан ташқари ходимларнинг ҳақиқатда ишланган иш ҳақига ҳисобланади. Коэффицент ҳисобланадиган иш ҳақи таркибига тариф бўйича тўлов, қўшимча тўловлар, ишдан ташқари вақтда ишла-

ганлик учун тўлов ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида на- зарда тутилган мукофотлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентябрдаги 407-сон қарорининг 4-бандига ва Солиқ кодексининг 181-моддасига биноан чўл ва сув- сиз жойларда, баланд тоғли жойларда ишлаганлик учун туман коэффицентларини ҳисоблаш учун энг юқори миқдор — республика ҳудудида белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланган.

Энг кам иш ҳақи миқдори 37 680 сўм бўлганда (2009 йил 1 декабрдан бошлаб), коэффицент ҳисобла- надиган иш ҳақининг энг юқори суммаси 150 720 сўмни ташкил қилади.

Йил мобайнида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, туман коэффиценти бўйича энг кам иш ҳақи миқдори ўзгаргунга қадар ҳисобланган устамалар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Ушбу коэффицентларнинг миқдорлари республика ҳукумати томонидан белгиланади.

Туман коэффиценти бўйича тўловлар корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўз маблағлари ҳисоби- дан ва уларнинг чегарасида амалга оширилади.

Туман коэффицентлари бўйича ҳисоблаш ва тўлаш тартиби мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, таш- килот ва муассасалар, шу жумладан хорижий инвести- циялар иштирокидаги корхоналарда татбиқ этилади.

Мисол. Навоий шаҳридаги корхона сувсиз чўл туманда жойлашган. Ходимларнинг иш ҳақи: 200 000 сўм, 150 720 сўм, 37 680 сўмни ташкил қилади.

Навоий шаҳри ҳудудида барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақига нисбатан туман коэффиценти 1,20 миқдорида белгиланган.

Навоий шаҳридаги туман коэффиценти бўйича ходим- ларнинг иш ҳақига нисбатан устамаларнинг энг юқори миқ- дори $150\,720 \times 0,2 = 30\,144$ сўмни ташкил қилади.

1. Агар ходимга ҳисобланган иш ҳақи 200 000 сўмни таш- кил қилса, яъни республикада белгиланган энг кам ойлик

иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан ошса, коэффициент унинг энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорини ташкил қилувчи қисмига ҳисобланади.

Иш ҳақиға нисбатан туман коэффициенти бўйича устама $150\ 720 \times 0,2 = 30\ 144$ сўмни ташкил қилади.

Туман коэффициенти ҳисобға олинган ҳолда ҳисобланган иш ҳақи $230\ 144$ сўмни ($200\ 000 + 30\ 144$) ташкил қилади.

2. Агар иш ҳақи $150\ 720$ сўмға тенг бўлса, иш ҳақиға нисбатан туман коэффициенти бўйича устама $150\ 720 \times 0,2 = 30\ 144$ сўмни ташкил қилади.

Туман коэффициенти ҳисобға олинган ҳолда ҳисобланган иш ҳақи — $180\ 864$ сўм ($150\ 720 + 30\ 144$).

3. Агар ҳисобланган иш ҳақи суммаси $37\ 680$ сўмни ташкил қилса, яъни туман коэффициенти бўйича ҳисоблаш учун белгиланган энг юқори суммадан ошмаса, коэффициент ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан қўлланади.

Иш ҳақиға нисбатан туман коэффициенти бўйича устама $37\ 680 \times 0,2 = 7\ 536$ сўмни ташкил қилади.

Туман коэффициенти ҳисобға олинган ҳолда ҳисобланган иш ҳақи $45\ 216$ сўмни ($37\ 680 + 7\ 536$) ташкил қилади.

Корхоналар туман коэффициентлари бўйича тўловлардан ташқари қўшимча равишда нохуш табиий-иқлим шароитларидаги иш стажи учун устамалар тўлашлари мумкин. Бунда юқори тоғ, сувсиз ва чўл шароитларидаги иш стажи учун устамаларни тўлаш бўйича ҳеч қандай чекловчи миқдорлар қонунчилик билан белгиланмаган. Нохуш табиий-иқлим шароитларидаги иш стажи учун устамалар тўлаш тартиби муайян корхонанинг молиявий имкониятларига боғлиқ ҳолда касаба уюшмаси ёки ходимларнинг ваколатли бошқа органи билан келишилган ҳолда жамоа шартномасида (бошқа локал ҳужжатларда) белгиланади.

Юқори тоғ, сувсиз ва чўл туманларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловларға жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг минимал ставкаси бўйича солиқ солинади.

Мисол. Ходимнинг маоши 350 минг сўмни ташкил қилади. Оғир иқлим шароитларига эға бўлган жойдаги иш учун унга $1,2$ коэффициент бўйича устама тўланмоқда. Кор-

хона қўшимча равишда иш стажи учун 70 минг сўм миқдо-
рида устама тўламоқда.

Иш ҳақи суммаси ва иш стажи учун устамадан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган тартибда ушлаб қолинади (шкала бўйича). Январь ойи учун солиқ суммаси 59 995,2 сўмни ташкил этади $[50\,491,2 + (420\,000 - 376\,800) \times 22\%]$.

Ходимнинг маоши энг кам иш ҳақининг 4 бараваридан ошишини ҳисобга олиб, коэффициент бўйича қўшимча тўлов суммаси 150 720 сўмдан келиб чиқиб ҳисобланади ва 30 144 сўмни ташкил қилади. Коэффициент бўйича устама суммасидан даромад солиғи 3 315,84 сўмга тенг $(30\,144 \times 11\%)$.

Январь ойи учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг умумий суммаси 63 311,04 сўмга тенг $(59\,995,2 + 3\,315,84)$.

Ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари умумий даромад суммаси — 450 144 сўмдан $(350\,000 + 30\,144 + 70\,000)$ ҳисоблаб чиқарилади.

Шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация

Кўп ҳолларда ходимлар шахсий автомобилларидан хизмат мақсадларида фойдаланадилар. Бундай вазиятда корхона шахсий автомобиллардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериши мумкин.

Қонунчиликда автомобиль маркасига қараб компенсациянинг қуйидаги меъёрлари ўрнатилган:

Автомобиль маркаси	Энг кам иш ҳақиға баробар ойлик компенсациянинг юқори чегараси
ГАЗ-24, 31	6
ВАЗ, Нексия, Москвич	5
Тико	3
Бошқа хориж маркалари	4

Корхона компенсациянинг бундан юқорироқ миқдорини ҳам белгилаши мумкин. Компенсациянинг аниқ

миқдори, шунингдек уни тўлаш тартиби жамоа шартнома-си ёки томонлар келишувига асосан ўрнатилади. Бироқ компенсациянинг қонунчилик билан ўрнатилганидан ортиқ суммаси ходимнинг ялпи даромадига қўшилади ва унга жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинади.

Мисол. Корхона ходими доимий равишда ўзининг ВАЗ-2110 автомобилида хизмат сафарларига (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш учун) қатнади. Корхона раҳбари ходимнинг транспорт харажатларини оёига 200 минг сўм миқдорида қоплаб беришга қарор қилди.

ВАЗ автомобиллари учун компенсациянинг юқори миқдори энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида ўрнатилган, яъни энг кам иш ҳақи миқдори 37 680 сўм бўлганда – 188 400 сўм (37 680 × 5). 11 600 сўм (200 000 – 188 400) бўлган меъёрдан ортиқ қисмидан эса жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ушлаб қолиниши керак.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Компенсация тўлаш учун банкдан кассага пул маблағлари олинди	200	5010	5110
2	Компенсация тўлови ва ҳисобдан чиқарилиши амалга оширилди	200	9430	5010

Корхонада компенсация тўловлари бошқа операция харажатлар таркибига қўшилади ва фойда солиғи бўйича солиқ солиш базасини аниқлашда чегирилади. Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда эса ушбу харажатлар ҳисобга олинмайди.

Хизмат сафарлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун бошқа мол-мулкидан фойдаланганлик учун тўловларга ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солинмайди.

Ходимлар томонидан давлат ёки жамоат мажбуриятлари бажарилганда улар меҳнатига ҳақ тўлаш

Ходимларнинг давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ кафолатли тўловлар корхонанинг иш ҳақи жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Ходимларнинг давлат ёки жамоат мажбуриятларини, шунингдек жамоатчилик манфаатларидаги хатти-ҳаракатларни бажаришда ўтадиган вақтлари учун ўртача ойлик иш ҳақи суммаси охириги икки календарь ойидаги ўртача иш ҳақи суммаларидан келиб чиқиб аниқланади.

Мисол. Ходимнинг маоши 200 минг сўмни ташкил қилади. Сентябрьда унга 50 минг сўм миқдорида мукофот ҳисобланган эди. Октябрда уни 1 ой муддатга ҳарбий йиғинларда қатнашиш учун юборишмоқда.

Ҳарбий йиғинларда қатнашиш вақти учун компенсация ходимга 225 минг сўм $[(200 + 200 + 50) : 2]$ миқдорида тўланиши керак.

Давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажариш чоғида тариф ставкаларининг, лавозим маошларининг миқдори ошган тақдирда, тўлов суммаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларида корхона иш кунларига тўғри келувчи иш кунларининг ҳақиқий миқдори учун қайта ҳисобланади.

Ходимлар томонидан давлат ёки жамоат мажбуриятларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган кафолатли тўловлар суммасига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар солинади.

Дала таъминоти

Ишларни дала шароитида бажаришни режаларида назарда тутган отрядлар, нефть қидириш участкалари, геология-қидириш, топография-геодезия партиялари ва экспедициялари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-тадқиқот ва шу каби бошқа ташкилотлар таркибида ишлар бажараёт-

ган ходимларнинг қўшимча харажатларини компенсациялаш мақсадида корхоналар дала таъминоти тўлайдилар.

Дала таъминотини тўлаш шартлари, тартиби ва унинг миқдорлари 2008 йилнинг 5 сентябрига қадар Меҳнат вазирлиги томонидан 1993 йил 2 июнда 6/24-сон билан тасдиқланган Дала (экспедиция) шароитида ишларни бажариш билан банд бўлган ходимларга таъминот тўлаш тўғрисидаги низом билан белгиланган эди. 2008 йил 5 сентябрдан бошлаб мазкур Низом бекор қилинган. 2010 йил 1 март ҳолатига кўра дала таъминоти тўланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган.

Агар улар ишларни амалга ошириш жойида жойлашган ва дала шароитида ишларни бажарадиган ташкилотларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган бўлса, дала таъминоти ноишлаб чиқариш соҳаси ташкилотлари ва ходимларига тўланиши мумкин.

Дала таъминоти турғун ташкилотлар сирасига киритилган, шунингдек шаҳарларда жойлашган ташкилотларнинг ходимларига тўланмайди.

Дала таъминоти ҳар куни иш жойидан доимий яшаш жойига қайтиш имкониятига эга бўлган ходимларга тўланмайди.

Бундан аввал дала таъминоти эгаллаган лавозими ва маошидан қатъи назар, дала ишлари объектларида республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кунига 0,06 коэффиценти билан, ташкилотларнинг базаларидаги ишда 0,03 коэффиценти билан тўланар эди.

Бунда дала таъминотининг миқдори республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридан ошмаслиги керак эди.

Мисол. 2008 йилнинг май ойида ходим геология-қидирув экспедицияси таркибида дала ишлари объектида 15 иш куни мобайнида ишлар бажарган. Ишлар бажарилган пайтда энг кам иш ҳақи миқдори 20 865 сўмни ташкил қилган. Ташкилотда дала таъминоти миқдори энг кам иш ҳақининг 0,06 миқдорида белгиланган.

Белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори ва коэффицентдан келиб чиқиб, ходимга ҳисоблаб ёзилган дала таъмино-

ти миқдори $20\ 865$ сўм $\times 0,06 \times 15 = 18\ 778,5$ сўмни ташкил қилади.

Корхоналар дала таъминотини белгиланган меъёрлардан ошадиган миқдорларда тўлаб, уларни жамоа шартномасида тасдиқлашлари мумкин.

Мисол. 2008 йилнинг август ойида ходим геология-қидирув экспедицияси таркибида дала ишлари объектида 15 иш куни мобайнида ишлар бажарган.

Ишларни бажариш пайтида энг кам иш ҳақи миқдори 20 865 сўмни ташкил қилган.

Ташкилотнинг жамоа шартномасида дала таъминотининг куйидаги миқдорлари белгиланган:

дала ишлари объектида ишлаганда — белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан бир кунда 0,12 коэффицент;

геология-қидирув ташкилоти базаларида ишлаганда — белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан бир кунда 0,06 коэффицент.

Ходимга ҳисоблаб ёзилган дала таъминоти миқдори 37 557 сўмни ташкил қилади ($20\ 865 \times 0,12 \times 15$).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1993 йил 2 июнда 6/24-сон билан тасдиқланган «Дала (экспедиция) шароитида ишларни бажариш билан банд бўлган ходимларга таъминот тўлаш тўғрисида»ги низом билан белгиланган меъёрга кўра дала таъминоти миқдори 18 778,5 сўмни ташкил қилиши керак ($20\ 865$ сўм $\times 0,06 \times 15$).

Шундай қилиб, 18 778,5 сўм ($37\ 557 - 18\ 778,5$) миқдорида меъёрдан ортиқча ҳисоблаб ёзилган дала таъминоти корхонадан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилиши керак.

Меъёрлардан ортиқча тўланган дала таъминоти компенсация тўловлари кўринишида ходим даромадига киритилади ва унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади (СК 174-моддасининг 8-банди).

Белгиланган меъёрлардан ортиқча тўланган дала таъминоти суммалари Солиқ кодекси 147-моддасининг 11-бандига кўра фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган харажатлар сифатида қаралади.

Дала таъминоти суммалари белгиланган меъёрлар доирасида ҳам, ундан ортиқча ҳам тўланади, Солиқ кодекси

сининг 308-моддасига асосан ягона ижтимоий тўлов солиш объекти ҳисобланмайди.

Овқатланиш ва йўл ҳақи учун қўшимча ҳақ тўлаш

Кўпчилик корхоналар, биринчи навбатда ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек Жамоа шартномалари ва тузиладиган меҳнат шартномаларига мувофиқ ўз ходимларига овқатланиш учун қўшимча ҳақ тўлайдилар ва ойлик йўл карточкалари бердилар ёки уларнинг қийматини қоплайдилар.

Овқатланиш учун қўшимча ҳақ тўлаш

Амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчиларнинг ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларни бепул сут ва бошқа даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш мажбуриятларини назарда тутаяди.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 217-моддаси меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни белгиланган нормалар бўйича:

- сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);
- даволаш-профилактика озиқ-овқати;
- газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлашни кафолатлайди.

Бундай ишларнинг рўйхати, бериладиган нарсаларнинг меъёрлари, таъминот тартиби ва шартлари жамоа келишувларида, агар улар тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Корхонанинг меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатларига

жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди (СК 171-моддаси 2-қисмининг 1-банди).

Агар корхона ўз ходимларига қонун ҳужжатлари меъёрлари билан ўрнатилмаган бўлса ҳам, овқатланиш учун мустақил равишда қўшимча ҳақ тўласа, ушбу харажатлар солиқ солиш мақсадида:

фойда солиғи бўйича — солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган харажатлар;

жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича — ходимнинг моддий наф тарзидаги даромадлари (СК 177-моддаси) сифатида жами даромадига киритиладиган ва жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиниши керак бўлган даромади деб тан олинади;

ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича — моддий наф тарзидаги даромадлар сифатида ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари олинадиган объект бўлиб ҳисобланмайди.

Корхона ўз ходимларининг овқатланишига иш кунлари учун қўшимча пул маблағлари тўлаши ёки ўзининг умумий овқатланиш шохобчалари (масалан, ошхона, буфет ва бошқалар) орқали ёхуд яқин орада жойлашган овқатланиш пунктида келишув бўйича дотацияли овқатланишни ташкил этиши мумкин. Охириги икки ҳолатда ходимларга ведомость бўйича махсус талонлар берилиши мумкин, ушбу талонлар тақдим этилганида умумий овқатланиш ташкилотлари уларга хизмат кўрсатади.

Мисол. Корхона жамоа шартномасига мувофиқ ўз ходимларига овқатланиш учун бир иш кунига 2 000 сўм миқдорда қўшимча ҳақ тўлайди. Январь ойи учун иш ҳақи 200 минг сўмни ташкил этди, 20 иш куни учун 40 минг сўм тўланди.

Овқатланиш учун қўшимча тўловларга даромад сифатида жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ солинади. Овқатланиш учун тўловлардан давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий ажратмалар бўйича мажбуриятлар вужудга келмайди (СК 307-моддаси), чунки улар моддий наф тарзидаги даромадларга киради. Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари фақат иш ҳақи суммасидан ҳисоблаб ёзилиши керак.

40 минг сўм миқдордаги овқатланиш учун қўшимча ҳақ фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан чегириб ташланмайди.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ходимларга ойлик иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди	200	2010, 9410-9430	6710
2	Овқатланиш учун қўшимча ҳақ ҳисоблаб ёзилди	40	9430	6710
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланди	шкала бўйича	6710	6410
4	ШЖБПҲга сумма ҳисоблаб ёзилди	2,4	6410	6530
5	Мажбурий сугурта бадаллари ушланди (200 000 × 4 %)	8	6710	6520
6	Ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб ёзилди (200 000 × 25 %)	50	2010, 9410-9430	6520

Йўл ҳақи учун қўшимча ҳақ тўлаш

Корхоналар томонидан мустақил равишда ўз ходимларига тўланадиган, қонун ҳужжатлари меъёрлари билан ўрнатилмаган йўл ҳақи учун қўшимча тўловлар солиқ солиш мақсадида:

жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича — ходимнинг моддий наф тарзидаги даромадлари (Солиқ кодексининг 177-моддаси) сифатида жами даромадига киритилиши ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиниши керак бўлган даромади деб тан олинади;

фойда солиғи бўйича — Солиқ кодекси 147-моддасининг 9-бандига мувофиқ солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган харажатлар;

ижтимоий сугуртага ажратмалар бўйича — моддий наф тарзидаги даромадлар сифатида ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари солинадиган объект бўлиб ҳисобланмайди.

2009 йил 1 январидан шаҳар йўловчилар транспортгида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш билан боғлиқ харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди («Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 29.12.2008 йилдаги ЎРҚ—196-сон Қонуннинг 26-банди), шундан келиб чиқиб жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солинмайди. Яъни энди ушбу харажатлар солиқ тўловчи корхонанинг харажатлари бўлиб ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадида бундай харажатларга қонун ҳужжатлари ва (ёки) солиқ тўловчининг солиқ сиёсатида мувофиқ расмийлаштирилиб асослаб берилган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар ёки зарарлар киради. Қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда харажатлар ҳисобда тан олинади:

— харажатлар муайян шартномага, меъёрий ҳужжатлар талабларига, амалий муамола одатларига мувофиқ амалга оширилади;

— харажатлар суммаси аниқланиши мумкин;

— муайян операция натижасида ташкилотнинг иқтисодий фойдаси камайишига ишонч бор.

Хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш билан боғлиқ харажатларни асослаб бериш учун солиқ тўловчи корхона улар учун ойлик йўл карточкалари олинadиган хизмат қатновларига қатнайдиган ходимлар рўйхатини тайёрлаши керак. Уни ишлаб чиқишда биринчи навбатда ходимнинг лавозим мажбурияти ва йўл карточкаларини олиш даврийлиги ҳисобга олиниши керак. Ушбу рўйхат корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Бундан ташқари, йўл карточкалари берилadиган ходимлар ҳисобдор шахсларга тенглаштирилиши керак, уларнинг рўйхати ҳам ҳар йилнинг бошида тасдиқланади. Ҳисобдор шахслар бухгалтерияга йўл карточкаларини илова қилган ҳолда йўл чипталари учун олинган маблағлардан фойдаланганлик тўғрисида бўнак ҳисоботини топширишлари шарт (агар йўл карточкалари марказлаштирилган ҳолда олинмаган бўлса). Ҳисоботни тақдим этиш ва йўл карточкаларини қайтариш санасини ҳисоб сиёсатида тасдиқлаш керак.

Бундан ташқари, ходим ва иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасига мувофиқ, маълум ходимни алоҳида мукофотлаш тартибини ўрнатишга (масалан, Жамоа шартномасининг йўқлигида ёки ўта муҳим иш турларини бажаришда) рухсат берилади.

Мукофотлар турлари

Кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар тўлаш назарда тутилади. Бир вақтнинг ўзида анъанавий мукофотлар қаторига мукофотлашнинг махсус тизимларини ҳам киритиш мумкин.

Мукофотлашнинг махсус тизимлари моддий рағбатлантиришнинг кўшимча кўринишлари бўлиб ҳисобланади ва янги турдаги техникаларни яратиш ва жорий этишни, моддий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамда корхона учун зарур бўлган бошқа ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажаришни рағбатлантиради.

Мукофот миқдори асосий иш ҳақининг олдиндан белгиланган бир қисми ёки қатъий пул суммасида белгилашни мумкин.

Мисол. Маҳсулот бирлиги учун нарх — 400 сўм. Корхонада қабул қилинган Мукофотлаш тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлаб чиқаришда яроқсиз маҳсулот мавжуд бўлмаса, ходимга иш ҳақидан 10 % миқдоридан мукофот тўланади.

Ходим ойига 100 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Маҳсулот бирлиги учун 400 сўм нарх белгиланганда, ходимга 40 000 сўм (400 x 100) тўланади.

Яроқсиз маҳсулот мавжуд бўлмаслиги шартида эса мукофот 4 000 сўмни (40 000 x 10 %) ташкил қилади.

Ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий миқдори — 44 000 сўм (40 000 + 4 000).

Хом ашё захираларини тежаганлик учун мукофотларнинг миқдори аниқ бир захира туридан олинган тежамнинг суммаси доирасида ўрнатилади, юқори чегараси эса чекланмайди.

Мисол. Жамоа шартномасининг шартларига кўра материалларни иқтисод қилганлик учун иқтисод қилинган суммадан 30 % миқдорида ҳар ой мукофот тўлаш назарда тутилган.

Ходимнинг соатлик тариф ставкаси — 300 сўм. Ҳисобот ойида иш вақти меъёри (160 соат) ходим томонидан тўлиқ ишланган. Ходим 35 000 сўмлик миқдордаги материалларни иқтисод қилган.

Моддий захираларни иқтисод қилганлик учун мукофотни ҳисобга олган ҳолда ходимнинг ой учун даромадини ҳисоблаш:

*тариф бўйича иш ҳақи — 48 000 сўм (300 x 160 соат);
материаллар иқтисоди учун мукофот — 10 500 сўм (35 000 x 30 %).*

Ой учун ялпи даромад 58 500 сўмни (48 000 + 10 500) ташкил қилади.

Моддий захираларни иқтисод қилганлик учун корхона ходимини мукофотлаш суммаси умумбелгиланган тартибдаги солиқ солинадиган даромад бўлиб ҳисобланади.

Т / р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ходимнинг ой учун даромади акс эттирилади	58,5	2010, 2310, 2510	6710

Йил учун иш якунлари бўйича рағбатлантириш

Йил учун иш якунлари бўйича рағбатлантиришни тўлаш тартиби ва унинг миқдори ушбу Рағбатлантиришни тўлаш тўғрисидаги низом билан белгиланади. Мазкур Низом меҳнат жамоасининг вакиллари билан келишилган ҳолда корхона маъмурияти томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Умумий қоидага кўра, йил учун иш якунлари бўйича рағбатлантириш корхона штатида турган ходимларга тўланади. Ундан ташқари, Йил учун иш якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низомда ходимнинг баъзи бир хатти-ҳаракатлари учун корхона раҳбариятининг рағбатлантириш миқдорини камсйтириши-

га ёки ундан бутунлай маҳрум қилишига туртки бўлувчи асослар кўриб чиқилиши мумкин.

Рағбатлантириш корхонанинг ўтган йил учун молиявий-хўжалик фаолиятига яқун ясалганидан кейин тўланади. Тўлиқ миқдордаги рағбатлантириш календарь йилда тўлиқ ишлаган ходимларга тўланади. Маълум бир ҳоллардагина бир қатор сабабларга кўра, масалан, нафақага чиқиш, армияга чақирилиш, ўқишга кириш ва бошқалар муносабати билан календарь йилда тўлиқ ишламаган ходимларга ҳам рағбатлантириш тўланади.

Одатга кўра, рағбатлантиришнинг миқдорини аниқлаш учун корхоналар томонидан барча тоифадаги ходимлар учун уларнинг узлуксиз иш стажларига боғлиқ ҳолда ягона шкала ўрнатилади. Масалан, бир йил ишлаганлар учун рағбатлантириш ходимнинг амалдаги йиллик иш ҳақидан 3 % миқдориди, икки йил ишлаганлар учун — 5 % ва ҳ.к. ўсиб борувчи тартибда белгиланиши мумкин.

Мисол. Мазкур корхонада 3 йиллик узлуксиз иш стажига эга ва амалдаги йиллик иш ҳақи 3 500 минг сўм бўлган ходимга йилнинг иш яқунлари бўйича унинг йиллик иш ҳақидан 8 % миқдориди рағбатлантириш белгиланди.

Йил учун иш яқунлари бўйича рағбатлантириш суммаси 280 минг сўмни (3 500 × 8 : 100) ташкил этади.

Кўп йиллик хизматлари учун рағбатлантириш

Кўп йиллик хизматлари учун рағбатлантириш, қоидага кўра, ходимлар меҳнатининг давомийлигини (шунингдек узлуксизлигини) рағбатлантириб туриш мақсадида ўрнатилади.

Ҳисоб-китоб тариф ставкасидан (лавозим маошидан) келиб чиқиб ёки ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан карра ҳисобида амалга оширилиши мумкин.

Кўп йиллик хизматлари учун рағбатлантиришни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби касаба уюшмаси органи (меҳнат жамоаси кенгаши) билан келишилган ҳолда раҳбар томонидан тасдиқланадиган корхона ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги алоҳида Низом билан расмийлаштирилиши мумкин.

Масалан, корхоналар кўп йиллик хизмати учун рағбатлантиришнинг ҳар ойлик тўловини узлуксиз меҳнат стажига қараб қуйидаги миқдорларда ўрнатишлари мумкин:

- 1 йилдан 3 йилгача бўлган узлуксиз иш стажига — ойлик тариф ставкасидан (лавозим маошидан) 5 %;
- 3 йилдан 5 йилгача — 10 %;
- 5 йилдан 10 йилгача — 20 %;
- 10 йилдан 15 йилгача — 30 %;
- 15 йилдан ортиғига — 40 %.

Мисол. Кўп йиллик хизматлари учун рағбатлантириш ни тўлаш тўғрисидаги Низомда ушбу корхонада 4 йиллик узлуксиз иш стажига эга ходимга унинг ойлик лавозим маошидан 50 % миқдорида рағбатлантириш ни тўлаш кўзда тутилган. Лавозим маоши 150 минг сўмни ташкил этади.

Кўп йиллик хизматлари учун рағбатлантириш суммаси 75 минг сўмни (150 x 0,5) ташкил этади.

Т / Р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Кўп йиллик хизматлари учун рағбатлантириш акс эттирилди	75	9430	6710

Мукофотлар ҳисоби ва уларга солиқ солиш

Ходимларга мукофотларни ҳисоблаш 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағининг кредити бўйича харажатлар ҳисоби ҳисобварақлари (2010, 2310, 2510, 9410, 9420, 9430 ва бошқ.) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантириш тусидаги тўловлар, йиллик иш якуналари бўйича тақдирлаш ва кўп йил ишлаганлик учун тўловлар — СК 143-моддасининг 5-бандига мувофиқ фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чегириладиган харажатлардир.

Байрам саналари ва муҳим саналар, жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлан-

тириш ҳисобланадиган бир йўла мукофотлар, шунингдек таътил учун қўшимча тўловлар — СК 147-моддасининг 21-бандига мувофиқ фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган харажатлардир.

Рағбатлантириш тусидаги барча тўловлар, шу жумладан муҳим саналар, узоқ йиллик хизмат ва жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бир йўла мукофотлар ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилади.

МОДДИЙ ЁРДАМ

Моддий ёрдам пулини тўлаш учун асос

Моддий ёрдам пули турли сабабларга кўра тўланиши мумкин:

- ходимнинг оғир моддий аҳволи туфайли;
- даволаниш зарурияти туфайли;
- оила аъзоларидан бирининг ўлими туфайли;
- бошқа вазиятларга кўра.

Моддий ёрдам пулини тўлаш мажбурий ва доимий тусга эга бўлмаслиги даркор. Тўлаш тўғрисидаги қарор моддий қўллаб-қувватлашга муҳтож ходимнинг аризасига асосан корхона раҳбари (комиссия) томонидан қабул қилинади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

Моддий ёрдамни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш

Моддий ёрдамни ҳисобга олиш

Ходимларга моддий ёрдам пулини тўлаш бўйича корxonанинг харажатлари давр харажатларига олиб борилади ва 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Мисол. Корхона ходими даволаниш курсидан ўтиш зарурияти туфайли моддий ёрдам пулини олиш учун ариза ёзди. Корхона раҳбари томонидан унга 150 минг сўм тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бухгалтерия ҳисобида моддий ёрдам пулини ҳисоблаш ва тўлаш қуйидагича акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Моддий ёрдам ҳисобланди	150	9430	6710
2	Кассадан ходимга моддий ёрдам пули тўланди	150	6710	5010

Моддий ёрдамга солиқ солиш

Моддий ёрдам СК 178-моддасининг 16-бандидаги бошқа даромадлар таркибида ходимнинг жами даромадига киритилади. Мазкур банд (30.12.2009 йилдаги ЎРҚ-241-сон Қонунга мувофиқ киритилган қўшимчалар билан бирга) моддий ёрдам тариқасида:

— вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

— ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар (2010 йил 1 январдан бошлаб);

— фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

— мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларни (2010 йил 1 январдан бошлаб) ўз ичига олади.

Бунда Солиқ кодексининг 179-моддасига биноан, қуйидаги ҳолларда бир йил давомида кўрсатиладиган моддий ёрдам пулларига солиқ солинмайди:

- фавқулодда вазиятлар муносабати билан — тўлиқ;
- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки ходимга оила аъзоларидан бирининг вафот этганлиги туфайли — энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача миқдорда;
- бошқа ҳолларда — солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача миқдорда.

Юқорида келтирилган меъёрдан ортувчи моддий ёрдам суммаси ходимнинг жами даромадига қўшилади ва унга умумбелгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинади.

Кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг солиқ солинадиган қисмини аниқлаш мақсадида йил охирида амал қилаётган энг кам иш ҳақи миқдори қўлланилади. Энг кам иш ҳақининг миқдори йил давомида ўзгарган тақдирда, ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ солинадиган суммага тузатишлар киритилади.

Мисол. Ходим оилавий шароитига кўра 2009 йил 1 октябрдан меҳнат таътилига чиқди. Аризага ҳамда корхона раҳбарининг қарорига асосан унга энг кам иш ҳақининг 15 баравари миқдорида, яъни 504 675 сўм ($33\,645 \times 15$) моддий ёрдам пули берилди.

Энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоридан ортиқ сумма — 100 935 сўмдан ($504\,675 - 33\,645 \times 12$) жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ушлаб қолиниши керак. Бироқ йилнинг охирига қадар энг кам иш ҳақининг миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ суммаси ҳам ўзгартирилиши лозим. 2009 йил 1 декабрдан энг кам иш ҳақи миқдори 37 680 сўмгача оширилди. Тегишинча, моддий ёрдамнинг солиқ солинмайдиган суммаси 452 160 сўмга тенг. Моддий ёрдамнинг бир қисмидан илгари ушлаб қолинган солиқ суммаси декабрь ойи учун даромад солиғини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бошқа ҳолларда тўланадиган моддий ёрдам бўйича имтиёз (солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг 12 баравари) ходимга аввалги асосий иш жойи (меҳнат шартномаси тугатилгандан сўнг) ёки асосий бўлмаган иш жойи бўйича тўланган ҳолларда қўлланмайди.

Ходимнинг меҳнатда жароҳатланиши ёки унинг соғлигига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдамдан ташқари ходимларга тўланган моддий ёрдам суммаси фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда чегирилмайди. Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда мазкур харажатлар ҳисобга олинмайди.

Моддий ёрдам тариқасидаги тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар бўлиб ҳисобланмаганлигини ҳисобга олиб, уларга ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайди.

Қуйидаги моддий ёрдам суммаларига жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ солинмайди:

— касаба уюшмалари қўмитаси томонидан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан бериладиган моддий ёрдам суммалари.

Энг кам иш ҳақи миқдорлари тўғрисида ахборот

2009 йил 1 декабрдан бошлаб	ойига 37 680 сўм
2009 йил 1 августдан бошлаб	ойига 33 645 сўм
2008 йил 16 ноябрдан бошлаб	ойига 28 040 сўм
2008 йил 1 сентябрдан бошлаб	ойига 25 040 сўм
2008 йил 1 апрелдан бошлаб	ойига 20 865 сўм
2007 йил 16 ноябрдан бошлаб	ойига 18 630 сўм
2007 йил 1 августдан бошлаб	ойига 15 525 сўм
2006 йил 1 ноябрдан бошлаб	ойига 12 420 сўм
2006 йил 1 июлдан бошлаб	ойига 10 800 сўм
2005 йил 1 октябрдан бошлаб	ойига 9 400 сўм
2005 йил 1 майдан бошлаб	ойига 7 835 сўм
2004 йил 1 августдан бошлаб	ойига 6 530 сўм

2003 йил 1 майдан бошлаб	ойига 5 440 сўм
2002 йил 1 августдан бошлаб	ойига 4 535 сўм
2002 йил 1 апрелдан бошлаб	ойига 3 945 сўм
2001 йил 1 августдан бошлаб	ойига 3 430 сўм
2000 йил 1 августдан бошлаб	ойига 2 450 сўм
1999 йил 1 августдан бошлаб	ойига 1 750 сўм
1999 йил 1 январдан бошлаб	ойига 1 320 сўм
1998 йил 1 июлдан бошлаб	ойига 1 100 сўм
1997 йил 1 июлдан бошлаб	ойига 750 сўм
1996 йил 1 декабрдан бошлаб	ойига 600 сўм
1996 йил 1 сентябрдан бошлаб	ойига 550 сўм
1996 йил 1 апрелдан бошлаб	ойига 400 сўм
1995 йил 1 сентябрдан бошлаб	ойига 250 сўм
1995 йил 1 мартдан бошлаб	ойига 150 сўм
1994 йил 1 августдан бошлаб	ойига 100 сўм
1994 йил 1 июндан бошлаб	ойига 70 000 сўм-купон
1994 йил 1 мартдан бошлаб	ойига 45 000 сўм-купон
1992 йил 1 сентябрдан бошлаб	ойига 1 250 рубль
1992 йил 1 июлдан бошлаб	ойига 1 000 рубль

ИШ ҲАҚИНИНГ ҲИСОБИ

Корхона ходимларига иш ҳақининг барча кўринишлари, мукофотлар, нафақалар, пенсиядаги ходимлар учун пенсия пуллари ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар бўйича жорий қарзларнинг ҳисоби 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағида юритилади.

6710-ҳисобварақнинг кредити бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашлар, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш суммалар, 6710-ҳисобварақнинг дебети бўйича эса иш ҳақининг ҳисоб-

ланган суммасидан ушланмалар ҳамда ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган барча суммалар бўйича қарзларни қоплаш акс эттирилади.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Капитал қурилишда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ ҳисобланди	0810-0890	6710
2	ТМЗни тайёрлаш ва сотиб олиш билан боғлиқ операциялар бўйича меҳнатга ҳақ ҳисобланди	1010-1090, 1110, 1120, 2910-2990	6710
3	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги, хўжаликларга хизмат кўрсатувчи умум-ишлаб чиқариш цехларидаги ва яроқсиз маҳсулотни тўғрилаш билан банд бўлган ходимларга иш ҳақи суммалари ҳисобланди	2010, 2310, 2510, 2610, 2710	6710
4	Маҳсулотни сотишда банд бўлган ходимларга, маъмурий-бошқарув ходимларига ҳамда бошқа операцияларни бажарувчи ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди	9410-9430	6710
5	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ операцияларда қатнашган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	9210	6710
6	Ишлаётган пенсионерларга пенсия пули, касаллик варақаси бўйича қарзлар ва бошқалар ҳисобланди	4890, 2010, 2310, 2510, 2710, 9400 ва б.	6710
7	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ушлаб қолинди	6710	6410
8	Мажбурий сугурта бадаллари ушлаб қолинди	6710	6520
9	Ходимларга ҳисобланган суммалар (иш ҳақи, мукофотлар ва б.) кассадан тўланди	6710	5010

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобварақининг таҳлилий ҳисоби ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан фойдаланилган ҳолда корхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

ИШ ҲАҚИДАН УШЛАНМАЛАР

Ҳисобланган иш ҳақи ходимга ушланмалар айирилган ҳолда тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлашдан ушланмаларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- мажбурий;
- иш берувчининг ташаббусига кўра;
- ходимнинг ташаббусига кўра.

Меҳнатга ҳақ тўлашдан мажбурий ушланмалар қаторига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа, солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларга ушланмалар;
- суд қарорларини ва бошқа ижро ҳужжатларини бажариш учун ушланмалар.

Иш берувчининг ташаббусига кўра ушланмаларга қуйидагилар киради:

— ходим томонидан иш берувчига келтирилган зарарни қоплаш учун ушланма, агар зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори бўлмаса; яроқсиз маҳсулот учун ушланма;

— иш ҳақи ҳисобидан берилган бўнакни қоплаш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтиши муносабати билан берилган, лекин тўлиқ сарфланмаган ва ўз вақтида қайтарилмаган бўнакни қоплаш учун; шунингдек ҳисобдаги хато туфайли ортиқча тўланган суммаларни қайтариш учун ушланмалар;

— иш йилининг охирига қадар меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, ходим унинг ҳисобига меҳнат таътилини олиб бўлгани учун ушланма; ишланмаган меҳнат таътили кунлари учун ушланма;

— ўртача ойлик иш ҳақининг 30% идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарималар.

Ушбу кўринишдаги ушланмалар корхона раҳбарининг буйруғига (фармойишига) асосан ушланмалар сабаби кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. Даромадидан ушланма амалга оширилаётган ходим ушбу буйруқ билан унга имзо чеккан ҳолда танишиб чиқиши лозим.

Ходимнинг ташаббусига кўра ушланмалар қаторига қуйидагилар киради:

- касаба уюшмаларига бадаллардан ушланма;
- ходимнинг ёзма аризасига биноан, жисмоний ёки юридик шахсларнинг фойдасига ушланмалар.

Ушланмаларнинг умумий миқдори ходимга тегишли меҳнат ҳақининг 50 фоизидан ошмаслиги даркор.

Агар ушланмаларнинг умумий миқдори ходимга тегишли меҳнат ҳақининг 50 фоизидан ошса, у ҳолда ошган суммани келгуси ойларга тақсимлаш керак бўлади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ

Молиявий йилда солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар қуйидаги ставкалар (2010 йил учун) бўйича жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг 6 барава-ригача миқдорда	даромад суммасининг 11 %и
энг кам иш ҳақининг 6 барава-ридан (+ 1 сўм) 10 барава-ригача миқдорда	6 баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг 6 бараваридан ошадиган сумманинг 17 %и
энг кам иш ҳақининг 10 барава-ридан (+ 1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	10 баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан ошадиган сумманинг 22 %и

Солиқ ходимнинг ялпи даромадидан йил бошидан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади.

Мисол. Корхона ходимига февраль ойи учун 230 минг сўм иш ҳақи ҳисобланди.

Январь-февраль учун ялпи даромад 460 минг сўмни (230 + 230) ташкил этади. Январь ойида ушланган солиқ суммаси 25 535,2 сўмга тенг.

Энг кам иш ҳақининг январь-февраль ойлари учун жами миқдори 75 360 сўмни (37 680 + 37 680) ташкил этади.

Февраль учун даромад солиғи бўйича шкала куйидагича бўлади:

Солиқ солинадиган даромаднинг миқдори	Солиқ суммаси
$(6 \times 75\ 360) = 452\ 160$ сўмгача	даромад суммасининг 11 %и
$452\ 161$ сўмдан $(10 \times 75\ 360) = 753\ 600$ сўмгача	$49\ 737,6 + 452\ 160$ сўмдан ошувчи сумманинг 17 %и
$753\ 601$ сўм ва ундан юқори	$100\ 982,4 + 753\ 600$ сўмдан ошувчи сумманинг 22 %и

Иш ҳақидан даромад солиғи февраль ойи учун куйидаги тартибда ушлаб қолинади:

1) январь-февраль учун солиқ суммаси аниқланади (460 минг сўмлик даромаддан):

$$49\ 737,6 + (460\ 000 - 452\ 160) \times 17\ \% = 51\ 070,4 \text{ сўм};$$

2) февраль ойи учун даромаддан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$51\ 070,4 - 25\ 535,2 = 25\ 535,2 \text{ сўм};$$

3) январь-февраль учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақидан 1 % миқдоридаги мажбурий ушланмалар суммаси 4 600 сўмни ($460\ 000 \times 1\ \%$) ташкил этади, январда 2 300 сўм ушланган, демак, февраль учун 2 300 сўм ($4\ 600 - 2\ 300$) ушланиши керак;

4) февраль учун ўтказиб берилиши лозим бўлган даромад солиғи суммаси – 23 235,2 сўм ($25\ 535,2 - 2\ 300$).

Асосий иш жойи бўйича ходимларнинг даромадларига солиқ солишда ушбу шкаладан қатъий фойдаланилади. Ўриндошлик асосида ишловчи ходимлар эса, қоидага кўра, ўз даромадларидан энг юқори ставка (22 %) бўйича солиқ ушлаб қолиш тўғрисида корхона бухгалтериясига ариза топширадилар. Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг якуний суммаси яшаш жойи бўйича солиқ инспекцияси томонидан олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушланган солиқ суммалари тўғрисидаги декларация маълумотларига асосан ҳисоблаб чиқарилади. Асосий бўлмаган иш жойи бўйича даромад солиғи энг юқори ставкада ушлаб қолинган тақдирда декларация фақат ихтиёрий равишда тақдим этилади (СКнинг 192-моддаси).

Баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудлардаги ишлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган коэффицентлар бўйича қўшимча тўловларга энг кам ставка — 11 % бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахслар бошқа даромадлар манбаларига, масалан, улар эгалик қиладиган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ва фоизларга, улушли қатнашишдан даромадларга ва бошқаларга эга бўлишлари мумкин. Бундай ҳолларда даромадларга солиқ солиш тўлов манбаида амалга оширилади. Дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадларнинг солиқ ставкаси 10 %ни ташкил этади.

Йил давомида асосий иш жойи ўзгарган тақдирда, ходим биринчи иш ҳақини олгунга қадар янги иш жойининг бухгалтериясига жорий йилда тўланган даромадлар ва ушланган солиқ суммалари ҳақида ўрнатилган шаклдаги маълумотномани тақдим этиши шарт. Агар у тақдим этилмаса, солиқ солинадиган даромаддан солиқ энг юқори ставка — 22 % бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома кейинчалик тақдим этилса, унда умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоблаш амалга оширилади.

Янги иш жойида солиқни ҳисоблаш олдинги ва янги иш жойлари бўйича календарь йилнинг бошидан олинган ялпи даромаддан келиб чиқиб амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаш ва бюджетга ўтказиш бўйича жавобгарлик даромад тўлаётган юридик шахс зиммасига юклатилади.

Мажбурий суғурта бадаллари

Ишга ёлланган жисмоний шахслар шунингдек суғурта бадаллари ҳисобланадиган барча турдаги даромадлардан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлашлари шарт.

Иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларининг ставкаси 4 %ни ташкил қилади.

Мисол. Ходимга февраль ойида 200 минг сўм миқдоридан иш ҳақи, 50 минг сўм мукофот пули ҳисобланди.

Суғурта бадали 250 минг сўм (200 + 50) суммадан ҳисобланиши керак ва у 10 минг сўмни ташкил этади.

Алиментларни ушлаб қолиш

Алиментлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида олинган пул ва натура ифодасидаги барча кўринишдаги даромадлардан ушлаб қолинади.

Суд ажримига кўра вояга етмаган болалар учун ота-оналардан ундириладиган алиментлар миқдори ойига:

— битта бола учун — иш ҳақининг ва (ёки) бошқа даромаднинг тўртдан бири (чораги);

— иккита бола учун — иш ҳақининг ва (ёки) бошқа даромаднинг учдан бири;

— уч ва ундан ортиқ болалар учун — иш ҳақининг ва (ёки) бошқа даромаднинг тенг ярмини ташкил қилади.

Бу тўловларнинг миқдори томонларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Бунда ҳар бир бола учун ундириладиган алиментлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Алиментларни тўлаш ҳақидаги келишувга асосан тўланадиган алиментлар миқдори уни тузувчилар томонидан мустақил белгиланади, аммо уларнинг миқдори суд тартибида ўрнатилиши мумкин бўлган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Мисол. Ходимга бир ой учун 200 минг сўм ҳисобланди. Суднинг ажримига кўра у битта бола учун ўзининг иш ҳақидан 1/4 миқдоридан алимент тўлашга мажбур.

Ижро ҳужжатига асосан ушланма суммаси қуйидаги тарзда аниқланади:

1) жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси ҳисоблаб чиқарилади — 22 000 сўм (200 000 × 0,11);

2) суғурта бадали ушлаб қолинади — 8 000 сўм (200 000 × 0,04);

3) алиментлар 170 000 сўмдан (200 000 – 22 000 – 8 000) ушлаб қолинади;

4) ижро варақаси бўйича ушланма суммаси 42 500 сўмни (170 000 : 4) ташкил қилади.

Суднинг ажримига кўра алиментлар қатъий пул суммасида ундирилганда ва бунда меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонуний ўрнатилган энг кам миқдори ўзгарган тақдирда, шу миқдорнинг кўпайишига мутаносиб равишда алиментлар миқдори ҳам индексация қилинади.

Мисол. Суднинг ажримига асосан алиментлар миқдори қатъий пул суммасида ўрнатилган эди ва 100 935 сўмни, яъни 2009 йил 1 августдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорини ташкил этган эди. 2009 йил 1 декабрдан энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори 37 680 сўмгача оширилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ошганда алиментларнинг ўрнатилган миқдори қуйидагича индексация қилиниши керак: $37\,680 \times 3 = 113\,040$ сўм.

Алиментларни тўлаш тўғрисидаги келишувга асосан тўланадиган алиментлар миқдорини индексация қилиш тартиби ушбу келишувга мувофиқ аниқланади.

Моддий зарарни қоплаш

Ходимнинг иш ҳақидан моддий зарарни қоплаш бўйича суммани ундириш фақат қуйидаги ҳоллардагина мумкин:

- ходимнинг айби исботланса;
- бевосита ҳақиқий зарар келтирилган бўлса;
- ходим ҳуқуққа зид ҳаракатларни амалга оширганлиги маълум бўлса;
- зарар айнан шу ҳуқуққа зид ҳаракатлар тўғрисида тўғри равишда тасдиқланса.

Ушбу барча шартлар биргаликда рўй берган бўлиши керак ва ходимни мажбуриятга тортиш учун уларнинг мавжудлигини корхона маъмурияти исботлаши лозим.

Агар зарар енгиб бўлмас куч, нормал хўжалик хатари (масалан, товарларнинг табиий зарарланиши меъёри до-

ирасида бузилиши), зарурият ёки муҳим бўлган мудофаа натижасида юзага келган бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

Мисол. Корхонада компьютер бузилди. Кейинчалик маълум бўлдики, бу тармоқдаги ток кучланишининг ўзгариши натижасида рўй берган. Бинобарин, ходим ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.

Лекин агар бузилиш ходимнинг айбига кўра рўй берганда (масалан, маъмуриятнинг рухсатисиз янги дастурни ўрнатганлиги сабабли), у ҳолда компьютерни таъмирлаш учун харажатларни қоплашига тўғри келарди.

Моддий жавобгарликнинг энг кенг тарқалган кўриниши бўлиб чекланган моддий жавобгарлик ҳисобланади. Ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома тузилмаган ҳолларда ёки функционал мажбуриятларига пул ёки товар қийматликлари билан хизмат кўрсатиш қилмайдиган ходимлар билан бундай шартнома тузилган ҳолларда, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ходим бундай кўринишдаги жавобгарликка тортилади.

Ўртача иш ҳақи зарар келтирилган кунда аниқланади.

Мисол. «А» фуқаро автобус хайдовчиси бўлиб ишлайди. Унинг ойлик иш ҳақи — 500 минг сўм. Йўл ҳаракати қонунчилиги бузиб, у зарари 3 000 минг сўм деб баҳоланган автоҳалокатга учради. Ўша куннинг ўзида корхона раҳбари ходимнинг келтирган зарарни қоплаши тўғрисида буйруқ чиқарди.

Ходим ўртача ойлик иш ҳақидан кўп бўлмаган миқдорда жавобгарликка тортилади.

Автоҳалокат август ойида рўй берди. Ходим июнда 22 иш куни, июлда эса 15 иш куни ишлади. Июнь учун иш ҳақи 500 минг сўмни, июль учун эса 235 минг сўмни ташкил этди.

Ходимнинг моддий жавобгарликка тортиладиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори охириги икки календарь ойи учун ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб аниқланади ва $367,5$ минг сўмни $[(500 + 235) : 2]$ ташкил этади.

Қуйидаги ҳолларда ходим келтирилган зарарнинг тўлиқ миқдориди моддий жавобгарликка тортилади:

— маҳсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг бутлигини сақламаганда;

— бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг бутлигини сақламаганда;

— зарар атайин етказилганда;

— алкоголь, наркотик ёки токсик мастлик ҳолатида зарар келтирилганда;

— ходимнинг суд ҳукми билан ўрнатилган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар келтирилганда;

— тижорат сирларини фош этганда;

— қонунчиликда, шунингдек республика ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори бўлса ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтиб кетган бўлса, у ҳолда ундириш суд тартибида амалга оширилади. Агар мулкдорлари у билан меҳнат шартномаси тузган корхона раҳбари томонидан зарар етказилган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

Пул ва товар-моддий қимматликларининг ўғирланиши, яроқсиз маҳсулот ва бошқа сабабларга кўра корхонага ходим томонидан келтирилган моддий зарарни қоплаш бўйича харажатлар ҳисоби 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағида юритилади. 4730-ҳисобварақнинг дебетида айбдордан ушланиши лозим бўлган моддий зарарнинг қиймати, кредитида эса ушлаб қолинган (тўланган) тўловлар суммалари акс эттирилади.

Мисол. Асосий воситаларни инвентарлашда 250 минг сўм қийматига эга мониторнинг етишмаслиги аниқланди. Ҳисобланган эскириш суммаси — 32 минг сўм. Шунга ўхшаш мониторларнинг бозор нархи 350 минг сўмни ташкил этади. Камомаднинг айбдори бўлиб корхона маъмурияти у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномани тузган моддий жавобгар шахс тан олинди.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Мониторнинг камомади акс эттирилди (айбдор аниқлангунга қадар)	218	5910	9210
2	Айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган мониторинг қолдиқ қиймати акс эттирилди	218	4730	5910
3	Айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган сумма билан мониторинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилди	132	4730	9310, 9390
4	Айбдор шахсдан камомад суммасининг ундирилиши акс эттирилди	350	6710	4730

Агар айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган сумма объектнинг камомадидан кўрилган зарардан юқори бўлса, у ҳолда корхона ҳам фойда солиғини тўловчи, ҳам ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналардаги каби солиқ солинадиган даромадга эга бўлади.

Агар айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган сумма объектнинг камомадидан кўрилган зарардан паст бўлса, у ҳолда корхона фойда солиғи бўйича солиқ солиш базасини аниқлашда чегирилмайдиган зарар билан қолади. Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналарда солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Ҳисобдор суммаларни ушлаб қолиш

Ҳисобдор шахслар бўлиб операцион, хўжалик ва хизмат сафари харажатлари учун кассадан пул маблағлари бериладиган корхона ходимлари ҳисобланадилар.

Пул маблағларини ҳисоб бериш шарти билан бериш ва ҳисобдор суммалардан фойдаланиш ҳақидаги ҳисоботни тақдим этиш тартиби корхона раҳбарининг буйруғи билан ўрнатилади. Унда қуйидаги қоидалар белгиланиши лозим бўлади:

— пул маблағлари ҳисоб бериш шарти билан берилиши мумкин бўлган шахслар рўйхати;

- пул маблағлари бериладиган муддатлар;
- пул маблағларидан фойдаланиш мақсадлари;
- пул маблағларининг миқдори.

Ходимга ҳисоб бериш шarti билан берилган фойдаланилмаган пул маблағлари унинг томонидан корхона кассасига қайтарилиши керак. Акс ҳолда, ушбу суммалар унинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши лозим.

Мисол. Ходим вакиллик харажатлари учун ҳисоб бериш шarti билан 100 минг сўм олди. Хужжатлар билан тасдиқланган фойдаланилмаган сумма 80 минг сўмни ташкил қилди. Фойдаланилмаган қисми ходим томонидан кассага ўз вақтида қайтарилмади.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Иш ҳақи ҳисобланди	200	9420	6710
2	Даромад солиғи (22 % шартли ставка бўйича — $200 \times 22\%$) ва суғурта бадалли ($200 \times 4\%$) ушланди	44	6710	6410
		8	6710	6520
3	Қайтарилмаган сумма ушлаб қолинди	20	6710	4230
4	Иш ҳақи берилди ($200 - 44 - 8 - 20$)	128	6710	5010

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан ушланмалар

Қарздорга иш ҳақи (ёки унга тенглаштирилган тўловлар) тўлайдиган ташкилотлар суднинг ҳал қилув қарорига биноан ушланмаларни қуйидаги ҳолларда амалга оширадилар:

— даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда;

— энг кам иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги, шу жумладан, йиғма ижро иши юриштишга бирлаштирилган ижро хужжатлари бўйича ушбу миқдордаги пул суммасини ундиришда;

— ундирилаётган суммаларни тўлиқ сўндириш учун қарздорнинг мол-мулки бўлмаганда ёки унинг мол-мулки етарли бўлмаганда.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан ходимнинг иш ҳақидан ушланмалар олиб қолиш тартиби Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидалари (АВ томонидан 08.07.2009 йилда 1980-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Ижро ҳужжатлари бўйича ушланган сумма қарздорга иш ҳақи тўланган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида ундирувчига тўланиши ёки ўтказилиши керак. Пул маблағлари иш ҳақидан ушланмалар олинаётган ходим ҳисобидан ундирувчига ўтказилади.

Ушланмалар қуйидаги пул суммаларидан олинмайди:

— майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги сабабли кўрилган зарарни қоплаш суммаларидан;

— хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида майиб бўлган (яраланган, шикастланган, контузияга учраган) шахсларга ва мазкур шахслар ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда уларнинг оила аъзоларига тўланадиган суммалардан;

— бола туғилганлиги муносабати билан тўланадиган суммалардан;

— алимент мажбуриятлари бўйича тўланадиган суммалардан;

— меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун тўланадиган суммалардан, шунингдек радиация таъсирига учраган шахсларга ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда тўланадиган суммалардан;

— ҳомиладорлик ва туғиш бўйича тўланадиган нафақа суммаларидан;

— дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа суммаларидан;

— қисман ҳақ тўланадиган таътил даврида болани парваришlash учун тўланадиган суммалардан;

— бола туғилиши, қариндошлар вафот этиши, никоҳ тузиш муносабати билан корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан тўланадиган суммалардан;

— хизмат сафари, бошқа жойга ишга ўтказилганлиги, қабул қилинганлиги ёки юборилганлиги муносабати билан тўланадиган суммалардан;

— меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тариқасида тўланадиган суммалардан.

Алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ундирув фақат суднинг ҳал қилув қарорига биноан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда тўланадиган ижтимоий суғурта нафақаларига ва ишсизлик нафақаларига қаратилиши мумкин.

ИШ ҲАҚИНИ БЕРИШ

Иш ҳақи ходимларга ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмасдан тўланиши керак.

Иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар икки усулда амалга оширилиши мумкин:

- бўнакли;
- бўнаксиз.

Биринчи ҳолда ходимларга бўнак ойнинг биринчи ярми (1-дан 15-санাগача қўшилган ҳолда) учун, қоидага кўра, жорий ойнинг 16-дан 20-санасигача берилади, ишнинг натижаларига кўра ой учун ходимлар билан якуний ҳисобкитоб эса кейинги ойнинг бошида (масалан, 5-санасида) амалга оширилади.

Кўпгина ҳолларда ходимларга олдиндан шартлашилган миқдорда: ходимнинг лавозим маошининг (тариф ставкасининг) 50 %и ёки олдинги ой учун ҳақиқий иш ҳақининг 40 %и миқдорида бўнак бериш вариантдан фойдаланилади.

Мисол. Ходим Аҳмедов М.М.нинг маоши штат рўйхатида асосан 100 минг сўмни ташкил этади. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомда маошдан 40 % миқдорида бўнак тўлаш кўзда тутилган.

Аҳмедов М.М.га берилиши лозим бўлган бўнак суммаси 40 минг сўмни (100 x 40 : 100) ташкил қилади.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ҳисоб-китоб ҳисобварағидан корхона кассасига пул маблағларининг тушуми акс эттирилди	40	5010	5110
2	Бўнакнинг тўланиши акс эттирилди	40	4210	5010

Бўнак суммаларидан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ва суғурта бадаллари ушланмайди. Солиқ ва бадаллар ходимлар билан ой учун якуний ҳисоб-китоб қилинганда ушланади.

Иккинчи ҳолда корхонада режали бўнакнинг ўрнига ходимларга ойнинг биринчи ярми учун ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш) ёки ҳақиқий ишланган вақт бўйича иш ҳақи ҳисобланади.

Ой якунларига кўра ходимлар билан якуний ҳисоб-китоб амалга оширилиши керак. Ой учун ҳисобланган суммадан қуйидагилар ушланиши лозим:

- жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси;
- фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари;
- илгари олинган бўнак суммаси.

Мисол. Аҳмедов М.М.га февраль ойи учун ҳисобланган иш ҳақи 200 минг сўмни ташкил этди, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ — 22 минг сўм, суғурта бадаллари — 8 минг сўм. Илгари 40 минг сўм миқдорида бўнак берилган эди.

Аҳмедов М.М.га берилиши лозим бўлган иш ҳақи суммаси 130 минг сўмни (200 - 40 - 22 - 8) ташкил қилади.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуши	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Иш ҳақи ҳисобланди	200	2010 (9420)	6710
2	Бўнак ҳисобга олинди	40	6710	4210
3	ПЖга ажратмалар ушланди	8	6710	6520
4	Даромад солиғи ҳисобланди	22	6710	6410
5	ШЖБПҲга бадал ҳисобланди	2	6410	6530
6	Пул ўтказилди: жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ; ШЖБПҲга бадал; мажбурий сугурта бадали	20 2 8	6410 6530 6520	5110 5110 5110
7	Иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари олинди	130	5010	5110
8	Кассадан иш ҳақи берилди	130	6710	5010

Маълум давр учун ходимга ҳисобланиши лозим бўлган иш ҳақининг таркибий қисмлари, амалга оширилган ушланмалар миқдори ва асослари, шунингдек тўланиши лозим бўлган умумий сумма ҳақидаги маълумот корхона ходимига унинг талабига биноан тақдим этилиши керак.

Иш ҳақини бериш тўлов қайдномалари бўйича амалга оширилади (*намунага қаранг*).

Ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномага асосан пулларни беришда пулларни олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмидан кейин ордернинг матнида бухгалтерия томонидан пулларни олиш ишониб топширилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади. Агар пулларни бериш қайдномага асосан амалга оширилса, пулни олиш учун қўйиладиган имзодан олдин кассир «ишончномага асосан» ёзувини қўяди. Ишончнома кассирда қолади ва чиқим ордерига ёки қайдномага бириктириб қўйилади.

Корхоналар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун пул маблағлари банкдан нақд пуллар олинган кун билан

Ташкилот «НТТМ» МЧЖ
 Таркибий бўлирма маркетинг бўлими

БХУТ бўйича шакл
 Тузиш санаси
 КТУТ бўйича
 Корреспонденция-
 ланувчи ҳисобварақ

Кодлар
0301011
08.02.2010
17398222
6710

Кассага қуйидаги муддатда тўланиши учун
 2010 й. 8 февралдан 10 февралгача

Қирқ тўрт минг беш юз сўм
 сумма ёзув билан

Раҳбар _____
 имзоси

Зурабов Н.
 имзо расшифровкаси

Бош бухгалтер _____
 имзоси
2010 й. 8 февраль

Икромов З.
 имзо расшифровкаси

1-сон ТҮЛОВ ҚАЙДНОМАСИ
2010 йил февраль учун

Т/р	Табель рақами	Фамилияси, исми, отасининг исми	Сумма	Олганлиги ҳақида имзо	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
1	35	Аҳмедов М.М.	44 500	√	

Варақлар миқдори 1

Ушбу тўлов қайдномаси бўйича тўланди қирқ тўрт минг беш юз сўм
 сумма ёзув билан

(44 500 сўм 00 тийин) ва депонентланди _____
 сумма ёзув билан

(0 сўм — тийин)

Тўловни амалга оширди кассир _____
 лавозими имзоси

Усманова О.
 имзо расшифровкаси

Текширди бухгалтер _____
 лавозими имзоси

Икромов З.
 имзо расшифровкаси

2010 й. 8 февраль

ҳисоблаганда, уч иш куни давомида тарқатилиши керак. Уч кун ўтиши билан кассир берилган иш ҳақини қаторма-қатор текширади ва жамини чиқаради, пулларни олмаган ходимларнинг фамилиясининг тўғрисиغا, «олганлиги ҳақида имзо» устунига «депонентланди» деган штампни босади ёки қўлда ёзиб қўяди. Тўлов қайдномаси икки сумма билан ёпилади — нақд берилди ва депонентланди.

ТАЪТИЛ ВАҚТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Ходимга таътилнинг қуйидаги турлари берилиши мумкин:

- меҳнат (асосий ва қўшимча);
- ўқиш билан боғлиқ;
- ижтимоий.

Йиллик меҳнат таътили

Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилиши керак.

Йиллик асосий таътилнинг давомийлиги ишланган йил учун 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, узайтирилган таътиллار белгиланади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга — 30 тақвимий кун;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — 30 тақвимий кун.

Қўшимча таътиллار:

- меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга;
- оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

Йиллик узайтирилган ва қўшимча таътиллار бериш меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам назарда тутилиши мумкин.

Қўшимча таътилнинг давомийлиги қонун ҳужжатларида белгиланганидан кўп бўлиши мумкин. Ушбу ҳолда жамоа шартномасига кўра қўшимча берилган таътиллarga (қонун ҳужжатларида белгиланганидан ортиқчаси) ҳақ тўлаш ва улар бўйича компенсация суммалари фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда чегирилмайди.

Таътил муддатини ҳисоблаш

Таътиллارнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан тақвим бўйича иш кунларида ҳисоблаб чиқарилади.

Таътил даврига тўғри келиб қолган ва ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

Йиллик таътилнинг умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллар йиллик асосий таътилга (шу жумладан узайтирилган таътилга ҳам) қўшиб жамланади.

Барча ҳолларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътилларни жамлашда уларнинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Мисол. Жамоа шартномасига асосан аппретларни тайёрловчи ишчи давомийлиги 15 кун бўлган асосий меҳнат таътилига ва 36 кун бўлган қўшимча таътил олишга ҳақли.

Таътилнинг муддати асосий ва қўшимча таътиллар муддатларини жамлаш йўли билан аниқланади, аммо таътилнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги сабабли ушбу ҳолатда ходим 51 (15 + 36) иш куни эмас, балки фақатгина 48 иш кунига тенг муддатдаги таътилга ҳақли ҳисобланади.

Ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган таътил муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш тақвимий кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, ўн беш тақвимий кундан ками эса чиқариб ташланади.

Мисол. Ходим 9 ой 17 кун ишлаб берди. Жамоа шартномаси бўйича унга асосий меҳнат таътили амалдаги қонунчиликка мувофиқ, яъни 15 иш куни белгилаб қўйилган.

Ишланган вақтга мутаносиб таътил муддати 13 иш кунини ташкил қилади (15 : 12 x 10).

Ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилни бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

Таътил пулларини ҳисоблаш

Йиллик таътиллار даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китоб кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўн иккидан бирга (биринчи йил ишловчиларга: олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳ.к.) оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар кирази.

Таътил вақтига ҳақ тўлаш суммалари ёки фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўловларини ҳисоблашда олти кунлик иш ҳафтаси учун ҳисоблаганда ойнинг ўртача давомийлиги 25,4 кун деб олинади.

Мисол. Корхона ходимига навбатдаги йиллик таътил 2007 йил 1 мартдан 24 иш куни (асосий таътил — 15 кун ва кўшимча таътил — 9 кун) муддати билан берилди. 2007 йил март ойида меҳнат таътилига чиқишдан олдинги 12 тақвимий ой учун иш ҳақи миқдори қуйидагича бўлган:

Ойлар	Иш ҳақи	Шу жумладан	
		тариф бўйича	тарифдан юқори
2006 йил март	50 000	40 000	10 000
2006 йил апрель	50 000	40 000	10 000
2006 йил май	60 000	50 000	10 000
2006 йил июнь	60 000	50 000	10 000
2006 йил июль	60 000	50 000	10 000
2006 йил август	60 000	50 000	10 000
2006 йил сентябрь	60 000	50 000	10 000
2006 йил октябрь	60 000	50 000	10 000
2006 йил ноябрь	60 000	50 000	10 000
2006 йил декабрь	60 000	50 000	10 000
2007 йил январь	60 000	50 000	10 000
2007 йил февраль	75 000	75 000	—
12 ой учун жами	715 000	605 000	110 000

Ҳисоб-китоб кунига тариф бўйича иш ҳақи — 75 минг сўм. Охириг устунда суғурта бадаллари ҳисобланадиган суммалар кўрсатилган.

Ушбу вазиятда ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи қуйидагини ташкил этади: $75\,000 + 110\,000 : 12 = 84\,167$ сўм, бу ерда:

75 000 — тариф ставкаси; 110 000 — тариф ставкасидан юқори суммалар; 12 — ойлар.

Ходимга ҳисобланган таътил вақтига ҳақ суммаси 79 528 сўмни ($84\,167 : 25,4 \times 24$) ташкил этади.

Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасдан олдинги охириги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ходим меҳнат таътилида бўлганда тариф ставкалари, лавозим маошлари миқдорлари ошган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларидаги корхонанинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисобланади.

Мисол. Ишлаб чиқариш цехи ходимига 15 февралдан бошлаб 18 иш кунлик муддатга таътил берилди. Ходимга ҳисобланган таътил суммаси 150 минг сўмлик ўртача ойлик иш ҳақи (100 минг сўм — маош, 600 минг сўм — бир йилда олинган мукофотлар) ҳисоб-китобидан келиб чиқиб 150 минг сўмни ташкил қилди. 1 мартдан ходимнинг маоши 20 %га ошди ва 120 минг сўмни ташкил этди.

Таътилнинг 6 кунини март ойига тўғри келганлиги ва 1 мартдан ходимнинг маоши ўзгарганлиги сабабли қайта ҳисоблаш амалга оширилиши керак.

Март ойининг 6 иш кунини учун янги маош бўйича ҳисобланган таътил вақтига ҳақ 40 157 сўмни ($170\,000 : 25,4 \times 6$, бу ерда 170 000 сўм — ўртача ойлик иш ҳақи ($120\,000 + 600\,000 : 12$) ташкил этади. Илгари 35 433 сўм ($150\,000 : 25,4 \times 6$) ҳисобланган эди. Тегишинча, ходимга қўшимча 4 724 сўм ($40\,157 - 35\,433$) ҳисобланиши лозим.

Таътил пуллари ходимнинг жами даромадига киритилади ва уларга умумбелгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинади. Шунингдек улардан мажбурий суғурга бадаллари ушлаб қолинади ва ягона ижтимоий тўлов ҳисобланади.

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида таътиллarga ҳақ тўлаш 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Таътиллارга ҳақ тўлаш акс эттирилади

	дебет	кредит
Таътиллارга (асосий ва қўшимча) тўловларнинг ҳисобланиши	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 2310-«Ердамчи ишлаб чиқариш»; 9410-«Сотиш харажатлари»; 9420-«Маъмурий харажатлар»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»

Бунда агар таътилнинг бир қисми кейинги ойга тўғри келса, ушбу вақт учун ҳисобланган таътил пуллари берилган бўнак сифатида ҳисобга олинади.

Фойда солиғини ҳисоблашда жамоа шартномасига асосан қўшимча берилган таътилларга (қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан юқори) ҳақ тўлаш солиқ солинадиган базадан чегирилмайди.

Таътил пуллари ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш

Ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;
- ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;
- йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;
- давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим

билан иш берувчининг келишувига биноан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Юқорида айтилганидек, агар ходим таътил вақтида касал бўлиб қолса, таътил бошқа муддатга кўчирилиши ёки узайтирилиши мумкин. Таътилни бошқа муддатга ўтказишда таътил пуллари таътилда ҳақиқатда ўтказилган кунларни ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланиши ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳисобланиши мумкин ёки таътил пуллари қайта ҳисобланмай, кейинчалик кўчирилган таътил таътил пулларисиз берилади.

Мисол. Маъмурий аппарат ходими — Афғонистон Республикасидаги жанговар ҳаракатлар иштирокчисига 2010 йил 1 мартдан бошлаб 18 иш кунлик меҳнат таътили берилган. Таътил тугаганидан сўнг ходим касаллик варақасини тақдим этди, унга мувофиқ у 2010 йил 15 мартдан 18 мартга қадар касал бўлган. Ходимнинг маоши — 290 000 сўм. Ҳисоблаб ёзилган таътил пули — 205 512 сўм. Йил бошидан таътил бошлангунгача бўлган даромад суммаси 580 000 сўмни, даромад солиғи эса — 30 641,6 сўмни ташкил қилган.

Таътил пуллари билан бирга йил бошидан бошлаб жами даромад 785 512 сўмни (580 000 + 205 512) ташкил қилади.

Ходим байналмилал жангчи бўлгани учун унинг даромадлари ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод этилади.

Йил бошидан бошлаб солиқ солинадиган даромад — 333 352 сўм (785 512 – 37 680 x 4 x 3).

Йил бошидан бошлаб солиқ суммаси — 36 668,72 сўм (333 352 x 11 %).

Таътил пулларида олинган солиқ суммаси — 6 027,12 сўм (36 668,72 – 30 641,6).

Таътил пулларида олинган суғурта бадали суммаси — 8 220,48 сўм (205 512 x 4 %).

2010 йил 1 мартга қадар ходим 191 264,4 сўм (205 512 – 6 027,12 – 8 220,48) олиши керак.

Ходим ҳақиқатда таътилда бўлган кунлар сони 14 кунни ташкил қилган (1 мартдан 13 мартгача ва 19 мартдан 22 март-

гача). 14 кун учун таътил пуллари суммаси 159 843 сўмни $(205\,512 : 18 \times 14)$ ташкил қилади, яъни у 45 669 сўмга $(205\,512 - 159\,843)$ камайтирилиши керак.

Касаллик бўйича нафақа миқдорини аниқлаш учун бир ойлик маошни меҳнатга қобилиятсизлик ойдаги жадвал бўйича барча иш кунлари сонига бўлиш йўли билан ўртача кунлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилади: $13\,181,8$ сўм $(290\,000 : 22)$

Ўртача кунлик иш ҳақидан ҳамда иш ҳақига нисбатаро фойзда белгиланган нафақа миқдоридан келиб чиққан ҳолда бир кунлик нафақа миқдори ҳисоблаб чиқарилади. Ушбу мисолда ходим Афғонистондаги жанговар ҳаракатлар қатнашчиси бўлгани учун вақтинчалик қобилиятсизлик нафақаси тўлиқ иш ҳақи миқдоридан тўланиши керак.

15 мартдан 18 мартга қадар вақтинчалик қобилиятсизлик кунлари сони 4 кунга тенг, нафақа миқдори 52 727,2 сўмни $(13\,181,8 \times 4)$ ташкил қилади.

Касаллик варақаси тақдим этилганидан сўнг:

йил бошидан бошлаб солиқ солинадиган даромад — 340 410,2 сўм $(580\,000 + 159\,843 + 52\,727,2 - 37\,680 \times 4 \times 3)$;

йил бошидан бошлаб солиқ суммаси — 37 445,12 сўм $(340\,410,2 \times 11\%)$.

Солиқ 776,4 сўмга $(37\,445,12 - 36\,668,72)$ кўпаяди.

Қайтадан ҳисобланган таътил пулларида суғурта бадалли 6 393,72 сўмни $(159\,843 \times 4\%)$ ташкил қилади, тегишинча, олдин ушланган суғурта бадалли суммаси 1 826,76 сўмга $(8\,220,48 - 6\,393,72)$ камаяди.

Касаллик нафақаси тўланганидан кейинги солиқ солинадиган даромад ошгани учун ШЖБҲга 70,58 сўм $[(340\,410,2 - 333\,352) \times 1\%]$ қўшимча ҳисоблаб ёзилиши керак.

Таътилдан чақириб олиш

Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши керак. Бунда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик таътилни албатта бериш ҳақидаги, ходимлар томонидан кейинги меҳнат йилига ўтказилган таътилнинг бир қисмидан албатта фойдаланилиши ҳақидаги ва бошқа қонунчилик талабларига риоя қилиниши лозим.

Таътилни кўчириш, таътил пулларини қайта ҳисоблаш, фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсацияларни тўлаш масалалари ички локал ҳужжатларга мувофиқ ёки меҳнат шартномаси тарафларининг розилигига асосан тартибга солиниши керак.

Пуллик компенсация

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг энг оз муддатидан (15 иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий таътилларнинг барча турларидан, шунингдек меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун, оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун қўшимча таътиллардан асли ҳолида фойдаланилади. Уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация миқдори ишдан бўшатиш санасида таътилнинг фойдаланилмаган кунлари сонига тўғри келадиган ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Мисол. Хизмат кўрсатувчи хўжалик ходими 1 июлдан бошлаб меҳнат шартномасини тугатиш тўғрисида ариза берди. Ходимнинг маоши — 360 минг сўм. Ходимнинг жорий меҳнат йили 1 мартдан бошланди. 1 мартдан 1 июлгача ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланган қўшимча тўловлар суммаси — 150 минг сўм. Унга таътил жорий йилдан ташқари ҳар меҳнат йилида берилган. Меҳнат шартномасининг шартларида таътил муддати 18 иш кунни қилиб белгиланган.

Ходим 4 ой учун (мартдан 1 июлгача) меҳнат таътилидан фойдаланмади.

Ишланган вақтга мутаносиб таътил вақти 6 иш кунини (18 : 12 x 4) ташкил қилади.

Таътил пулларини ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи 397 500 сўмга (360 000 + 150 000 : 4) тенг, бу ерда:

360 000 — компенсацияни ҳисоблаш кунидаги ходимнинг маоши;

150 000 — ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган ҳисоб-китоб даври учун қўшимча тўловлар.

Компенсация суммаси 93 898 сўмни ($397\,500 : 25,4 \times 6$) ташкил қилади.

Фойдаланилмаган таътил учун компенсация суммаси ходимнинг жами даромадига киритилади ва унга жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинади.

Фойдаланилмаган таътил учун компенсация суммасидан ижтимоий суғурта бўйича мажбурий бадаллар ҳисобланади.

Ўқиш билан боғлиқ таътиллار

Ўқиш билан боғлиқ таътиллار:

- умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимларга — иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда битирув имтиҳонлари топшириш даврида 20 иш кунидан кам бўлмаган муддатга;

- кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириш учун камида 15 календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юртлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллار қуйидаги тартибда:

- биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга — ҳар йили камида 20 календарь кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида 10 календарь кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса ҳар йили камида 30 календарь кун;

- учинчи ва ундан кейинги курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга — ҳар йили камида 30 календарь кун, ўрта махсус ўқув юртла-

рида таълим олаётганларга ҳар йили камида 20 календарь кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса ҳар йили камида 40 календарь кун;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида — камида 30 календарь кун;

— олий ўқув юртларида диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида — тўрт ой, ўрта махсус ўқув юртларида — 2 ой муддатга берилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охириги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун 30 календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Мазкур таътил даврида талабалар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

Ижтимоий таътиллار

Ходимлар қуйидаги ижтимоий таътиллари олиш ҳуқуқига эгалар:

— ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари;

— болаларни парваришлаш таътиллари.

Аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилни неча кундан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришлаш учун бериладиган таътиллardan боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Улар болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришлаш таътиллари вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар

Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

— 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили 14 календарь кунга қадар;

— ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили 14 календарь кунга қадар;

— икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;

— 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялайётган аёлларга — ҳар йили 14 календарь кунга қадар;

— меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР

Ижтимоий нафақалар — бу:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси;
- ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;
- бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа;
- бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш нафақаси;
- дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа.

Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига нафақаларни тўлаш

Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига қуйидаги нафақалар тўланади:

- бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа;
- дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа.

Корхоналар ушбу нафақаларни тўлашга пул маблағларини олиш учун ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлимига буюртманомаларни тақдим этадилар.

Буюртманомага корхонанинг пенсия ва нафақалар олувчи ходимлари реестри илова қилинади. Реестр шакли ЎЗР АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатга олинган Ягона ижтимоий тўлов ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низом (2а-сон илова) билан тасдиқланган.

Зарур бўлганда корхонадан тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар — пенсия топшириқномаси, ФХДЁ бўлимларидан маълумотномалар ва бошқалар ҳам талаб қилиниши мумкин.

Зарур пул маблағлари корхоналарга буюртманома тақдим этилгандан кейин 5 иш кун ичида ўтказилади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун олинган маблағлар буюртманомада кўрсатилган мақсадларгагина ишлатилиши мумкин.

Корхоналар ўзларининг бўш маблағлари ҳисобидан нафақаларни иш ҳақини тўлаш кунида тўлашлари мумкин.

Кейинчалик Пенсия жамғармасы тўланган суммаларни корхонага қайтаради.

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа ота-оналардан бирига ёки унинг ўрнини босувчи шахсга иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича тайинланади ва берилади.

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақани тайинлаш ва тўлаш учун нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ва ФХДЁ органлари томонидан берилган бола туғилганлиги ҳақидаги маълумотнома тақдим этилади. Агар ҳар иккала ота-она ишласа (хизмат қилса, ўқиса), қўшимча равишда отаси ёки онасининг иш (хизмат, ўқиш) жойидан унга бундай нафақа тайинланмаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилади.

Бола туғилганда (фарзандликка олинганда) бериладиган бир марталик нафақа бола туғилган санадаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдориди берилади.

Икки ва ундан ортиқ бола туғилганда (фарзандликка олинганда) бериладиган бир марталик нафақа ҳар бир болага тайинланади ва тўланади.

Мисол. Бола туққан корхона ходими унга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тўлашлари ҳақида ариза берди.

Энг кам ойлик иш ҳақи 37 680 сўм бўлгани ҳолда нафақа миқдори 75 360 сўмни (37 680 x 2) ташкил қилади.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Нафақа ҳисобланди	75,36	4890	6710
2	Нафақа тўлаш учун маблағлар олинди	75,36	5110	4890
3	Банкдан нафақа олинди	75,36	5010	5110
4	Нафақа берилди	75,36	6710	5010

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақадан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ва ижтимоий сугуртага бадаллар ушлаб қолинмайди.

Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа

Дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган қуйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади:

- турмуш ўртоғи;
- 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъи назар) болалари, ака-укалари ва опасингиллари;
- ота-онаси;
- бобоси ёки бувиси.

Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи), ширкат хўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари ҳисобланувчи ва ҳоказо оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди.

Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга берилади.

Нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида берилади.

Иш ҳақига туман коэффиенти белгиланган жойларда нафақа миқдори ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффиентларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ходимнинг вафоти туфайли уни дафн этиш маросимини ўтказиш нафақасини олиш учун ижтимоий сугурта комиссиясига ФХДЁ бўлими томонидан берилган вафот этганлик тўғрисидаги маълумотнома топширилади, ходимнинг оила аъзоси вафот этганда эса вафот этганлиги ҳақидаги маълумотномадан ташқари уй-жойдан фойдаланиш идораси (бинодан фойдаланиш дирекцияси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи, ш. ж. маҳалла қўмитаси) томонидан вафот этган шахснинг ёши ва ходим билан қариндошлик алоқалари борлиги ва у ходимнинг

қарамоғида бўлганлиги тўғрисида маълумотнома ҳам топширилиши лозим.

Корхона маблағлари ҳисобидан тўланадиган нафақалар

Корхоналар ўз маблағлари ҳисобидан қуйидаги нафақаларни тўлашлари шарт:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси;
- ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;
- бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash нафақаси.

Тўланган нафақалар суммаси юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни ҳисоблашда Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ корхонанинг солиқ солинадиган базасини камайтиради.

Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда эса ушбу харажатлар ҳисобга олинмайди.

Ходимнинг бошқа даромадлари бўлиб ҳисобланган кўрсатиб ўтилган нафақаларга ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳиоблаб ёзилмайди.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда);
- санаторий-курортларда даволанганда;
- касалланган оила аъзосини парваришlash зарур бўлганда;
- карантинда;
- сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
- меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) иш ҳақининг тўлиқ миқдориди:

— Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга;

— байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

— қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун — 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга;

— Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

— Чернобиль АЭСдаги авария натижасида қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без ва хавfli ўсмалар (аденома, рак) билан боғлиқ касалликларга чалинганда радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган ходимларга;

— ходимларга ишда шикастланиши ва касб касалликлари оқибатида;

б) ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича ҳисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб:

— умумий меҳнат стажи 8 ва ундан ортиқ йил бўлганларга — иш ҳақининг 100 %и миқдориди;

— умумий меҳнат стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлганларга — 80 % миқдориди;

— умумий меҳнат стажи 5 йилгача бўлганларга — 60 % миқдориди;

в) қолган ҳолларда, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб:

— умумий меҳнат стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлганларга, шунингдек 21 ёшга тўлмаган чин (сағир) етимларга — иш ҳақининг 80 %и миқдориди;

— умумий меҳнат стажи 8 йилдан кам бўлганда — 60 %и миқдориди.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақанинг энг кам миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган

энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисоблаш ва бериш даволаш-профилактика муассасалари томонидан бериладиган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақасига асосланиб амалга оширилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади, унда суғурта бадаллари ҳисобланадиган барча тўловлар (меҳнат ҳақиға тегишли бўлмаган бирйўла тўланадиган тўловлардан ташқари) ҳисобга олинади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олинган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақиға қўшилиб, ўртача ойлик, ўртача кунлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги сабабли тўла ишламаган, ҳомиладорлик ва туғиш, бола уч ёшға тўлгунға қадар болаға қараш таътилида бўлган, ҳарбий ўқув ёки синов йигинларида ёки бошқа корхонада ишлаш учун юборилган ойлар мукофот суммаси бўлинадиган ойлардан чиқариб ташланади. Агар ҳисоблаш учун уч ойдан кам бўлган давр олинса, ҳар бир ойда чораклик мукофотнинг учдан биридан кўп бўлмаган қисми ҳисобга олинади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли ишға келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Нафақа ходимнинг иш жойида (меҳнат дафтарчаси турган жойда) тайинланади.

Мисол. Корхонанинг уч ходими меҳнатга қобилиятсизлик варақасини тақдим этди. Ҳар бир ходимнинг меҳнатга қобилиятсиз кунлари сони 5 кунлик иш ҳафтасида 10 кунни ташкил этади.

Бунда:

	Меҳнат стажи	Ойлик маош	Қўшимча маълумотлар
1-ходим	5 йил	230 000	боқувда 16 ёшга тўлмаган 3 та фарзанди бор
2-ходим	9 йил	242 000	—
3-ходим	2 йил	240 000	—

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси миқдори-ни аниқлаш учун ўртача кунлик иш ҳақи ойлик маошни меҳнатга қобилиятсизлик ойидаги жадвал бўйича барча иш кунлари сони (20)га бўлиш йўли билан ҳисобланади:

1-ходимга — 11 500 сўм (230 000 : 20);

2-ходимга — 12 100 сўм (242 000 : 20);

3-ходимга — 12 000 сўм (240 000 : 20).

Ўртача кунлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ва иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган нафақа миқдорида боғлиқ ҳолда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ҳисобланади.

Ушбу мисолда 1-ходим боқувда 16 ёшга тўлмаган 3 та фарзанди бор бўлганлиги учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш ҳақининг тўлиқ миқдорида тўланиши керак.

1-ходимнинг нафақа суммаси 115 000 сўмни ($11\,500 \times 10$) ташкил этади.

Иккинчи ходим 9 йил меҳнат стажига эга, шунинг учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлиқ иш ҳақининг 80 %и миқдорида тўланиши керак.

2-ходимнинг нафақа суммаси 96 800 сўмни ($12\,100 \times 10 \times 80\%$) ташкил этади.

Учинчи ходим 2 йил меҳнат стажига эга, шунинг учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлиқ иш ҳақининг 60 %и миқдорида тўланиши керак.

3-ходимнинг нафақа суммаси 72 000 сўмни ($12\,000 \times 10 \times 60\%$) ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисобида нафақаларни тўлаш қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ҳисобланди	9430	6710
2	Нафақа кассадан тўланди	6710	5010

Мисол. Ходим 5 иш куни учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасини тақдим этди. Ходимнинг лавозим маоши 325 минг сўмни, ўтган 12 ойдаги мукофотлар суммаси 600 минг сўмни, иш ҳақига нисбатан фоизларда тайинланган нафақа миқдори 80 %ни ташкил қилади.

Меҳнатга қобилиятсизлик юзага келган ойда 21 иш куни мавжуд.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи 375 000 сўмни ташкил қилади ($325\,000 + 600\,000 : 12$).

Ўртача кунлик иш ҳақи ўртача ойлик иш ҳақини меҳнатга қобилиятсизлик ойидаги жадвал бўйича иш кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўртача кунлик иш ҳақи 17 857 сўмни ташкил қилади ($375\,000 : 21$).

Кунлик нафақа ўртача ойлик иш ҳақи ва иш ҳақига нисбатан фоизлар ҳисобида тайинланган нафақа миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақа миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ишга келинмаган иш кунлари сонига кўпайтириб аниқланади. Мазкур ҳолда — 5 иш кунига.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа миқдори 71 428 сўмни ташкил қилади ($17\,857 \times 5 \times 80\%$).

Мисол. Ходим 5 иш куни учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасини тақдим этди. Ходимнинг меҳнатга қобилиятсиз бўлган кундаги кунлик тариф ставкаси 14 523 сўмни ташкил қилади.

Ўтган 12 ойдаги тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган тўловлар суммаси қуйидагилардан ташкил топади: тизим низомлари бўйича мукофот — 450 минг сўм; моддий ёрдам — 200 минг сўм; касаллик варақаси бўйича тўлов — 35 минг сўм; корхона жамоа шартномасида назарда тутилган бай-

рамга мукофот — 50 минг сўм. Иш ҳақиға нисбатан фоизларда тайинланган нафақа миқдори 60 %ни ташкил қилади.

Меҳнатга қобилиятсизлик юзага келган ойда 21 иш куни мавжуд.

Тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган ўртача ойлик иш ҳақи 41 667 сўмни $[(450\ 000 + 50\ 000) : 12]$ ташкил қилади. Моддий ёрдамдан ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасидан ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобланмайди, тегишинча, улар ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган ўртача кунлик иш ҳақи 1 984 сўмни $(41\ 667 : 21)$ ташкил қилади.

Ходимнинг ўртача кунлик иш ҳақи (тариф ва тарифдан ташқари қисми ҳисобга олинган ҳолда) 16 507 сўмга $(14\ 523 + 1\ 984)$ тенг бўлади.

Кунлик нафақа ўртача кунлик иш ҳақи ва иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида тайинланган нафақа миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақа миқдорини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ишга келинмаган иш кунлари сонига, яъни мазкур ҳолда 5 иш кунига кўпайтириб аниқланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа миқдори 49 521 сўмни $(16\ 507 \times 5 \times 60\ %)$ ташкил қилади.

Ишбай иш ҳақи олувчи ходимларга вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа миқдори уларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойнинг биринчи кунидан олдинги сўнгги календарь ойдаги иш ҳақидан, унга мукофотларнинг ўртача ойлик суммасини кўшиб аниқланади.

Мисол. Ишбай асосда ҳақ тўланадиган ходим 5 иш куни учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасини тақдим этди. Меҳнатга қобилиятсизлик юзага келган ойнинг биринчи кунидан олдинги календарь ойда ходим олган ишбай иш ҳақи 275 минг сўмни ташкил қилди. Ўтган 12 ойдаги иш ҳақидан ошадиган тўловлар суммаси куйидагиларни ташкил қилади: байрамга мукофот — 110 минг сўм; йил учун иш якунлари бўйича мукофот — 120 минг сўм. Иш ҳақиға нисбатан фоизларда тайинланган нафақа миқдори 100 %ни ташкил қилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизликка доир касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи $294\ 167$ сўмни $[275\ 000 + (110\ 000 + 120\ 000) : 12]$ ташкил қилади.

Иш ҳақи олинган ойда 21 иш куни бор, тегишинча, ўртача кунлик иш ҳақи $14\ 008$ сўмни $(294\ 167 : 21)$ ташкил қилади.

Кунлик нафақа ўртача ойлик иш ҳақи ва иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида тайинланган нафақа миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақа миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ишга келинмаган иш кунлари сонига кўпайтириб аниқланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа миқдори $70\ 040$ сўмни $(14\ 008 \times 5 \times 100\ %)$ ташкил қилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси иш жойи бўйича аёлларга белгиланган тартибда берилган вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида тайинланади ва тўланади.

Нафақа тариф ставкаси (лавозим маоши) ва таътил бошлангунга қадар ўтган 12 ойда олинган мукофот тўловларининг ўртача ойлик суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда тариф ставкаси туман коэффициентлари ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кундаги ушбу жойларда белгиланган устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинади.

2010 йилда ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси иш берувчи ҳисобидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган нафақаларни тўлаш бўйича харажатларни нафақа олаётган шахсининг иш жойидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларига ёхуд жорий харажатларга киритиш керак.

Мисол. Корхона ходими 1 февралдан бошлаб 126 кун муддатга ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиши тўғрисида касаллик варақасини тақдим этди. Январдаги иш ҳақи — $150\ 000$ сўм, мукофот — $36\ 000$ сўм (бошқа мукофот тўловлари ҳисоб-китоб даврида амалга оширилмаган).

Нафақа ҳисоб-китоби қуйидаги тарзда амалга оширилади:

1) касаллик варақаси бўйича кунлар сони календарь ва иш кунларига бўлинади.

Ушбу мисолда календарь кунлар сони 126 кунни, иш кунлари сони эса 89 кун (шу жумладан февралда – 20 кун, мартда – 22 кун, апрелда – 22 кун, майда – 21 кун, июнда – 4 кун)ни ташкил қилади;

2) ўртача ойлик иш ҳақи аниқланади:

$$150\,000 + 36\,000 : 12 \text{ ой} = 153\,000 \text{ сўм};$$

3) 4 тўлиқ ой ва июндаги 4 иш кунига ҳақ тўланиши лозим:

февраль, март, апрель ва май ойлари учун нафақа 612 000 сўмни ташкил қилади;

июнь оyi учун – $153\,000 : 22 \times 4 = 27\,818$ сўм (22 – июнь ойидаги иш кунлари сони).

Нафақанинг жами миқдори 639 818 сўмни (612 000 + 27 818) ташкил қилади.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Нафақа ҳисобланди	639,818	2010, 9420 ва б.	6710
2	Банкдан нафақа олинди	639,818	5010	5110
3	Нафақа берилди	639,818	6710	5010

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси бўйича жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ва бадаллар ушлаб қолинмайди.

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш нафақаси

Ишлаётган оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш бўйича нафақа иш жойида тайинланади (2008 йил 1 январдан бошлаб – бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар бундан мустасно).

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

— болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳақидаги ариза;

— бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Боланинг онаси ўрнига болани парвариш қилиш бўйича нафақани олувчи шахслар қўшимча равишда онанинг йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат — бола (болалар) онаси ўлими тўғрисидаги гувоҳнома, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳақида суд органлари берган маълумотнома ёки боланинг (болаларнинг) онаси болани парвариш қилиш бўйича нафақани олиш имконияти йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа, парваришланаётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизи миқдориди тўланади.

Мисол. Корхона ходими унга бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун таътил беришларини сўраб ариза топширди.

Энг кам ойлик иш ҳақи 37 680 сўм бўлгани ҳолда нафақа миқдори 75 360 сўмни ($37\ 680 \times 2$) ташкил қилади.

Болани парваришлаш бўйича нафақани тўлаш харажатлари давр харажатларига (9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағига) олиб борилади.

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Нафақа ҳисобланди	75,36	9430	6710
2	Нафақа берилди	75,36	6710	5010

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш нафақасига даромад солиғи, ягона ижтимоий тўлов, шунингдек фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари солинмайди.

ҲИСОБДОР ШАХСЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАР

Пул маблағларини ҳисобот бериш шарти билан бериш тартиби

Ҳисобдор шахслар — бу кассадан хизмат сафари ёки хўжалик харажатлари кўринишида пул маблағлари бериладиган корхонанинг ходимлари.

Ҳисобдор суммаларни бериш ва уларнинг ишлатилиши бўйича ҳисобот топшириш тартиби корхона раҳбарининг буйруғи билан белгиланади. Унда қуйидаги ҳолатлар кўрсатилган бўлиши лозим:

- пул маблағлари ҳисобдорлик бўйича берилиши мумкин бўлган шахслар;
- пул маблағлари бериладиган муддатлар;
- пул маблағларидан фойдаланиш мақсадлари;
- пул маблағларининг миқдори.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларда қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

— ҳисобдорлик бўйича берилган пуллар фақат корхона раҳбари буйруғи билан рўйхати тасдиқланган шахсларга берилади. Ҳисобдорлик бўйича берилган нақд пулларни бир шахсдан бошқа шахсга бериш тақиқланади;

— ҳисобдор суммалар корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши), корхона раҳбарининг визаси қўйилган ходимнинг аризаси, хизмат сафари гувоҳномаси асосида қатъий белгиланган мақсадларга берилади;

— сарфланган ҳисобдор суммалар тўғрисидаги ҳисобот улар берилган муддат тугагандан кейин ёки ходим хизмат сафаридан қайтган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай бухгалтерияга тақдим этилиши лозим. Ҳисоб бермаган шахсларга илгари берилган ҳисобдор суммалар бўйича тўлиқ ҳисоб бергандан сўнггина ҳисобдор суммаларни бериш мумкин.

Хизмат сафари бўйича ҳисоблашишлар

Расмийлаштириш. Хизмат сафари корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- юборилиш пункти;
- ходим сафарга юбориладиган корхонанинг номи;
- хизмат сафарининг муддати, мақсади ва давомийлиги;
- хизмат сафари режа-топшириғи.

Мисол. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Аҳмедов М.М. Қарши шаҳрига 2008 йил 29 мартдан 31 мартгача уч кунга хизмат сафарига юборилди (*хизмат сафарига юбориш ҳақидаги буйруқ намунасига қаранг*).

Хизмат сафарига борадиган ходимга корхона раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр босилган хизмат сафари гувоҳномаси берилади.

Хизмат сафари харажатларини тўлаш. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатларга сўмда ёки чет эл валюта-сида (Ўзбекистон ташқарисида хизмат сафарларида) бўнак берилади.

Хизмат сафари харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- турар жой учун харажатларни тўлаш;
- кундалик харажатлар;
- хизмат сафари жойига бориш ва доимий иш жойига қайтиш бўйича харажатлар.

Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (телефон сўзлашувлари, телеграф харажатлари ва бошқ.) тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлгандагина қопланади (тўланади).

Ходимни Ўзбекистон ҳудудида хизмат сафарига юборишда турар жойни ижарага олиш бўйича харажатлар хизмат сафарига юборилган ишчининг келиш ва кетиш кунлари учун ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, жумладан меҳмонхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (жойларни бронлаш, дазмолдан фойдаланиш, сақлаш камера-

Т-9-сон шакл

«НТТМ» МЧЖ

ташкilot

БХУТ буйича
КТУТ буйича шакл

Код	
0301022	
17398222	

Ҳужжат рақами	Тузилган санаси
12	26.03.2008

**Ходимни хизмат сафарига юбориш ҳақида
БҮЙРУҚ
(фармойиш)**

Хизмат сафарига юборилсин:

Табель рақами
55

Аҳмедов Мансур Мираҳмедович

ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми

Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

касби (лавозими)

таркибий бўлима номи

Қарши шаҳри, «Қаршисут» ОАЖ

бориш жойи (мамлакат, шаҳар, ташкilot)

3 тақвим куни муддатга2008 й. 29 мартдан 2008 й. 31 мартгачаХизмат сафари мақсади Кўрсатиладиган хизматлар сметасини келишишиХизмат сафари маблағлари «НТТМ» МЧЖ ҳисобига

Асос:

Хизмат топшириғи

хизмат топшириғи, бошқа асос (рақами, санаси)

Ташкilot раҳбари

ИМЗО

ИМЗО расмифровкаси

Буйруқ (фармойиш)
билан танишиб чиқдим

ИМЗО

ИМЗО расмифровкаси

2008 й. 26 март

сидан, телевизор, музлаткич, идиш-товоқ, алоқа хизматидан фойдаланиш)га ҳақ тўлаш бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда қопланади.

Тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ бўлган ҳолларда турар жой хонасини ижарага олиш харажатлари ҳар бир сутка учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 2 фоизи миқдорида қопланади.

Ходим четга хизмат сафарига юборилганда турар жойни ижарага олиш бўйича харажатлар белгиланган меъёрларга (ЎзР АВ томонидан 05.06.2000 йилда 932-сон билан рўйхатга олинган Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибига 1-илова — кейинги ўринларда 1-илова) мувофиқ хорижий валютада тўланади.

Корхона раҳбари белгиланган меъёрларга кейинчалик бу харажатларни тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаш шарти билан қўшимча маблағлар ажратиши мумкин.

Уй-жой ижараси харажатлари бўйича якуний ҳисобкитоб сафарда бўлган шахснинг ҳақиқий харажатларига кўра, бироқ белгиланган меъёрлар ва корхона раҳбари томонидан белгиланган бўлса, қўшимча маблағлардан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади. Бунда уй-жой ижараси харажатлари сафарнинг ҳар бир куни учун, айрим кунлар учун ортиқча харажатларни инобатга олмаган ҳолда тўланади.

Ўзбекистон ҳудудида сафарда бўлиш чоғида кундалик харажатлар республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг қуйидаги коэффициентлари бўйича ҳисобланади:

— Тошкент шаҳри ва республика шаҳарлари — вилоят марказларида — 0,1;

— республиканинг бошқа шаҳар ва аҳоли пунктларида — 0,08.

Ўзбекистон ташқарисида сафарда бўлиш чоғида кундалик харажатлар юқорида айтилган 1-иловада белгиланган.

Ходим икки ёки ундан ортиқ чет давлатларга юборилганда бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтиш кунидаги кун-

далик харажатлар ходим қайси давлатга ўтган бўлса, ўша давлат меъёри бўйича кундалик харажатлар 100 фоизи миқдориди тўланади.

Бир кун ичида сафарга бориш ва қайтиш ҳолларида кундалик харажатлар чет эл валютасида 50 фоиз миқдориди қопланади.

Транспорт харажатлари тегишли ҳужжатларда тасдиқланган ҳақиқий харажатлар бўйича тўланади. Йўл ҳужжатлари йўқ бўлган тақдирда корхона раҳбари йўл ҳақи харажатларини тўлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин, бунда йўл харажати бўйича қопланадиган сумма хизмат сафари пунктларига темир йўл орқали бориш қийматидан ортиқ бўлмаслиги, лекин йўловчиларни авиаташиш тарифининг 30 %идан кўп бўлмаслиги керак.

Тасдиқловчи ҳужжатлар бўлгани ҳолда (чет давлат ҳудудида) аэропорт, вокзал, пристандан, агар улар аҳоли пунктидан узоқда бўлса, яшаш жойигача ва қайтиш харажатлари ҳам қопланади.

Ходимнинг шаҳар ичидаги транспорт харажатлари кундалик харажатлари таркибиди қопланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган қуйидаги харажатлари ҳам қопланади:

- виза олиш бўйича;
- МДХ давлатларида вақтинчалик ҳисобда туриш бўйича;
- борган давлатда чет эл валютасини сотиш ёки олиш бўйича йиғимлар (фоизлар) тўлаш бўйича;
- сафар вазифасини бажариш учун телефон музокаралари бўйича. Ходимнинг музокараларнинг ўтиши ҳолати ҳақида раҳбариятга ахборот бериш мажбурияти сафар режа-топширигида акс эттирилиши керак;
- 30 кг гача юк олиб ўтиш учун тўлов (ишчи кетаётган транспортда текинга олиб ўтиш мумкин бўлган юк меъёридан ортиқ юк);
- аэропорт, суғурта (борилаётган давлатга кириш учун мажбурий бўлган суғурта турлари), божхона ва комиссия (кўрғазма, тақдимот маросими, конференция ва гостроллар ўтказилса) йиғимлар;

— конференция иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш йиғимлари;

— пулли тўхташ жойи, бензин олиш, юк жўнатиш хизматларига (фақат сафардаги ҳайдовчилар учун) тўловлар;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига (фармойишига) мувофиқ МДХ давлатларида кетувчиларга «VIP» зали орқали хизмат кўрсатиш.

Корхоналар раҳбарлари барча турдаги сафар харажатлари бўйича белгиланган меъёрларга қўшимча тўловлар миқдорини мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Кундалик харажатларни қоплаш меъёрларидан ортиқча қўшимча тўловлар солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди ва уларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинади. Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналарда меъёр чегарасида ҳамда меъёрдан ортиқча хизмат сафари харажатларини тўлаш бўйича харажатлар солиқ солинадиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Мисол. Ишлаб чиқариш бўлими ходими Москва шаҳрига профиль маҳсулоти кўргазма-ярмаркасига хизмат сафарига юборилди. Хизмат сафари муддати — 10 кун.

Хизмат сафари харажатлари қуйидагиларни ташкил қилди:
икки томонга авиабилет қиймати — 358 146 сўм;
кундалик харажатлар — 496 минг сўм (40 долл. x 10 x x 1 240 сўм);

меҳмонхонада туриш ҳақи — 1 488 минг сўм (120 долл. x x 10 x 1 240 сўм);

транспорт харажатлари (йўналишли такси, шаҳар транспорти) — 124 минг сўм (100 долл. x 1 240 сўм).

Ходимга кундалик харажатлар суммаси корхона томонидан белгиланган ва раҳбар буйруғи билан тасдиқланган меъёрларга кўра ҳисоблаган.

Туриш харажатлари бир суткада 120 долларни ташкил этди. Қонунчиликда белгиланган меъёрдан ташқари қўшимча харажатлар корхона ҳисоб сиёсатида акс эттирилмаган, лекин ҳақиқий харажатлар тўлалигича (меҳмонхона ҳисобварақ-фактурасига мувофиқ) қопланади.

Корхона раҳбарининг буйруғига мувофиқ сафардаги ходимнинг транспорт харажатлари (кундалик харажатлардан ташқари) алоҳида қопланади.

Москва шаҳрига хизмат сафарига боришда кундалик харажатлар ва турар жой харажатларининг (уй-жой ижараси бўйича) қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлари қуйидагича: кундалик харажатлар — 25 долл., уй-жой ижараси меъёри — 80 долл.

Солиқ оқибатлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Т / р	Сафар харажатлари	Амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлар	Корхона раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланган меъёрлар	Ҳақиқатда сарфланган харажатлар	Солиқ оқибатлари (фойда солиғи, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ, ШЖБПҲга 1 %)
1	Кундалик харажатлар	25 долл.	40 долл.	40 долл.	(40—25) фарқи солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди
					(40—25) фарқига жисмоний шахсларнинг даромад солиғи солинади
					(40—25) фарқидан ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ундирилмайди
2	Уй-жой харажатлари	80 долл.	80 долл.	120 долл.	(120—80) фарқи солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди
3	Шаҳар ичидаги транспорт харажатлари	Йўқ, кундалик харажатлари таркибида қопланади	Ҳақиқий харажатлар	100 долл.	Солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди
					Ходимнинг жами даромадларига киритилиб, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ШЖБПҲга ажратмалар ундирилади

Ходим хизмат сафаридан қайтгач уч кун ичида бухгалтерияга раҳбар томонидан тасдиқланган хизмат сафари натижалари тўғрисида ёзма ҳисобот ва бўнак ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Код
0301026
17398222

Бир юз йигирма саккиз минг етти юз олтинчи сўм 00 тийин суммадаги ҳисоботни

ТАСДИҚЛАЙМАН

**БЎНАК
ҲИСБОТИ**

Рақами	Санаси
1	5.04.2008

Раҳбар

√

имзоси

имзо раснифровкаси

2008 й. 5 апрель

Таркибий бўлинма
Ҳисоб топширувчи
шахс

Ишлаб чиқариш бўлими

Аҳмедов М.М.

фамилияси, исми, отасининг исми

Табель
рақами

Код
55

Касби (лавозими)
Бўнак мақсади

Бўлим бошлиғи

Хизмат сафари харажатлари

Қуратқичлар номи	Сумма, сўм, тийин
Олийинг бўнак қолдиқ	—
Ортиқча харажат	—
1. кассадан	—
1а. валютада (маълумот учун)	—
2.	
Аниқланиб пул ўтказиш бўли билан	47 000
Жами олинган	47 000
Харажат қилинган	128 760
Қолдиқ	
Ортиқча харажат қилинган	81 760

Бухгалтерия ёзуви			
дебет		кредит	
ҳисобварақ	сумма, сўм, тийин	ҳисобварақ	сумма, сўм, тийин

Илова 3 варақда 3 ҳужжатдан иборат.

Ҳисобот текширилган.

Тасдиқлашга берилган сумма Бир юз йигирма саккиз минг етти юз олтинчи сумма ёзув билан

сўм 00 тийин (128 760 сўм — тийин)

Бош бухгалтер

имзоси

имзо раснифровкаси

Бухгалтер

имзоси

имзо раснифровкаси

20__ й. «__» ____ даги 81 760 сўм — тийин суммада қолдиқ топширилди
—сон касса ордери буйича [] тийин суммада ортиқча харажат берилди

Бухгалтер (кассир)

имзоси

имзо раснифровкаси

20__ й. «__» ____

Тилхат

2008 й. 5 апрелдаги 1-сонли бўнак ҳисоботи М.М.Аҳмедовдан текшириш учун қабул қилинди Бир юз йигирма саккиз минг етти юз олтинчи сўм ёзув билан

— тийин суммага, ҳужжатлар сони 3, варақалар сони 3.

Бухгалтер (кассир)

имзоси

имзо раснифровкаси

20__ й. «__» ____

Т/р	Ишлаб чиқариш харажатларини тасдиқловчи ҳужжат		Ҳужжат (харажат) номи	Харажатлар суммаси				Ҳисоб-кўрақ лебети
				ҳисобот буйича		ҳисобга қабул қилинди		
	санаси	рақами		сўмда	валюта-да	сўмда	валюта-да	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	25.03.08		Авиачипта «Тошкент—Қарши—Тошкент»	47 000		47 000		2010
2	29.03.08	14	Меҳмонхона ҳисобварақ-фактураси	60 000 ҚҚС билан		50 000		2010
						10 000		6410
3			Кундалик харажатлар учун	21 760		21 760		2010
				128 760		128 760		

Ҳисобот топширувчи шахс _____

ИМЗОСИ

Ахмедов М.М.
ИМЗО расмиёвчаси

Мисол. Ходим Қарши шаҳрига 3 кун муддатга хизмат сафарига юборилди.

Ходимнинг бўнак ҳисоботида қуйидаги суммалар кўрсатилиши лозим: чипта қиймати; меҳмонхонада яшаш қиймати; кундалик харажатлар.

Вакиллик харажатлари

Вакиллик харажатларига солиқ солиш мақсадида қуйидагилар киритилади:

— ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни сақлаб туриш, шунингдек солиқ тўловчининг бошқарув ва назорат органлари мажлисларига келган иштирокчиларни расман қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар;

— кўрсатиб ўтилган шахсларни транспорт, овқатланиш ва яшаш жойи билан таъминлаш харажатлари;

— корхона штатида бўлмаган таржимонлар хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари.

Вакиллик харажатлари корхонанинг давр харажатларига киритилади ва 9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Вакиллик харажатлари меъёрландиган харажатлар ҳисобланади.

2008 йил 1 январдан бошлаб вакиллик харажатларининг меъёри маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушум ҳажмининг (ҚҚС ва акциз билан бирга) 1 фоизини ташкил этади.

Белгиланган меъёрдан ортиқча вакиллик харажатлари фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда корхонанинг жами даромадидан чегирилмайди.

Мисол. Гўшти қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона августда ўтказилган истеъмол товарлари кўрғазмасида иштирок этди.

Кўрғазмада корхона янги технологик линия намоишини ўтказди. Ушбу намоишга фақат бўлажак буюртмачилар (гўшт комбинатлари, паррандачилик фабрикалари ва ш. к.)

бўлмиш фирмаларнинг, шу жумладан хорижий корхоналарнинг вакиллари таклиф қилинди.

Корхонанинг намоёиш ўтказилган жойни ижарага олиш ва таржимон хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари 600 минг сўмни (шу жумладан ҚҚС — 100 минг сўм) ташкил қилди.

Январь–июль учун корхонанинг тушуми 10 000 минг сўмни (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда) ташкил қилди.

Вакиллик харажатларининг меъёри 100 минг сўмни (10 000 х х 1 %) ташкил қилади. Харажатларнинг белгиланган чекланган миқдордан ошиши — 400 минг сўм (500 – 100). Меъёрдан ортиқча харажатлар (400 минг сўм) — бу солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайдиган харажатлар.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Кўргазмада иштирок этиш учун харажатлар акс эттирилди	600	9420	6010
2	Кўргазмада иштирок этиш учун харажатлар бўйича ҚҚС акс эттирилди	100	4410 6410	6010 4410
3	Кўргазмада иштирок этиш учун пул маблағлари ўтказилди	600	6010	5110

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар вакиллик харажатлари суммасини ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда ҳисобга олмайдилар.

Қабул (тақдимот маросими, музокаралар) тугагач вакиллик харажатларига маблағларни сарфлаш бўйича жавобгар шахслар эркин шаклда ҳисобот тузишлари шарт. Унда қабул ўтказиш санаси, жойи, дастури, таклиф қилинган шахслар, корхона вакиллари рўйхати ва сарфланган харажатлар суммаси кўрсатилади.

Операцион ва хўжалик харажатлари учун ҳисобдорлик суммалари бўйича ҳисоб-китоблар

Операцион ва хўжалик харажатлари учун ҳисобдорлик суммалари касса хизматини кўрсатувчи банк муассасаси билан келишилган ҳолда корхоналар раҳбарлари томо-

нидан белгиланадиган миқдорларда ва муддатларда берилади. Ҳисобдор шахс берилган суммалар юзасидан белгиланган муддат тугагач 3 кун ичида ҳисоб бериши керак.

Мисол. Корхона ходимга ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун канцелярия молларини сотиб олишга 50 минг сўм миқдоридан пул маблағлари беради. Ходим чакана савдо ташкилотидан 48,2 минг сўм қийматида канцелярия молларини харид қилди ва бўнак ҳисоботини тақдим этди. 1,8 минг сўм миқдоридаги ҳисобдорлик суммалари қолдиғи ўз вақтида ходим томонидан корхона кассасига қайтарилди.

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ҳисобдор пул маблағлари берилди	50	4230	5010
2	Материаллар кирим қилинди	48,2	1090	4230
3	Фойдаланилмаган бўнак суммаси кассага топширилди	1,8	5010	4230

ИЖТИМОЙ СУҒУРТАГА АЖРАТМАЛАР

Меҳнат шартномасига мувофиқ ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предметига тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жисмоний шахсларга ҳисоблаб ёзиладиган ва тўланадиган суммалар Пенсия жамғармасига қуйидаги мажбурий ажратмалар объекти ҳисобланади:

— 25 % миқдоридаги ягона ижтимоий тўлов, уни корхона тўлайди;

— 4 % миқдоридаги фуқароларнинг суғурта бадаллари, улар ходимга ҳисоблаб ёзилган даромаддан ушланади.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар объекти бўлиб шунингдек қуйидаги даромадлар ҳисобланади:

• Солиқ кодексининг 173-моддасида санаб ўтилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар:

— йиллик иш якунлари бўйича мукофот, байрам саналари ва муҳим саналар, жамоатчилик фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш хусусиятига эга бир йўла бериладиган мукофотлар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

— юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қонда-сида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

— касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкала-рига ва маошларга устамалар;

— таътилга қўшимча ҳақлар;

— кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

— рационализаторлик таклифи учун тўлов;

• Солиқ кодексининг 174-моддасида келтирилган ком-пенсация тўловлари (компенсациялар):

— табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлар-даги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стаж-и учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловлар);

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси то-монидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида иш-лаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароит-лардаги узлуксиз иш стаж-и учун иш ҳақига устамалар;

— технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшим-ча тўловлар;

— кўп сменили режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажар-ганлик учун устамалар;

— доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек ишлар вахта усулида бажарилганда, қонун

билан белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган иш ҳақиға устамалар;

— юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқаға қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдориди тўланадиган суммалар;

— ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

— қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

— хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар;

— ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

— хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

— меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар;

• Солиқ кодексининг 175-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

— қонун ҳужжатларига мувофиқ:

йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш;

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

— асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

— донор ходимларга кўриқдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

— қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолиннадиган иш ҳақи;

— бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;

— юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;

— ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;

— меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

— 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

— юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

— юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

— олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

Шунингдек қуйидагилар ҳам ижтимоий суғуртага ажратмалар объекти бўлиб ҳисобланади:

— юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи амалга оширадиган тўловлар;

— илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар.

Ўзбекистонда меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича фаолият юритувчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ягона ижтимоий тўлов ундириш объекти ҳисобланади. ЎзР ҳудудида доимо яшамайдиган хорижий давлатлар фуқаролари суғурта бадаллари тўловчилари ҳисобланмайди.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

• компенсация тўловларига:

— доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда, иш ҳақиға устамалар;

— дала таъминоти;

— хизмат сафарлари вақтидаги кундалик харажатлар;

— хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўловлар;

— меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун олинган суммалар;

• ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларга (шанбаликлар, яқшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадларга;

• ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланилган нафақалар;

• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар объекти бўлиб меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланишини (СКнинг 172—175-моддалари) ҳисобга олганда, ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари шунингдек жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига нисбатан ҳам ҳисобланмайди:

• Солиқ кодексининг 176-моддасида кўрсатилган мулкий даромадларига:

— фоизлар;
— дивидендлар;
— мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;
— жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар;

— саноат мулки объектларига, селекция ютуғига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади;

— роялти;

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

• Солиқ кодексининг 177-моддасида кўрсатилган моддий наф тарзидаги даромадлар:

— юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

озиқ-овқат, ойлик йўл чипталари ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

— текин берилган, шу жумладан ҳады шартномаси асосида берилган мол-мулк, солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати;

— товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ўртасидаги салбий тафовут. Бунда олинган товарларнинг қиймати мазкур товарларни (ишларни, хизматларни) олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Акциз тўланадиган ёки ҚҚС солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олинган тақдирда бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солиғи ва ҚҚСнинг тегишли суммаси ҳисобга олинади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр

транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

— жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

— иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар;

• Солиқ кодексининг 178-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари:

— пенсиялар ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган нафақалар;

— стипендиялар;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

— донорлик учун пул мукофотлари;

— алиментлар;

— ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

— жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқлар қиймати;

— мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

— ютуқлар;

— грант берувчилардан олинган грантлар суммаси, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар;

— жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

— яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

— халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

— ходим билан меҳнат шартномаси тугатилган тақдирда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

— моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тadbирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

— ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар;

— суғурта товони суммалари;

— маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари.

Якка тартибдаги тadbиркор бўлган жисмоний шахсларга тўланадиган ва қатъий белгиланган солиқ солина-

диган даромадлар ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари солинадиган объект бўлиб ҳисобланмайди.

Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб 5 йил муддатга касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинади.

Ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

ягона ижтимоий тўлов — ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

суғурта бадаллари — иш ҳақига пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда.

Иш ҳақи ҳисобига ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда суғурта бадаллари тўлови амалга оширилмайди.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағида юритилади.

2010 йил учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 % миқдорида белгиланган. Бунда 2009 йил 1 январдан бошлаб ЎзР Президентининг 29.12.2008 йилдаги ПҚ—1024-сон қарорининг 7-банди билан белгиланган тартиб сақлаб қолинган. Унга кўра ягона ижтимоий тўлов меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан белгиланган ставка бўйича, бироқ ҳар бир ходим ҳисобига энг кам иш ҳақининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаб ёзилади ва тўланади. Бундан фермер хўжаликлари истисно бўлиб, улар учун энг кам сумма ҳар бир ходим ҳисобига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланган. Бунда солиқ органларига белгиланган тартибга риоя қилинмаган тақдирда солиқ тўловчининг ихтиёрида қолаётган фойда ҳисобидан ягона ижтимоий тўловни унинг белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўлиқ ундириб олиш ҳуқуқи берилган.

2009 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчилар ягона ижтимоий тўловни Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий

тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга (АВ томонидан 17.02.2009 йилда 1906-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ ҳисоблаб чиқаришлари керак.

Мазкур тартиб қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

— қонун ҳужжатларига мувофиқ, ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларга;

— бюджет ташкилотларига;

— нотижорат ташкилотларига.

ЯИТнинг базавий миқдори умуман корхона бўйича барча ходимлар — меҳнат шартномалари ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган жисмоний шахслар томонидан ҳисобот ойида амалда ишланган кунлардан келиб чиқиб белгиланади.

Бир ой учун ЯИТнинг базавий миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$БМ_{\text{ЯИТ}} = K : n \times N,$$

бу ерда: K — барча ходимлар бир ойда ҳақиқатда ишлаган кунлари сони (бир кунда ишлаган соатларидан қатъи назар), бироқ у корхонада ўрнатилган бир ой учун иш кунлари сонидан ортиб кетмаслиги керак. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларига шунингдек йиллик меҳнат таътили ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътил кунлари ҳам киритилади. Ходимларнинг бир ойда ишлаган кунларини ҳисоблашда:

— пасайтирилган ставкалар бўйича ЯИТ ҳисоблаб чиқариладиган ихтисослаштирилган цехлар ва участкаларда ишлайдиган ногиронларнинг;

— касаначиларнинг (ЯИТ бўйича имтиёз муддати тугагунигача);

— фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлар бажараётган (хизматлар кўрсатётган) якка тартибдаги тадбиркорларнинг ишлаган кунлари ҳисобга олинмайди;

n — корхонада белгиланган бир ойдаги иш кунлари сони (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳо-

фаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ аниқланади);

N — бир ходим учун бир ойлик ЯИТ нормативи (энг кам иш ҳақининг бир баравари, фермер хўжаликлари учун эса — белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 %и). Агар энг кам иш ҳақининг миқдори ойнинг 1-кунидан ўзгармаса, у ҳолда энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори қўлланилади.

ЯИТнинг базавий миқдори ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади. Уни ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқаришда ҳисобот даврининг ҳар бир оyi учун ЯИТнинг базавий миқдорлари қўшиб чиқилади.

Агар 25 %лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кам бўлса, у ҳолда ЯИТнинг базавий миқдори суммасига тенг бўлган ягона ижтимоий тўлов тўланиши керак.

Мисол. Корхона ходимларига 450 минг сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Ходимлар сони — 5 киши.

Корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси ўрнатилган. Иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ ҳисобот ойида 20 иш куни мавжуд. Барча ходимларнинг бир ойда ҳақиқатда ишлаган кунлари сони 95 кунга тенг.

ЯИТдан озод қилиш ёки унинг ставкасини камайтириш кўринишидаги имтиёзлар қўлланилмайди.

25 %лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ягона ижтимоий тўлов суммаси 112 500 сўмни ташкил қилади (450 000 x 25 %).

ЯИТнинг базавий миқдори суммаси 178 980 сўмга тенг (95 : 20 x 37 680 сўм).

25 %лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ягона ижтимоий тўлов суммаси ЯИТнинг базавий миқдори суммасидан камлиги боис, тегишинча, 178 980 сўм тўланиши керак.

Агар 25 %лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кўп ёки унга тенг бўлса, 25 %лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЯИТ суммаси тўланади.

Мисол. Ҳисобот ойида корхона ходимларига 1 300 минг сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Корхонада 6 кунлик иш ҳафтаси ўрнатилган. Ҳисобот ойида 6 кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони 25 кундан иборат, барча ходимларнинг бир ойда ҳақиқатда ишлаган кунлари сони 104 кунга тенг.

25 %лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ягона ижтимоий тўлов суммаси 325 000 сўмни ташкил қилади (1 300 x 25 %).

ЯИТнинг базавий миқдори суммаси 156 749 сўмга тенг (104 : 25 x 37 680 сўм).

25 %лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ягона ижтимоий тўлов суммаси ЯИТнинг базавий миқдори суммасидан кўплиги боис, тегишинча, 325 000 сўм тўланиши керак.

Сменали иш режимида корхонада белгиланган иш кунлари: 8 соатли иш кунидида — 5 кунлик иш ҳафтаси, 7 соатли иш кунидида — 6 кунлик иш ҳафтаси каби ҳисобланади.

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар ходимнинг ҳисобланган солиқ солинадиган иш ҳақи (даромади)нинг 1 %и миқдоридида амалга оширилади. Олинган сумма (1 %) жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг ҳисобланган суммасидан чегирилади.

Мисол. Ходимга бир ой учун 940 минг сўм ҳисобланди, жумладан: 380 минг сўм — иш ҳақи, 100 минг сўм — мукофот, 460 минг сўм — моддий ёрдам.

Ходим жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдоридида солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишидаги имтиёзга эга.

Энг кам иш ҳақи миқдори 37 680 сўм бўлганда 602 880 сўмга даромад солиғи солинмайди, шу жумладан: 452 160 сўм (37 680 x 12) миқдорда моддий ёрдам; 150 720 сўм (37 680 x 4) имтиёз бўйича чегирма.

ШЖБПХга бадалларни ҳисоблаб чиқиш керак бўлган солиқ солинадиган даромад 337 120 сўмни (940 000 – 602 880) ташкил қилади. ШЖБПХга бадал 3 371,2 сўмга (337 120 x 1 %) тенг.

ШЖБПХга ихтиёрий ажратмалар даромад солиғи ҳисобига эмас, балки ходим олиши керак бўладиган иш ҳақи ҳисобига амалга оширилади. Бунда 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ихтиёрий равишда ШЖБПХга йўналтирилаётган иш ҳақи суммалари ва солиқ солинадиган бошқа даромадларига жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи солинмайди.

ШЖБПХга бадаллар киритилиши жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилади.

Иш берувчи ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасигача ўзи жойлашган жойдаги Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини ва жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари бўлган ходимларнинг реестрини тақдим қилиши шарт.

ШЖБПХга бадаллар бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби		
	дебет	кредит
ШЖБПХга мажбурий бадаллар (даромад солиғи ушлаб қолиннадиган даромаддан 1 %)		
Даромад ҳисобланди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашмишлар»
Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ҳисобланди	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашмишлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»
Ходимга ҳисобланган иш ҳақидан ШЖБПХга бадалларни ушлаб қолиш	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»	6530-«Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобнарақларига тўловлар»

ШЖБПХга бадаллар бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби		
	дебет	кредит
Ходимнинг ШЖБПХга ушлаб қолинган бадалларини Халқ банки ҳисобварағига ўтказиш	6530-«Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тўловлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»
Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда бюджетга ўтказилади	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»
Ходим маблағлари ҳисобига ихтиёрий бадаллар		
Ихтиёрий пенсия бадали бўйича фонд ҳисоблаб ёзилди	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6530-«Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тўловлар»
Халқ банки ҳисобварақларига жамғариб бориладиган пенсия бадалини ҳисоблаб ёзиш акс эттирилади	6530-«Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тўловлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

ХОДИМЛАРНИ ИШДАН БЎШАТИШ

Меҳнат шартномалари ушбу ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- ходимнинг ташаббуси билан;
- иш берувчининг ташаббуси билан.

Ишдан бўшаш вақтида ҳужжатларни расмийлаштириш

Меҳнат шартномаси бекор қилиниши буйруқ (фармойиш) билан расмийлаштирилади.

Мисол. Ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Аҳмедов М.М. 20 мартдан ишдан бўшатилади.

У билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиниши Т-8-сон шаклдаги буйруқ (фармойиш) билан расмийлаштирилади (намунага қаранг).

Ишдан бўшатиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати

Меҳнат шартномаси ходимнинг ёки иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ташаббускор томон бошқа томонни бу тўғрида олдиндан огоҳлантириши шарт.

Ходимнинг ўз хоҳиши билан ишдан бўшашида огоҳлантириши муддати меҳнат шартномасида одатда 2 ҳафта деб белгиланади.

Иш берувчи тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги нияти ҳақида ёзма равишда ходимни (имзоси остида) қуйидаги муддатларда:

— ходимлар сони (штати) ўзгаришига олиб келган технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши ёки иш характерининг ўзгариши ёхуд корхона тугатилиши сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинишида — камида 2 ой олдин;

— саломатлигининг ҳолати ёки етарлича малакага эга эмаслиги туфайли ходимнинг бажараётган ишига лойиқ эмаслиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинишида — камида икки ҳафта олдин огоҳлантириши шарт.

Огоҳлантириш муддати ушбу муддатнинг давомийлигига мувофиқ пуллик компенсацияга алмаштирилиши мумкин. Алмаштириш ушбу асосларда амалга оширилади:

— ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши ёки иш характерининг ўзгариши ёхуд корхона тугатилиши; саломатлигининг ҳолати ёки етарлича малакага эга эмаслиги туфайли ходимнинг бажараётган ишига лойиқ эмаслиги сабабли иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга асосан;

— саломатлигининг ҳолати туфайли ходимнинг бажараётган ишига лойиқ эмаслиги муносабати билан, агар-

«НТТМ» МЧЖ

ташкilot

БХУТ бўйича

КТУТ бўйича

Кодлар

03010006

17398222

2007 йил 2 январдаги 1-сон
меҳнат шартномаси (контракти)Меҳнат шартномасиши
(контрактини)
беқор қилиш тўғрисида
БУЙРУҚ (ФАРМОЙИШ)

Хужжат рақами	Тузилган сана
12	02.03.2007 й.

20 март 2007 йилдан бўшатилинсин

Аҳмедов Мансур Мирзахмедович

хотинининг фамилияси, исми шарифи

Ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи

таркибий бўлимининг номи

Аҳмедов М.М.нинг 2007 йил 2 мартдаги аризаси

бўшатишининг асоси

Бўшашга розилик тўғрисида қасаба уюшмаси органининг қарори

«___» _____ йил

~~Ишлаб берилмади~~

Компенсация:

4 кунлик меҳнат таътили учун

Тошпирилмаган моддий бойликлар тўғрисида
маълумотнома

Номи		Соши	Сапа ва ходимнинг имзоси	Қарздорлик суммаси, сўм, тийин
хизматлар	предмет			
	Тошпирилмаган бойликлар йўқ		√	

Ташкilot раҳбари

Алимов

Буйруқ билан танишди

Аҳмедов

2007 йил 2 март

да тиббий хулосага кўра унга ушбу ишни бажариш тақиқланган бўлса, меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ходим билан келишилмай. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдоридан компенсация тўланади.

Тугатилаётган корхоналарда ходимларга компенсациялар тўлашга маблағлар бўлмаганда бу маблағлар Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ишдан бўшатишда ҳисоб-китоблар

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишида ҳисоб-китоб тўлиқ амалга оширилиши шарт:

- ишланган ой кунлари учун иш ҳақи тўланиши;
- фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация тўланиши ёки ишдан бўшаш санасига бўнак қилиб берилган ишланмаган таътил учун берилган таътил пуллари суммаси ушлаб қолиниши. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишида бу кунлар учун ушлаб қолишлар қуйидаги асосларга кўра амалга оширилмайди:

— янги меҳнат шароитида ишлашни давом эттиришга унинг рози бўлмаслиги;

— ходимлар сони (штати) ўзгаришига олиб келган технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмлари қисқариши ёки иш характерининг ўзгариши, корхона тугатилиши сабабли;

— саломатлигининг ҳолати ёки етарлича малакага эга эмаслиги туфайли ходимнинг бажараётган ишига лойиқ эмаслиги;

— ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилганда;

— ходимни илгари шу ишни бажарган жойига тиклаганда;

— пенсияга чиқиш ёки ўқишга кириш муносабати билан.

- ишдан бўшатиш нафақасининг тўланиши.

Ишдан бўшатиш нафақаси

Ишдан бўшатиш нафақаси — бу меҳнат шартномасини бекор қилишда маъмурият томонидан қуйидаги ҳолларда ишга жойлашиш вақтига тўланадиган моддий ёрдам суммаси:

— иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим томонидан меҳнат мажбуриятлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилишдан ташқари ҳолатларда;

— ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилганда;

— олдин шу ишни бажарган ходимни қайта ишга тиклашда;

— ишга қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилиши сабабли, агар йўл қўйилган камчиликни бартараф этиб бўлмаса ва ишни давом эттиришга тўсиқ бўлса. Ишдан бўшатиш нафақалари фақат ходимнинг айби билан (маълум лавозимларни эгаллаш ёки маълум бир фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисида суд ҳукмини яширганлиги, қалбаки ҳужжатларни тақдим этиши ва шунга ўхшаш) ишга қабул қилиш тартиби бузилганлиги маълум бўлиб қолган ҳолатлардан ташқари ҳолларда тўланади;

— янги меҳнат шароитида ишлашни давом эттиришдан ходим бош тортганда.

Ишдан бўшатиш нафақаси миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги шарт.

Ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақининг ҳисоб-китоби ҳисоб-китоб кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ортиқ суммани 1/12 га (биринчи йил ишловчилар учун: 1/6 га — 6 ой тўлиқ ишлаганлар учун, 1/7 га — 7 ой тўлиқ ишлаганлар учун ва ҳ. к.) ошириш билан амалга оширилади. Бундай тўловларга ишбай кўшимча ҳақ, мукофотлар, кўшимча ва устама ҳақлар ва бошқа ижтимоий сугурта бадаллари ҳисобланадиган тўловлар кирди.

Мисол. Штат жадвали қисқариши муносабати билан 2007 йил 2 февралда тариф бўйича 145 минг сўм машағабга эга бўлган ходим ишдан бўшатилади. Ҳисоб-китоб даврида мукофот тўланмаган.

Ходимга 145 минг сўм миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши керак.

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобланди	145	9430	6710
2	Ишдан бўшатиш нафақаси тўланди	145	6710	5010

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақасининг энг кам ойлик иш ҳақининг 12 баравари миқдори қисмига жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинмайди.

Ишдан бўшатиш чоғида ишдан бўшатиш нафақасига меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мажбурий ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳисобланмайди.

Агар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилинган бўлса:

— янги меҳнат шароитида ишлашни давом эттиришдан ходим бош торганда;

— ходимлар сони (штати) ўзгаришига олиб келган технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши ёки иш характерининг ўзгариши ёхуд корхона тугатилиши сабабли;

— саломатлигининг ҳолати ёки етарли малакага эга эмаслиги туфайли ходимнинг бажараётган ишига лойиқ эмаслиги;

— олдин шу ишни бажарган ходимни ишга қайта тиклашда, иш қидириш даврида ходимнинг ўртача иш ҳақи икки ойдан ошмаган ҳолда сақланади. Бунда ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинади.

Агар ходим ишдан бўшагандан сўнг 10 кун муддат ичида иш қидирувчи шахс сифатида меҳнат бўйича маҳаллий органда рўйхатдан ўтган бўлса, у ҳолда у меҳнат бўйича маҳаллий орган томонидан берилган маълумотнома асосида олдинги иш жойидан учинчи ой учун ҳам ўртача ойлик иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу кафолатлар мулкдор алмашуви муносабати билан корхонанинг раҳбари, унинг муовинлари ва бош бухгалтери (корхонада бош бухгалтер бўлмаганда унинг вазифасини бажараётган ходимга ҳам тегишли) билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳам татбиқ этилади.

XI бўлим. МАЖБУРИЯТЛАР

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мажбуриятлар — корхона томонидан ҳисобот ёки аввалги даврларда бирор-бир битимни амалга ошириш натижасида пайдо бўладиган кредиторлик ва бошқа қарзлар, уларни сўндириш (тартибга солиш) корхона реал активларининг камайишига олиб келади.

Мажбуриятларнинг асосий тавсифи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— келгусида активни топшириш ёки хизмат кўрсатиш йўли билангина бажариладиган (активларни кимга топшириш (хизматларни кўрсатиш) қандай шартларда амалга оширилиши кўрсатилган ҳолда) мажбуриятнинг корхонада мавжудлиги;

— мазкур мажбуриятни юзага келтирган ҳодиса аллақачон содир бўлганлиги, яъни бу мажбурият айтилган пайтда бор бўлиб, ҳали тугалланмаган битимлар натижасида юзага келмайди;

— мажбуриятнинг юзага келиши эҳтимолининг мавжудлиги. Бу мажбурият юзага келиши ёки келмаслиги мумкин бўлган вазиятларга тааллуқли. Масалан, авиакомпаниялар рейсларида муайян масофага учган йўловчиларга чегирмалар тақдим этади. Йўловчилар чегирмадан фойдаланишлари ёхуд фойдаланмасликлари мумкин. Компанияларнинг йўловчиларга чегирма тақдим этиш мажбурияти эҳтимолдан холи эмас, бироқ у 100 %ни ташкил қилмайди (у одатда статистик усулда ҳисоблаб чиқарилади).

Мажбуриятларга қуйидагилар киради:

- узоқ муддатли қарзлар ва бошқа қарз мажбуриятлари;
- қисқа муддатли қарзлар ва банк кредитлари;
- мол етказиб берувчиларга, турли хил жисмоний ва юридик шахсларга содир бўлиши мумкин бўлган барча операциялар бўйича кредиторлик қарзи;
- бошқа шунга ўхшаш молиявий мажбуриятлар.

Мажбурият бухгалтерия ҳисобида юзага келган пайтда акс эттирилиши лозим. У одатда бирламчи ҳужжатлар (шартнома, юклар жўнатиш ҳисобварақлари, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқалар)да кўрсатилади.

Мажбуриятлар одатда қарзни тўлаш учун зарур сумма, активлар, хизматлар ва ишларнинг таннархи ёки харид қиймати билан баҳоланади.

Хорижий валютадаги мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ҳар ойда хорижий валютани қайта ҳисоб-китоб қилиш йўли билан миллий валюта — сўмда ҳисобга олинади. Бу мажбуриятлар бир вақтда ҳисоб-китоб ва тўловлар валютасида акс эттирилади. Валюта моддалари қайта ҳисоб-китоб қилинганда юзага келган хорижий валюталарга оид операциялар бўйича курсдаги фарқлар 9540-«Валюта курсидаги фарқлардан даромадлар» ҳисобварағига ҳамда 9620-«Валюта курсидаги фарқлардан зарарлар» ҳисобварағига киритилади.

Сўндириш муддатлари бўйича мажбуриятлар жорий ёки қисқа муддатли (сўндириш муддати 1 йилгача) ва узоқ муддатли (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ) мажбуриятларга бўланади.

Жорий (қисқа муддатли) мажбуриятлар — бу бир йил ёки операцион цикл ичида сўндириладиган мажбуриятлар. Жорий мажбуриятларга кредиторлик қарзлари, олинган бўнақлар, кечиктирилган даромадлар, дивидендлар, тўланадиган фоизлар, ҳисобланган солиқлар ва бошқалар кирилади.

Жорий мажбуриятлар корхонанинг айланма маблағлари ҳисобига ёки қисқа муддатли кредитлар ҳисобига сўндирилади.

Жорий мажбуриятлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

6000-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»;

6100-«Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар»;

6200-«Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

6300-«Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» (солиқлар турлари бўйича);

6500-«Суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

6600-«Муассисларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

6700-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

6800-«Қисқа муддатли кредит ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

6900-«Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар».

Узоқ муддатли мажбуриятлар — бу тўлов муддати бир йилдан ошадиган мажбуриятлар.

Узоқ муддатли мажбуриятлар унга фоиз ҳисобланадиган асосий мажбурият қиймати бўйича баҳоланади. Қарз суммаси ҳисобда келгусидаги пул тўловлари қийматини дисконтлаш йўли билан олинган мазкур тўловларнинг жорий қиймати кўринишида акс эттирилиши лозим.

Узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

7000-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли ҳисобварақлар»;

7100-«Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар»;

7200-«Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

7300-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

7800-«Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

7900-«Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар».

МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН ҲИСОБВАРАҚЛАР

Тўланадиган ҳисобварақлар — бу олинган товар-моддий қимматликлар, ишлар, хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган мажбуриятлар.

Улар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

— *жорий қисми:*

6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»;

6020-«Берилган векселлар»;

— *узоқ муддатли қисми:*

7010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли ҳисобварақлар»;

7020-«Берилган векселлар».

6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи амалда келиб тушган товар-моддий бойликлар, қабул қилиб олинган ишлар ва хизматлар қийматига мазкур бойликлар ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияда кредитланади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар 4300-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Олдиндан тўлов суммаси бойликлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш қийматининг 15 %идан кам бўлмаслиги лозим.

Мисол. Ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқарувчидан 12 000 минг сўмлик материалларни (ҚҚС билан бирга) сотиб олади.

Материал учун олдиндан тўлов харид қийматининг 50 %ини ташкил қилди.

Корхона харид қилинган материаллар бўйича ҚҚСни материаллар ҚҚС солинадиган айланмаларда ишлатилиши шарти билан мол етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактураси асосида ҳисобга олиш учун қабул қилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Материаллар учун олдиндан тўлов акс эттирилди	6 000	4310	5110
2	Материалларнинг келиб тушиши акс эттирилади	10 000	1000	6010
3	ҚҚС ҳисобга олиниши акс эттирилди	2 000	4410 6410	6010 4410
4	Бўнакни ҳисобга олиш акс эттирилди	6 000	6010	4310
5	Мол етказиб берувчига пул маблағлари ўтказилди	6 000	6010	5110

Муддатидан олдин тўлаш натижасида ёки катта ҳажмда харид қилиш натижасида ёхуд тарафларнинг келишувида назарда тутилган бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра пул чегирмалари (одатдаги сотиш нархини камайтириш) билан харид қилинган материаллар захираларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда чегирмалар ҳисобга олинмаган қиймат бўйича кирим қилиниши керак (чегирмалар харид қилинган товар-моддий захиралар қийматини камайтирмайди). Чегирма суммаси юзага келган ҳисобот даврида молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилиши лозим.

Тегишинча, агар шартномада сотилаётган/сотиб олинётган мол-мулкка чегирма назарда тутилган бўлса, у ҳисобварақ-фактурада акс эттирилиши керак. Харидор бойликларни тўлиқ қиймати бўйича (чегирмасиз) кирим қилади, ҳисобга киритиш учун ҳақиқатда тўлаган ҚҚС суммасини қабул қилади, чегирма суммасини эса ҳисобот даврининг бошқа операциялар даромадларига киритади.

Мисол. Корхона қиймати 1 200 минг сўм бўлган материалларни сотиб олади, шу жумладан ҚҚС — 200 минг сўм. Мол етказиб берувчи ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда сотиш нархидан 10 фоиз миқдорида чегирма тақдим этади.

Олинган чегирма суммаси 100 минг сўмни ($1\,000 \times 10\%$) ташкил қилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Материалларни харид қилиш акс эттирилади	900 100	1080	6010 9390
2	ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинади	180	4410	6010
3	Материаллар соғувчисига қарз қайтариледи	1 080	6010	5110

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналарда олинган чегирмалар ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базага қўшилмайди.

Агар корхонада чет эл валютасидаги қарз пайдо бўлса, у сўмда қайта ҳисобланиши керак. Қайта ҳисоблаш ушбу қарзни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича амалга оширилади. Бундай қайта ҳисоблаш шунингдек:

- қарзни қоплаш ёки ҳисобдан чиқаришда;
- ҳисобот ойининг охири кунда ҳам бажариледи.

Агар моддий бойликларга тўловни амалга ошириш санасидаги ёки ҳисобот тузиш санасидаги валюта курси уларни кирим қилиш санасидаги валюта курсидан юқори бўлса, манфий курс фарқи пайдо бўлади. Манфий курс фарқи суммасига мол етказиб берувчи олдидаги қарзни ошириш керак.

Мисол (шартли). Корхонага қиймати АҚШ доллариди белгиланган хизматлар кўрсатилди. Тўлов тўлов кундаги МБ курси бўйича амалга оширилади. Хизматлар қиймати 12 000 долларни, шу жумладан ҚҚС 2 000 долларни ташкил қилди.

АҚШ доллари курси қуйидагича бўлган:
хизматлар кўрсатилган кунда — 1 АҚШ доллари учун 1 272 сўм;
тўлов кунда — 1 АҚШ доллари учун 1 275 сўм.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Корхонага кўрсатилган хизматлар акс эттирилади (1 272 × 10 000)	12 720	2010	6010
2	ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинди (2 000 × 1 272)	2 544	4410 6410	6010 4410
3	Курс фарқи акс эттирилади (1 275 – 1 272) × 12 000	36	9620	6010
4	Хизматлар стказувчисига бўлган қарз қопланади (1 275 × 12 000)	15 300	6010	5110

Агар моддий бойликларга тўловни амалга ошириш санасидаги ёки ҳисобот тузиш санасидаги валюта курси уларни кирим қилиш санасидаги валюта курсидан паст бўлса, мусбат курс фарқи пайдо бўлади. Мусбат курс фарқи суммасига мол етказиб берувчи олдидаги қарзни камайтириш керак.

Мисол (шартли). Корхонага қиймати АҚШ долларарида белгиланган хизматлар кўрсатилди. Тўлов тўлов кунидagi МБ курси бўйича амалга оширилади. Хизматлар қиймати 12 000 долларни, шу жумладан ҚҚС 2 000 долларни ташкил қилди.

АҚШ доллари курси қуйидагича бўлган:
 олдиндан тўлов кунида — 1 АҚШ доллари учун 1 272 сўм;
 хизматлар кўрсатилган кунда — 1 АҚШ доллари учун 1 275 сўм.

Мазкур операция ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Хизматлар учун олдиндан тўлов акс эттирилади (1 272 × 12 000)	15 264	4330	5110
2	Курс фарқи акс эттирилади (1275 – 1272) × 12 000	36	4330	9540
3	Корхонага кўрсатилган хизматлар акс эттирилади (1 275 × 10 000)	12 750	2010	6010

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентияси	
			дебет	кредит
4	ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинди (2 000 × 1 275)	2 550	4410 6410	6010 4410
5	Бўнакни ҳисобга олиш акс эттирилади	15 300	6010	4330

6020 ва 7020-«Берилган векселлар» ҳисобварақлари товар-моддий бойликларни, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотиб олиш учун корхона томонидан берилган векселларни акс эттиради. Яъни бу савдо векселлари бўлиб, улар тўланадиган ҳисобварақлар сингари операциялар натижасида юзага келади. Бироқ векселлар бўйича фоиз ҳам тўлаш лозим. У вексель суммасидан алоҳида қайд этилган бўлиши ёки дисконт белгилалиши йўли билан олдиндан тўланган бўлиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда векселларни чиқариш чекланган. Бундай ҳуқуқ тижорат банкларига уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга, истисно ҳолларда эса — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилгандан сўнггина 6 ойгача муддатга берилади.

6020 ва 7020-«Берилган векселлар» ҳисобварақлари кредити бўйича харид қилинган товар-моддий бойликлар, олинган хизматлар ва ишлар учун вексель билан таъминланган жорий ёки узоқ муддатли қарзлар (сўндирилгунга қадар) ҳисобга олинади.

Вексель билан тўлашиб олинган товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қисқа муддатли мажбуриятлар акс эттирилади		
	дебет	кредит
Мол етказиб берувчидан товар-моддий бойликларнинг келиб тушиши акс эттирилади	0800-«Капитал кўйилмалар»; 1000-«Материаллар»; 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 2900-«Товарлар»; 9400-«Давр харажатлари» ва б.	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»

Вексель билан тўлашиб олинган товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қисқа муддатли мажбуриятлар акс эттирилади

	дебет	кредит
Кредиторлик қарзини қоплаш ҳисобига мол етказиб берувчи ёки пудратчига вексель бериш акс эттирилади	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»	6020-«Берилган векселлар»
Берилган векселлар бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар акс эттирилади	9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоизлар»
Векселни сўндириш ва вексель бўйича фоизни тўлаш акс эттирилади	6020-«Берилган векселлар»; 6920-«Ҳисобланган фоизлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ТЎЛАНДИГАН ҲИСОВВАРАҚЛАР

Корхонанинг ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига мажбурияти жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларга бўлинади. Бундай мажбуриятлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6110-«Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар»;

6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар»;

7110-«Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарзлар»;

7120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарзлар».

Ушбу ҳисобварақлар бўйича ҳисоб тўланадиган ҳисобварақлар ҳисобига ўхшаш тартибда амалга оширилади. Мазкур ҳисобварақлар кредити бўйича ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги турли хил операциялар бўйича мажбуриятлар товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, харажатлар ва ҳоказо-

ларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Бўлинмаларга узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида, хусусан, олинган мол-мулк бўйича қарз ҳам акс эттирилиши мумкин.

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб ҳисобварағига эга бўлган филиаллар билан ҳисоб-китоблар мустақил ташкилот билан бўлганидек олиб борилади. Бу қонун ҳужжатларига кўра алоҳида балансга ажратилган барча бўлинмалар солиқ солиш мақсадида юридик шахс сифатида қаралиши билан боғлиқ.

Алоҳида балансда ажратилмаган бўлинмалар бўйича 6110, 7110 ҳисобварақлар қўлланилмайди, чунки бундай бўлинмаларга мол-мулкни ажратиш (бериш) чоғида корхона балансида ўзгаришлар юз бермайди. Улар бош корхона билан бир бутун деб қаралади.

Корхонанинг ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги мажбуриятлари ва уларнинг сўндирилишини акс эттириш		
	дебет	кредит
Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан товар-моддий бойликлар келиб туши	0100-«Асосий воситалар»; 0400-«Номоддий активлар»; 0700-«Урнатиладиган асбоб-ускуналар»; 1000-«Материаллар»; 2800-«Тайёр маҳсулотлар»; 2900-«Товарлар» ва бошқ.	6110-«Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар»; 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар»; 7110-«Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарзлар»; 7120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарзлар»
Қарзларни сўндириш акс эттирилади	6110-«Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар»; 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Корхонанинг ажратилган бўлимлар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидagi мажбуриятлари ва уларнинг сўндирилишини акс эттириш		
	дебет	кредит
Корхонанинг ажратилган бўлимлар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидagi узоқ муддатли мажбуриятларининг бир қисми қисқа муддатли қисмга ўтказилади	7110-«Ажратилган бўлимларга бўлган узоқ муддатли қарз»; 7120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарзлар»	6110-«Ажратилган бўлимларга тўланадиган ҳисобварақлар»; 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар»

МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ

Муддати кечиктирилган мажбуриятлар — жорий даврда кечиктирилган ва келгусида тўланадиган (бажариладиган) мажбуриятлар.

Улар қисқа ва узоқ муддатлига бўлинади ва қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

— *жорий*:

6210-«Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги муддати кечиктирилган даромадлар»;

6220-«Мукофот (устама)лар кўринишидаги муддати кечиктирилган даромадлар»;

6230-«Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар»;

6240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар»;

6250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар»;

6290-«Бошқа муддати кечиктирилган мажбуриятлар»;

— *узоқ муддатли*:

7210-«Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар»;

7220-«Мукофот (устама)лар кўринишидаги муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар»;

7230-«Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар»;

7240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар»;

7250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар»;

7290-«Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар».

6210 ва 7210-ҳисобварақларда дисконт (чегирмалар) кўринишидаги муддати кечиктирилган даромадлар ҳисобга олинади ҳамда улардан облигациялар харидоригина фойдаланади. 6210-ҳисобварақда қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигацияларнинг дисконт (чегирма)лари бўйича корхонанинг муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадларининг жорий қисми акс эттирилади. Агар худди шундай кредитга қобиллик ёки хатарни баҳолаш билан мажбуриятлар бўйича бозор фоиз ставкаси ушбу қимматли қоғозлар бўйича белгиланган фоиз ставкасидан, яъни мазкур қимматли қоғозда кўрсатилган фоиз ставкасидан юқори бўлса, одатда қимматли қоғозлар чегирма билан сотилади.

Чегирма суммаси жорий даврдаги даромад сифатида акс эттирилмайди, балки облигациянинг бутун муомала даврида тенг равишда тақсимланади.

Облигациялар бўйича чегирмани ҳисобдан чиқариш даврийлиги одатда улар бўйича ҳисоблаб ёзиладиган фоиз даромадлари даврийлигига мос келади.

Мисол. Корхона томонидан номинал қиймати 1 200 минг сўм бўлган йиллик облигациялар чегирма билан 1 140 минг сўмга сотиб олинди.

Қимматли қоғозларнинг номинал қиймати ва харид қиймати ўртасидаги фарқ (1 200 – 1 140) дисконт (чегирма) деб аталади ва корхона учун даромад ҳисобланади.

Облигациялар бўйича фоизли даромад йил охирида бир марта ҳисоблаб ёзилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, миңг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Облигациялар чегирма билан харид қилинди	1 140 60	0600	5110 6210
2	Чегирмани ҳисобдан чиқариш акс эттирилади	60	6210	9530

Мисол. Корхона томонидан 1 200 миңг сўмлик номинал қийматга эга 3 йиллик облигациялар 1 140 миңг сўмга чегирма билан сотиб олинди.

Корхона чегирмаларни облигацияларнинг бутун муомала муддати — уч йилга тенг тақсимлайди. Чегирмалар ҳисоби ҳам ажратилган ҳолда юритилади: жорий — 20 миңг сўм миқдорида, узоқ муддатлиси (кейинги икки йилга тақсимланган чегирма) — 40 миңг сўм.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, миңг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Облигациялар чегирма билан харид қилинди	1 140 20 40	0600	5110 6210 7210
2	Чегирмани ҳисобдан чиқариш акс эттирилади (йил охирида бир марта)	20	6210	9530
3	Муддати кечиктирилган даромад узоқ муддатли қисмини жорий қисмга ўтказиш	20	7210	6210

6220 ва 7220-ҳисобварақлар фақат облигациялар сотувчиси томонидан қўлланилади. 6220-«Мукофот (устама)лар кўринишидаги муддати кечиктирилган даромадлар» ҳисобварағида қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигацияларнинг мукофот (устама)лари бўйича корхонанинг муддати кечиктирилган жорий даромадлари акс эттирилади. Облигациянинг сотиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ мукофот (устама) деб аталади ва сотувчи учун даромад ва харидор учун харажат ҳисобланади. Агар қимматли қоғозлар бўйича

белгиланган фоиз ставкаси худди шундай кредитга қобилликни ёки хатарни баҳолашга оид мажбуриятлар бўйича бозор фоиз ставкасидан юқори бўлса, мазкур қимматли қоғозлар мукофот билан бирга сотилади.

Мисол. Корхона томонидан сўндириш муддати бир йил ва номинал қиймати 1 200 минг сўм бўлган облигациялар сотилди. Облигациялар мукофот (устама)лар билан 1 260 минг сўмга сотилди.

Қимматли қоғозларнинг сотиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ (1 260 – 1 200) мукофот (устама) деб аталади ва корхона учун даромад ҳисобланади. Чегирмаларга ўхшаш тарзда мукофотлар жорий давр даромади сифатида акс эттирилмайди, балки облигациянинг бутун суммала даврида тенг миқдорда тақсимланади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Облигациялар мукофот билан сотилди	1 200 60	5110	6830 6220
2	Сўндириш даври мобайнида даромадни ҳисобдан чиқариш акс эттирилади		6220	9530 9590

6230-«Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар» ва 7230-«Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар» ҳисобварақларида ҳисобот даврида олинган (ҳисобланган), аммо келгуси ҳисобот даврларига тегишли бўлган даромадлар акс эттирилади. Товар етказиб берилгандан, хизматлар кўрсатилгандан кейингина муддати кечиктирилган даромадлар ҳисобварағи ёпилади, унда акс эттирилган суммалар эса сотишдан даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитида ҳисобдан чиқарилади.

Ижара ҳақи, чипталарни сотиш, журналларга обуна тўлови ва бошқалар муддати кечиктирилган даромадлар бўлиши мумкин.

Мисол. Ишлаб чиқариш корхонаси омборларни 6 ой муддатга ижарага беради. Ижара ҳақи 6 ой учун бўнак тарзида келиб тушади ва 7 200 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС 1 200 минг сўмни ташкил қилади. Омборларни ижарага бериш корхонанинг асосий фаолият тури ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳисобда мулкни ижарага беришдан даромадлар 9350-«Оператив ижарадан даромадлар» (бошқа операция даромадлар) ҳисобварағи бўйича акс эттирилади.

Мазкур операция ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	6 ой учун ижара ҳақи бўнак тарзида олинди	1 200	5110	6230
2	Ҳар ойда: омборларни ижарага беришдан даромад акс эттирилади	1 000	6230	9350
3	ҚҚС ҳисобланди	200	6230	6410

6230-ҳисобварақда мижозлар томонидан тўлов карталари (скретч-карталар) активлаштирилганда корхоналарнинг уларга кўрсатадиган хизматларидан тушган даромадлари ҳисобга олинади. Бунда карталарни сотишнинг ўзи хизмат кўрсатиш ҳисобланмайди, карталарни сотишдан пул маблағларига кечиктирилган даромадлар (мажбуриятлар) сифатида қаралади. Карталар активлаштириляётганда муайян абонент аниқланади, яъни бундан аввал — карталар сотилганда келиб тушган пул маблағлари идентификация қилинади. Хусусиятларини йўқотган суммалар кечиктирилган мажбуриятлар (даромадлар) ҳисобварағидан муайян абонент ҳисобварағига ўтказилади. Бунда ушбу суммалар тўлов картасини активлаштирган ҳар бир абонент бўйича олинган бўнақлар сифатида тан олинади. Шу сабабли кечиктирилган мажбуриятлар (даромадлар) ҳисобварағи олинган бўнақлар ҳисобварағига ёпилади. Хизматларни кўрсатишдан даромад абонент ишлатган вақт бўйича, яъни биллинг ҳисоботи маълумотлари бўйича унга кўрсатилган хизматлар қийматидан аниқланади.

Мисол. Корхона алоқа хизматларини кўрсатади. Ҳисобот даврида 12 000 минг сўмлик тўлов карталари сотилди, 11 200 минг сўмлик тўлов карталари активлаштирилди, ҳақиқатда 9 800 минг сўмлик хизматлар кўрсатилди, ҚҚС суммаси 1 960 минг сўмни ташкил этади.

Ушбу операцияларни акс эттиришга доир асосий бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Тўлов карталарини сотишдан пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади	12 000	5110	6230
2	Тўлов карталарининг таннархи ҳисобдан чиқарилади	2 200	9410	1010
3	Абонентлар томонидан тўлов карталари активлаштирилиши акс эттирилади	11 200	6230	6310
4	Кўрсатилган хизматлардан тушган даромад акс эттирилади	9 800	4010	9030
5	ҚҚС ҳисоблаб ёзилди	1 960	4010	6410

Автомобиль бензинининг белгиланган чакана нархлари ошганда автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари уларнинг қолдиқларини инвентарлаши ва қўшимча баҳолаши лозим. Автобензин қолдиқларини қўшимча баҳолаш суммаси тўлиғича давлат бюджети даромадларига киритилади (агар бу норматив ҳужжатлар билан белгиланган бўлса).

Бухгалтерия ҳисобида бу қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

ЁММни қўшимча баҳолаш ва унинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади		
	дебет	кредит
Автобензин қолдиқларини қўшимча баҳолаш акс эттирилади	2910-«Товарлар»	6230-«Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар»

ЁММни қўшимча баҳолаш ва унинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади		
	дебет	кредит
Қўшимча баҳолаш суммасига бюджет олдидаги қарз акс эттирилади	6230-«Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Қўшимча баҳолашни бюджетга ўтказиш акс эттирилади	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Муддати кечиктирилган даромадлар ҳисобварақлари (6230 ва 7230) устав капитали ва корхонани қайта ташкил этиш (масалан, ажратиб чиқариш шаклида) натижасида пайдо бўлган соф активлар миқдори ўртасидаги фарқни акс эттиришда ҳам иштирок этади. Бу фарқ манфий гудвилл сифатида тавсифланади ва кириш балансида муддати кечиктирилган даромад сифатида акс эттирилади. Муддати кечиктирилган даромадларни мунтазамлик асосида харид қилинган идентификацияланадиган активларнинг ўртача тортилган фойдали хизмат муддати мобайнида асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари таркибига киритиш лозим.

Мисол. «А» корхона ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилади. «А» корхонанинг уч муассиси (барчалари жисмоний шахслар) «А» таркибидан икки корхона: «Б» ва «С» ажратиб чиқарилиши ҳақида келишиб олишди. Улардан ҳар бири қайта ташкил этилгандан кейин корхоналарнинг ягона муассиси бўлади. Улушлар корхоналар бўйича келишилган ҳолда муассисларнинг улушларига мувофиқ тақсимланади, худди шу тартибда соф активлар ҳам тақсимланади.

Қайта ташкил этилгандан кейин корхоналардаги улушлар бўйича маълумотлар қуйидаги кўринишга эга:

	Устав капитали, млн сўм	Муассисларнинг устав капиталидаги улушлари, %
Қайта ташкил этилгунга қадар	100	1-чи муассис — 50
		2-чи муассис — 30
		3-чи муассис — 20

	Устав капитали, млн сўм	Муассисларнинг устав капиталидаги улушлари, %
Қайта ташкил этилгандан кейин:		
«А» корхона	50	50
«Б» корхона	30	30
«С» корхона	20	20

Корхонанинг қайта ташкил этиш пайтидаги соф активлари қиймати 120 минг сўмни ташкил қилди. 20 минг сўмлик ошиш суммаси муассислар бўйича уларнинг улушларига мутаносиб тарзда тақсимланди.

	Устав капитали, млн сўм	Муддати кечиктирилган даромад (манфий гудвилл), млн сўм	Муассисларнинг устав капиталидаги улушлари, %
	100	120	1-чи муассис — 50
			2-чи муассис — 30
			3-чи муассис — 20
Қайта ташкил этилгандан кейин:			
«А» корхона	50	10	50
«Б» корхона	30	6	30
«С» корхона	20	4	20

Фараз қилайлик, «А» корхона 5 йил муддатга амортизацияланадиган ускунани олади. Ускунанинг фойдали хизмат муддати мобайнида муддати кечиктирилган даромад асосий фаолият бўйича бошқа даромадлар таркибига қўшилади ва белгиланган ставкалар бўйича фойда солиғига тортилади. Ягона солиқ тўлови тўловчилари учун бошқа даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури ставкаси бўйича солиқ солинади.

Бухгалтерия ҳисобида ушбу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича ускуна кирим қилинди	60	0130	4610 (50) 7230 (10)
2	Муддати кечиктирилган даромаднинг бир қисми жорий қисмга ўтказилади	2	7230	6230
3	Муддати кечиктирилган даромад асосий фаолиятнинг бошқа даромадларига ҳисобдан чиқарилади	2	6230	9390
4	Ва ҳ. к.			

6230-ҳисобварақда баланснинг валюта моддаларини жамғариш усули бўйича ҳар ойлик қайта баҳолашдан курс фарқи ҳам ҳисобга олинади. Ой охирида валютадаги дебиторлик қарзини жамғариш усули билан қайта баҳолашда пайдо бўладиган курс фарқи 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда 6230-«Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар» ҳисобварағи кредитига олиб борилади.

Мисол. Пахта тозалаш корхонаси хорижий компанияга ўз ишлаб чиқариш маҳсулотини сотди. Олди-сотди шартномасига кўра маҳсулот қиймати 3 000 АҚШ долларини ташкил қилди. Харидор пахта тозалаш заводи билан кейинги ойда тўлиқ ҳисоб-китоб қилди. Олди-сотди шартномасига кўра олдиндан тўлов маҳсулот қийматининг 50 %и миқдорида амалга оширилганди. Доллар курси:

олдиндан тўлов пайтида — 1 доллар учун 1 270 сўмни;
 юклаб жўнатиш пайтида — 1 доллар учун 1 275 сўмни;
 ой охирида — 1 доллар учун 1 278 сўмни;
 пуллар валюта ҳисобварағига келиб тушган пайтда — 1 доллар учун 1 280 сўмни ташкил қилган.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Олдиндан тўловни олиш акс эттирилди (50 % × 3 000 × 1 270)	1 905	5210	6310
2	Маҳсулотни сотиш акс эттирилди (3 000 × 1 275)	3 825	4010	9010
3	Олинган бўнақ бўйича курс фарқи акс эттирилади (1 500 × (1 275 - 1 270))	7,5	3290 9620	6310 3290
4	Олинган бўнақ ҳисобга олинади (1 500 × 1 275)	1 912,5	6310	4010
5	Ой охирида дебиторлик қарзини қайта баҳолаш акс эттирилади (1 500 × (1 278 - 1 275))	4,5	4010	6230
6	Ой охирида валюта ҳисобварағидаги хорижий валютадаги пул маблағлари бўйича курс фарқи акс эттирилади (1 500 × (1 278 - 1 270))	12	5210	6230
7	Қоплаш пайтида дебиторлик қарзи бўйича курс фарқи акс эттирилди (1 500 × (1 280 - 1 278))	3	4010	6230
8	Тўловни олиш акс эттирилди (1 500 × 1 280)	1 920	5210	4010
9	Дебиторлик қарзини қоплашда жамғариш усули билан курс фарқини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади	7,5	6230	9540

6240 ва 7240-ҳисобварақларда қонун ҳужжатларига мувофиқ, ваколатли ҳокимият органлари қабул қилган қарорларга кўра, тўлови бир неча йилга кечиктирилган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар акс эттирилади.

Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби қуйидаги ёзувлар билан амалга оширилади:

Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар бўйича операцияларни акс эттириш		
	дебет	кредит
Ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловлар акс эттирилади (қонун ҳужжатларига мувофиқ)	9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар»; 9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»; 6500-«Суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз»
Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар акс эттирилади	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»; 6500-«Суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз»	7240-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»; 6240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»
Муддати кечиктирилган мажбуриятларнинг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ўтказилади	7240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»	6240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»
Тўлов кечиктирилган муддат тугагандан сўнг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши ва уларнинг тўланиши акс эттирилади	6240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Бошқа муддати кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби куйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар»;

6290-«Бошқа муддати кечиктирилган мажбуриятлар».

6250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар» ҳисобварағида вақтинчалик фарқлар борлиги натижасида юзага келган фойда солиғининг муддати кечиктирилган суммаси акс эттирилади. Вақтинчалик фарқлар — бу ҳисобот даври учун солиқ солинадиган ва ҳисоб даромадлари ўртасидаги фарқлар бўлиб, улар даромад ва харажатларнинг баъзи

моддалари солиқ солинадиган даромадга киритиладиган ҳисобот даври улар ҳисоб даромадига киритиладиган ҳисобот даврига мувофиқ келмаслиги сабабли юзага келади.

ОЛИНГАН ЖОРИЙ БЎНАКЛАР ҲИСОБИ

Корхоналар томонидан маҳсулотлар ва товарларни етказиб бериш, шунингдек ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш харидорлар ва буюртмачилардан камида 15 фоиз миқдорида бўнак тўловлари (олдиндан тўлов) мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. Бўнак харидорлар ва буюртмачилардан келгусида тўловлар келиб тушиши ҳамда етказиб берувчи томонидан шартнома бажарилишининг кафолати бўлади. Олинган бўнаклар пул маблағларини олган корхона учун ишлар бажарилмагунча, хизматлар кўрсатилмагунча ёки товар юкланмагунча мажбуриятни юзага келтиради.

Олинган бўнаклар бўйича жорий қарзлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»;

6320-«Акцияларга обуначилардан олинган бўнаклар»;

6390-«Бошқа олинган бўнаклар».

Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар даромад сифатида тан олинмайди ва, тегишинча, фойда солиғи, ягона солиқ тўлови солинадиган базага киритилмайди.

Мисол. Корхона офис мебелини ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 640 минг сўмга сотади. Шартномага кўра мебель харидорга у томонидан 50 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг топширилади.

Мебелнинг бошланғич қиймати — 700 минг сўм. Мазкур асосий воситалар объекти бўйича ҳисобланган амортизация 96 минг сўмни ташкил қилади. 8510-ҳисобварақнинг кредит томонидаги сальдо — 10 минг сўм.

Харидордан олинган бўнак суммаси даромад деб тан олинмайди ва ундан ҳеч қандай солиқ ҳисобланмайди. Активлар юклар бўлган ҳолдан сўнг у 4010-«Харидорлар ва

буортмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварақига ҳисобдан чиқарилади.

Ушбу юклаб жўнатилган мебель бўйича ҚҚС қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

$$(640 - (700 - 96)) : 120 \% \times 20 \% = 6 \text{ минг сўм.}$$

Молиявий натижа қуйидаги тарзда аниқланади:

$640 - 6 - (700 - 96) + 10 = 40$ минг сўм – офис мебелини сотишдан олинган фойда.

Мазкур операция ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Офис мебели етказиб берилиши учун харидордан бўнакнинг келиб тушиши акс эттирилди (640 × 50 %)	320	5110	6310
2	Сотилган офис мебели учун бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилди	320	6310	4010
3	Сотилган мебель учун харидорнинг қарзи акс эттирилди	640	4010	9210
4	Мебелни сотишдан ҚҚС бўйича бюджет олдидаги қарз акс эттирилди	6	9210	6410
5	Сотилган мебелнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди	700	9210	0140
6	Сотилган мебелнинг ҳисобланган амортизацияси суммаси ҳисобдан чиқарилди	96	0240	9210
7	Мебелни қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилди	10	8510	9210
8	Сотилган офис мебели учун харидордан якуний тўловнинг келиб тушиши акс эттирилди	320	5110	4010
9	Сотишдан молиявий натижа (фойда) акс эттирилди	40	9210	9310

Асосий воситалар объектининг чиқиб кетиши корхонанинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган базаси камайишига олиб келади.

БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ

6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағи корхонанинг солиққа оид мажбуриятларини акс эттириш учун мўлжалланган. Бу жорий (қисқа муддатли) қарзлар, чунки қонун ҳужжатларига мувофиқ у жорий даврда сўндирилиши лозим.

Таҳлилий ҳисоб учун ҳар бир тўланадиган солиқ турига алоҳида ҳисобварақ очиш тавсия этилади:

6411-«ҚҚС бўйича қарзлар»;

6412-«Акциз солиғи бўйича қарзлар»;

6413-«Фойда солиғи бўйича қарзлар» (ягона солиқ тўлови);

6414-«Мол-мулк солиғи бўйича қарзлар»;

6415-«Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича қарзлар» ва ҳ.к.

Худди шундай тартибда бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларни ҳам юритиш лозим:

4411-«ҚҚС бўйича бўнак тўловлари»;

4412-«Акциз солиғи бўйича бўнак тўловлари»;

4413-«Фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари» ва ҳ.к.

Бўнак тўловлари актив ҳисобварағи бўйича айланмалар билан пассив ҳисобварақдаги ҳисоблаб ёзилган солиқларнинг таққосланиши орқали ҳар бир солиқ тури бўйича корхонанинг бюджет билан ўзаро алоқалари натижалари белгиланади.

Бирор-бир солиқ бўйича бюджетга ортиқча тўлов балансда актив сифатида бўнак тўловлари ҳисобварағида акс эттирилади.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш ва, тегишинча, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни сўндириш санаси бўлиб:

нақд пулсиз тартибда ўтказишда — маблағлар солиқ тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилган кун;

нақд пул маблағлари билан тўлашда — ҳақиқатда тўланган кун ҳисобланади.

Мисол сифатида қўшилган қиймат солиғи бўйича корхоналарнинг бюджет билан ҳисоб-китобларини келтириш мумкин. Олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган ҚҚС суммаларини аввал 4411-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнак тўловлари» ҳисобварағида акс эттириб, сўнгра 6411-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — ҚҚС» ҳисобварағига ҳисобдан чиқариш лозим.

Мисол. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи қурилиш корхонаси қурилиш материалларини сотиб олади. Материалларни етказиб берувчига 60 000 минг сўм тўланди, шу жумладан ҚҚС — 10 000 минг сўм. Қурилиш материалларини корхона базасига етказиб бериш бўйича транспорт ташкилотининг хизматлари 1 200 минг сўмни (ҚҚС — 200 минг сўмни) ташкил қилди.

Қурилиш материалларининг харид (ҳақиқий) қиймати 51 000 минг сўмни (50 000 + 1 000) ташкил қилади. Материалларни етказиб берувчига ҳамда транспорт ташкилотига тўланган ҚҚС суммаси — 10 200 минг сўм олинган ҳисобварақ-фактуралар асосида ҳисобга олишга қабул қилинади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Қурилиш материалларини сотиб олиш акс эттирилди	50 000	1050	6010
2	Материалларнинг чет ташкилот томонидан етказиб берилиши бўйича харажатлар акс эттирилади	1 000	1050	6010
3	ҚҚС ҳисобга олинди	10 200	4411 6411	6010 4411

Мисол. Ҳисобот даври учун якуний ҳисоб-китоб бўйича 7 537 минг сўмлик фойда солиғи ҳисоблаб ёзилди. Солиқ бўйича жорий тўловлар 7 344 минг сўмни ташкил қилди. Ҳисобот даври учун 193 минг сўм қўшимча тўланиши лозим.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ҳар ойда: жорий тўловлар ўтказилади	2 448 (7 344 — давр учун)	4413	5110
2	Ҳисобот даври учун фойда солиғи ҳисобланди	7 537	9810	6410
3	Жорий тўловларнинг ҳисобга олинishi акс эттирилади	7 344	6410	4413
4	Яқуний ҳисоб-китоб бўйича фойда солиғи қўшимча тўланди	193	6410	5110

Мисол. Корхонанинг маркетинг бўлими ходими январь ойи учун 520 000 сўм иш ҳақи; йил яқунлари бўйича 250 000 сўм мукофот олди. Январь ойи учун шкала бўйича ҳисобланган даромад солиғи суммаси 136 995 сўмни ташкил қилди.

Бундан ташқари, ҳисобланган суммалардан 4 % ставка бўйича иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари — 30 800 сўм ушлаб қолинди.

Ҳисобланган даромад солиғи суммасидан (136 995 сўмдан):

бюджетга — 129 295 сўм;

ходимнинг ШЖБПҲга — 7 700 сўм ўтказилади.

Ходим январь ойи учун барча ушланмалар (даромад солиғи ва мажбурий суғурта бадаллари) чегирилган ҳолда 602 205 сўм нақд олади.

Бухгалтерия ҳисобида иш ҳақи ва мукофотларни ҳисоблаб ёзиш ҳамда улардан ушланмалар қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Январь ойи учун иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди	520	9410	6710
2	Йил яқунлари бўйича мукофот ҳисоблаб ёзилди	250	9430	6710

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
3	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ҳисоблаб ёзилди	136,995	6710	6410
4	Мажбурий сугурта бадаллари ушлаб қолинди (4 %)	30,8	6710	6520
5	Даромад солиғи бўйича қарзни қоплаш акс эттирилади (136,995 – 7,7)	129,295	6410	5110
6	Мажбурий сугурта бадаллари бўйича қарзни қоплаш акс эттирилади	30,8	6410	5110
7	1 % ШЖБПХга ҳисобланади ва ўтказилади	7,7	6410 6530	6530 5110
8	Иш ҳақи ва мукофот берилди	602.205	6710	5010

Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун (тўлов куни ҳам киради) 0,05 фоиз миқдориди пеня ҳисоблаб ёзилди.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисоблаб ёзилмайди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ортиқча тўланган суммаларининг мавжудлиги солиқ органлари томонидан тасдиқланиши лозим.

Мисол

МИНГ СЎМ

Солиқ тури	Боқи- монда	Ортиқча тўлов	Сальдо (+, -)
Қўшилган қиймат солиғи	300	—	х
Даромад (фойда) солиғи	—	200	х
Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	100	—	х
Жами	400	400	0

Боқимонда ва ортиқча тўловнинг жами суммаси тенг миқдорни ташкил қилади, яъни сальдо — ноль, тегишинча, пеня ҳисоблаб ёзилмайди.

Ортиқча тўлов жами суммаси боқимонда жами суммасидан ошган тақдирда пеня ҳисоблаб ёзилмайди.

Мисол

МИНГ СЎМ

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Сальдо (+, -)
Қўшилган қиймат солиғи	250	—	x
Фойда солиғи	—	300	x
Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	250	x
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	200	—	x
Жами	450	550	+100,0

Мазкур мисолда ортиқча тўлов жами суммаси боқимонда жами суммасидан ошади, тегишинча, пеня ҳисоблаб ёзилмайди.

Ҳисоблаб ёзилган пеня суммаси умумий боқимонда суммасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳар бир турига тўғри келадиган боқимонда суммаси улушидан келиб чиққан ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича тақсимланади.

Мисол

МИНГ СЎМ

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Сальдо (+, -)	Пеня ҳисоблаб ёзилган давр	Ҳисоблаб ёзилган пеня	Пеняни тақсимлаш
Қўшилган қиймат солиғи	100	—	x	x	x	0,3
Фойда солиғи	325	—	x	x	x	0,9

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Сальдо (+, -)	Пеня ҳисоблаб ёзилган давр	Ҳисоблаб ёзилган пеня	Пеняни тақсимлаш
Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200	х	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	—	65	х	х	х	х
Жами	425	265	-160	15 кун	1,2	1,2

160 минг сўм миқдорида боқимонда сальдосига ҳисоблаб ёзилган 1,2 минг сўм миқдоридаги пеня қўшилган қиймат солиғи (24 %) ва фойда солиғи (76 %) бўйича тегишли боқимонда улушидан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.

Пеня суммаси солиқ тўловчининг тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи (боқимонда) суммасидан кўп бўлиши мумкин эмас.

1-мисол. 1.11.2007 йил ҳолатига кўра солиқ тўловчи фойда солиғи бўйича 500 минг сўм суммада боқимондага эга ҳамда ушбу боқимонда суммасига ҳисоблаб ёзилган пеня суммаси 80 минг сўмни ташкил қилади. 10.11.2007 йилда солиқ тўловчи фойда солиғи бўйича 300 минг сўм суммадаги боқимонда суммасини тўлади, тегишинча, ушбу санада боқимонда суммаси 200 минг сўмни ташкил қилди. 1.11.2007 йилдан 10.11.2007 йилгача бўлган даврда (10.11.2007 йил ҳам киради) 2,5 минг сўм миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилди ҳамда жами пеня суммаси 82,5 минг сўмни ташкил қилди.

2-мисол. 1-мисолда келтирилган солиқ тўловчи бўйича 10.11.2007 йил ҳолатига кўра фойда солиғи бўйича боқимонда 200 минг сўмни, ҳисоблаб ёзилган пеня суммаси эса 82,5 минг сўмни ташкил қилади. 15.11.2007 йилда солиқ тўловчи фойда солиғи бўйича 150 минг сўм суммадаги боқимонда суммасини тўлади, тегишинча, ушбу са-

нада боқимонда суммаси 50 минг сўмни ташкил қилди. 11.11.2007 йилдан 15.11.2007 йилгача бўлган даврда (15.11.2007 йил ҳам киради) 0,5 минг сўм миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилди ҳамда жами пеня суммаси 83 минг сўмни ташкил қилди. 16.11.2007 й.дан бошлаб пеня ҳисоблаб ёзилмайди, чунки илгари ҳисоблаб ёзилган пеня суммаси (83 минг сўм) боқимонда сальдо суммасидан ошади (200 - 150 = 50 минг сўм).

СУҒУРТА БЎЙИЧА ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ

Корхона мулки ва ходимларини суғурта қилиш бўйича қарзлар ҳисоби 6510-«Суғурта бўйича тўловлар» ҳисобварағида юритилади.

Суғурта мажбурий (қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган) ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Ихтиёрий суғурта харажатлари меъёрланадиган бўлиб, меъёрдан юқори харажатлар корхонанинг фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базасини аниқлашда чегирилмайди. Суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича ажратмалар меъёри маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан ҚҚС ва акциз солиғини қўшган ҳолда олинган тушум йиллик ҳажмининг 2 фоизи миқдорида белгиланган (СК 145-моддасининг 32-банди).

Мол-мулк суғургаси ва ҳаётни узоқ муддатли суғурталашга оид суғурта мукофотларига харажатлар истисно тариқасида фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан тўлиқ ҳажмда чегирилади.

Ягона ижтимоий тўлов, мажбурий суғурта бадаллари бўйича ажратмалар ва бюджетдан ташқари жамғармалар (Пенсия, Йўл ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармалари)га мажбурий ажратмалар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилиши мумкин:

6521 — меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари;

6522 — солиқ солиш объектга боғлиқ ставкалар бўйича Йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

6523 — сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқатдаги ҳажмидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

6524 — ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан «Камолот» жамғармасига ажратмалар;

6525 — мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар;

6530 — ШЖБПҲга мажбурий бадаллар.

Мисол. Январь ойида ишлаб чиқариш бўлими ходимларига 12 000 минг сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисобланди. Ягона ижтимоий тўлов 25 % ставка бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ҳисобланади. Бундан ташқари корхона бухгалтерияси ходимларнинг иш ҳақидан 4 % ставка бўйича мажбурий суғурта бадалларини ушлаб қолади, шунингдек 1 % ШЖБПҲга ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисобида ушбу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ишлаб чиқариш бўлими ходимларига иш ҳақи ҳисобланди	12 000	2010	6710
2	Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди	3 000	2010	6521
3	Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари (4 %) ушлаб қолинди	480	6710	6521
4	Даромад солиғи ҳисобланди		6710	6410
5	ШЖБПҲга ўтказиладиган, солиқ солинадиган даромад суммасидан 1 % акс эттирилади		6410 6530	6530 5110
6	Ягона ижтимоий тўлов бўйича қарзларни тўлаш акс эттирилади	3 000	6521	5110
7	Суғурта бадаллари (4 %) бўйича қарз тўланади	480	6521	5110
8	Даромад солиғи бўйича қарз (ШЖБПҲга 1 % чегирилган ҳолда) тўланади		6410	5110

Ижтимоий суғуртага ажратмалар (ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари) объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, ЎзР ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган ва чет эл фуқаролари бўлган жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлари ҳисобланади. Ягона ижтимоий тўлов Ўзбекистон Республикасида ишловчи чет эллик фуқароларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларига ҳам ҳисобланади.

2010 йил учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 % миқдоридан белгиланган. Бунда ЯИТ меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан белгиланган ставка бўйича, бироқ ҳар бир ходим ҳисобига энг кам иш ҳақининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаб ёзилади ва тўланади. Бундан фермер хўжаликлари истисно бўлиб, улар учун ЯИТнинг энг кам суммаси энг кам иш ҳақининг 50 % миқдоридан белгиланган.

Солиқ органлари мазкур тартибга риоя қилинмаган тақдирда, солиқ тўловчининг ихтиёрида қолаётган фойда ҳисобидан ЯИТни унинг белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўлиқ ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Мисол. «Камолот» жамғармаси билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартнома тузган кичик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобот даврида 12 000 минг сўм миқдоридан ягона солиқ тўлови ҳисоблади. «Камолот» жамғармаси билан ихтиёрий тарзда шартнома тузган корхона сифатида у ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 5 %ини жамғармага ўтказиши шарт.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ягона солиқ тўлови ҳисобланди	12 000	9820	6410
2	«Камолот» жамғармасига ажратмалар ҳисобланди	600	6410	6520
3	Ягона солиқ тўлови бўйича қарз тўланади	11 400	6410	5110
4	«Камолот» жамғармасига қарзни тўлаш акс эттирилади	600	6520	5110

Мисол. Ишлаб чиқариш корхонаси 540 минг сўмлик тайёр маҳсулот сотди, шу жумладан ҚҚС — 90 минг сўм. Маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи 370 минг сўмни ташкил қилади.

ҚҚС чегирилган ҳолда маҳсулотларнинг сотиш суммасидан (450 минг сўм) қуйидаги мажбурий ажратмалар ушлаб қолиниши лозим:

1,5 % ставка бўйича Пенсия жамғармасига — 6 750 сўм;

1,5 % ставка бўйича Йўл жамғармасига — 6 750 сўм;

0,5 % ставка бўйича Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига — 2 250 сўм.

Мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар бўйича қарзларни ҳисоблаш ва тўлаш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Тайёр маҳсулотни сотиш акс эттирилди	450	4010	9010
2	Сотилган маҳсулот бўйича ҚҚС ҳисобланди	90	4010	6410
3	Сотиш ҳажмидан мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар ҳисобланди	6,75 6,75 2,25	9430	6520
4	Сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар бўйича қарзни тўлаш акс эттирилади	6,75 6,75 2,25	6520	5110

МУАССИСЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ

6610-«Тўланадиган дивидендлар» ва 6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга улушлари бўйича қарзлар» ҳисобварақлари корхонанинг муассислар олдидаги жорий мажбуриятларини акс эттиради.

Дивидендлар пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва акциялар билан тўланиши мумкин. Барча дивидендлар, акциялар билан тўланадиган дивидендлар бун-

дан мустасно, корхона хусусий капиталининг камайишига олиб келади.

Мисол. Муассислар йиғилишининг қарорига кўра шуъба корхонаси 150 минг сўм миқдоридagi дивидендларни шуъба корхонасининг устав капиталидаги улуши 80 %ни ташкил қиладиган бош компанияга ўтказади. Ҳар иккала корхона ҳам Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Бош корхонага дивидендлар ҳисобланди	150	8710	6610
2	Ҳисобланган дивидендлар суммасидан юридик шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси акс эттирилди	15	6610	6410
3	Дивидендлар бўйича даромад солиғи суммаси ўтказилди	15	6410	5110
4	Дивидендларнинг бош жамиятга ўтказилиши	135	6610	5110

Дивидендлар товар-моддий бойликлар: асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар билан берилиши мумкин. Бу операциялар ҳисобда товар-моддий бойликларнинг сотилиши сифатида акс эттирилади. Бунда корхоналарда сотиш операциялари сингари солиқ мажбуриятлари пайдо бўлади.

Ушбу ҳолда ҳам 10 % ставка бўйича дивидендлардан солиқ ҳисобланиши керак ҳамда акциядорлар (жисмоний шахслар) бу солиқ суммасини корхонанинг кассасига топширишлари ёки ҳисобланган дивидендлардан 10 фоизга кам суммада товар олишлари керак.

Мисол. Акциядорлик жамияти 1 000 минг сўм миқдоридa дивидендларни тайёр маҳсулотлар билан тўлашга қарор қилди. Тайёр маҳсулотларнинг таннархи 800 минг сўмни ташкил қилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисобланди	1 000	8710	6610
2	Дивидендлардан солиқ ушлаб қолинди	100	5010	6410
3	Дивидендлардан солиқ ўтказилди	100	6410	5110
4	Маҳсулотларни сотишдан ҚҚС ҳисобланди (1 000 × 20 % : 120 %)	167	6610	6410
5	Маҳсулотларнинг сотилиши акс эттирилди (1 000 – 167)	833	6610	9010
6	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	800	9110	2810
7	Ҳисобварақларнинг ёпилиши ва молиявий натижанинг аниқланиши	833 800	9010 9910	9910 9110

Хусусий корхоналар ҳам дивидендларни ҳисоблашда 6610-«Тўланадиган дивидендлар» ҳисобварағини қўллашлари мумкин. Бунда ҳисобланган дивидендлардан ҳеч бир солиқ ушлаб қолинмайди. Шунинг назарда тутиш лозимки, корхона хусусий корхона бўлиши ва Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 558–II-сон «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни мезонларига мос келиши лозим. Мазкур Қонуннинг 24-моддасига кўра хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Мисол. Хусусий корхона муассиси ҳисобот йили яқунлари бўйича ягона солиқ тўлови тўлангандан кейин қолган фойдадан 2 000 минг сўм миқдорида дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу сумма муассисга солиқ солишларсиз берилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисобланди	2 000	8710	6610
2	Дивидендлар тўланди	2 000	6610	5010

Хусусий корхоналар муассислари ўз дивидендларини турлича, шу жумладан мол етказиб берувчилар ҳисобварақларига, хусусий шахс сифатида уларга кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб тасарруф қиладилар. Бундай ҳолларда дивидендлар ҳисобига корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан тўланган товарлар ишончнома бўйича олиниши лозим, бироқ уларни балансдан ташқари ҳисобварақларнинг бирига, масалан 002-«Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий бойликлар» ҳисобварағига кириш қилиш лозим.

Мисол. Хусусий корхона муассиси ҳисобот йили якунлари бўйича ягона солиқ тўлови тўлангандан кейин қолган фойдадан 1 200 минг сўм миқдорига дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Унинг фармойишига кўра ҳисобланган дивидендлар ҳисобига компьютер сотиб олинади ва хусусий корхона мулкдорига топширилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисобланди	1 200	8710	6610
2	Товар-моддий бойликларга ҳақ тўлаш акс эттирилади	1 200	6010	5110
3	Товар-моддий бойликлар ишончнома бўйича олинди	1 200	002	
4	Товар-моддий бойликлар топширилди	1 200		002
5	Муассисга бўлган қарз қопланди	1 200	6610	6010

Дивидендлар уларни ҳисоблаган корхонанинг устав капиталини оширишга йўналтирилиши мумкин. Ушбу ҳолда дивидендлар кўринишидаги бундай даромадларга солиқ солинмайди.

Мисол. МЧЖ муассислари ҳисобланган дивидендларни МЧЖ устав капиталини оширишга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Устав капиталини оширишга йўналтириладиган дивидендлар суммаси 5 600 минг сўмни ташкил қилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисобланди	5 600	8710	6610
2	Дивидендлар ҳисобига МЧЖ устав капиталининг оширилиши акс эттирилади	5 600	6610	8330

6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга улушлари бўйича қарзлар» ҳисобварағи чиқиб кетаётган муассисларнинг улушлари бўйича мажбуриятларни акс эттиради. 6620-ҳисобварақнинг кредити бўйича ҳисобланган қарзлар суммаси устав капитали, тақсимланмаган фойдани ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Мисол. МЧЖ муассислари орасидан бир иштирокчи чиқади. Унинг МЧЖ устав капиталидаги улуши 25 000 минг сўмни ташкил қилади. Қилинган ҳисоб-китобларга кўра чиқиб кетаётган муассисга фақат улуш қиймати тўланиши лозим.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Чиқиб кетаётган муассисга унинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз акс эттирилади (устав капитали чиқиб кетаётган муассис улушига камайтирилганда)	25 000	8330	6620
2	Чиқиб кетаётган муассисга унинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз тўланади	25 000	6620	5110

Чиқиб кетаётган муассисга тўланадиган жамғарилган фойда суммасига тўлов манбаида солиқ солинади. Агар чиқиб кетаётган муассис ўз улуши (акцияси)ни бошқа шахсга сотса, ҳисоб-китоб корхонанинг молиявий кўрсаткичларига таъсир қилмай, улар ўртасида амалга оширилади.

Чиқиб кетаётган муассис улушининг қийматини аниқлашда «соф активлар» тушунчасидан фойдаланилади.

Чиқиб кетаётган муассис улушининг қиймати соф активлар қийматини корхона устав капиталидаги муассиснинг улушига (фоизда) кўпайтириш йўли билан аниқланади. Айнан ушбу сумма корхонанинг чиқиб кетаётган муассиси (иштирокчиси)га тўланиши керак. У соф активлар қиймати ва устав капитали миқдори ўртасидаги фарқдан тўланади.

Ушбу фарқ чиқиб кетаётган иштирокчига тўланиши лозим бўлган улуш қийматидан кичик бўлган ҳолларда жамият ўз устав капиталини етишмайдиган суммага камайтириши шарт ва шундан сўнггина у улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши мумкин.

Соф активлар деганда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари билан таъминланган узоқ муддатли ва жорий активлари қиймати, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг қарз мажбуриятларидан озод бўлган мол-мулки қиймати тушунилади.

Юқорида таъкидланганидек, соф активлар миқдори фақат ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Бироқ ҳисоб-китоб қилишдан олдин балансда акс эттирилган қайси активлар ва пассивлар ҳисоб-китобларда ишлатилиши лозимлигини аниқлаб олиш керак.

Мисол. МЧЖ устав жамғармаси 9 603 минг сўми ташкил қилади, жамият таркибидан чиқиб кетаётган муассиснинг улуши (дастлабки бадали) эса — 2 652,35 минг сўм. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши билан чиқиб кетаётган муассисга улушни пул маблағлари кўринишида тўлашга қарор қилинди. Жамиятнинг баланси қуйидаги кўринишга эга:

АКТИВ	Сумма, минг сўм	ПАССИВ	Сумма, минг сўм
I бўлим		I бўлим	
Асосий воситалар	3 354	Устав капитали	9 603
Узоқ муддатли инвестициялар	125	Қўшилган капитал	8 956
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	15 000	Тақсимланмаган фойда	29 803
I бўлим бўйича жами (130-сатр)	18 479	I бўлим бўйича жами (480-сатр)	48 362
II бўлим		II бўлим	
Товар-моддий захиралар	64 369	Жорий мажбуриятлар	122 081
Дебиторлар	85 399		
Пул маблағлари	2 196		
II бўлим бўйича жами (390-сатр)	151 964	II бўлим бўйича жами (770-сатр)	122 081
Актив бўйича жами (400-сатр)	170 443	Пассив бўйича жами (780-сатр)	170 443

Муассиснинг МЧЖ таркибидан чиқиб кетишида ҳамда у ўз улушини МЧЖ бошқа иштирокчиларига, учинчи шахсларга ёки МЧЖнинг ўзига сотишида чиқиб кетаётган муассис улушининг ҳақиқий қиймати ҳисобланади. Бу ушбу улушни бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга сотиш нархини аниқлаш учун, агар бошқа муассислар ушбу улушни сотиб олишни рад этсалар ҳамда уни учинчи шахсларга сотишда

тақиқ мавжуд бўлганда унинг жамият томонидан сотиб олинишида — чиқиб кетаётган муассисга у томонидан киритилган улуш қисмига мутаносиб равишда унинг улушининг ҳақиқий қийматини тўлаш учун зарур.

Соф активлар миқдори ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади: активлар қийматидан қарз мажбуриятлари суммаси айирилади (баланс активининг 400-сатри минус баланс пассивининг 770-сатри).

Жамият активларининг қиймати (баланснинг 400-сатри) 170 443 минг сўмга, мажбуриятлар миқдори (баланснинг 770-сатри) 122 081 минг сўмга тенг. Жамият соф активларининг миқдори 48 362 минг сўмни ташкил қилади.

Чиқиб кетаётган муассис улушининг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун соф активлар қиймати (48 362 минг сўм) жамият чиқиб кетаётган иштирокчиси улушининг фоиздаги қийматига (27,62 %) кўпайтирилади. Шу тариқа, чиқиб кетаётган муассис улушининг ҳақиқий қиймати 13 357,58 минг сўмни ташкил қилади. Чиқиб кетаётган муассис улушининг ҳақиқий миқдори билан унинг дастлабки бадали ўртасидаги фарқ 10 705,23 минг сўмни (13 357,58 – 2 652,35) ташкил қилади. Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ мазкур сумма дивидендларга тенглаштирилиб, унга шунга ўхшаш тартибда — тўлов манбаида 10 % ставка бўйича солиқ солинади.

Ушбу операциялар ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Чиқиб кетаётган муассисга унинг устав капиталидаги улуш бўйича қарз акс эттирилади (агар чиқиб кетаётган муассис улушига МЧЖ устав капитали камайтирилса)	2 652,35	8330	6620
2	Муассисга жамғарилган фойдадаги улуш бўйича қарз акс эттирилади	10 705,23	8710	6620
3	Чиқиб кетаётган муассиснинг даромадларига солиқ ҳисобланади	1 070,523	6620	6410
4	Чиқиб кетаётган муассисга бўлган қарз (солиқ ушланган ҳолда) тўланади	9 634,707	6620	5110

6620-ҳисобварақдан устав капиталини муассисларнинг қўшимча бадаллари ҳисобига оширишда фойдаланилади.

Мисол. МЧЖнинг икки муассиси пул маблағлари ва ускуна киритиш йўли билан устав капиталини оширишга қарор қилишди. Қўшимча бадаллар қиймати: пул маблағлари — 6 500 минг сўмни, ускуна — 6 500 минг сўмни ташкил қилади. Келишувга кўра асбоб-ускуналар дарҳол, пул маблағлари эса 3 ой мобайнида киритилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Муассиснинг ускуна билан киритаётган қўшимча бадали акс эттирилади	6 500	0140	6620
2	Муассисдан қўшимча бадал сифатида пул маблағлари келиб тушди	6 500	5110	6620
3	Қўшимча бадалларни киритиш йўли билан устав капиталини ошириш акс эттирилади (таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилгандан кейин)	13 000	6620	8330

ХОДИМЛАР БИЛАН МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ Бўйича Ҳисоблашишлар Ҳисоби

6700-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларида ходимларга бўлган жорий қарз ҳисобга олинади.

Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар ҳисоби

Корхона ходимларига иш ҳақининг барча турлари, мукофотлар, нафақалар, ишлаётган пенсионерларга пен-

сиялар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар бўйича жорий қарз қўйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»;

6720-«Депонентга ўтказилган иш ҳақи».

6710 ва 6720-ҳисобварақлар билан боғланувчи ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ўтказмалари қўйидаги жадвалда келтирилган:

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобварақидagi ходимларга бўлган жорий қарз ва унинг тўлашиши ҳисоби		
	дебет	кредит
Капитал қўйилмалар соҳасида банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланиши ва берилиши акс эттирилади	0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»; 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»
Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, умумишлаб чиқариш цехлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ходимларига ва яроқсиз маҳсулотни тўғрилашда банд бўлган ходимларга иш ҳақининг ҳисобланиши ва тўланиши акс эттирилади	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва бошқ.; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»; 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»
Маҳсулот сотишда банд бўлган ходимларга, маъмурий-бошқарув ходимларига ва бошқа операцияларни бажарувчи ходимларга иш ҳақининг ҳисобланиши ва берилиши акс эттирилади	9400-«Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»; 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»
Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мулкнинг чиқиб кетиши операцияларида банд бўлган ходимларга иш ҳақининг ҳисобланиши ва берилиши акс эттирилади	9200-«Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»; 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобварақдаги ходимларга бўлган жорий қарз ва унинг тўланishi ҳисоби		
	дебет	кредит
Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ҳисобланди	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Корхона ходимларига мукофотлар ҳисобланди ва берилди	9430-«Бошқа операция харажатлар»; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»; 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»
Ҳисобдор шахслардан ўз муддатида қайтарилмаган бўнақлар ушлаб қолинди	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	4200-«Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»
Моддий бойликларнинг камомади ёки бузилишида, яроқсизликда айбдор ходимларнинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолиш	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»
Иш ҳақини депонентга ўтказиш акс эттирилади	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	6720-«Депонентга ўтказилган иш ҳақи»
Депонентга ўтказилган иш ҳақини бериш акс эттирилади	6720-«Депонентга ўтказилган иш ҳақи»	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

Касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш

Иш берувчи касаначи томонидан бажарилган ишни ишлар бажарилган жойда қабул қилиб олиши шарт. Қабул қилиб олишни маҳсулотларни топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси билан расмийлаштириш керак. Далолатномада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (буюмлар, хизматлар)нинг миқдори, иш берувчи томонидан буюмлар (маҳсулотлар, хизматлар)нинг сифат стандартларига қўйиладиган талабларга мувофиқ сифати кўрсатилади.

Маҳсулотлар топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси бўйича қабул қилинганидан кейин, иш берувчи

маҳсулотларнинг кейинчалик сотилишидан қатъи назар, касаначининг меҳнати учун ҳақ тўлаши шарт.

Касаначилар меҳнатига, қоидага кўра, амалда бажарилган ишлар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот учун ишбай ҳақ тўланади. Агар касаначи ўз меҳнатини амалга оширадиган жойда иш ҳақиға туман коэффиценти белгиланган бўлса, касаначи меҳнатига ҳақ тўлаш ушбу коэффиценти ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Касаначиларга тўланадиган иш ҳақи миқдори улар томонидан меҳнат нормалари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас ва қандайдир энг юқори миқдор билан чекланмайди.

Бунда касаначининг бажарган барча иши учун бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ва унга иш вақтидан ортиқча ишлаганлик, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлик, шунингдек тунги вақтда ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилмайди.

Касаначига барча ижтимоий дастурлар, шу жумладан уй шароитида ишлаган вақти пенсиялар ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар миқдорларини тайинлаш учун меҳнат стажига кўшилиши, ҳар йилги меҳнат таътили ҳуқуқи, мажбурий равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашиши ва бошқалар кафолатланади.

Иш берувчи томонидан ишлаб чиқариш вазифаларини бажарганлиги учун касаначига иш ҳақи ҳисоблаб ёзиш ва бериш бўйича операциялар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Меҳнат ҳақи бўйича касаначи билан ҳисоб-китобларнинг акс эттирилиши		
	дебет	кредит
Касаначига бажарилган иши (хизмати) учун иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш акс эттирилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 9400-«Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар»	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»
Касаначига кассадан иш ҳақи тўланиши акс эттирилди	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

ҚИСКА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ

6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида корхона банклардан олган турли қисқа муддатли кредитлар ҳисобга олинади.

Тижорат банкидан олинган кредит кредит шартномаси билан расмийлаштирилади. Кредит шартномаси бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ушбу хусусиятлари билан у қарз шартномасидан фарқ қилади.

Кредит шартномасининг хусусиятлари:

— бундай шартномаларда доимо тегишли лицензияга эга бўлган банк ёки бошқа кредит ташкилоти кредитор бўлади;

— шартнома албатта ёзма равишда тузилади, акс ҳолда у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;

— шартнома предмети фақат пул маблағлари бўлиши мумкин;

— шартнома томонлар ўртасида тегишли келишувга келинган, яъни қарз олувчига пуллар ҳақиқатда берилишидан аввал кучга киради;

— банк томонидан кредит сиёсатига мувофиқ белгиланадиган бошқа қоидалар.

Кредитдан фойдаланганлик учун тўлов фоизларда, уларни тўлаш муддатини кўрсатган ҳолда белгиланади.

Банк кредити, жумладан муддати ўтказиб юборилган ва кечиктирилган ссудалар бўйича фоизлар молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига киритилади. Инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига киритиладиган, инвестиция учун олинган банк кредитлари бўйича фоизлар бундан мустасно.

2008 йил 1 январдан бошлаб муддатли қарз учун кредит шартномасида назарда тутилган ставкалардан юқори бўлган муддати ўтказиб юборилган ва кечиктирилган кредитлар (қарзлар) бўйича фоизлар солиқ солинадиган базани аниқлашда чегирилмайди.

Қисқа муддатли банк кредитлари бўйича операциялар акс эттирилади		
	дебет	кредит
Кредит олиш акс эттирилади (кредит қарз олувчи корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига келиб тушди)	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»	6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари»
Қарз олувчи корхонанинг мол стказиб берувчи (пудратчи)га бўлган қарзининг кредит билан тўланиши акс эттирилди	6010-«Мол стказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»
Кредит тўланиши акс эттирилди	6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»
Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизлар акс эттирилди	9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоизлар»
Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизлар акс эттирилди (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига киритилади)	0800-«Капитал қўйилмалар»	6920-«Ҳисобланган фоизлар»

Агар кредитни қайтаришни таъминлаш бўйича моддий бойликлар гаров сифатида расмийлаштирилса, ушбу бойликлар қийматига баланسدан ташқари 009-«Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» ҳисобварағи бўйича ёзув қайд этилади.

Агар кредитнинг таъминоти сифатида учинчи шахс (бошқа банк ёки бошқа корхона)нинг кафолати расмийлаштирилса, унда олинган кафолатлар суммасига баланسدан ташқари 008-«Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган» ҳисобварағида ёзув қайд этилади.

Кредит шартномасида белгиланган вақтда тўланмаган кредитлар ва улар бўйича фоизлар алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Агар кредит шартномаси муддати қарз олувчи корхона ва банк томонидан келишилиб, кредит шартномасига тегишли қўшимча расмийлаштирилган ҳолда узайтирилса, кредит муддати ўтган ҳисобланмайди.

6820-«Қисқа муддатли қарзлар» ҳисобварағида қарз берувчилардан (банкдан ташқари) 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга олинган қарзлар ҳисобга олинади. Қарз шартномаси бўйича корхона пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни олиши ва қарз берувчи корхонага бирийўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ўша хил ва сифатдаги тенг миқдордаги ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериши шарт.

Мисол. Корхона қарз шартномаси бўйича 1 800 минг сўм қийматдаги материалларни олади, шу жумладан ҚҚС — 300 минг сўм. Қарз шартномасига кўра фоизлар тўлаш кўзда тутилмаган. Қарз муддати тугагач (6 ойдан сўнг), қиймати ва тури бир хил бўлган материаллар қарз берувчига қайтарилди.

Қарз олувчи корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қарз бўйича операциялар қуйидагича акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Қарз шартномаси бўйича материаллар олинди	1 500	1000	6820
2	ҚҚС ҳисобга олинди	300	4410 6410	6820 4410
3	Қайтариш чоғида материалларни ҳисобдан чиқариш акс эттирилди	1 500	9220	1000
4	Қайтариш чоғида ҚҚС ҳисоблаб ёзилди	300	9220	6410
5	Қарз бўйича мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш акс эттирилди	1 800	6820	9220

6830-«Тўланадиган облигациялар» ҳисобварағида сўндириш муддати 12 ойдан ортиқ бўлмаган облигацияларни бериш ҳисобига корхона томонидан жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади. Агар корхона томонидан маблағларни жалб қилиш облигацияларни номинал қийматидан юқори нарҳда сотиш йўли билан амалга оширил-

са, унда облигацияларни сотиш нархи билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ 6220-«Мукофот (устама)лар кўринишидаги муддати кечиктирилган даромадлар» ҳисобварағининг кредити бўйича ҳисобга қабул қилинади.

Облигациялар чегирма билан (номинал қийматидан паст нархда) сотилганда фарқ (дисконт (чегирма) суммаси) 3220-«Дисконт (чегирма)лар бўйича муддати кечиктирилган харажатлар» ҳисобварағи ва олинган сумма пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар дебитида ҳамда 6830-«Тўланадиган облигациялар» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

Корпоратив облигацияларни чиқариш фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан:

— облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кунга аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз шахсий капитали миқдори доирасида;

— кейинги уч йил ичида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган, аудиторлик ташкилотининг хулосалари билан тасдиқланган, шунингдек мустақил рейтинг баҳосини олган ОАЖлар;

— эмитентлар томонидан инвесторларга тегишли маблағларни тўлаш бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банкларининг иштирокида амалга оширилади.

Облигацияларни сотишда эмитент корхона инвесторга облигацияни сўндириш санасида тўлаши керак бўлган суммани 6830-«Тўланадиган облигациялар» ҳисобварағи кредитида мажбурият сифатида акс эттиради. Облигациялар бўйича мукофот (устама)лар сўндириш муддати ичида 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» ҳисобварағи бўйича даромадларга тақсимланади.

Облигацияларни мукофот билан сотиш акс эттирилади		
	дебет	кредит
1 йилдан сўнг сўндириладиган облигациялар сотилди	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» — инвестордан олинган суммага	6830-«Тўланадиган облигациялар» — номинал қийматига; 6220-«Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати кечиктирилган даромадлар» — мукофот суммасига
Облигациялар бўйича мукофот сўндириш муддати мобайнида ҳисобдан чиқарилади	6220-«Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати кечиктирилган даромадлар»	9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар»; 9590-«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари»
Облигацияни сўндириш муддати келганда инвесторга тўланадиган сумма акс эттирилади	6830-«Тўланадиган облигациялар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Облигациялар бўйича 3220-«Дисконт (чегирма)лар бўйича муддати кечиктирилган харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган чегирмалар сўндириш муддати мобайнида 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» ҳисобварағи бўйича харажатларга тақсимланади.

Облигацияларни чегирма билан сотишда эмитент корхона қуйидаги ёзувларни қайд этади:

Облигацияларни чегирма билан сотиш акс эттирилади		
	дебет	кредит
1 йилдан сўнг сўндириладиган облигациялар сотилди	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» — инвестордан олинган суммага; 3220-«Дисконт (чегирма)лар бўйича муддати кечиктирилган харажатлар» — дисконт суммасига	6830-«Тўланадиган облигациялар» — номинал қийматига
Облигациялар бўйича чегирма сўндириш муддати мобайнида ҳисобдан чиқарилади	9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»; 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»	3220-«Дисконт (чегирма)лар бўйича муддати кечиктирилган харажатлар»

Облигацияларни чегирма билан сотиш акс эттирилади		
	дебет	кредит
Облигация сўндириш муддати келганда инвесторга тўланадиган сумма акс эттирилади	6830-«Тўланадиган облигациялар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Қарз олувчи компания ўз зиммасига оладиган ва заёмнинг фоиз ставкасини оширадиган заёмни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар, рўйхатдан ўтказиш харажатлари, воситачилик ва бошқа харажатлар юзага келишига қараб молиявий фаолият бўйича харажатларга (қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар моддаси) ҳисобдан чиқарилади ҳамда солиқ солинадиган фойдадан чегирилади.

ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ

Корхонанинг турли кредиторлардан қарзлари ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлари қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

- 6910-«Тўланадиган оператив ижара»;
- 6920-«Ҳисоблаб ёзилган фоизлар»;
- 6930-«Роялти бўйича қарзлар»;
- 6940-«Кафолатларга доир қарзлар»;
- 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»;
- 6960-«Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар»;
- 6970-«Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар»;
- 6990-«Бошқа мажбуриятлар»;
- 7910-«Тўланадиган молиявий ижара»;
- 7920-«Турли кредиторлардан бошқа узоқ муддатли қарзлар».

6910-«Тўланадиган оператив ижара» ҳисобварағида оператив ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги мажбуриятлар акс эттирилади. 6910-«Тўланадиган оператив ижара» ҳисобварағининг кредити бўйича ҳисобланган

тўлов суммаси, дебити бўйича эса ижарага берувчига тўланган сумма акс эттирилади.

Мисол. Корхона ишлаб чиқариш ускунасини 1 йил муддатга ижарага олди. Томонларнинг келишувига кўра ижара шартномасида ускунанинг қиймати 6 000 минг сўм миқдорида белгиланган. Шартнома шартига кўра ҳар ойлик ижара ҳақи миқдори 120 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС 20 минг сўмни ташкил этади. Шартнома шартига кўра тўлов ҳар ой 100 % олдиндан тўлов тарзида амалга оширилиши керак. Ускуна ижарачи томонидан асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Оператив ижарага олинган ишлаб чиқариш ускунаси балансдан ташқари 001-«Оператив ижарага олинган асосий воситалар» ҳисобварағи дебитида ижарага берувчи билан келишилган баҳода (6 000 минг сўм) ҳисобга олинади. Қайтаришда балансдан ташқари 001-ҳисобварақ кредити бўйича ёзув қайд этилади.

Ишлаб чиқариш фаолиятига оид асосий воситаларнинг жорий ижараси билан боғлиқ харажатлар ижарачи томонидан маҳсулот (иш, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннаригига киритилади ва фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда жами даромаддан чиқарилади.

Ижарага берувчи томонидан ҳисобварақ-фактурадаги ажратилган ҚҚС суммаси белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Ушбу операция ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ижара бўйича харажатлар асосий ишлаб чиқариш харажатларига киритилди	100	2010	6910
2	Ижара ҳақини ўтказиш акс эттирилди	120	6910	5110
3	Ижара ҳақи бўйича ҳисобга олинishi лозим бўлган ҚҚС суммаси акс эттирилди	20	4410 6410	6910 4410

7910-«Тўланадиган молиявий ижара» ҳисобварағида молиявий ижарага олинган активлар учун ижарага берувчилар олдидаги мажбуриятлар ҳисобга олинади.

Молиявий ижарада мол-мулк солигини тўлаш мажбурияти ижарачи корхонага берилади.

Молиявий ижара бўйича операциялар ҳисоби (ижарачида ҳисоб)		
	дебет	кредит
Молиявий ижарага олинган асосий воситалар кирим қилинади	0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»; 0310-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»	7910-«Тўланадиган молиявий ижара»; 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»
Молиявий ижарага олинган асосий воситалар бўйича ҳар ойда эскириш ҳисобланади	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва б.	0299-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»
Молиявий ижарага олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун жорий тўловларни тўлаш акс эттирилади	6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»
Молиявий ижара шартномаси бўйича фоизлар акс эттирилади	9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоизлар»
Молиявий ижара шартномаси бўйича фоизларни тўлаш акс эттирилади	6920-«Ҳисобланган фоизлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»
Молиявий ижара бўйича мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилади	7910-«Тўланадиган молиявий ижара»	6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»

Лизинг ҳисобда шунга ўхшаш тартибда акс эттирилади. Барча узоқ муддатли мажбуриятлар каби лизинг бўйича мажбуриятлар жорий — бу жорий даврда тўланиши зарур бўлган қарз суммаси, ва узоқ муддатли мажбуриятларга бўлиниши лозим.

6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» ҳисобварағи лизингга олувчининг молиявий лизинг бўйича жорий мажбуриятларини, 7910-«Тўланадиган молиявий ижара» ҳисобварағи эса узоқ муддатли мажбуриятла-

рини акс эттиради. Лизинг буйича фоизлар балансда эмас, балки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолият буйича харажатлар сифатида акс эттирилади.

6920-«Ҳисобланган фоизлар» ҳисобварағида берилган қарзлар ва кредитлар буйича кредиторларга тўланадиган, ҳисобланган фоизлар ҳисобга олинади. 6920-ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган фоизларнинг ҳисобланган суммалари, ҳисобварақнинг дебитида эса фоизлар буйича қарзларни тўлаш акс эттирилади.

Кредит ва қарзлар буйича фоизлар акс эттирилади		
	дебет	кредит
Кредит ва қарзлар буйича фоизлар акс эттирилади	9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоизлар»
Кредит ва қарзлар буйича фоизлар тўлови акс эттирилади	6920-«Ҳисобланган фоизлар»	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Мисол. Корхона банкдан 2 400 минг сўм кредит олди. Шартномада кредитни қайтариш муддати асосий қарзни тенг қисмлар билан ва кредитдан фойдаланганлик учун йиллик 20 % ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда фоизларни ҳар ойда тўлаш шarti билан 12 ой муддатга белгиланди.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Банк кредити олинди	2 400	5110	6810
12 ой мобайнида ҳар ойда				
2	Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисобланди ва тўланди	40	9610 6920	6920 5110
3	Кредит буйича асосий қарзнинг қайтарилиши акс эттирилади ва ҳ. к.	200	6810	5110

6930-«Роялти буйича қарзлар» ҳисобварағида бошқа корхоналардан фойдаланиш учун (одатда, номоддий)

активларнинг олинishi натижасида вужудга келган роялти тўловлари бўйича корхонанинг мажбуриятлари ҳисобга олинади. 6930-«Роялти бўйича қарзлар» ҳисобварағининг кредитида роялти бўйича ҳисобланган қарзлар харажатларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Мисол. Корхона томонидан лицензия шартномасига кўра 18 ой муддатга маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқи сотиб олинди. Шартнома шартларига кўра корхона маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун 1 200 минг сўм миқдоридида роялти тўлаши лозим. Тўловни 600 минг сўмдан икки марта тенг бўлиб амалга ошириш лозим.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хужалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентияси	
			дебет	кредит
1	Шартномага кўра роялти бўйича мажбуриятлар акс эттирилади	600	9420	6930
2	Роялти бўйича қарз тўланади	600	6930	5110

6940-«Кафолатлар бўйича қарзлар» ҳисобварағида корхонанинг сотилган товарларга кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича харидорлар олдидаги мажбуриятлари акс эттирилади. Агар корхона савдо пайтида ўз маҳсулотига кафолат тақдим этса, у ҳолда мажбурият унинг бутун муддати мобайнида мавжуд бўлади.

Кафолат суммаси корхонанинг аввалги даврлардаги иш тажрибасидан келиб чиқиб ҳисобланиши мумкин ҳамда кафолат берилган маҳсулот сотилган даврда ҳисобда акс эттирилади. Бунда товар ёки хизматнинг бир бирлигига хизмат кўрсатишнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш тавсия этилади. Кафолатлар бўйича мажбуриятлар 6940-«Кафолатлар бўйича қарзлар» ҳисобварағининг кредитида харажатларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақлар дебети билан корреспонденцияда акс эттирилади.

6960-«Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи харидорлар, буюртмачилар ва бошқа корхо-

налар томонидан билдирилган даъволар, шунингдек тан олинган (ёки эътироф этилган) жарималар, пенялар ва неустойкалар бўйича корхонанинг қарзини акс эттиради.

6960-«Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг кредитида даъволар бўйича тан олинган ва ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлар харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Мисол. Корхона етказиб бериладиган товар ассортименти бўйича шартнома шартини бузди. Натижада харидор томонидан даъво билдирилиб, унда товарлар бўйича номувофиқлик кўрсатилди ҳамда 200 минг сўм неустойка кўйилди. Даъво ва неустойка суммасига корхона рози бўлди.

Мазкур операция ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Даъво бўйича мажбуриятлар акс эттирилди	200	9430	6960
2	Даъво бўйича қарз тўланди	200	6960	5110

Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар

6970-«Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» ҳисобварағида корхона ходимларига берилган ҳисобдорлик суммалари билан ҳақиқатда сарф қилинган суммалар ўртасидаги фарқ туфайли юзага келадиган қарзлар ҳисобга олинади.

6990-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағида корхонанинг турли нотижорий операциялар бўйича жисмоний ва юридик шахслар (ўқув юртлари, илмий корхоналар ва ш. к.) олдидаги; хизматлар учун транспорт корхоналари билан; суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари асосида корхона ходимларининг меҳнат ҳақидан турли корхона ва алоҳида шахслар фойдасига ушлаб қолинган суммалар бўйича жорий мажбуриятлари акс эттирилади.

Мисол. Ходимга бир ойга 150 минг сўм ҳисоблаб ёзилди. Суднинг қарорига кўра у битта бола учун ўз иш ҳақининг 1/4 қисми миқдориди алимент тўлашга мажбур.

Ходимнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ижро ҳужжатлари бўйича ундириш билан мурожаат қилинганда ундириладиган миқдор солиқлар ушлаб қолингандан кейин қолган суммадан ҳисоблаб чиқарилади.

Ижро ҳужжатида асосан ушланма суммаси қуйидаги тарзда аниқланади:

1) жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси аниқланади — 16 500 сўм ($150\,000 \times 0,11$);

2) мажбурий бадал суммаси аниқланади (4%) — 6 000 сўм ($150\,000 \times 4\%$);

3) алимент 127 500 сўмдан ($150\,000 - 16\,500 - 6\,000$) ушлаб қолинади;

4) ижро варақаси бўйича ушланма суммаси 31 875 сўмни ($127\,500 : 4$) ташкил қилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Ҳўжалик операцияларнинг мазмуни	Сумма, миңг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ходимга иш ҳақи ҳисобланди	150	2010	6710
2	Даромад солиғи ҳисобланди	16,5	6710	6410
3	ШЖБПҲга ажратмалар ҳисобланди	1,5	6410	6530
4	4% мажбурий сугурта бадали ушлаб қолинди	6	6710	6520
5	Алимент мажбуриятлари акс эттирилади	31,875	6710	6990
6	Алимент мажбуриятлари тўланади	31,875	6990	5010
7	Алиментлар ушлаб қолинган ҳолда иш ҳақи берилди	95,625	6710	5010

6990-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағи божхона тўловлари бўйича қарзларни акс эттириш учун ҳам ишлатилади.

Мисол (шартли). Савдо корхонаси Россиядаги ишлаб чиқарувчидан 40 800 АҚШ доллари суммасида товар олиб келтиради. Олиб келтирилаётган товар битими қиймати бўйича ҳисобланган товарнинг божхона қиймати 64 260 минг сўмни ташкил қилди ($40\,800 \times 1\,575$).

Товарни божхонада расмийлаштиришда божхона тўловлари тўланди:

акциз солиғи — 19 278 минг сўм;

қўшилган қиймат солиғи (20 %лик ставка) — 16 707,6 минг сўм $[(64\,260 + 19\,278) \times 0,2]$;

божхона расмийлаштируви учун йиғим — 128,52 минг сўм ($64\,260 \times 0,002$).

БЮДни расмийлаштириш ва божхона тўловларини тўлаш санасидаги АҚШ доллари курси 1 АҚШ доллари учун 1 575 сўмни ташкил қилган.

Товарнинг харид қиймати қуйидагиларни ўз ичига олади:

БЮДни расмийлаштириш санасида сўмга қайта ҳисобланган контракт қиймати — 64 260 минг сўм ($40\,800$ АҚШ доллари $\times 1\,575$);

божхона тўловлари суммаси — 36 114,12 минг сўм ($19\,278 + 16\,707,6 + 128,52$).

Товар туркумининг харид қиймати 100 374,12 минг сўмни ($64\,260 + 36\,114,12$) ташкил қилади.

Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	БЮДни расмийлаштириш чоғида товарнинг келиб тушиши акс эттирилади ($40,8 \times 1\,575$)	64 260	2910	6010
2	Товарни импорт қилишда акциз солиғи акс эттирилади	19 278	2910	6990
3	Товарни импорт қилишда ҚҚС акс эттирилади	16 707,6	2910	6990
4	Товарнинг божхона расмийлаштируви бўйича харажатлар акс эттирилади	128,52	2910	6990
5	Божхона тўловлари бўйича қарз тўланади	36 114,12	6990	5110

Касаначилар харажатларини қоплаш

6990-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағида шунингдек касаначининг меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш бўйича корхонанинг қарзи акс эттирилади.

Иш берувчи томонидан касаначининг қуйидаги харажатлари қопланади:

1. Меҳнат шартномасига мувофиқ меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун ишлатиладиган, касаначига тегишли бўлган мол-мулк амортизацияси.

Касаначи томонидан иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун фойдаланиладиган мол-мулк бўйича касаначига тегишли бўлган ва у томонидан иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириғини бажариш жараёнида доимий ва бевосита ишлатиладиган анжомлар, асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа мол-мулкнинг эскириш суммаси қопланади. Касаначининг ишлари амалга ошириладиган бинолар ва хоналар, шунингдек мебеллар ва кам қийматли мол-мулкларнинг эскириши бундан мустасно.

Мол-мулкнинг эскиришини қоплаш меҳнат шартномасига мувофиқ камида ҳар 3 ойда амалга оширилади.

2. Ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун сарфланган электр энергияси.

Электр энергияси харажатларини қоплаш миқдори меҳнат фаолияти жараёнида касаначи томонидан фойдаланиладиган асбоб-ускунанинг энергия сарф қилиши (қуввати)дан, маҳсулот (хизматлар) бирлигини ишлаб чиқариш учун ушбу асбоб-ускунадан фойдаланишнинг норматив вақтидан, шунингдек касаначининг меҳнат фаолияти амалга ошириладиган жойда аҳоли учун электр энергиясига белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун электр энергиясига харажатларни қоплаш миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$V_{(сўм)} = \sum (M_{i(кВт/с)} \times VP_{i(норма)} \times \text{Тариф}_{(сўм)},$$

бунда: $V_{(сўм)}$ — ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) бирлиги учун қоплаш миқдори; \sum — электр энергиясига харажатларни қоплаш миқдорини аниқлашда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун зарур бўлган ҳар бир электр истеъмол қиладиган асбоб-ускунанинг қуввати ва ундан фойдаланиш норматив вақти алоҳида-алоҳида ҳисобга олинishi кераклигини кўрсатувчи сумма белгиси;

$M_{i(кВт/с)}$ — маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган электр энергияси истеъмол қилувчи асбоб-ускунанинг қуввати;

$VP_{i(норма)}$ — электр энергияси истеъмол қилувчи асбоб-ускунадан фойдаланишнинг норматив вақти;

Тариф_(сўм) — электр энергияси тўловининг аҳоли учун белгиланган тарифи.

Касаначининг иш жойини ёритиш учун фойдаланиладиган электр энергияси тўлови учун харажатлари ҳам қопланиши керак.

Бир ойдаги электр энергияси учун харажатларни қоплаш миқдори иш берувчи томонидан касаначидан қабул қилиб олинган барча буюмларни ишлаб чиқариш учун сарфланган электр энергияси харажатларини ва бир ой учун ҳисобланган иш жойини ёритиш учун электр энергияси харажатлари қийматини жамлаш йўли билан аниқланади.

3. Агар меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида анча миқдорда совуқ ва/ёки иссиқ сувдан фойдаланиш талаб қилинса, совуқ ва/ёки иссиқ сув.

Ишлаб чиқариш топширигини бажариш жараёнида касаначи томонидан фойдаланиладиган сув харажатларини қоплаш суммаси технологик операцияларни (буюмларни

ювиш, тозалаш ва шу кабиларни) бажариш учун сув сарфининг техник нормативларидан ҳамда мазкур жойдаги аҳоли учун белгиланган совуқ ва/ёки иссиқ сувдан фойдаланиш тарифидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

4. Ишлаб чиқариш топширигини бажариш учун фойдаланилган табиий газ.

Газ учун харажатлар касаначи томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги ҳисобида, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун газ сарфининг техник нормаларидан ва аҳолига газ етказиб бериш тарифидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Хонани иситиш учун фойдаланиладиган иссиқлик энергияси харажатлари қопланмайди.

5. Агар касаначининг функционал вазифалари меҳнат қуроли сифатида алоқа воситаларидан фойдаланишни назарда тутса - телефон ва почта алоқаси.

Алоқа воситалари харажатларини қоплаш касаначининг функционал вазифалари ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида уй телефонида ва телефон алоқасининг рақамли каналларидан ва/ёки мунтазам равишдаги почта ва телеграф жўнатмаларидан фойдаланиш билан бевосита ва доимий боғлиқ бўлган тақдирда амалга оширилади.

Касаначининг Интернет тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш харажатлари қопланмайди, касаначининг функционал вазифалари Интернет тармоғидан доимий фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно (бунда касаначининг Интернет тармоғига уланиши ва Интернет тармоғидан фойдаланиш норматив вақтини белгилаш иш берувчи томонидан амалга оширилади).

6. Касаначи томонидан хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни ташиш билан боғлиқ транспорт харажатлари.

Касаначининг хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва кичик анжомларни ташишга, шунингдек тайёр маҳсулотларни ёлланган транспорт билан ташишга қилган ҳақиқий харажатлари қопланади, транспорт воситасининг юксиз юриш бўйича харажатлари бундан мустасно.

Қоплаш миқдори корхона ва касаначи ўртасида тузилган битим бўйича, мазкур ҳудуддаги транспорт хизматларининг бозор қийматини, касаначининг иш жойи билан корхона ўртасидаги масофани, ташиш учун ёлланган транспорт воситаси турини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун фойдаланилган электр энергияси, сув ва газ харажатларини, шунингдек алоқа воситаларига харажатларни қоплаш, қоидага кўра, ҳар ойда касаначидан маҳсулотларни (хизматларни) қабул қилиб олиш вақтида амалга оширилади. Бунда касаначининг газ учун харажатларини қоплаш касаначида газ ҳисоблагич мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Касаначининг харажатларини қоплаш миқдори ҳамда уни аниқлаш тартиби иш берувчи ва касаначи ўртасида тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилади.

Касаначининг ўз меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларининг ўз вақтида ва тўғри қопланиши учун жавобгарлик иш берувчи ва унинг бош бухгалтерига юкланади.

Касаначиларнинг меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Касаначиларнинг меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатлари қопланишининг акс эттирилиши		
	дебет	кредит
Касаначининг харажатларини қоплаш бўйича унинг олдидаги қарз акс эттирилади	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 9400-«Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Касаначига қоплаш суммасининг ўтказиб берилиши акс эттирилади	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»; 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

XII бўлим. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

Корхона капитали унинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва номоддий қимматликлар, пул маблағлари ва молиявий қўйилмалар жамини ифодалайди.

Корхона хусусий капитали — корхонанинг нетто-активлари (мулкдорларга тегишли бўлган соф активлар, мол-мулкнинг соф қиймати). У инвестиция қилинган (қўйилган) капитал ва тақсимланмаган фойдага бўлинади ҳамда активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Шакллантириш манбалари бўйича хусусий капитал қуйидагиларга бўлинади:

- устав капитали (фонди);
- қўшилган капитал;
- резерв капитали;
- тақсимланмаган фойда;
- грантлар ва субсидиялар.

Хусусий капитал фаолият натижаларига, мулкдорлар томонидан амалга оширилган ёки тўланган қўшимча инвестицияларга боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин.

УСТАВ КАПИТАЛИГА УЛУШЛАР

Корхоналар устав капиталига улушлар ҳисоби ҳақида батафсил маълумот «Фаолиятнинг бошланиши» бўлимида берилган.

СОФ АКТИВЛАР

Соф активлар — корхонанинг қарз мажбуриятларидан озод бўлган мол-мулки қиймати.

Соф активлар кўрсаткичидан акциядорлик компани-
ялари қуйидагилар учун асос сифатида фойдаланадилар:

— устав фондининг жамият соф активларининг қий-
мати миқдоригача камайтирилиши учун (агар жамият соф
активлари қиймати унинг устав фондидан кам бўлса);

— жамиятнинг тугатилиши учун (агар жамиятнинг соф
активлари қиймати давлат томонидан белгиланган энг
кам миқдордаги устав фондидан кам бўлса);

— жамият томонидан жойлаштирилган акциялар со-
тиб олинишини тақиқлаш учун (агар жамиятнинг соф
активлари қиймати устав фондидан, захира фондидан ва
жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг уставда белги-
ланган тугатиш қийматининг номинал қийматдан ортиқ
қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни сотиб олиш нати-
жасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса);

— акциядорлар ўзларининг акцияларини қайтариб со-
тиб олишни талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланаётган
ҳолатда жамият томонидан ўз акцияларининг қайтариб
сотиб олиниши учун (акцияларни қайтариб сотиб олиш-
га ажратилган маблағларнинг умумий суммаси жамият
соф активлари қийматининг 10 %идан ошиб кетиши мум-
кин эмас);

— дивидендларнинг тўланмаслиги учун (агар жамият
соф активларининг қиймати унинг устав ва захира фонд-
лари суммасидан кам бўлса).

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жа-
миятларда соф активлар:

— жамият иштирокчиси улушининг қийматини аниқ-
лаш учун;

— жамиятнинг устав капитали жамиятнинг мол-мул-
ки ҳисобига кўпайтириладиган суммани аниқлаш учун;

— устав фондини камайтириш ёки жамиятни тугатиш
учун асос сифатида;

— жамиятдан чиқиб кетаётган иштирокчи улуши қий-
матининг тўлов манбаини аниқлаш учун;

— жамият иштирокчилари ўртасида фойданинг тақсим-
ланмаслиги учун асос сифатида фойдаланилади.

Соф активлар миқдори ҳисоб-китоб йўли билангина
аниқланади.

Активлар сифатида ҳисоб-китобларда қуйидагилар олинади:

- асосий воситалар (Бухгалтерия балансининг (1-сонли шакл) 012-сатри);
- номоддий активлар (балансининг 022-сатри);
- узоқ муддатли инвестициялар (балансининг 030-сатри);
- ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (балансининг 090-сатри);
- капитал қўйилмалар (балансининг 100-сатри);
- узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (балансининг 110-сатри);
- узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (балансининг 120-сатри);
- товар-моддий захиралар (балансининг 140-сатри);
- келгуси даврлар харажатлари (балансининг 190-сатри);
- кечиктирилган харажатлар (балансининг 200-сатри);
- дебиторлик қарзи (балансининг 210-сатри);
- пул маблағлари (балансининг 320-сатри);
- қисқа муддатли инвестициялар (балансининг 370-сатри);
- бошқа жорий активлар (балансининг 380-сатри).

Соф активлар ҳисоб-китобида қуйидаги пассивлар ҳисобга олинади:

- узоқ муддатли мажбуриятлар (балансининг 490-сатри);
- жорий мажбуриятлар (балансининг 600-сатри).

Соф активлар қиймати активлар суммасидан мажбуриятлар суммасини айириш йўли билан ҳисобланади.

Мисол. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра тузилган АЖ бухгалтерия баланси қуйидаги актив ва мажбуриятларни ўз ичига олади:

- номоддий активлар — 21 минг сўм;
- асосий воситалар — 830 минг сўм;
- узоқ муддатли молиявий қўйилмалар — 40 минг сўм;
- захиралар — 520 минг сўм;
- дебиторлик қарзи — 270 минг сўм;
- қисқа муддатли молиявий қўйилмалар — 290 минг сўм;

пул маблағлари — 120 минг сўм;
бошқа жорий активлар — 300 минг сўм;
кредитлар ва қарзлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар — 520 минг сўм;
кредитлар ва қарзлар бўйича қисқа муддатли мажбуриятлар — 90 минг сўм;
кредиторлик қарзи — 260 минг сўм;
бошқа жорий мажбуриятлар — 350 минг сўм.

Соф активлар қиймати активлар суммасидан мажбуриятлар суммасини айириш йўли билан ҳисобланади.

Соф активларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган активларнинг умумий суммаси 2391 минг сўмни ташкил этади (21 + 830 + 40 + 520 + 270 + 290 + 120 + 300).

Соф активларни ҳисоблашга қабул қилинадиган пассивлар суммаси 1 220 минг сўмни ташкил этади (520 + 90 + 260 + 350).

Корхонанинг 2007 йил 1 январдаги соф активлари 1 171 минг сўмни ташкил этди (2 391 – 1 220).

Муассис чиқиб кетишида унга унинг улуши қиймати тўланиши ёки унинг розилиги билан худди шундай қийматдаги мол-мулк берилиши лозим. Чиқиб кетаётган муассис улуши қиймати соф активлар қийматини иштирокчининг корхона устав капиталидаги улушига (фоизларда) кўпайтириш йўли билан аниқланади. Айнан ушбу сумма корхонанинг чиқиб кетаётган муассисига тўланиши лозим. У соф активлар қиймати ва устав капитали миқдори ўртасидаги фарқдан тўланади. Чиқиб кетаётган иштирокчи билан ҳисоб-китоблар, агар жамият Уставада бундан кам муддат кўрсатилмаган бўлса, жамиятга улуш ўтган пайтдан бошлаб бир йил ичида амалга оширилиши лозим.

Мисол. МЧЖ устав капиталининг 30 %ига эга бўлган «А» муассис МЧЖ муассислари (иштирокчилари) таркибидан чиқишга қарор қилди. «А» муассиснинг чиқиш вақтида жамиятнинг устав капитали 1 500 минг сўмни, соф активларнинг қиймати эса 2 180 минг сўмни ташкил қилди.

«А» муассис улушининг ҳақиқий қиймати 654 минг сўмга тенг (2 180 x 30 %).

Соф активлар ва устав капитали қийматлари ўртасидаги фарқ 680 минг сўмни (2 180 – 1 500) ташкил қилади. У чиқиб кетаётган иштирокчи билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш учун етарли.

Соф активлар ва устав капитали қийматлари ўртасидаги фарқ чиқиб кетаётган иштирокчига тўланиши лозим бўлган улуш қийматидан кичик бўлган ҳолларда жамият ўз устав капиталини етишмайдиган суммага камайтириши шарт ва шундан сўнггина у улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши мумкин.

Жамият рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб икки йил ўтгач бирор-бир ҳисобот даврида унинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлган ҳолда ҳам устав капиталини камайтириши лозим.

Акциядорлик жамияти соф активлари устав капиталидан кам ёки дивидендлар тўлангандан кейин камайиб кетса, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашга ҳақли эмас.

ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛ

Қўшилган капитал — бу акцияларни номинал қийматдан юқори нархларда бирламчи сотиш чоғида эмиссия даромадини олишда юзага келадиган капитал, шунингдек устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлувчи курс фарқи.

Эмиссия даромади ҳисоби

Эмиссия даромади акцияларнинг сотиш баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни ҳисобга олади ва фақат бирламчи сотишда (илк эгаларига) акс эттирилади. Эмиссия даромади 8410-«Эмиссия даромади» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

8410-«Эмиссия даромади» ҳисобварағининг кредитида бирламчи сотишда (илк эгаларига) акцияларнинг номинал қийматидан ошадиган сумма ҳисобга олинади. У фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови солиш объекти ҳисобланмайди.

8410-«Эмиссия даромади» ҳисобварағининг дебетида ушбу суммаларнинг хусусий акцияларни сотиб олишда ҳамда сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда нархлардаги фарқларни қоплаш учун ишлатилиши ҳисобга олинади.

Мисол. Акциядорлик жамияти томонидан 10 минг сўм номинал қийматида 1000 дона акция чиқарилди. Улар бир дона акция учун 12 минг сўм нарх бўйича сотилди.

Кейинчалик 100 дона миқдорида акцияларнинг бир қисми бир дона акция учун 12 минг сўм нарх бўйича сотиб олинди ва 10 минг сўм нарх бўйича сотилди.

2 000 минг сўм (12 000 – 10 000) — бу жамиятнинг эмиссия даромади бўлиб, 8410-«Эмиссия даромади» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилиши лозим.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Акциялар номинал қийматидан юқори нарх бўйича сотилди	10 000	5010,	4610
		2 000	5110	8410
2	Акцияларнинг бир қисми қайтариб сотиб олинди	1 200	8610,	5010,
			8620	5110
3	Илгари қайтариб сотиб олинган акциялар сотилди	1 000	5010,	8610,
		200	5110	8620
			8410	

Қайтариб сотиб олинган акциялар сотиб олиш қийматидан паст нархда сотилганда ҳамда 8410-«Эмиссия даромади» ҳисобварағидаги сумма етишмаганда акциядорлик жамияти зарар кўради, у молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар таркибида (9690-ҳисобварақда) акс эттирилади.

Мисол. Акциядорлик жамияти томонидан 130 сўм нарх бўйича 100 дона миқдорида акциялар сотиб олинди. Акциянинг номинал қиймати — бир дона акция учун 100 сўм, улар илгари 120 сўм нарх бўйича сотилган эди. Сотиб олинган акциялар 100 сўм нарх бўйича иккиламчи сотилди.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, миң сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Акцияларнинг бир қисми қайтариб сотиб олинди	13	8610, 8620	5010, 5110
2	Илгари қайтариб сотиб олинган акциялар сотилди	10 2 1	5010, 5110 8410 9690	8610, 8620

Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи ҳисоби

Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи ҳам қўшилган капитал ҳисобварағида — 8420-«Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Муассисларнинг улушлар бўйича қарзлари муассислар томонидан улушлар киритилган пайтдаги Марказий банк курси бўйича қайта баҳоланади.

Устав капиталини шакллантиришда мусбат курс фарқи 8420-«Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи» ҳисобварағининг кредитида, манфий курс фарқи эса устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган олдинги мусбат курс фарқи суммаси чегарасида 8420-ҳисобварақнинг дебитида акс эттирилади. Манфий курс фарқи суммасининг мусбат курс фарқи суммасидан ошиши молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилади.

Кейинчалик хорижий валютадаги пул моддалари ҳар бир ҳисобот даври охири санасида қайта баҳоланиши лозим ва ушбу қайта баҳолаш натижаси молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатлар моддаларига олиб борилади, олинган сальдо эса фойда солиғини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

Баланснинг пул қўринишида бўлмаган моддалари (асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқалар) қайта баҳоланмайди, уларни киритиш пайтида амалда бўлган валюта курси бўйича аниқланган қиймат бўйича ҳисобга олинади.

Мисол. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхонанинг устав капитали таъсис ҳужжатларига мувофиқ 200 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Хорижий таъсисчининг улуши 40 %га тенг. Улуш сифатида 80 минг АҚШ доллари қийматидаги ускуна киритилади.

Доллар курси қуйидагича бўлган:

ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш пайтида — 1 АҚШ доллари учун 972 сўм,

улушни киритиш пайтида — 1 АҚШ доллари учун 974 сўм.

Хорижий муассиснинг улуши 77 920 минг сўмга (80 x 974) баҳоланади, рўйхатдан ўтказиш ва улушни киритиш пайтидаги валюта курсининг ўзгариши натижасида юзага келган курс фарқи 160 минг сўмни ташкил қилди.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Хорижий муассиснинг улуши акс этирилади	77 760 160	0820	4610 8420
2	Олинган ускуна фойдаланишга топширилади	77 920	0130	0820

РЕЗЕРВ КАПИТАЛИ

Резерв капитали — таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхоналар томонидан фойда ҳисобидан умумий баланс зарарларини қоплаш, сўндириш (қайтариш)нинг бошқа имкони бўлмаганда қарзларни ҳисобдан чиқариш учун ва бошқа мақсадларда ташкил этиладиган резерв. У шунингдек пул маблағларидан ташқари активларни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция резервлари ва текинга олинган мол-мулк қийматини ҳам ўз ичига олади.

Акциядорлик жамиятларининг резерв капитали ҳисоби

Резерв капиталини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уни шакллантиришлари шарт бўлган корхоналар-

гина тузишлари лозим. Бу энг аввало акциядорлик компанияларига тааллуқли, улар жамият Уставида назарда тутилган, бироқ устав капиталининг 15 %идан кам бўлмаган миқдорда резерв фондини тузишлари шарт. Резерв капиталига, у Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар, ҳар йили соф фойданинг камида 5 %и ўтказилиши лозим.

Резерв капитали имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, умумий баланс зарарини қоплаш учун ишлатилади.

Резерв капитали 8520-«Резерв капитали (фонди)» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Мисол. Йил якуни бўйича акциядорлик жамияти 1 600 минг сўм миқдорида фойда олди. Ҳисобот даврида фойдадан бюджетга тўловлар 400 минг сўмни ташкил қилди. Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш масаласи бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишида фойданинг қолган қисмини қуйидагича йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилинди:

529,5 минг сўм — йилнинг якуни бўйича юридик шахс ҳисобланган муассисларга дивидендлар тўлашга;

320,5 минг сўм — йилнинг якуни бўйича жамиятнинг ходимлари ҳисобланган муассисларга дивидендлар тўлашга;

350 минг сўм — резерв фондини шакллантиришга.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳисобот йилининг соф фойдаси фойда солиғи ва фойдадан қонунчиликда назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловлар тўлангандан кейин қолган фойдани ифодалайди:

$1\ 600 - 400 = 1\ 200$ минг сўм — АЖ соф фойдаси.

Юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар суммасидан даромад солиғи тўлов манбаида 10 % ставка бўйича ушлаб қолинади.

Акциядорлардан ушлаб қолинадиган дивидендларга солиқ 85 минг сўмни $[(529,5 + 320,5) \times 10\ %]$ ташкил қилади.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, миң сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Акциядорлар — юридик ва жисмоний шахсларга дивидендлар ҳисобланди (529,5 + 320,5)	850	8710	6610
2	Дивидендлар суммасидан ҳисобланган даромад солиғи суммаси акс эттирилди	85	6610	6410
3	Дивидендлардан ушлаб қолинган солиқ суммаси ўтказилди	85	6410	5110
4	Акциядорларга дивидендларни тўлаш акс эттирилди (850 – 85)	765	6610	5010, 5110
5	Тақсимланмаган фойда бир қисмини резерв фондини шакллантиришга йўналтириш акс эттирилди	350	8710	8520

Мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари ҳисоби

Қайта баҳолаш натижалари (сальдо) ҳисоби 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағида юритилади.

Бунда сальдони 2004 йил 30 январгача ва ундан кейин чиқиб кетган активлар бўйича ажратиш лозим. 2004 йил 30 январгача чиқиб кетган асосий воситалар бўйича 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган қайта баҳолаш сальдоси 8520-«Резерв капитали (фонди)» ҳисобварағига ўтказилади. 2004 йил 30 январдан кейин активлар чиқиб кетишида қайта баҳолаш сальдоси уларнинг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижани аниқлаш учун 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» ва 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Ишлаб чиқариш ускунасининг бошланғич қиймати 600 миң сўм ва жамланган эскириши — 260 миң сўм. Корхона индекс усули ёрдамида қайта баҳолашни ўтказди. Асосий воситаларнинг ушбу тури бўйича индекс — 5,6.

Қайта баҳолаш натижасида усқунанинг тиклаш қиймати 3 360 минг сўмни (5,6 х 600), қўшимча баҳолаш суммаси — 2 760 минг сўмни ташкил қилди.

Эскириш суммаси ҳам 5,6 индекс бўйича қайта баҳоланади. Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда усқунанинг эскириши 1 456 минг сўмни (5,6 х 260), эскиришнинг қўшимча баҳолаш суммаси — 1 196 минг сўмни ташкил қилди.

Қўшимча баҳолаш сальдоси — 1 564 минг сўм (2 760 — 1 196) корхонанинг резерв капиталини оширади.

Т / Р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Усқунани қўшимча баҳолаш акс эттирилган	1 196 1 564	0130	0230 8510

Агар қайта баҳолаш натижасида активларнинг қиймати камайса, камайган сумма ўша активнинг илгариги қиймати ошиши ҳисобига тўлдирилади ва у 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади. Шу активнинг аввалги қайта баҳолашдаги қийматидан ошган арзонлаштирилган сумма харажат сифатида тан олинади ва 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида акс эттирилади.

Мисол. Ҳисобот йили бошидаги ҳолатга кўра бухгалтерия ҳисобида қиймати 1 000 минг сўмни ташкил қилувчи объект ҳисобга олинган. Жамланган амортизация суммаси — 100 минг сўм. Йил охирида худди шундай турдаги объектлар гуруҳига кирувчи объектнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор баҳоси 500 минг сўмни ташкил қилади. Илгари қайта баҳолаш ўтказилмаган.

Актив қийматининг арзонлашиш суммаси 500 минг сўмни (500 — 1 000) ташкил қилди. Эскириш суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати тариқасида ҳисоблаб чиқариладиган коэффициент бўйича қайта ҳисобланади.

Қайта ҳисоблаш коэффициенти 0,5ни (500 : 1 000), жамланган амортизация суммаси — 50 минг сўмни (100 х 0,5), эскиришнинг арзонлашиш суммаси — 50 минг сўмни (100 х 0,5 — 100) ташкил қилади.

Объект илгари қўшимча баҳоланмаганлиги сабабли, арзонлашиш сальдоси — 450 минг сўм (500 – 50) — давр харажатларига ҳисобдан чиқарилади.

Т / р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Объект қийматининг арзонлашиш суммаси акс эттирилган	50	0200	0100
		450	9430	

Мисол. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра компьютернинг бошланғич қиймати 620 минг сўмни, ҳисобланган эскириш эса 440 минг сўмни ташкил қилади. Ушбу йилнинг охирида айти шундай компьютерларнинг бозор қиймати 680 минг сўмга қадар кўтарилди.

Бир йилдан сўнг компьютер қийматининг арзонлашиши 100 минг сўмни, эскиришнинг арзонлашган суммаси эса — 81 минг сўмни ташкил қилди.

$1,097 (680 : 620)$ коэффицент бўйича эскиришни қайта баҳолаш суммаси 42,68 минг сўмни ($440 \times 1,097 - 440$) ташкил қилади.

Компьютер қийматининг арзонлашиш суммаси ва олдинги қўшимча баҳолаш суммаси ўртасидаги фарқ — 1,68 минг сўм ($100 - 81 - 17,32$) корхонанинг операцион харажати сифатида тан олинади ва 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Компьютерни қўшимча баҳолаш акс эттирилади	42,68	0150	0250
		17,32		8510
2	Компьютер қийматининг арзонлашиш суммаси акс эттирилади	81	0250	0150
		17,32	8510	
		1,68	9430	

Қайта баҳоланган активлар чиқиб кетганда 8510-ҳисобварақдаги қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилади ва уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа қайта баҳолаш сальдоси ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Корхона тугатилаётганда мулкни қайта баҳолаш бўйича жамланган сумманинг муассислар ўртасида тақсимланиши 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағининг дебетида 6620-«Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Мол-мулкни қайта баҳолашдан олинган резерв капитали суммаси устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилиши мумкин эмас. Устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларига ва давлат улуши хўжалик бирлашмаларининг устав фондларига берилган акциядорлик жамиятлари учун истисно қилинган бўлиб, улар ЎзР ВМнинг 17.12.2009 йилдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини янада оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 316-сон қарорига мувофиқ ЎзР МБнинг курси бўйича эквивалентда камида 400 минг АҚШ доллари суммасигача устав фондининг шакллантирилмаган қисмини асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган резерв фонди ҳисобига тўлдириш ҳуқуқига эгалар. Бунда устав фондини шакллантиришга йўналтирилган сумма қайта баҳоланган тегишли асосий фондлар чиқиб кетганда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

Текинга олинган мол-мулк ҳисоби

Текинга олинган мол-мулк қиймати жорий қиймат бўйича 8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағида акс эттирилади.

Солиқ солиш мақсадларида текинга олинган мол-мулк қиймати фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базага киритилади.

Олаётган шахсларнинг даромадлари ҳужжат билан ёки баҳоловчи томонидан тасдиқланадиган бозор қиймати бўйича аниқланади. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб қуйидагилар эътироф этилади:

жўнатиш, етказиб бериш ёки топширишга оид ҳужжатлар;

етказиб берувчиларнинг нархларга оид маълумотлари (прайс-варақлар);

оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

биржа маълумотлари;

давлат статистикаси органларининг маълумотлари.

Текинга олинган мол-мулк корхонанинг ҳисоб сийёсатига мувофиқ амортизация қилинади (агар бу эскирадиган актив бўлса) ҳамда мол-мулк солиғини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

ТАҚСИМЛАНМАГАН (ЖАМҒАРИЛГАН) ФОЙДА ҲИСОБИ

Тақсимланмаган фойда — корхонанинг акциядорлари ёки муассислари ўртасида дивидендлар кўринишида тақсимланмаган ва мулкдорларнинг қарорига кўра хусусий капиталга реинвестиция қилинмаган соф фойда (ёки унинг бир қисми).

Фойда ҳисоби икки ҳисобварақда юритилади:

8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»;

8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)».

Корхонанинг жамғарилган фойдаси (ўтган йилларнинг капиталлаштирилган, тақсимланмаган фойдаси) қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин:

- устав капиталини кўпайтиришга;
- резерв капиталини шакллантиришга;
- зарарларни қоплашга;
- дивидендлар тўлашга.

8710-ҳисобварақда корхона фаолият юритган ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади.

Баланс реформацияси

Баланс реформацияси — ҳисобот йили мобайнида олинган фойдани тақсимлаш ёки йил учун олинган зарарни ҳисобдан чиқариш.

Баланс реформациясини ўтказиш ҳар бир янги йил бошидан ўтган йилнинг молиявий натижалари ўсиб борувчи яқун билан акс эттирилишининг яқунланиши билан изоҳланади. Шунинг учун 1 январда молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақ ўтган йилнинг ёзувларидан «тозаланган» бўлиши керак.

Корхона фаолиятининг йил мобайнидаги молиявий натижалари 9910-«Яқуний молиявий натижа» ҳисобварағида шакллантирилади.

Яқуний молиявий натижа асосий фаолият бўйича даромадлар, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва фавқулодда даромадлардан, ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилган ҳолда таркиб топади.

9910-«Яқуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебетида корхонанинг харажатлари (зарарлари), кредитида эса даромадлари (фойдалари) акс эттирилади. Ҳисобот давридаги дебет ва кредит айланмаларини таққослаш ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)ни кўрсатади.

Ҳисобот йилининг яқунлари бўйича йиллик молиявий ҳисобот тузиш чоғида 9910-«Яқуний молиявий натижа» ҳисобварағи 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи билан корреспонденцияда ёпилади.

Баланс реформацияси ҳисобот йили 31 декабрь ҳолати бўйича қуйидаги ҳисобварақларни ёпиш билан амалга оширилиши керак:

9000-«Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадлар»;

9100-«Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархи»;

9300-«Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар»;

9400-«Давр харажатлари»;

9500-«Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар»;

9600-«Молиявий фаолият бўйича харажатлар»;

9710-«Фавқулодда фойдалар»;
 9720-«Фавқулодда зарарлар»;
 9810-«Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг
 ишлатилиши».

Ҳисобот йилининг якунлари бўйича корхона фойда олса (яъни, 9910-ҳисобварақнинг кредитида қолдиқ чиқса), унда ҳисобда бу операция қуйидаги жадвалдаги 10-рақамли ёзув билан акс эттирилади, агар зарар кўрса (яъни, 9910-ҳисобварақнинг дебитида қолдиқ чиқса), 11-рақамли ёзув билан акс эттирилади.

Т / Р	Балансини реформация қилишда ўтказмаларни акс эттириш	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Асосий (операцион) фаолиятдан олинadиган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9910
2	Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши	9910	9110- 9150
3	Асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши	9310- 9390	9910
4	Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши	9910	9410- 9440
5	Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши	9510- 9590	9910
6	Молиявий фаолият харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши	9910	9610- 9690
7	9710-«Фавқулодда фойдалар» ҳисобварақининг ёпилиши	9710	9910
8	9720-«Фавқулодда зарарлар» ҳисобварақининг ёпилиши	9910	9720
9	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдадан фойдаланишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши	9910	9810, 9820
10	Ҳисобот йилининг соф фойдаси ҳисобдан чиқарилади	9910	8710
11	Ҳисобот йилининг соф зарари ҳисобдан чиқарилади	8710	9910

Мисол. Корхона 2008 йилда маҳсулотларни сотишдан 12 000 минг сўм суммада тушум олди (шу жумладан ҚҚС — 2 000 минг сўм).

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 6 000 минг сўмни ташкил қилди. Маҳсулотлар сотишдан ялпи фойда — 4 000 минг сўм (12 000 – 2 000 – 6 000).

Маҳсулотларни сотиш харажатлари 2008 йилда 1 700 минг сўмни ташкил қилди. Тегишлича, сотишдан олинган фойда 2 300 минг сўмга тенг (4 000 – 1 700).

Ҳисобот йилида корхонани бошқариш бўйича жорий харажатлар — 1 200 минг сўм.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2 400 минг сўм суммада даромад олди (шу жумладан ҚҚС — 400 минг сўм). Мулкни ижарага бериш корхона учун асосий фаолият тури ҳисобланмайди. Мулкни ижарага бериш билан боғлиқ харажатлар (амортизация ажратмалари, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг тегишли улуши) 1 600 минг сўмни ташкил қилди.

150 минг сўм суммада фойда солиғи ҳисобланди (мисолни соддалаштириш мақсадида молиявий натижага таъсир этувчи бошқа солиқлар кўриб чиқилмайди).

01.01.2008 йил ҳолатига кўра корхона тақсимланмаган фойдага эга бўлмаган.

9910-ҳисобварақнинг кредитидаги сальдо балансни реформациялашда 2008 йил декабрдаги якуний айланмалар билан ёпилади.

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Товарларни сотишдан олинган даромад акс эттирилади	10 000	4010	9010
2	ҚҚС ҳисобланди	2 000	4010	6410
3	Сотилган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	6 000	9110	2810
4	Сотиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди	1 700	9410	0200, 1000, 6710, 6520 ва б.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентсияси	
			дебет	кредит
5	Жорий харажатлар ҳисобдан чиқарилди	1 200	9420	0200, 1000, 6710, 6520 ва б.
6	Мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар акс эттирилади	2 000	4820	9350
7	Ижара ҳақи суммасидан ҚҚС ҳисобланди	400	4820	6410
8	Ижара бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	1 600	9430	0200, 1000, 6710, 6520 ва б.
9	Фойда солиғи ҳисобланди	150	9810	6410
10	Ҳисобот даврининг охирида 9010-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	10 000	9010	9910
11	Ҳисобот даврининг охирида 9110-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	6 000	9910	9110
12	Ҳисобот даврининг охирида 9350-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	2 000	9350	9910
13	Ҳисобот даврининг охирида 9410, 9420 ва 9430-ҳисобварақларнинг ёпилиши акс эттирилади	1 700 1 200 1 600	9910	9410 9420 9430
14	Ҳисобот даврининг охирида 9810-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	150	9910	9810
15	Ҳисобот йилининг соф фойдаси ҳисобдан чиқарилди	1 350	9910	8710

2008 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 9910-ҳисобварақ кредитидаги қолдиқ 1 350 минг сўмни ташкил қилади. Бу сумма — 2008 йилнинг соф фойдаси декабрдаги якуний ўтказма билан 8710-ҳисобвараққа ўтказилади. Баланснинг 450-сатри бўйича 1 350 минг сўм кўрсатилади.

Ушбу фойдани тақсимлаш тўғрисида қарорни корхона акциядорлари 2009 йилда қабул қиладилар.

Молиялашнинг тегишли манбалари билан қопланмаган зарарлар ҳам баланснинг 450-сатри бўйича акс эттирилади. Зарарлар қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- молия-хўжалик фаолияти;
- соф фойда ҳисобидан суммаси ташкилот томонидан олинган фойдадан ошган харажатлар.

Зарар (ўтган йиллардаги, шунингдек жорий йилдаги):

- резерв капитали;
- муассисларнинг мақсадли бадаллари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Ҳисобот йилининг зарарини қоплаш бўйича операциялар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Ҳисобот йилининг зарари қопланади		
	дебет	кредит
Ҳисобот йилининг зарарини резерв капитали маблағлари ҳисобидан қоплаш акс эттирилади	8520-«Резерв капитали (фонди)»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
Ҳисобот йилининг зарарини муассисларнинг мақсадли маблағлари ҳисобидан қоплаш акс эттирилади	8890-«Бошқа мақсадли тушумлар»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Агар ҳисобот йилининг қопланмаган зарарини қоплаш учун мавжуд манбалар етарли бўлмаса, қопланмаган зарарни балансда қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ўтган ҳисобот даврида зарар кўрган корхоналар жорий йилнинг солиқ солинадиган даромадини кўрилган зарарларнинг тўлиқ суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришлари мумкин. Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг умумий суммаси жорий йилдаги солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Зарарлар улар кўрилган ҳисобот йилидан кейинги беш йил давомида улар кўрилган кетма-кетликда тақсимлаб

ўтказилади. Даромадни зарар суммасига камайтириш фақат йил якунлари бўйича амалга оширилиши лозим.

Қопланиши лозим бўлган, бироқ 5 йил давомида қопланмаган зарар суммаси кейинги йилларга тақсимлаб ўтказилмайди, улар қопланмай қолади.

Масалан, 2006 йилнинг якунлари бўйича корхона 1 000 минг сўм миқдоридан зарар кўрди. Ушбу ҳолда корхона фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани 2007 йилдан бошлаб 2011 йилгача муддатга зарар суммасини тақсимлаб ўтказиб камайтириш ҳуқуқига эга.

Бунда фойда солиғидан озод қилинган ва ушбу даврда зарар кўрган солиқ тўловчи уни кейинги даврларга тақсимлаб ўтказмаслиги лозим.

Тақсимланмаган фойда қолдиғини тузатиш

Корхонанинг йил бошидаги тақсимланмаган фойда қолдиғи қуйидаги икки ҳолда тузатилиши мумкин:

— олдинги даврда йўл қўйилган фундаменгал (муҳим) хатоларни тузатишда;

— корхонанинг ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилганда.

Муҳим хатолар — жорий даврда аниқланган хатолар бўлиб, улар шу қадар муҳим бўладики, олдинги даврлар учун тузилган молиявий ҳисоботлар ишончли деб ҳисобланмаслиги мумкин. Таъкидлаш лозимки, меъёрий ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектларга амалдаги БҲМС қоидаларидан келиб чиққан ҳолда хато ёки воқеаларнинг муҳимлигини мустақил аниқлаш имконини беради. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари билан тавсия қилинган муҳимлик мезонлари ёки МДҲ давлатлари ҳисобида фойдаланиладиган мезонлардан фойдаланиш мумкин. Хусусан, Россияда ҳисобот йилидаги тегишли маълумотларнинг умумий натижасига нисбати 5 фоиздан кам бўлмаган сумма муҳим деб тан олинади.

Аниқланган хатоларни тузатиш ҳамда солиқ ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш солиқ тўловчилар томонидан мустақил амалга оширилади. Солиқ идораларига йўл қўйилган хатонинг сабаблар

ри, муҳимлик мезонлари, солиқ ва йиғимларни қайта ҳисоблаш даври ёритилган ариза билан бирга тегишли солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоблар тақдим этилади.

Амалиётда муҳим хатоларга, йўл қўйилган хатоларнинг характери солиқ, йиғим ва мажбурий тўловлар бўйича тузатилган ҳисоб-китоб тузишни талаб қилмаган ҳоллардан ташқари, фойда ва бошқа солиқлар бўйича солиқ солиш объектини аниқлаш тартиби билан боғлиқ бўлган барча турдаги йўл қўйилган қоидабузарликлар (хатолар) киради.

Мисол. Ўтган давр учун корхонанинг аудиторлик текшируви жараёнида 10 минг сўм миқдоридagi материаллар ортиқча ҳисобдан чиқарилган ва маҳсулотлар таннаригига киритилганлиги ҳамда 200 минг сўм миқдоридa эскириш ортиқча ҳисоблаб ёзилганлиги аниқланди. Маҳсулотлар тўлиқ сотиб бўлинган.

Ҳисобот йилида бухгалтерия ҳисобида тузатувчи ўтказмаларни бажариш лозим:

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Материаллар қийматини тиклаш ёзуви	10	1010	8720
2	Эскириш суммасига тиклаш ёзуви	200	0230	8720
3	Қўшимча ҳисоблаб ёзилган мулк солиғи суммасига ёзув ($200 \times 3,5\%$)	7	8720	6410
4	Қўшимча ҳисоблаб ёзилган фойда солиғи суммасига ёзув [($200 + 10 - 7$) $\times 10\%$]	20,3	8720	6410

Соф фойдадан фойдаланиш

Фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарорни корхонанинг мулкдорлари (ОАЖ ёки ЁАЖда акциядорларнинг умумий йиғилиши, МЧЖда иштирокчиларнинг йиғилиши,

хусусий корхона эгаси қарори) қабул қилади. Одатда бундай қарор ҳисобот йилидан кейинги йилнинг бошида қабул қилинади.

Тақсимланмаган фойдадан қуйидаги мақсадларда фойдаланилиши мумкин:

- корхона акциядорлари (иштирокчилари)га дивидендлар тўлашга;
- резерв капиталини барпо этиш ва тўлдиришга;
- зарарларни қоплашга;
- мулкдорларнинг қарорига кўра бошқа мақсадларда.

Дивидендлар тўлаш

Дивидендлар (муассиснинг даромадлари) барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан ҳамда такрор инвестициялангандан сўнг корхона ихтиёрида қоладиган ва акциядорлар (муассислар) ўртасида тақсимланиши лозим бўлган фойданинг бир қисми ҳисобланади.

Одатда дивидендлар ҳисобот йилининг якуни бўйича ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта, агар бу уларнинг Уставида таъқиқланган бўлмаса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Оралиқ ёки йиллик дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин жамият ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 60-моддасида келтирилган барча шартларга риоя қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши керак, хусусан:

— жамиятнинг устав капитали тўлиқ тўлаб бўлинганлигига;

— дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлмаслигига (дивидендлар тўлаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлмаслиги лозим);

— жамият соф активларининг қиймати унинг устав ва резерв фондлари суммасидан кўп бўлишига.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар фақат жорий йил фойдаси ҳисобидан тўланади, айти вақтда имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни ушбу мақсадга мўлжалланган махсус фондлар ҳисобидан ҳам тўлаш мумкин.

Дивидендлар тўлаш тўғрисида хабар қилингандан сўнг, агар улар жорий йил мобайнида тўланадиган бўлса, ҳисобда жорий мажбуриятлар сифатида акс эттирилиши лозим.

Дивидендлар:

- пул маблағлари;
- акциялар;
- бошқа мол-мулк билан тўланиши мумкин.

Дивидендларни пул маблағлари билан тўлашда пул маблағлари ва мажбуриятларни қайта тақсимлаш содир бўлади. Ҳисоблаб ёзилган дивидендлардан солиқ дивидендларнинг тўлов манбаида, яъни акциядорлик жамияти ёки МЧЖ томонидан ушлаб қолинади ва бюджетга тўланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивидендлар ва фоизлар тарзида олинадиган даромадлардан солиқ ставкаси 10% миқдорида белгиланди.

Мисол. 2008 йилда ЁАЖ 300 минг сўм соф фойда кўрди. 2009 йилда олинган фойданинг ҳамма суммасини ЁАЖнинг акциядорларига дивидендлар тарзида тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу вазиятда дивидендлар тарзидаги даромадлардан солиқ 30 минг сўмни ($300 \times 0,10$) ташкил қилади.

Дивидендларни тўлаш ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисобланди	300	8710	6610
2	Дивидендлардан солиқ ушлаб қолинди ($300 \times 10\%$)	30	6610	6410
3	Дивидендлар тарзидаги даромадлардан солиқ ўтказилди	30	6410	5110

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
4	Дивидендлар тарзидаги даромадлар ўтказилди	270	6610	5110

Дивидендлар ўз ишлаб чиқариш тайёр маҳсулотларни, асосий воситалар, номоддий активлар ёки товар-моддий бойликлар билан тўланиши мумкин. Бундай вазиятларда ушбу тўловлар маҳсулотлар, товарлар ёки хизматларни сотишга доир операциялар каби қаралиб, тегишли солиқ оқибатларини келтириб чиқаради.

Мисол. 2009 йилда акциядорлик жамияти 2008 йил якунлари бўйича 1 000 минг сўм миқдориди дивидендларни тайёр маҳсулотлар билан тўлашга қарор қилди. Тайёр маҳсулотларнинг таннархи 500 минг сўмни ташкил қилади.

Дивидендлардан 10 % ставка бўйича солиқ, яъни 100 минг сўм ушлаб қолиниши керак. Тегишинча, тайёр маҳсулот 900 минг сўм қийматида берилиши керак.

Дивидендларни бериш тайёр маҳсулотни сотиш сифатида қаралиши сабабли унинг қиймати ҚҚС солиш объекти ҳисобланади. Ушбу вазиятда ҚҚС суммаси 150 минг сўмни ($900 \times 20 : 120$) ташкил қилади.

Бухгалтерия ҳисобида ушбу операция қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисобланди	1 000	8710	6610
2	Дивидендлар тарзидаги даромадлардан солиқ ушлаб қолинди	100	6610	6410
3	Дивидендлар тарзидаги даромадлардан солиқ ўтказилди	100	6410	5110
4	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилди	750	6610	9010
5	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	500	9110	2810

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
6	Маҳсулот сотишдан ҚҚС ҳисобланди	150	6610	6410

ҚҚС тўловчиси бўлмаган корхона ушбу операцияни қуйидаги тарзда акс эттиради:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисобланди	1 000	8710	6610
2	Дивидендлар тарзидаги даромадлардан солиқ ушлаб қолинди	100	6610	6410
3	Дивидендлар тарзидаги даромадлардан солиқ ўтказилди	100	6410	5110
4	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилди	900	6610	9010
5	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	500	9110	2810

Резерв капиталини шакллантириш

Резерв капитални акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида ҳамда таъсис ҳужжатларида резерв капиталини шакллантириш кўзда тутилган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан барпо этилади. Масалан, ЎзРнинг 26.04.1996 йилдаги 223-1-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ АЖда жамият Уставида назарда тутилган, бироқ УКнинг 15 фоииздан кам бўлмаган миқдорда резерв фонди (капитали) тузилади. У жамиятнинг Уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар (5 фоииздан кам бўлмаган миқдорда) ўтказиш орқали шакллантирилади.

Резерв капитали маблағларидан имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашга, акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олишга, жамият облигацияларини муомаладан чиқаришга, умумий баланс зарарини қоплаш учун фойдаланилиши мумкин.

Резерв капиталини барпо этиш 8520-«Резерв капитали (фонди)» ҳисобварағи кредитида 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Резерв капитали маблағларидан фойдаланиш 8520-«Резерв капитали (фонди)» ҳисобварағи дебитида ушбу маблағлар истеъмолчилари ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ҳисобга олинади. Масалан, 6610-«Тўланадиган дивидендлар» ҳисобварағи билан — иштирокчиларга даромадлар (дивидендлар) тўлаш учун ҳисобот йилининг фойдаси мавжуд бўлмаган ёки етарли миқдорда бўлмаган тақдирда, ушбу мақсадга йўналтирилган суммага.

Резерв капиталини шакллантириш ва ишлатиш акс эттирилади		
	дебет	кредит
Корхона резерв капиталини шакллантириш акс эттирилади	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	8520-«Резерв капитали (фонди)»
Резерв капитали маблағлари ҳисобидан имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш акс эттирилади	8520-«Резерв капитали (фонди)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Корхона тугатилганда турли дебиторларнинг қарзларини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади	8520-«Резерв капитали (фонди)»	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар»

Мисол. Ҳисобот йилининг якуни бўйича ОАЖ 1 200 минг сўм миқдорида фойда кўрди. Кейинги йилда ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш масаласи бўйича муассисларнинг умумий йиғилишида 350 минг сўмни резерв капиталини шакллантиришга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу операция ҳисобда қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Т / Р	Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Резерв фонди шакллантирилди	350	8710	8520

Ўтган йилларнинг зарарларини қоплаш

Ўтган йилларнинг, шунингдек жорий йилнинг зарари:

— резерв капитали (фонди);

— муассисларнинг мақсадли бадаллари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Ҳисобот йилининг зарарини қоплаш бўйича операциялар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Ҳисобот йилининг зарари қопланади		
	дебет	кредит
Ҳисобот йилининг зарарини резерв капитали маблағлари ҳисобидан қоплаш акс эттирилади	8520-«Резерв капитали (фонди)»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
Ҳисобот йилининг зарарини муассисларнинг мақсадли маблағлари ҳисобидан қоплаш акс эттирилади	8890-«Бошқа мақсадли тушумлар»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Агар ҳисобот йилининг қопланмаган зарарини қоплаш учун мавжуд манбалар етарли бўлмаса, қопланмаган зарарни балансда қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Зарарлар балансда «—» белгиси билан акс эттирилади.

Устав капиталини кўпайтириш

Корхона муассислари (иштирокчилари) ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини кўпайтиришга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Устав капиталини кўпайтириш тўғрисида ёзув таъсис ҳужжатларидаги ўзгартириш белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

Устав капиталини ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан кўпайтириш		
	дебет	кредит
Устав капиталини ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан кўпайтириш акс эттирилади	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	8300-«Устав капитали»

Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар кўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасини капиталлаштириш

Корхона муассислари (иштирокчилари) олинган фойдани (ёки унинг бирор-бир қисмини) тақсимламаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Бундай вазиятда ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси капиталлаштирилади ва бухгалтерия ҳисобида куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасини капиталлаштириш		
	дебет	кредит
Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасини капиталлаштириш акс эттирилади	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»

МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАР

Мақсадли тушумларни ҳисобга олиш учун куйидаги ҳисобварақлар мўлжалланган:

8810-«Грантлар»;

8820-«Субсидиялар»;

8830-«Аъзолик бадаллари»;

8840-«Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари»;

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар».

Ушбу мақсадли тушумларни корхонанинг хусусий капитали сифатида акс эттириш шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;

б) маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;

в) белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги.

Грант ва субсидиялар ҳисоби

Грант — давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгиладиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига беғараз асосда бериладиган мол-мулк (СКнинг 22-моддаси).

Грантлар суммасига юридик шахсларнинг фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови солинмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ҳулосаси мавжуд бўлганда грантлар суммасига жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ҳам солинмайди, шу билан бирга мазкур имтиёз лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар ва хизматларни бажариш учун грант олувчилар билан тузилган

шартномалар асосида грант олувчи юридик шахслардан даромадлар олган грант ижрочиларига — жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилади (ЎзР АВ томонидан 18.05.1998 йилда 438-сон билан рўйхатга олинган Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондлар ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналар бўйича хулосаларни бериш тартибининг 3.1-банди).

Субсидия — белгиланган шартларда корхоналарга давлат (ҳукумат) томонидан пул ёки натура, шу жумладан мақсадли солиқ имтиёзлари кўринишида кўрсатиладиган ёрдам.

Олинган субсидияларга на фойда солиғи, на ягона солиқ тўлови солинади.

Грант ва субсидиялар олиш қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Мақсадли тушумлар билан боғлиқ операциялар акс эттирилади		
	дебет	кредит
Ажратилган грантлар ҳақида хабарнома олинди	4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи»	8810-«Грантлар»
Ажратилган субсидиялар ҳақида хабарнома олинди		8820-«Субсидиялар»
Грант бўйича маблағларнинг келиб тушиши акс эттирилади	0100-«Асосий воситалар»; 1000-«Материаллар»; 5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» ва б.	4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзи»

Мисол. Корхона ўқитиш дастурини ишлаб чиқишга 12 900 минг сўм миқдоридан грант олди. Грант бўйича ишларни бажариш муддати 10 ой. Пул маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланди:

- компьютер харид қилишга — 1 000 минг сўм;
- ҳодимларнинг иш ҳақиға — 9 000 минг сўм;
- ягона ижтимоий тўловга — 2 250 минг сўм;
- зарур материаллар харид қилишга — 650 минг сўм.

Корхона бухгалтерия ҳисобида грант олиш ва маблағлардан фойдаланиш қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ажратилган грант ҳақида хабарнома олинди	12 900	4890	8810
2	Грант бўйича маблағларнинг келиб тушиши акс эттирилади	12 900	5110	4890
3	Компьютер харид қилинди	1 000	0820 0150	6010 0820
4	Материаллар харид қилинди	650	1010	6010
5	Компьютер ва материалларга ҳақ тўлаш амалга оширилди	1 000 650	6010	5110
6	Ходимларга иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди	9 000	8810	6710
7	Ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб ёзилди	2 250	8810	6520
8	Компьютер ва материаллар қиймати ҳисобдан чиқарилди (1 000 + 650)	1 650	8810	8530

Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари

Корхоналарга тақдим этилган имтиёзлар бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш шарти билан ва бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш шартсиз берилган имтиёзларга бўлинади.

Имтиёзлар бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш шарти билан тақдим этилганда солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар бюджетга белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилади. Бироқ бунда улар бюджетга ўтказилмайди, балки мақсадли вазифаларни бажаришга, масалан, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш имконини берадиган янги технологиялар жорий этишга ва бошқа мақсадларга йўналтирилиши лозим. Яъни корхона

материаллар харид қилиб ва мақсадли ишлатиш шарти билан имтиёзга эга бўлган ҳолда, божхона божини умум-белгиланган тартибда уларнинг харид қийматига киритади (импорт қилишда). ҚҚС (ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган ҚҚС тўловчилари учун) ва акциз солиғи (акциз солиғи бўйича имтиёзга эга бўлганда) суммаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга киритилади. Маҳсулотлар сотилганда акциз солиғи (акцизланадиган маҳсулотлар бўйича) ва ҚҚС (ҚҚС тўловчилари томонидан) одатдаги тартибда солиқ солинадиган айланмаларга ҳисоблаб ёзилади ва маҳсулотнинг сотиш қийматига қўшилади. Ҳисобварақ-фактура акциз солиғи ва ҚҚС суммалари ажратиб кўрсатилган ҳолда ёзилади. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС ва акциз солиғи суммаси солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси билан ҳисобга киритиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисоби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (ЎЗР АВ томонидан 02.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатга олинган) билан тартибга солинади. Қабул қилинган Низом мулкчилик шаклидан, фаолият туридан, идоравий мансублигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга татбиқ этилади.

Мақсадли ишлатиш шарти билан бериладиган имтиёзларнинг ҳисоби турлари бўйича 8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағида юритилади. Бунда мақсадли солиқ имтиёзларини батафсил ҳисобга олиш учун корхонанинг ишчи ҳисобварақлар режасидаги тегишли ҳисобварақлар гуруҳига қўшимча ҳисобварақларни киритиш лозим:

бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4400) гуруҳига «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6400) гуруҳига «Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6500) гуруҳига «Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар — солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6900) гуруҳига «Импорт чоғида ҚҚС ва акциз бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи.

Яна бир марта таъкидлаш лозимки, имтиёзлар мақсадли ишлатиш шарти билан берилганда барча солиқлар белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилади.

Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар харид қилинадиган активларнинг харид қийматига қўшилиши лозим бўлса, бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади:

Харид қилинадиган активларнинг қийматига киритиладиган солиқларни акс эттириш		
	дебет	кредит
Активларнинг харид қийматига киритиладиган солиқлар ва тўловлар ҳисоблаб ёзилди	0800-«Капитал қўйилмалар»; 0700-«Урнатиладиган асбоб-ускуналар»; 1000-«Материаллар»; 2900-«Товарлар»	6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»

Агар ҚҚС ва акциз солиғи суммаси (тўловчилар учун) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга киритилса, ўтказмалар қуйидагича бўлиши лозим:

Ҳисобга киритиладиган ҚҚС ва акциз солиғи суммаларининг акс эттириши

	дебет	кредит
Белгиланган тартибда ҳисобга киритиладиган солиқлар ва тўловлар ҳисоблаб ёзилди	4400-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» 6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» 4400-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»
ТМЗ импорт қилинганда: ҳисобга киритиладиган, ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар акс эттирилади	4400-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» 6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»	6900-«Турли кредиторларга бўлган қарз» («Импорт чоғида ҚҚС ва акциз бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи) 4400-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»
Мақсадли ишлатиш шарти билан ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар акс эттирилади (8840-ҳисобвараққа ҳисобдан чиқарилиши)	6900-«Турли кредиторларга бўлган қарз» («Импорт чоғида ҚҚС ва акциз бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи)	8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари»

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилганда, асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетганда ҳисоблаб ёзилган солиқлар (шу жумладан фойда ҳисобига) ва тўловлар қуйидагича акс эттирилади:

Маҳсулотлар сотилганда ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловларни акс эттириш		
	дебет	кредит
Маҳсулотлар сотилганда ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар акс эттирилади	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»; 4120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар»	6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»
Асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетганда ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар акс эттирилади	9200-«Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»
Давр харажатларига киритиладиган бюджетга ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар акс эттирилади	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»; 6500-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар — солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»
Фойда ҳисобига ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар акс эттирилади	9800-«Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши»	6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»

Бўшатиш суммаларни 8840-ҳисобвараққа ҳам киритиш лозим:

Мақсадли ишлатиш шарти билан ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловларни акс эттириш		
	дебет	кредит
Мақсадли ишлатиш шарти билан ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва тўловлар акс эттирилади (8840-ҳисобвараққа ҳисобдан чиқарилгани)	6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)»; 6500-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар — солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»	8840-«Мақсадли ишлатилган солиқ имтиёзлари»

Мисол. Фойда солиғи ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланган корхона бўшатилган маблағларни замонавий асбоб-ускуналар билан қуролланишга йўналтириш шarti билан барча турдаги солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод қилинган.

Ҳисобот даврида корхона ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда 10 000 минг сўм суммада хизматлар кўрсатди.

Қўшилган қиймат солиғи умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилиши ва ҳисобварақ-фактурада кўрсатилиши керак, бироқ у бюджетга ўтказилмайди. Шу тариқа қолган барча солиқлар ва жамғармаларга мажбурий ажратмалар ҳисоблаб ёзилади.

Т/	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Хизматларни сотиш акс эттирилди	10 000	4010	9030
2	ҚҚС акс эттирилди	2 000	4010	6410
3	Хизматларнинг таннари ҳисобдан чиқарилди	6 000	9130	2010
4	Қуйидагилар ҳисоблаб ёзилди (шартли): — фойда солиғи — жамғармаларга мажбурий ажратмалар — сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — мол-мулк солиғи — ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	327,15 350 5 10 264,628	9810 9430 9430 9430 9820	6410 6520
5	Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммалари 8840-ҳисобвараққа ҳисобдан чиқарилди (2 000 + 327,15 + 350 + 5 + 10 + 264,628)	2 956,778	6410 6520	8840

Тартиб йиллик молиявий ҳисобот билан бирга имтиёзлар бўйича бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб-китобни тақдим этишни назарда тутди. Бунинг учун эса корхоналар мақсадли йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш: ё янги асбоб-ускуналар, янги материалларни харид қилиш ёки Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича тадбир-

ларни молиялаштириш ва бошқалар бўйича тегишли режа (смета, бюджет ва бошқалар)га эга бўлишлари лозим.

Агар корхона бўшаган маблағлар ҳисобига асосий воситалар, номоддий активлар объектлари, товар-моддий бойликларни харид қилса ёки кредит ва қарзларни тўласа, узоқ муддатли активларни реконструкция қилиш ва замонавийлаштиришни амалга оширса, бўшаган маблағларни ҳисобдан чиқариш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Узоқ муддатли активлар харид қилинганда бўшаган маблағларни ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Асосий воситалар, номоддий активлар, ТМЗ ва бошқалар харид қилинганда мақсадли ишлатиш шарти билан солиқ имтиёзлари — маблағларни ҳисобдан чиқариш	8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари»	8530-«Текинга олинган мол-мулк — солиқ ва боғжона имтиёзлари»

Агар имтиёзли давр белгиланмаган бўлса, бундай ўтказма ҳар йилда қайд этиб борилади. Имтиёзли давр кўрсатилганда ушбу муддатларнинг энг ками: ҳақиқатда ишлатиш даври ёки имтиёзли даврнинг тугаши танланади.

Мисол. Бўшаган маблағлар ҳисобига корхона 150 000 минг сўмга технологик ускуна харид қилади ва илгари банкдан ишлаб чиқариш цехларини реконструкция қилишга 70 000 минг сўм миқдорида олинган кредитни тўлайди.

Имтиёзларни қўллаш натижасида бўшаган суммаларни юқорида кўрсатилган мақсадларга ҳисобдан чиқариш қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Т / р	Ҳўжалик операцияларнинг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ускунани харид қилиш акс эттирилади	150 000	0820 0130	6010 0820

Т / Р	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентсияси	
			дебет	кредит
2	Кредитни тўлаш акс эттирилади	70 000	6810	5110
3	Бўшаган маблағларнинг ишлатилган суммалари ҳисобдан чиқарилди (150 000 + 70 000)	220 000	8840	8530

Солиқ имтиёзлари ҳисобига харид қилинган асосий воситалар объектлари бўйича амортизация белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилади ва тегишли харажатлар моддаларига киритилади.

Бошқа узоқ муддатли активларнинг харид қилиниши ҳам худди шундай тартибда акс эттириш лозим.

Имтиёзли маблағлар ҳисобига харид қилинган моддий захиралар ўз эҳтиёжларига ишлатилганда харажатларнинг тегишли моддаларига — ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига ҳисобдан чиқарилади.

Агар корхона имтиёзли маблағлардан иш ҳақи, ижара, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар каби жорий харажатларни молиялаштириш учун фойдаланса, солиқ имтиёзлари қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

Имтиёзли маблағлардан жорий харажатларни молиялаштириш учун фойдаланиш		
	дебет	кредит
Мақсадли ишлатиш шarti билан солиқ имтиёзлари — маблағларни мақсадли тадбирлар рўйхатига киритилган жорий харажатларни қоплашга йўналтиришда ҳисобдан чиқариш	8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари»	6010-«Мол стказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва б.

Мисол. Корхона имтиёзлардан фойдаланиш натижасида бўшаган маблағларни жорий ойда ходимларга мукофотлар (1 000 минг сўм) тўлашга ишлатади, мукофотлар бўйича ягона ижтимоий тўлов 250 минг сўмни ташкил қилди. Шунингдек ишлаб чиқариш майдонларининг қисқа муддатли

ижараси учун ҳақ тўланади, ижара ҳақи суммаси — 800 минг сўм.

Маъмур харажатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Мукофотлар тўлаш акс эттирилади	1 000	8840	6710
2	Мукофотлар бўйича ягона ижтимоий тўлов акс эттирилади	250	8840	6520
3	Ижара ҳақи акс эттирилади	800	8840	6910

Шу тариқа, солиқ имтиёзлари мақсадли вазифаларни бажаришга, хусусан, жорий харажатларни қоплаш учун ишлатилганда, корхоналар уларни ўз харажатларида ва тегишинча, 2-сон шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да ҳисобга олмаслиги керак.

Бошқа мақсадли тушумлар

Бошқа мақсадли тушумлар таркибида муассисларнинг ҳам ўтган йилларнинг, ҳам жорий йилнинг зарарларини қоплаш учун киритадиган мақсадли бадаллари ҳисобга олиниши мумкин.

Муассисларнинг бошқа мақсадли тушумлари акс эттирилади		
	дебет	кредит
Муассислар мақсадли бадалларининг келиб тушиши акс эттирилади	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»; 5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»	8890-«Бошқа мақсадли тушумлар»
Ҳисобот йили зарарининг муассисларнинг мақсадли маблағлари ҳисобига қопланиши акс эттирилади	8890-«Бошқа мақсадли тушумлар»	8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

XIII бўлим. КОРХОНАНИНГ МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТУРКУМЛАШ

Бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш (асосий фаолият) билан боғлиқ харажатлар Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ бешта элемент бўйича гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Тайёр маҳсулотга киритилиш (ҳисобдан чиқариш) усулига кўра корхона ишлаб чиқариш харажатлари бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) харажатларга бўлинади.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар бевосита (тўғри) харажатлар деб аталади. Уларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари;
- асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий сугуртага ажратмалар.

Бу харажатлар ўзгарувчан ҳисобланади, чунки уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар, шунингдек маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан

қатъи назар нисбатан доимий (ўзгармас) бўлиб қолувчи бошқа харажатлар билвосита (эгри) харажатлар деб аталади. Билвосита (эгри) харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган тақдирдагина маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилади.

АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Ишлаб чиқариш моддий харажатлари

Ишлаб чиқариш моддий харажатларига қуйидагилар киритилади:

— маҳсулотларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), технология жараёнини таъминлаш, маҳсулотларни ўраш ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб олинadиган хом ашё ва материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарлар, хўжалик буюмларининг қиймати ва бошқалар;

— сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов берилadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажарилadиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар;

— технологик мақсадларга, биноларни иситишга сарфланadиган, сотиб олинadиган ёнилғи ва энергиянинг барча турлари, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқаришига ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

— моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинган идиш ва ўрамлар;

— ва бошқ.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилadиган моддий ресурслар харажатларидан қайтарилadиган

чиқиндилар қиймати ва идишлар ва ўрамлар қийматини, уларни ҳақиқий сотиш, фойдаланиш ёки омборга кирим қилиш нархи бўйича чиқариб ташлаш лозим.

Моддий ресурслар қийматига қуйидагилар киритилади:

- харид нархи;
- устама (қўшимча) суммаси;
- таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи суммаси;
- товар биржалари хизматлари, шу жумладан брокерлик хизматлари қиймати;
- божхона бождари ва йиғимлари, солиқлар, корхона кейинчалик ҳисобга киритиш кўринишида қайтариб оладиганларидан ташқари;
- чет юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган транспортда ташиш, сақлаш ва етказиб бериш учун тўлов.

Материалларни ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Моддий-ишлаб чиқариш захираларини асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Материалларнинг ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобида		
Материаллар асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1000-«Материаллар»
Материалларнинг ҳисоб нархлари бўйича ҳисобида		
Материаллар асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1000-«Материаллар»; 1610-«Материаллар қийматидаги фарқлар»

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий суғуртага ажратмалар

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киритилади:

— хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

— касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;

— иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар;

— иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ходимларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

— хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;

— белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

Ишлаб чиқариш ишчиларининг корхонада ишлаган вақтлари учун ҳисобланган иш ҳақи асосий иш ҳақи деб аталади. Одатда, у билвосита харажатларни калькуляциялашнинг алоҳида объектлари ўртасида тақсимлаш учун база сифатида ишлатилади.

Қўшимча ҳақ тўлаш ишланмаган вақт учун тўловлар билан боғлиқ. Бундай тўловларга қуйидагилар киради:

— амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллар, фойдаланилмаган навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шу-

нингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

— мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

— донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

— давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш ва бошқа тўловлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатларга корхонанинг штатида турмайдиган ходимларга улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича бажарилган ишлар учун тўловлар киритилади.

Меҳнат учун ҳақиқатда ҳисобланган тўлов (ҳақ) қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар бўйича ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмаларга тортилади:

— МХТФдан ягона ижтимоий тўловга 25 % миқдорда;

— ходимга ҳисобланган даромад суммасидан фуқароларнинг суғурта бадалларига 4 % миқдорда.

Ишлаб чиқариш харажатларига нодавлат пенсия жамғармаларига ва ихтиёрий суғурталашнинг бошқа турларига ихтиёрий ажратмалар ҳам қўшилади.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ҳисобдан чиқариш куйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади:

Ижтимоий суғуртага ажратмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий суғуртага ажратмалар асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар»

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси

Амортизация — бу асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияланадиган қийматини уларнинг хизмат муддати мобайнида маҳсулот (ишлар, хизматлар)-нинг ишлаб чиқариш таннархига мунтазам равишда ўтказилиши.

Асосий воситалар бўйича амортизация асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Солиқ солинадиган давр мобайнида Солиқ кодекси меъёрлари чегарасида ҳисобланган амортизация суммаси фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда жами даромаддан чегирилиши лозим.

Амортизацияни Солиқ кодексида кўрсатилгандан пастроқ меъёрларда ҳам ҳисоблаб ёзса бўлади, бу ҳолда солиқ солинадиган базадан ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси чегирилади, солиқ солиш мақсадида солиқ солинадиган фойда амортизация меъёрларига зид равишда тўлиқ ҳисоблаб ёзилмаган суммага қайта ҳисобланмайди.

Фойдаланишда бўлган харид қилинган асосий воситалар бўйича амортизация меъёри аввалги мулкдорларнинг фойдаланишида бўлган муддатни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бунда аввалги мулкдорларда ундан ҳақиқатда фойдаланилган муддат фойдали фойдаланиш муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, корхона мазкур асосий воситанинг фойдали фойдаланиш муддатини хавфсизлик техникаси талаблари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилашга ҳақли, бироқ у уч йилдан кам бўлмаслиги керак. Фойдаланишда бўлган асосий воситаларнинг фойдаланилган муддатини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда амортизация янги асосий воситаларга ҳисобланилганидек ҳисобланади.

Гудвиллдан ташқари номоддий активларнинг амортизацияси фойдали хизмат муддати мобайнида ҳар ойда, корхона томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва улардан унумли фойдаланиш муддатидан (бироқ корхонанинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддат) келиб чиқ-

қан ҳолда ҳисобланган нормалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Унумли фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йилга, бироқ корхонанинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга мўлжаллаб белгиланади.

Ҳисобда асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси харажатларини ҳисобдан чиқариш қўйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси харажатларини ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси харажатлари асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0200-«Асосий воситаларнинг эскириши»; 0500-«Номоддий активларнинг амортизацияси»

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатларга қуйидагилар киреди:

— ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

— асосий ишлаб чиқариш фондларини техник кўрик ва қаровдан ўтказиш, ўртача, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари;

— ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари;

— идорадан ташқари қўриқлаш харажатлари, мазкур ишлаб чиқаришни қўриқлашга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда;

— ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий ишлаб чиқариш воситаларини жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

— табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, шу жумладан атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари;

— ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган соғлиқни муҳофаза қилиш, меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;

— айрим тармоқлар ходимларига текинга кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, маҳсулотлар қиймати, корхона ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси);

— амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текинга бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар) (ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси);

— ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш;

— ишлаб чиқариш ходимларини ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар;

— ишлаб чиқариш ходимларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари;

— яроқсиз маҳсулот туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар;

— ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар;

— кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

— маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлари, капиталлаштириладиганларидан ташқари;

— ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар. Касб касаллиги муносабати билан нафақалар тўлаш;

— умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар;

— объектларни давлат капитал қўйилмалари ҳисобига қуришда қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлар;

— гудвилл суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар;

— қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тегишли бўлмаса (яъни асосий воситалар сифатида капиталлаштирилмаса). Ушбу харажатлар келгуси даврлар харажатлари сифатида қаралади ва уларни қайтаришнинг белгиланган муддати мобайнида тенг маромда ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган маҳсулотнинг ҳажми ва миқдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади. Келгуси даврлар харажатларини ҳисобдан чиқаришнинг танланган усули хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сис-сатида акс эттирилиши керак;

— ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

Бошқа ишлаб чиқариш харажатларининг баъзилари бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйида келтирилади.

Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий ишлаб чиқариш воситаларини жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар

Ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган ижарага олинган асосий воситаларни тутиб туриш, шу жумладан уларни жорий таъмирлаш харажатлари асосий ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади ҳамда қуйидаги ёзув билан акс этирилади:

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситаларнинг ижараси бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий воситаларнинг ижараси бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	1000-«Материаллар»; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ва б.

Кўрсатилган харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда чегирилади.

Айрим тармоқлар ходимларига текинга кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, маҳсулотлар

Ходимларнинг муайян тоифаларига амалдаги қонунчилик ва тармоқ келишувларига мувофиқ бепул озиқ-овқат, маҳсулотлар берилади, коммунал харажатлар ва бошқа харажатлар тўланади. Бундай харажатлар (белгиланган меъёрлар чегарасида) ишлаб чиқариш фаолияти бўйича харажатларга ҳисобдан чиқарилади.

Меҳнат кодексининг 217-моддаси билан меҳнат шaroити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни белгиланган нормалар бўйича:

- сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);
- даволаш-профилактика озиқ-овқати;
- газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлаш назарда тутилган.

Муайян иш жойларидаги меҳнат шароитлари аҳволини баҳолаш мақсадида корхоналар 5 йилда камидан бир марта Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитларига қараб иш жойларини аттестациядан ўтказиш услубиятига (АВ томонидан 28.05.1996 йилда 247-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўтказишлари ва зарарлилик даражаси омилларининг (газланганлик, ҳарорат режими, зарарли моддалар концентрациясининг мавжудлиги ва бошқалар) инструментал ўлчамларини олиб боришлари керак.

Даволаш-профилактика озиқ-овқат (ДПО) маҳсулотлари, шу жумладан сут билан таъминлаш кўрсатмалари ва меъёрлари қуйидаги махсус санитария-эпидемиология қоидалари ва меъёрлари билан белгиланган:

— зарарли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларни даволаш-профилактика озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг гигиеник нормалари (0053—96-сон ЎзР СанҚН, Давлат санитария врачлари томонидан 19.03.1996 йилда тасдиқланган);

— зарарли ва ноқулай меҳнат шароитларида ишловчи ходимлар учун даволаш-профилактика озиқ-овқат маҳсулотларини қўллаш ва бериш тартиби кўрсатмалари (0184—05-сон ЎзР СанҚН, Давлат санитария врачлари томонидан 18.02.2005 йилда тасдиқланган).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ДПО маҳсулотларини пул маблағлари ёхуд бошқа қимматликлар билан компенсация қилишга йўл қўйилмайди. Яъни ДПО маҳсулотларини пул маблағлари билан қоплаш солиқ солиш мақсадида даромад сифатида қаралади ва уларга белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Корхона мустақил равишда ўз ходимларининг коммунал хизматлари ва яшаш бўйича бошқа харажатларини тўласа, ходимларига бошқа асосларга кўра қўшимча ҳақ тўласа, ушбу харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига қўшилмайди, балки корхонанинг жорий харажатлари сифатида тан олинади. Фойда солиғини тўловчи корхоналар кўрсатилган харажатларни солиқ солинадиган базадан чегирмайдилар.

Ходим учун олинган маблағлар даромад ҳисобланиб, унинг жами даромадига киритилади ва уларга белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ солинади.

Ходимларни формали кийим-кечак билан таъминлаш харажатлари

Ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул (ёки нархда чегирма билан) бериладиган ва уларнинг шахсий фойдаланишида қоладиган формали кейим-кечак билан таъминлаш харажатлари асосий ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади ва солиқ солинадиган фойдадан чегирланади.

Ишлаб чиқариш ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул бериладиган формали кийим-кечак бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Бепул бериладиган формали кийим-кечак харажатлари ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 9400-«Давр харажатлари»	1000-«Материаллар»

Ходимга бериладиган, хизмат мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бошнинг қийматиغا, шунингдек уларнинг арзонлаштирилган нархларда сотилишига жисмоний шахснинг даромадлари деб қаралмайди.

Яроқсиз маҳсулот туфайли келиб чиқадиган ва ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар

Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот — бу ўрнатилган стандартларга, техник шартларга ва бошқаларга сифат жиҳатдан номувофиқ маҳсулот. Тавсифига кўра, яроқсиз маҳсулот тузатиб бўладиган (қисман) ва тузатиб бўлмайдиган (узил-кесил) бўлиши мумкин. Тузатиб бўладиган яроқсиз маҳсулот — тузатиш техник жиҳатдан мумкин ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган

маҳсулот. Тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулот — тузатишнинг имкони бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган нуқсонли маҳсулот.

Яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» ҳисобварағи кредитидан 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. 2610-ҳисобварақ калькуляция ҳисобварағи, унинг дебети бўйича тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулот таннархи ҳамда тузатишга оид харажатлар (яроқсиз маҳсулотни тузатиб бўлганда) акс эттирилади. 2610-ҳисобварақнинг кредити бўйича айбдорлардан ундирилган яроқсиз маҳсулотдан йўқотишларни қоплаш суммалари, шунингдек фойдаланиш имконияти (лом) нархлари бўйича тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулот суммалари акс эттирилади. 2610-ҳисобварақ қолдиги балансда акс эттирилмайди, у 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағига ёки маҳсулот таннархига — 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағига ўтказилади (кредитланади).

Мисол. Тикув цехи ходими 8 та шимнинг (камарини бичиш ва тикишда) яроқсиз бўлишига йўл қўйди. Яроқсиз шимлар тузатса бўладиган эди. Бирламчи ҳужжатларга кўра яроқсиз маҳсулотларни тузатиш харажатлари қуйидагиларни ташкил қилди:

яроқсиз шимларни тузатишга сарфланган газлама қиймати — 76,8 минг сўм;

яроқсиз шимларни тузатиш бўйича ходимнинг иш ҳақи ва ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси — 31,25 минг сўм.

Айбдор ходимдан яроқсиз маҳсулотлар суммасининг ярмини ундиришга қарор қилинди.

Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар 108,05 минг сўмни ташкил қилади, тегишинча, ходимдан 54,025 минг сўм $[(76,8 + 25 + 6,25) : 2]$ ундирилади.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Яроқсиз маҳсулотни тузатиш учун газлама сарфланди	76,8	2610	1000

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
2	Яроқсиз бўлишига йўл қўйилган маҳсулотни тузатувчи ходимга иш ҳақи, шунингдек ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди	31,25	2610	6710 6520
3	Айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган яроқсиз маҳсулот суммаси акс эттирилади	54,025	4730	2610
4	Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларига киритилган яроқсиз маҳсулот қийматининг бир қисми акс эттирилади	54,025	2010	2610

Гудвиллни ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар

Гудвилл фойдали хизмат муддати, яъни иқтисодий фойда келиб тушиш даври мобайнида ҳисобдан чиқарилади. Бунда гудвиллнинг фойдали хизмат муддати у дастлаб тан олинган пайтдан бошлаб 20 йилдан, бироқ корхонанинг фаолият юритиш муддатидан ошмаслиги лозим.

Гудвиллни ҳисобдан чиқариш қўйидаги ўтказма билан амалга оширилади:

Гудвиллни ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Гудвилл ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	0480-«Гудвилл»

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини тўлаш

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланиб, ушбу харажатлар фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади. Тегишлича, ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ходимларга касаллик варақалари бўйича тўловлар асосий ишлаб чиқариш харажатларида акс эттирилади.

Корхоналар ўз ходимларига касаллик варақалари бўйича оширилган миқдорда, яъни иш ҳақининг 80 %и (60 %и) эмас, балки 100 %и миқдорида нафақа тўлашлари мумкин.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини тўлаш харажатларини ҳисобдан чиқариш		
	дебет	кредит
Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини тўлаш харажатлари ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблаш ишлар»

Ярим тайёр маҳсулотлар ҳисоби ва уларни ҳисобдан чиқариш

Ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар ҳам 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Ярим тайёр маҳсулотларни кейинчалик қайта ишловга бериш 2110-«Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» ҳисобварағининг кредитида 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Асосий ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ҳисоби

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар материаллар, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблаш ишлар, жумладан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш, ижтимоий суғуртага ажратмалар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитидан 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағида жамланади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқариши тугалланган маҳсулотлар

(ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий таннархи суммалари акс эттирилади. Мазкур суммалар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағидан:

— маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» ҳисобварағи дебетиغا;

— ишлар (хизматлар) бажарувчи корхоналар томонидан 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварағи дебетиغا ҳисобдан чиқарилади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш таннарахини кўрсатади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўйича харажатлари акс эттирилади		
	дебет	кредит
Асосий ишлаб чиқариш бўйича бевосита харажатлар ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1000-«Материаллар»; 1610-«Материаллар қийматидаги фарқлар»; 2110-«Узида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар»; 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»; 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар»
Яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»
Бошқа ташкилот томонидан бажарилган иш (хизмат)ларнинг қиймати асосий ишлаб чиқариш харажатларида ҳисобга олинди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6010-«Мол етказиб бериувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»; 6990-«Бошқа мажбуриятлар» ва б.
Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари акс эттирилади	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари»
Жорий даврга тегишли бўлган келгуси давр харажатлари акс эттирилади	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	3100-«Келгуси давр харажатлари»

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўйича харажатлари акс эттирилади		
	дебет	кредит
Тайёр маҳсулотни чиқариш акс эттирилади	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»
Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотилиши акс эттирилди	9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннарни»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»
Ва бошқ.		

Харажатларни маҳсулот турлари ўртасида тақсимлаш

Тўғри (бевосита) харажатлар чиқариладиган маҳсулотлар турлари ўртасида тақсимланиши лозим. Бу чиқарилган маҳсулот ҳар бир бирлигининг ишлаб чиқариш таннарини аниқлаш учун зарур.

Мисол. Корхона стол ва стуллар ишлаб чиқаради. Ҳисобот даврида 10 та стол ва 15 та стул тайёрланди. Стол ишлаб чиқаришга 1800 минг сўм, стул ишлаб чиқаришга эса 750 минг сўм суммадаги материаллар сарфланди.

Стол ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий цех ходимларининг ижтимоий суғуртага ажратмалар билан иш ҳақи 300 минг сўмни, стул ишлаб чиқаришда эса 225 минг сўмни ташкил қилди.

Турли хилдаги мебелларни ишлаб чиқариш бўйича харажатларни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг турли субҳисобварақларида ҳисобга олиш лозим:

2011-«Стол ишлаб чиқариш харажатлари»;

2012-«Стул ишлаб чиқариш харажатлари».

Асосий цехнинг стол ишлаб чиқариш бўйича харажатлари қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Стул ишлаб чиқаришга материаллар ҳисобдан чиқарилди	1 800	2011	1000
2	Стул ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ижтимоий сугуртага ажратмалар билан иш ҳақи акс эттирилди	300	2011	6710 6520

Асосий цехнинг стул ишлаб чиқариш бўйича харажатлари қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Стул ишлаб чиқаришга материаллар ҳисобдан чиқарилди	750	2012	1000
2	Стул ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ижтимоий сугуртага ажратмалар билан иш ҳақи акс эттирилди	225	2012	6710 6520

Агар баъзи бир тўғри (бевосита) харажатларни тўғридан-тўғри тақсимлаб бўлмаса, харажатларни тақсимлаш учун бирор-бир кўрсаткичдан фойдаланиш лозим. Юқорида келтирилган мисол учун бундай кўрсаткич стол ва стул ишлаб чиқаришда сарфланган материаллар қиймати бўлиши мумкин.

Мисол. Корхона стол ва стуллар ишлаб чиқаради. Ҳисобот даврида 10 та стол ва 15 та стул тайёрланди. Стол ишлаб чиқаришга 1 800 минг сўм, стул ишлаб чиқаришга эса 750 минг сўм суммадаги материаллар сарфланди.

Цех ходимлари ҳам стол, ҳам стул ишлаб чиқаришда бандлар. Асосий цех ходимларига ижтимоий сугуртага ажратмалар билан бирга ҳаммаси бўлиб 525 минг сўм иш ҳақи ҳисобланди.

Ишчилар иш ҳақини тақсимлаш базаси сифатида жами 2 550 минг сўм бўлган сарфланган материаллар қиймати олинади, бунда стол ишлаб чиқариш моддий харажатлари-

нинг салмоғи 70 %ни, стул ишлаб чиқариш бўйича эса 30 %ни ташкил қилади.

Асосий ишчиларнинг иш ҳақини чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича худди шу пропорцияда тақсимлаш лозим: столга — 367,5 минг сўм (525 x 0,7), стулга — 157,5 минг сўм (525 x 0,3).

Харажатларни чиқариладиган маҳсулот турлари ўрта-сида тақсимлашнинг танланган тартибини корхонанинг ҳисоб сиёсатида қайд этиб қўйиш лозим.

Билвосита (эгри) харажатларни тақсимлаш

Билвосита (эгри) харажатларга:

- асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар;
- хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар харажатлари;
- ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари киради.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича харажатларга ҳам бевосита (тўғри), ҳам билвосита (эгри) харажатлар киритилади. Яъни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг дебетида асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар (ишлаб чиқариш устама харажатлари) ҳам акс эттирилади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўйича харажатлари		
	дебет	кредит
Асосий ишлаб чиқариш бўйича билвосита (эгри) харажатлар ҳисобдан чиқарилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари»; 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва б.

Устама харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг барча турлари учун умумий ҳисобланган, танланган базага асосан тақсимланади. База сифатида қуйидагилар олиниши мумкин:

- меҳнат харажатлари;
- ишлаб чиқариш ишчилари томонидан ишланган вақт;

— асбоб-ускуна ишлаган вақти ва бошқ.

Ишлаб чиқариш устама харажатларини (ИЧУХ) тақсимлаш ставкаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ИЧУХ тақсимлаш ставкаси} = \frac{\text{Устама харажатлар}}{\text{База қиймати}}$$

Мисол. Ҳисобот даврида устама харажатлар 100 минг сўмни ташкил қилган ҳамда асосий ишлаб чиқариш ишчилари томонидан 50 минг соат ишланган.

Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси 2 сўм/меҳнат-соатини (100 минг сўм : 50 минг меҳнат-соати) ташкил қилади.

Устама харажатлар барча маҳсулотларга ушбу ставка бўйича киритилади. Маҳсулотни тайёрлаш 18 соат асосий меҳнатни талаб қилди. Маҳсулотга 36 сўм қийматдаги (18 соат х 2 сўм/меҳнат-соати) устама харажатлар олиб борилади.

Агар ишлаб чиқариш бир қанча бўлинмаларни қамраб олса, ИЧУХни тақсимлашнинг алоҳида ставкаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мисол. Маҳсулот ишлаб чиқаришда учта бўлинма: «А», «Б» ва «В» иштирок этади.

	Бўлинмалар			Жами
	«А»	«Б»	«В»	
Устама харажатлар, сўм	10 000	60 000	30 000	100 000
Меҳнат-соатлари	25 000	15 000	10 000	50 000
Меҳнат-соатларига ИЧУХ ставкаси	0,4	4	3	2

Маҳсулот ишлаб чиқариш «А» бўлинмада 10 соат, «Б» бўлинмада — 5 соат ва «В» бўлинмада — 3 соат асосий меҳнат талаб этди. Бунда маҳсулотга 33 сўм суммада устама харажатлар киритилади (10 соат х 0,4 сўм/меҳнат-соати + 5 соат х 4 сўм/меҳнат-соати + 3 соат х 3 сўм/меҳнат-соати).

Бошқарув ҳисоби ИЧУХни тақсимлашнинг анъанавий усулларидан тортиб маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг функционал-қиймат усуллари кўринишидаги чуқурлаштирилган усулларгача бўлган турли хил усулларни тақлиф этади. Танлаш корхоналарнинг ўз ихтиёрида қолади.

ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Технологик жараёнда кўзда тутилган қайта ишлашнинг барча босқичларидан ўтмаган маҳсулотлар (ярим тайёр маҳсулотлар), шунингдек буюртмачилар томонидан қабул қилинмаган тугалланмаган ишлар тугалланмаган ишлаб чиқариш, уларга тегишли харажатлар эса — тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг харажатлари деб аталади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришга қайта ишланиши бошланмаган материаллар ва сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар киритилмайди.

Саноатнинг кўпгина тармоқларида тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришда қолган маҳсулот харажатларини ҳисобда алоҳида акс эттиришни таъминлаб бўлмайди.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг кейинга ўтувчи қолдиқлари доимо мавжуд бўладиган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотга тегишли бўлган харажатларни аниқлаш учун ушбу қолдиқлар ҳар ойда баҳоланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи қуйидаги ҳисобкитоб бўйича аниқланади: ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғига жорий ойдаги харажатлар қўшилиб, ой охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи айрилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари қуйидаги усуллардан бири орқали баҳоланади:

— ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича (ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш, яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари чегирилган ҳолда);

— меъёрий ёки режали ишлаб чиқариш таннархи бўйича;

- бевосита харажатлар моддалари бўйича;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг қиймати бўйича.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашнинг танланган усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши лозим.

Барча корхоналар йиллик балансни тузишдан олдин, бироқ 1 октябрдан кейин, бундан ташқари ҳисоб сиёсатида белгиланган муддатларда тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлашни ўтказишлари керак.

Мисол. Корхона юк ташиш билан шуғулланади. 2007 йил январда транспортда юк ташишнинг умумий ҳажми 500 минг т/км ни ташкил қилди. Улардан 40 минг т/км транспорт хизматлари буюртмачилар томонидан қабул қилинмади. Январ ойидаги бевосита харажатлар — 200 минг сўм.

2007 йил февралда транспортда юк ташиш ҳажми 600 минг т/км ни ташкил қилди, ой охиридаги буюртмачилар томонидан қабул қилинмаган транспорт хизматлари — 80 минг т/км.

Январ ойида тугалланмаган ишлаб чиқаришга 16 минг сўм суммадаги бевосита харажатлар киритилади (200 х 40 минг т/км : 500 минг т/км).

Ташкилотнинг февраль ойидаги бевосита харажатлари 260 минг сўмни ташкил қилади.

Февралда тугалланмаган ишлаб чиқаришга киритилиши лозим бўлган бевосита харажатлар миқдори 34,5 минг сўмни ташкил қилади (16 + 260) х 80 минг т/км : (40 минг т/км + 600 минг т/км).

УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг цехлари ва бошқа ишлаб чиқариш бўлимлари ни тутиб туриш, ташкил этиш ва бошқариш харажатлари умумишлаб чиқариш (умумцех) харажатлари таркибига киритилади.

Ушбу харажатлар ҳисоби 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағида юритилади. 2510-ҳисобварақ

йиғиб тақсимловчи ҳисобланиб, ҳисобот даврининг охирига қолдиққа эга бўлмайди.

2510-ҳисобварақнинг дебетида қуйидаги харажатлар акс эттирилади:

— машина ва ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш бўйича;

— ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситалар ва бошқа мулкнинг амортизация ажратмалари ва таъмирлаш харажатлари;

— ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган мулкнинг суғуртаси бўйича;

— ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;

— цехни бошқариш аппаратини сақлаш бўйича;

— цехнинг бошқа ходимларини таъминлаш бўйича;

— шуларга ўхшаш бошқа харажатлар.

Ҳисобот даврининг охирида умумишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот турлари ёки фаолият турлари ўртасида тақсимланади. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш учун асос бўладиган кўрсаткични корхона мустақил белгилайди ва буни ҳисоб сиёсатида кўрсатади. База сифатида асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи суммаси кўп қўлланади.

Ҳисобот ойининг охириги санасида 2510-ҳисобварақда йиғилган умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидагиларга ҳисобдан чиқарилади:

— маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига (2010-ҳисобварақ дебетига);

— ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари таркибига (2310-ҳисобварақ дебетига);

— яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича харажатлар суммасига (2610-ҳисобварақ дебетига);

— хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар томонидан бажариладиган ишлар, хизматлар қиймати (2710-ҳисобварақ дебетига).

Мисол. Ишлаб чиқариш корхонасининг ҳисоб сиёсатида умумишлаб чиқариш харажатлари алоҳида ишлаб чи-

қаришлар ўртасида бевосита харажатларга мутаносиб ра-
вишда тақсимланиши кўзда тутилган.

Ҳисобот даврида корхонанинг умумишлаб чиқариш ха-
ражатлари 1 110 минг сўмни, бевосита харажатлари —
3 945 минг сўмни ташкил қилди, шу жумладан:

асосий ишлаб чиқариш харажатлари — 2 225 минг сўм;

ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари — 1 275 минг сўм;

хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш харажатлари —
445 минг сўм.

Умумишлаб чиқариш харажатлари 1 110 минг сўмни таш-
кил қилди ва бу тарзда тақсимланади:

асосий ишлаб чиқаришга — 626 минг сўм ($2\,225 : 3\,945 \times 1\,110$);

ёрдамчи ишлаб чиқаришга — 359 минг сўм ($1\,275 : 3\,945 \times 1\,110$);

хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришга — 125 минг сўм
($445 : 3\,945 \times 1\,110$).

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Корхонанинг умумишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади	1110	2510	0200, 0500, 1000, 6710, 6520 ва б.
2	Умумишлаб чиқариш харажатларининг асосий ишлаб чиқаришни сақлаб туришга доир қисми ҳисобдан чиқарилди	626	2010	2510
3	Умумишлаб чиқариш харажатларининг ёрдамчи ишлаб чиқаришни сақлаб туришга доир қисми ҳисобдан чиқарилди	359	2310	2510
4	Умумишлаб чиқариш харажатларининг хизмат кўрсатувчи хўжаликни сақлаб туришга доир қисми ҳисобдан чиқарилди	125	2710	2510

ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР ХАРАЖАТЛАРИ

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағи қўйидагиларни таъминловчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун юритилади:

— турли хилдаги қувватлар (электр қуввати, буғ ва бошқ.) билан хизмат кўрсатиш;

— транспорт хизматлари;

— асосий воситаларни таъмирлаш;

— асбоб-ускуналар, штамплар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш деталлари, конструкцияларни тайёрлаш ёки қурилиш молларини бойитиш (асосан қурилиш корхоналарида);

— тош, шағал, кум ва бошқа рудага оид бўлмаган материалларни қазиб олиш;

— ёғоч тайёрлаш ва ёғоч тилиш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тузлаш, қуритиш ва консервалаш (асосан савдо корхоналарида);

— илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш.

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг дебити бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш ҳамда яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар билан боғлиқ бўлган билвосита харажатлар акс эттирилади.

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқариши тугалланган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи суммалари акс эттирилади. Бу суммалар 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг кредитидан 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари», 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар», 9130-«Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи», 9420-«Маъмурий харажатлар» ва бошқа ҳисобварақлар билан корреспонденцияда ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳам ўзининг асосий ёки хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариши (хўжалиги) учун, ҳам бошқа ташкилотлар учун ишларни бажариши (хизматлар кўрсатиши) мумкин.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатлари корхона бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида бирор-бир база асосида тақсимланади. Амалиётчилар бевосита харажатлар суммасидан фойдаланишади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш тартиби корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши лозим.

Мисол. Корхона балансида қозонхона (ёрдамчи ишлаб чиқариш) ва болалар боғчаси (хизмат кўрсатувчи хўжалик) ҳисобда турибди. Ҳисобот даврида асосий ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бевосита харажатлари 2 300 минг сўмни ташкил қилди, шу жумладан:

тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш харажатлари — 1 700 минг сўм;

хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш харажатлари — 600 минг сўм.

Корхонани иссиқлик билан таъминлаш бўйича қозонхона харажатлари ҳисобот даврида 300 минг сўмни ташкил қилди.

Корхонанинг ҳисоб сиёсатида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг алоҳида ишлаб чиқаришлар ўртасида уларни тутиб туриш бўйича бевосита харажатларга мувофиқ тарзда тақсимланиши кўзда тутилган.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги тарзда тақсимланади:

асосий ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли харажатлар — 222 минг сўм ($1\,700 : 2\,300 \times 300$);

хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли харажатлар — 78 минг сўм ($600 : 2\,300 \times 300$).

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Асосий ишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилди	1 700	2010	1000, 6710, 6520 ва б.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
2	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилди	600	2710	1000, 6710, 6520 ва б.
3	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилди	300	2310	1000, 6710, 6520 ва б.
4	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқаришни сақлаш бўйича харажатларга ҳисобдан чиқарилади	222	2010	2310
5	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари хизмат кўрсатувчи хўжаликларни сақлаш бўйича харажатларга ҳисобдан чиқарилади	78	2710	2310

Ёрдамчи ишлаб чиқариш бошқа ташкилотларга иш (хизмат)лар бажариши, маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин. Бу операциялар тегишли солиқ оқибатлари билан сотиш операциялари сифатида акс эттирилади.

Мисол. Саноат корхонасининг буғхонаси яқин орада жойлашган юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам тегишли бўлган уйларни иситади. Хизматлар кўрсатишдан олинган тушум ҳисобот даврида ҚҚС билан бирга 300 минг сўмни ташкил қилди. Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ушбу хизматларни бажариш билан боғлиқ харажатлари 160 минг сўмни ташкил қилди.

Корхона буғхонаси харажатлари ва даромадларини қуйидаги ўтказмалар билан акс эттириш лозим:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкилотларга ва шахсларга кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлари акс эттирилди	160	2310	1000, 6710, 6520 ва б.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
2	Бошқа ташкилотлар ва шахсларнинг қарзлари акс эттирилади	250	4010	9030
3	ҚҚС акс эттирилади	50	4010	6410
4	Бошқа ташкилотлар ва шахслардан пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади	300	5110, 5010	4010
5	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлари ҳисобдан чиқарилди	160	9130	2310

Ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмидан:

Йўл жамғармасига — 3 750 сўм ($250\,000 \times 1,5\%$);

Пенсия жамғармасига — 3 750 сўм ($250\,000 \times 1,5\%$);

Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига — 1 250 сўм ($250\,000 \times 0,5\%$) мажбурий ажратмалар ҳисоблаши лозим.

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар бу ёзувларни ҚҚСсиз акс эттирадилар:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкилотларга ва шахсларга кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлари акс эттирилди	160	2310	1000, 6710, 6520 ва б.
2	Бошқа ташкилотлар ва шахсларнинг қарзлари акс эттирилади	300	4010	9030
3	Бошқа ташкилотлар ва шахслардан пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади	300	5110, 5010	4010
4	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлари ҳисобдан чиқарилди	160	9130	2310

Ёрдамчи бўлинмаларда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби асосий ишлаб чиқаришга ўхшаш тарзда ташкил қилиниши мумкин.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ХАРАЖАТЛАРИ

Фаолияти маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган хўжалик ва ишлаб чиқаришлар исталган корхона учун хизмат кўрсатувчи ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликларга қуйидагилар кирадн:

- уй-жой-коммунал хўжаликлари;
- тикувчилик устахонаси ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатувчи устахоналар;
- мактабгача болалар муассасалари (болалар боғчалари);
- дам олиш уйлари ва базалари, оромгоҳлар, болалар соғломлаштириш масканлари ва бошқа соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасалар;
- ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари;
- ошхоналар, тамаддихоналар;
- алоҳида илмий-тадқиқот ва конструкторлик бўлинмалари.

2710-ҳисобварақда корхонанинг балансида ҳисобда турган хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар фаолияти билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари ҳам бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) турларга бўлинади.

Бевосита харажатлар хизмат кўрсатувчи хўжаликнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ (хўжалик ишчиларининг иш ҳақи, хўжалик томонидан ишлатилган моддий бойликларнинг қиймати, хўжалик ускуналарини сақлаш бўйича харажатлар ва ш. к.).

Бевосита харажатлар 2710-ҳисобварақнинг дебетида ва ҳисобланган амортизация, материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар ва ҳока-

золарни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида ҳисобга олинади.

Билвосита харажатлар хизмат кўрсатувчи хўжаликларни бошқариш ва таъминлаш билан боғлиқ (маъмурият ходимларининг иш ҳақи, умумхўжалик мақсадидаги асосий воситаларни сақлаш харажатлари ва ш. к.).

Мисол. Корхона балансида болалар боғчаси ҳисобда турибди. Болалар боғчасини сақлаш бўйича бир ойдаги харажатлар 491,5 минг сўмни ташкил қилди, шу жумладан:

болалар боғчаси ходимларининг иш ҳақи ижтимоий сугуртага ажратмалар билан бирга — 186 минг сўм,
 овқатланиш харажатлари — 259 минг сўм,
 амортизация харажатлари — 34 минг сўм,
 бошқа харажатлар (иссиқлик, электр қуввати, сув ва бошқ.) — 12,5 минг сўм (ҚҚС қўшилган ҳолда).

Ота-оналар томонидан бир ойда тўланган маблағлар 368 минг сўмни ташкил қилди.

Корхона балансида ҳисобда турган болалар боғчасини тутиб туриш харажатларини қуйидаги ўтказмалар билан акс эттириш лозим:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Болалар боғчаси ходимларининг иш ҳақи бўйича харажатлари ижтимоий сугуртага ажратмалар билан бирга ҳисобдан чиқарилди	186	2710	6710 6520
2	Овқатланиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди	259	2710	1000
3	Амортизация бўйича харажатлар акс эттирилди	34	2710	0200
4	Бошқа харажатлар ҳисобдан чиқарилди	12,5	2710	6010, 2310 ва б.
5	Ота-оналарнинг болалар боғчасига тўлов бўйича қарзлари акс эттирилади	368	4790	9030
6	Болалар боғчаси бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	491,5	9130	2710

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ҲИСОБИ

Тайёр маҳсулот қуйидаги икки усулдан бири билан ҳисобга олиниши мумкин:

- ҳақиқий таннархи бўйича;
- ҳисоб баҳоси (норматив (режа) таннархи) бўйича.

Тайёр маҳсулотни ҳисобга олишнинг танланган усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши лозим.

Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисоби

Ушбу усул ҳисоб-китобда оддий ва бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришга эга бўлмаган корхоналар томонидан қўлланади.

Тайёр маҳсулотни омборга топшириш кунда уни тайёрлаш бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси қуйидаги ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Корхона томонидан тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича кўриб қилиниши	
дебет	кредит
2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»; 2710-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар»

Яъни ҳисобот давридаги барча ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар таннархи-га қўшилади.

Маҳсулот бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий миқдорига (сонига) бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Мисол. Корхона қандиллар ишлаб чиқаради. Бир туркум қандилларнинг асосий ишлаб чиқариш харажатлари 1 300 минг сўмни ташкил этди, жумладан материалларга

харажатлар 850 минг сўм, ижтимоий суғуртага ажратмалар билан бирга ишчиларнинг иш ҳақи — 450 минг сўм. Айрим ишларни ёрдамчи ишлаб чиқариш амалга оширади. Унинг қандилларнинг ушбу туркуми бўйича харажатлари 140 минг сўмни ташкил этди.

Қандилларнинг ҳақиқий таннархи $850 + 450 + 140 = 1\,440$ минг сўмни ташкил қилади, бунда:

850 минг сўм — ишлаб чиқаришда фойдаланилган материаллар қиймати;

450 минг сўм — ижтимоий суғуртага ажратмалар билан бирга ишчиларнинг иш ҳақи;

140 минг сўм — ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Материалларга харажатлар акс эттирилди	850	2010	1010
2	Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи харажатлари ижтимоий суғуртага ажратмалар билан бирга акс эттирилди	450	2010	6710, 6520
3	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг харажатлари акс эттирилди	140	2310	6710, 6520
4	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари тайёр маҳсулотлар таннархига қўшилди	140	2010	2310
5	Тайёр маҳсулотларни оморга бериш акс эттирилди	1 440	2810	2010

Тайёр маҳсулотнинг ҳисоб баҳолари бўйича ҳисоби

Ҳисоб баҳолари сифатида қуйидаги баҳолар ишлатилиши мумкин:

- режа (норматив) таннархи;
- тайёр маҳсулотларнинг олдинги ҳисобот давридаги ҳақиқий таннархи.

Танланган ҳисоб баҳоси варианты корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши лозим.

Тайёр маҳсулотларни меъёрий таннархи бўйича ҳисобга олиш усули оммавий ва туркумли ишлаб чиқаришда ёки маҳсулотлар катта номенклатурада чиқарилганда қўлланади.

Тайёр маҳсулотларни ҳисоб баҳолари билан ҳисобга олиш учун қўшимча 2840-«Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулотлар» ҳисобварағини юритиш тавсия этилади, унинг дебети бўйича тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи, кредити бўйича эса норматив таннархи акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати (фарқларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб қиймати) ушбу маҳсулотларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига тенг бўлиши керак.

Тайёр маҳсулотларни ҳисоб баҳолари бўйича ҳисобга олишга доир операцияларни акс эттириш чизмаси қуйидаги кўринишга эга:

Тайёр маҳсулотларни ҳисоб баҳолари бўйича ҳисобга олишга доир операцияларни акс эттириш		
	дебет	кредит
Тайёр маҳсулотлар норматив қиймати бўйича кирим қилинди	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	2840-«Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулотлар»
Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади	2840-«Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулотлар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»

Мисол. Корхона ҳисобот даврида 1 000 тўплам шишали фужер ишлаб чиқарди ва бир тўпلامини 1 200 сўм нарх бўйича жами 1 200 минг сўм суммага сотди, шу жумладан ҚҚС — 200 минг сўм. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби режа баҳоси бўйича юритилади. Битта тўпламнинг режа таннархи 700 сўмни, ҳақиқий таннархи эса 750 сўмни ташкил қилди.

Ҳақиқий таннарх режа таннархидан ошади. Бу фарқ (2840-ҳисобварақдаги фарқ) маҳсулотни сотишда 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентсияси	
			дебет	кредит
1	Тайёр маҳсулотлар режа таннархи бўйича омборга кирим қилинди	700	2810	2840
2	Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади	750	2840	2010

Биргаликда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ҳисоби

Бир технологик жараёнда бир турдаги хом ашё ва материалларни қайта ишлашда турли хилдаги, ҳар бири ўзининг сотиш нархига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши мумкин. Ушбу турдаги маҳсулотлар биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот деб аталади.

Асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган, сотиш қиймати асосий маҳсулотга қараганда жуда паст бўлган маҳсулот кўшимча маҳсулот деб аталади.

Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўшимча маҳсулотдан шуниси билан фарқ қиладики, улар тақсимлаш нуқтасига етгунга қадар турли хилдаги маҳсулотлар сифатида идентификацияланмайди (аниқланмайди). Яъни тақсимлаш нуқтасига етгунга қадар улар алоҳида маҳсулотлар сифатида мавжуд бўлмайди.

Бўлиниш нуқтаси — технологик жараённинг муайян пайти, бунда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар алоҳида маҳсулотлар деб тан олинади.

Тармоқлар бўйича биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга мисоллар қуйида келтирилади:

Тармоқ	Тайёр маҳсулот
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш:	
Сут заводи	Сут, қаймоқ, ёғ, творог
Гўшт комбинати	Гўшт, тери, ёғ, суяк
Органик кимё заводи	Этилен, пропилен, бензол

Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сотиш қиймати бўлиниш нуқтасида аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ўртасида қуйидаги усуллардан бири билан тақсимлаш мумкин:

- натурал кўрсаткичлар усули;
- бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати усули.

Бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати усули шунга асосланганки, бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулотнинг ҳар бир турига уни сотишдан тахмин қилинган тушум умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади. Бунда энг юқори сотиш нархига энг кўп харажатлар мувофиқ келади.

Мисол. Корхона икки турдаги «А» ва «Б» маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш комплекс харажатлари 1 000 сўмни ташкил қилади. Ҳисобот даврида «А» маҳсулотдан 100 бирлик, «Б» маҳсулотдан 400 бирлик миқдорда ишлаб чиқарилди. Бўлиниш нуқтасида «А» маҳсулот бирлигининг бозор қиймати 20 сўмни, «Б» маҳсулот бирлигиники — 15 сўмни ташкил қилади.

Берилган маълумотларга асосан комплекс харажатлар сотиш қиймати усули бўйича қуйидаги тарзда тақсимланади:

Комплекс харажатлар

1 000 сўм.

Маҳсулотлар	Бирликлар сон	Бўлиниш нуқтасида бирлиkning бозор қиймати, сўм	Жами сотиш қиймати, сўм	Тақсимлаш базаси	Комплекс харажатлар
«А» маҳсулот	100	20	2 000	2/8	$1\ 000 \times 2/8 = 250$
«Б» маҳсулот	400	15	6 000	6/8	$1\ 000 \times 6/8 = 750$
Жами:			8 000		1 000
«А» маҳсулотга тақсимланди					250 сўм
«Б» маҳсулотга тақсимланди					750 сўм
Жами тақсимланган комплекс харажатлар					1 000 сўм

Бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати усулининг камчилиги шуки, у олдинги харажатлар сотишдан олинган даромадлар билан белгиланади деган тахминга асосланади, яъни амалда сотишдан паст даромад берадиган фойдасиз маҳсулотга комплекс харажатларнинг кичик улушигина тақсимланади. Бу маҳсулотнинг фойда келтириши иллюзияси (алданиб қолиш)га олиб келади.

Натурал кўрсаткичлар усули бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулотнинг ҳар бир турига унинг натурал кўрсаткичларида (маҳсулот оғирлиги ёки ҳажми) ифодаланган ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланишини ифодалайди.

Мисол. Корхона икки турдаги «А» ва «Б» маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш комплекс харажатлари 1 000 сўмни ташкил қилади. Ҳисобот даврида «А» маҳсулотдан 100 бирлик, «Б» маҳсулотдан 400 бирлик миқдорда ишлаб чиқарилди.

Берилган маълумотларга асосан комплекс харажатлар натурал кўрсаткичлар усули бўйича қуйидаги тарзда тақсимланади:

Комплекс харажатлар

1 000 сўм.

Маҳсулотлар	Бирликлар сон	Тақсимлаш базаси	Комплекс харажатлар	1 бирлик таннархи
«А» маҳсулот	100	1/5	$1\ 000 \times 1/5 = 200$	$200 : 100 = 2$
«Б» маҳсулот	400	4/5	$1\ 000 \times 4/5 = 800$	$800 : 400 = 2$
Жами:	500		1 000	
«А» маҳсулотга тақсимланди				200 сўм.
«Б» маҳсулотга тақсимланди				800 сўм.
Жами тақсимланган комплекс харажатлар				1 000 сўм.

Натурал кўрсаткичлар усулидан фойдаланилганда ҳар бир турдаги маҳсулот бирлигининг таннархи бир хил бўлади, мисолда бир бирликнинг таннархи 2 сўмга тенг.

Натурал кўрсаткичлар усулининг афзаллиги унинг оддийлигида.

Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг алоҳида турларига кейин қайта ишлов берилса ҳамда бўлиниш нуқтасида уларни сотиш қийматини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ишлаб чиқариш харажатлари биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўйича қуйидаги усуллардан бири билан тақсимланади:

- сотишнинг соф қиймати усули;
- сотишдан ялпи фойданинг доимий улуши усули.

Сотишнинг соф қиймати усули биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича харажатлар уларни сотишнинг соф қийматига мутаносиб равишда тақсимланишига асосланади. Сотишнинг соф қийматини аниқлаш учун бўлиниш нуқтасидан кейин сарфланган қўшимча харажатларни сотиш баҳосидан чиқариб ташлаш зарур.

Мисол. Корхона икки турдаги «А» ва «Б» маҳсулот ишлаб чиқаради. Бўлиниш нуқтасидан кейин ҳар бир маҳсулотга қайта ишлов берилади. Ишлаб чиқариш комплекс харажатлари 30 минг сўмни ташкил қилади. «А» маҳсулотни кейинги қайта ишлаш харажатлари 16 минг сўмни, «Б» маҳсулотники эса 24 минг сўмни ташкил қилади. Ҳисобот даврида «А» маҳсулотдан 1 600 бирлик, «Б» маҳсулотдан 800 бирлик миқдорда ишлаб чиқарилди. «А» маҳсулот бирлигининг сотиш баҳоси 25 сўмни, «Б» маҳсулот бирлигиники эса 50 сўмни ташкил қилади.

Берилган маълумотларга асосан харажатлар сотишнинг соф қиймати усули бўйича қуйидаги тарзда тақсимланади:

	Бирликлар сони	Тайёр маҳсулотнинг сотиш баҳоси, сўм	Сотиш қиймати, минг сўм	Кейинги қайта ишлаш харажатлари, минг сўм	Сотишнинг соф қиймати, минг сўм	Тақсимлаш базиси	Комплексе харажатлар, минг сўм
	2	3	$4 = 2 \times 3$	5	$6 = 4 - 5$	7	8
«А» маҳсулот	1600	25	40	16	24	$24 : 40$	$30 \times 24 : 40 = 18$
«Б» маҳсулот	800	50	40	24	16	$16 : 40$	$30 \times 16 : 40 = 12$
Жами:					40		30
«А» маҳсулотта тақсимланди							18
«Б» маҳсулотта тақсимланди							12
Жами тақсимланган компеке харажатлар							30

Сотишдан ялли фойданинг доимий улуши усулида харажатлар шу тариқа тақсимланиши лозимки, бунда ҳар бир алоҳида маҳсулот учун умумий ялли фойданинг фоизи улуши бир хил бўлиши ҳамда умумий ялли фойда кўрсаткичига тенг бўлиши керак. Бу усул:

— ялли фойда фоизи ҳисоб-китобини;

— сотилган маҳсулот таннархини аниқлаш ва комплекс ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашни ўз ичига олади.

Мисол. Корхона икки турдаги «А» ва «Б» маҳсулот ишлаб чиқаради. Бўлиниш нуқтасидан кейин ҳар бир маҳсулотга қайта ишлов берилади. Ишлаб чиқариш комплекс харажатлари 30 минг сўмни ташкил қилади. «А» маҳсулотни кейинги қайта ишлаш харажатлари 16 минг сўмни, «Б» маҳсулотники эса 24 минг сўмни ташкил қилади. Ҳисобот даврида «А» маҳсулотдан 1 600 бирлик, «Б» маҳсулотдан 800 бирлик миқдорда ишлаб чиқарилди. «А» маҳсулот бирлигининг сотиш баҳоси 25 сўмни, «Б» маҳсулот бирлигиники эса 50 сўмни ташкил қилади.

Берилган маълумотларга асосан ишлаб чиқариш харажатлари сотишдан ялли фойданинг доимий улуши усули бўйича қуйидаги тарзда тақсимланади:

	Бирликлар сони	Тайёр маҳсулотни сотиш баҳоси, минг сўм	Сотиш қиймати, минг сўм
«А» маҳсулот	1600	25	40
«Б» маҳсулот	800	50	40
Жами:			80

Ялли фойда фоизи ҳисоб-китоби:

Сотиш қиймати — 80 минг сўм.

Минус комплекс ишлаб чиқариш харажатлари ва бўлинган харажатлар — 70 минг сўм.

Ялли фойда — 10 минг сўм.

Сотишга нисбатан ялли фойданинг фоизи — 12,5 % (10 : 80 x 100).

Сотилган маҳсулот таннархини аниқлаш ва комплекс ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш:

	«А» маҳсулот, миңг сўм	«Б» маҳсулот, миңг сўм	Жами, миңг сўм
Сотиш қиймати	40	40	80
<i>Минус</i>			
Ялпи фойда, сотишнинг 12,5 %и	5	5	10
Сотилган маҳсулот таннари	35	35	70
<i>Минус</i>			
Бўлинган харажатлар	16	24	40
Комплекс ишлаб чиқариш харажатлари	19	11	30

Мазкур усулдан фойдаланилганда ҳар бир маҳсулот бўйича алоҳида даражада харажатлар ва сотиш ҳажми ўртасидаги боғлиқлик доимий (ўзгармас) деб тахмин қилинади деган гумон бор. Бундай боғлиқлик катта ас-сортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган компанияларда кам кузатилади.

Маҳсулотларга тақсимланган харажатлар ушбу усулдан фойдаланилганда ҳар доим ҳам мусбат бўлавермайди. Баъзи маҳсулотларга комплекс ишлаб чиқариш харажатлари минус белгиси билан олиб борилади.

Мисол. ВК кимё компанияси битта жараёнда бирга-ликда ишлаб чиқариладиган учта маҳсулот ишлаб чиқаради. Бўлиниш нуқтасидан кейин ҳар бир маҳсулотга қайта ишлов берилиши мумкин. Қуйида июнь ойи учун ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.

	«В» маҳсулот	«К» маҳсулот	«С» маҳсулот
Бўлиниш нуқтасидаги сотиш баҳоси, бир литр учун сўмда	6	8	9
Кейинги қайта ишлов- дан сўнг сотиш баҳоси, бир литр учун сўмда	10	20	30
Бўлиниш нуқтасидан кейинги харажатлар, сўм	20 000	10 000	22 500
Ишлаб чиқарилган маҳсулот, литр	3 500	2 500	2 000

Ҳисоб-китобларга кўра бўлиниш нуқтасига қадар комплекс харажатлар 40 минг сўмни ташкил қилади ҳамда уларни компанияда уч турдаги маҳсулот ўртасида литрда ишлаб чиқарилган ҳажмига мувофиқ тақсимлаш амалиёти қўлланилади.

Комплекс харажатларни тақсимлаш (натурал кўрсаткичлар усули) ва июнь ойидаги фойда:

Маҳсулот	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, л	Умумий ҳажмдаги улуши	Комплекс харажатлар, сўм	Бўлиниш нуқтасидан кейинги харажатлар, сўм	Кейинги қайта ишловдан сўнг сотилган олинган тушум, сўм	Фойда (зарар)
«В»	3 500	35/80	17 500	20 000	35 000	(2 500)
«К»	2 500	25/80	12 500	10 000	50 000	27 500
«С»	2 000	20/80	10 000	22 500	60 000	27 500
Жами:	8 000	80/80	40 000	52 500	145 000	52 500

Маҳсулотларга кейинги қайта ишлов бериш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун тушум ва харажатларнинг кўпайиш таҳлили ўтказилди:

	«В» маҳсулот	«К» маҳсулот	«С» маҳсулот	Жами
Кўпайиб борувчи тушум	$(10 - 6) \times 3500 = 14\ 000$	$(20 - 8) \times 2500 = 30\ 000$	$(30 - 9) \times 2000 = 42\ 000$	86 000
Кўпайиб борувчи харажатлар	20 000	10 000	22 500	52 500
Кўпайиб борувчи фойда (зарар)	(6 000)	20 000	19 500	33 500

Жадвалдан кўринишича, «В» маҳсулотни кейинги қайта ишлашни рад этиш лозим, чунки қайта ишлов беришдан кўрилган зарар 6 минг сўмни ташкил қилади. Корхона учун «К» ва «С» маҳсулотларни қайта ишлаш фойдали, уларни қайта ишлашдан корхона мос равишда 20 минг сўм ва 19,5 минг сўм қўшимча фойда олади. Хулоса: қўшимча даромадлар миқдори қўшимча харажатлардан юқори бўлгунга қадар қайта ишлашни давом эттириш мумкин.

Қўшимча тайёр маҳсулот ҳисоби

Қўшимча маҳсулот комплекс ишлаб чиқаришларда пайдо бўлади. Қўшимча маҳсулот қиймати асосий маҳсулотни кига қараганда анча паст. Қўшимча маҳсулотга пахтани қайта ишлашда кунжара (чигит пўстлоғи), бензин ишлаб чиқаришда — қатрон ва керосин мисол бўлади.

Асосий маҳсулот таннархини аниқлашда қўшимча маҳсулотнинг жорий қиймати ёки сотишнинг соф қиймати ишлаб чиқариш жараёнларининг умумий харажатларидан чегирилади, харажатларнинг қолган қисми эса асосий маҳсулотга тегишли бўлади.

Маҳсулотнинг қўшимча турларини ҳисобга олиш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

— *қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда сотиш*: жорий даврда сотилган асосий маҳсулотнинг таннархи қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда сотиш (соф сотиш) суммасига камайтирилади. Қўшимча маҳсулотнинг сотилмаган захиралари қолдиғи бўлиниш нуқтасидан кейин қўшимча маҳсулотларнинг қайта ишланишига қилинган харажатлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади. Қўшимча маҳсулот қолдиғини ҳақиқатда сотиш (соф сотиш) суммаси қўшимча маҳсулот сотилганда тан олинади;

— *қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда ишлаб чиқариш*: асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришда сарфланган харажатлар ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот барча миқдорининг соф сотиш қиймати суммасига дарҳол камайтирилади. Сотилмаган қўшимча маҳсулотнинг қолдиғи сотишнинг соф қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Қўшимча маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг қўлланадиган усуллари корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Мисол. «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш жараёнининг охирида «В» қўшимча маҳсулот пайдо бўлади. Қуйидаги маълумотлар берилган:

Икки маҳсулотга бўлингунга қадар маҳсулотлар учун сарфланган харажатлар, сўм	60 000
--	--------

Мазкур даврда ишлаб чиқарилди: «А» маҳсулот, бирлик «В» қўшимча маҳсулот, бирлик	20 000 4 000
Бўлинишдан кейин «В» қўшимча маҳсулотни қайта ишлаш харажатлари (0.1 сўм/бирлик бўйича 4 000 бирлик)	400
Мазкур даврдаги сотиш: «А» маҳсулот, 15 000 бирлик «В» қўшимча маҳсулот, 2 000 бирлик	5 сўм/бирлик 1 сўм/бирлик

Маҳсулотларнинг қўшимча турларини ҳисобга олиш қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда сотиш бўйича амалга оширилади:

1) қўшимча маҳсулот сотилмайди деган тахминдан келиб чиқиб, бир бирлик асосий маҳсулотнинг таннархи аниқланади. Бунинг учун комплекс харажатлар асосий маҳсулотга олиб борилади: $60\,000 : 20\,000 = 3$ сўм/бирлик;

2) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишда сотилган маҳсулот таннархидан қўшимча маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум айирилади, яъни асосий маҳсулотга олиб борилган харажатлар камайтирилади.

Қўшимча маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум ҳисоб-китоби: $2\,000 \times (1 - 0,1) = 1\,800$ сўм.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот:

Кўрсаткичлар	Сумма
Сотиш	$15\,000 \times 5 = 75\,000$
Сотилган маҳсулот таннархи	$15\,000 \times 3 - 1\,800 = 43\,200$
Ялпи даромад	31 800

Мисол. «А» маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш жараёнининг охирида «В» қўшимча маҳсулот пайдо бўлади. Қуйидаги маълумотлар берилган:

Икки маҳсулотга бўлингунга қадар маҳсулотлар учун сарфланган харажатлар, сўм	60 000
Мазкур даврда ишлаб чиқарилди: «А» маҳсулот, бирлик «В» қўшимча маҳсулот, бирлик	20 000 4 000
Бўлинишдан кейин «В» қўшимча маҳсулотни қайта ишлаш харажатлари (0.1 сўм/бирлик бўйича 4 000 бирлик)	400

Маъкур даврдаги сотиш: «А» маҳсулот, 15 000 бирлик «В» қўшимча маҳсулот, 2 000 бирлик	5 сўм/бирлик 1 сўм/бирлик
---	------------------------------

Маҳсулотларнинг қўшимча турларини ҳисобга олиш қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилади:

1) ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулотларнинг прогноз қилинган соф сотиш қиймати аниқланади $[4\ 000 \times (1 - 0,1) = 3\ 600 \text{ сўм}]$;

2) прогноз қилинган келгуси сотиш қиймати суммасига комплекс харажатлар камайтирилади $(60\ 000 - 3\ 600 = 56\ 400 \text{ сўм})$;

3) қўшимча маҳсулотдан келгусида соф тушум олиншини ҳисобга олган ҳолда асосий маҳсулот бир бирлигининг таннархи аниқланади $(56\ 400 : 20\ 000 = 2,82 \text{ сўм/бирлик})$. Ҳамда ушбу таннарх бўйича асосий маҳсулотни сотишга ҳисобдан чиқариш амалга оширилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот:

Кўрсаткичлар	Сумма
Сотиш	$15\ 000 \times 5 = 75\ 000$
Сотилган маҳсулот таннархи	$15\ 000 \times 2,82 = 42\ 300$
Ялпи даромад	32 700

Усулни танлаш савдо конъюнктурасига боғлиқ. Қўшимча маҳсулотларни сотишга кафолат бўлмаганда ва уларнинг нархлари тез-тез ўзгарувчан бўлса, қўшимча маҳсулотлар сотилгунга қадар соф даромадни тан олиш тавсия этилмайди. Айни пайтда агар унинг суммаси катта бўлмаса, уни эътиборга олмаса ҳам бўлади.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ СОТИШДАН ОЛИНГАН ТУШУМ

Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум маҳсулот (ишлар, хизматлар) харидори (буюртмачиси) билан тузилган шартномада белгиланган нархлар бўйича, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи чегирилган ҳолда аниқланади.

Соф тушумга:

- қайтарилган товарлар қиймати;
- харидорларга берилган чегирмалар суммаси ва бошқалар киритилмайди.

Соф тушум

Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган тушумни 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» ҳисобварағи кредитида 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинган ҳисобварақлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттириш лозим.

Тушум билан бир вақтда ҳисобварақ-фактура (юкхат) ва бошқа ҳужжатлар асосида сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисобварақ-фактура қимматликларнинг юклаб жўнатилиш санасидан кечиктирмай белгиланган шакл бўйича икки нусхада ёзилади. Ҳисобварақ-фактуранинг биринчи нусхаси маҳсулот харидорига тақдим этилади ва унга қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга киритиш ҳуқуқини беради. Ҳисобварақ-фактуранинг иккинчи нусхаси мол етказиб берувчида қолади.

Таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулотни юклаб жўнатишни 15 % олдиндан тўлов мавжуд бўлгандагина амалга ошириши керак.

Корхона бухгалтерияси ҳисобварақ-фактура асосида маҳсулотни юклаб жўнатишни, ҚҚС ва акциз солиғини

(акцизланадиган маҳсулот юклаб жўнатилганда) ҳисоблашни акс эттиради, шунингдек сотилган маҳсулот таннархини ҳисобдан чиқаради.

Мисол. Корхона маҳсулот етказиб бериш шартномасига биноан харидорга 384 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС — 64 минг сўм, ўз маҳсулотларини юклаб жўнатди. Маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи 150 минг сўмни ташкил қилади. Харидор томонидан 100 фоизли олдиндан тўлов амалга оширилган.

Корхона — умумбелгиланган солиқлар тўловчиси.

Сотиш бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулот учун олинган олдиндан тўлов акс эттирилди	384	5110	6310
2	Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилди	150	9110	2810*
3	Маҳсулот сотишдан олинган даромад акс эттирилди	320	4010	9010
4	ҚҚС ҳисобланди	64	4010	6410
5	Бўнакни ҳисобга олиш акс эттирилди	384	6310	4010
6	Сотиш бўйича молиявий натижа акс эттирилади (9110 ва 9010-ҳисобварақларни ёпиш)	150 320	9910 9010	9110 9910

ҚҚСсиз сотилган маҳсулот қийматидан корхона қуйидагиларга мажбурий ажратмаларни тўлаши лозим:

Йўл жамғармасига — 4 800 сўм (320 000 x 1,5 %);

Пенсия жамғармасига — 4 800 сўм (320 000 x 1,5 %);

Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига — 1 600 сўм (320 000 x 0,5 %).

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхона бундай вазиятни қуйидаги ёзувлар билан акс эттиради:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулот учун олинган олдиндан тўлов акс эттирилди	384	5110	6310
2	Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилди	150	9110	2810*
3	Маҳсулот сотишдан олинган даромад акс эттирилди	384	4010	9010
4	Сотилган маҳсулот учун бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилди	384	6310	4010
5	Сотиш бўйича молиявий натижа акс эттирилади (9110 ва 9010 ҳисобварақларни ёпиш)	150 384	9910 9010	9110 9910

* Бундай ўтказма тайёр маҳсулот ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобга олинганда берилади.

Ялпи тушум — 384 минг сўмга 7 % ставка бўйича ягона солиқ тўлови солинади. Ягона солиқ тўлови суммаси 26,88 минг сўмни (384 x 7 %) ташкил қилади.

Агар корхона Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий идораси билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартнома тузган бўлса, унда ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 5 %и — 1,344 минг сўм (26,88 x 5 %) ҳаракатни ривожлантириш Жамғармасига ўтказилиши лозим.

Ихтиёрий асосда ҚҚС тўлайдиган ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланган корхоналар ушбу вазиятни умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхоналар сингари қайд этадилар. Бунда ягона солиқ тўлови суммаси тўланган ҚҚС суммасига, бироқ ягона солиқ тўлови суммасининг 50 %идан кўп бўлмаган миқдорга камаяди.

Тайёр маҳсулот ҳисоб баҳолари бўйича ҳисобга олинганда одатда, меъёрий таннарх унинг ҳақиқий таннархига мос тушмайди. 2840-«Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулот» ҳисобварағининг дебет ёки кредит томонида қолдиқ пайдо бўлади.

Меъёрий қиймати бўйича ҳисобга олинган тайёр маҳсулот сотилганда тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан унинг ҳисоб баҳоси ўртасидаги фарқни ҳам ҳисобдан чиқариш лозим.

Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган фарқ суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган фарқ суммаси} = \text{Маҳсулотнинг ҳисоб баҳоси} \times \frac{\text{Маҳсулот ҳақиқий таннархининг унинг ҳисоб баҳосидан фарқи фоизи}}{100}$$

Маҳсулот ҳақиқий таннархининг унинг ҳисоб баҳосидан фарқи фоизи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Маҳсулот ҳақиқий таннархининг унинг ҳисоб баҳосидан фарқи фоизи} = \frac{\text{Ой бошида тайёр маҳсулот бўйича фарқ} + \text{Ҳисобот ойда омборга келиб тушган тайёр маҳсулот бўйича фарқ}}{\text{Ой бошида тайёр маҳсулотнинг ҳисоб баҳоси бўйича қиймати} + \text{Ҳисобот ойда омборга келиб тушган тайёр маҳсулотнинг ҳисоб баҳоси бўйича қиймати}} \times 100 \%$$

Фарқ суммаси ҳисоб баҳолари бўйича тайёр маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилган ҳисобвараққа ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Корхона ҳисобот даврида 1 000 тўплам шишали фужер ишлаб чиқарди ва бир тўпلامي 1 200 сўм нарх бўйича жами 1 200 минг сўм суммага сотди, шу жумладан ҚҚС — 200 минг сўм. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби режа баҳоси бўйича юритилади. Битта тўпламнинг режа таннархи 700 сўмни, ҳақиқий таннархи эса 750 сўмни ташкил қилди.

Мазкур вазиятда ҳақиқий таннарх режа таннархидан ошади, 2840-ҳисобварақда ҳосил бўлган фарқ 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Тайёр маҳсулотлар режа таннархи бўйича омборга кирим қилинди	700	2810	2840

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, миш сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
2	Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади	750	2840	2010
3	Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромад акс эттирилади	1 000	4010	9010
4	Тайёр маҳсулотларни сотишдан ҚҚС ҳисобланди	200	4010	6410
5	Тайёр маҳсулотларнинг норматив таннархи ҳисобдан чиқарилди	700	9110	2810
6	Тайёр маҳсулотлар ҳақиқий таннархининг норматив таннархидан ошиб кетиш суммаси ҳисобдан чиқарилди	50	9110	2840

Акцизланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда ялпи тушумга акциз солиғи суммаси ҳам киритилади. Акцизланадиган товарлар бўйича ҚҚС солинадиган айланмага акциз солиғи суммаси қўшилади. Соф тушум ҚҚС ва акциз солиғисиз аниқланади.

Мисол. Корхона уч турдаги акцизли маҳсулот ишлаб чиқаради. Барча турдаги маҳсулотлар учун акциз солиғи ставкаси 5 %дан иборат. Товарларнинг акциз ва ҚҚСсиз нархлари қуйидагичадир: 1-товар — 87 000 сўм, 2-товар — 114 000 сўм, 3-товар — 204 000 сўм. Реализация қилинган: 1-товар — 3 дона, 2-товар — 4 дона, 3-товар — 1 дона. ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда товар турлари бўйича етказиб бериш қиймати: 1 — 328 860 сўм, 2 — 574 560 сўм, 3 — 257 040 сўмни ташкил этди.

ҚҚС акциз солиғи қўшилган етказиб бериш қиймати бўйича ҳисоблаб чиқарилди.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулот учун олинган олдиндан тўлов акс эттирилди	1 160 460	5110	6310
2	Маҳсулотни сотишдан олинган даромад акс эттирилди	921 000	4010	9010

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
3	ҚҚС ҳисобланди	193 410	4010	6410
4	Акциз солиғи ҳисобланди	46 050	4010	6410
5	Бўнакнинг ҳисобга олинishi акс эттириди	1 160 460	6310	4010

ҚҚС ва акциз солиғисиз сотилган маҳсулот қийматидан корхона қуйидагиларга мажбурий ажратмаларни тўлаши лозим:

Йўл жамғармасига — 13 815 сўм ($921\,000 \times 1,5\%$);

Пенсия жамғармасига — 13 815 сўм ($921\,000 \times 1,5\%$);

Мақтаб таълимини ривожлантириш жамғармасига — 4 605 сўм ($921\,000 \times 0,5\%$).

Айтиб ўтиш лозимки, акцизли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар 2008 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

2008 йил 31 январдан бошлаб жорий этилган ҳисобварақ-фактура шаклида акциз солиғини акс эттириш учун алоҳида устунлар киритилган: бирида акциз солиғи ставкаси, иккинчисида — акциз солиғи суммаси кўрсатилади.

Ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисми қуйидаги кўринишда бўлади:

Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиғи		ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставкаси	суммаси	ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Савдо пештахтаси	дона	3	87 000	261 000	5 %	13 050	20 %	54 810	328 860
Стул	дона	4	114 000	456 000	5 %	22 800	20 %	95 760	574 560
Шкаф	дона	1	204 000	204 000	5 %	10 200	20 %	42 840	257 040
Жами				921 000		46 050		193 410	1 160 460
Тўлов учун жами	Бир миллион бир юз олтинчи минг тўрт юз олтинчи сўм								

4-устунда «Нархи» — товар бирлигининг нархи акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади;

5-устунда «Етказиб бериш қиймати» — етказиб бериш қиймати товар миқдори (3-устун)ни унинг нархи (4-устун)га кўпайтирилиб аниқланади;

7-устунда «Акциз солиғи суммаси» — белгиланган формула бўйича акциз суммаси ҳисобланади.

Маҳсулотни хорижий валютада ифодаланган нарх бўйича сотишдаги тушум

Агар корхона маҳсулотни хорижий валютада сотса, бухгалтерия ҳисобида курс фарқлари юзага келади. Бу бухгалтерия ҳисобининг сўмда юритилиши билан боғлиқ. Курс фарқи — бу қиймати мажбуриятларни бажариш санасидаги ва ҳисобот ойининг охириги кунисидаги МБ курси бўйича хорижий валютада ифодаланган активлар ёки мажбуриятларнинг сўмдаги баҳоси билан ушбу активлар ва мажбуриятларнинг уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасида ва олдинги ҳисобот ойининг охириги кунисидаги МБ курси бўйича сўмдаги баҳоси ўртасидаги фарқ.

Балансининг барча валюта моддалари қайта баҳоланади:

— кассадаги, банкнинг депозит ва ссуда ҳисобварақларидаги, шу жумладан аккредитивлардаги валюта маблағлари;

— чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;

— чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар;

— чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредит ва заёмлар.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун чет эл валюта-сидаги операцияларни қайта ҳисоблаш саналари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Чет эл валютасидаги операциялар	Чет эл валютасидаги операция амалга оширилган сана бўлиб ҳисобланади
Валюта ҳисобварақлари бўйича банк операциялари	Пул маблағларини валюта ҳисобварағига қайд этиш ёки уларни валюта ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш санаси

Чет эл валютасидаги операциялар	Чет эл валютасидаги операция амалга оширилган сана бўлиб ҳисобланади
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни тан олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралар, бошқа мол-мулк ва хизматлар импорти	Божхона юк декларациясини тўлдириш санаси
Ҳисобдор суммалар бўйича чет эл валютасидаги ходимларга қарзларни акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси
Чет эл валютасидаги қарзларни сўндириш	Чет эл валютасидаги қарзларни сўндириш санаси
Устав сармоясига улушлар бўйича муассислар қарзларининг ҳосил бўлиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав сармоясини шакллантириш	Устав сармоясига муассислар улушларини киритиш санаси

МБ курсининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда курс фарқлари мусбат ёки манфий бўлиши мумкин.

Курс ўсганда актив ҳисобварақлар бўйича мусбат фарқ, пассив ҳисобварақлар бўйича манфий курс фарқи юзага келади.

Курс пасайганда актив ҳисобварақлар бўйича манфий фарқ, пассив ҳисобварақлар бўйича мусбат курс фарқи юзага келади.

Курс фарқлари қуйидаги икки усул билан ҳисобдан чиқарилади:

— *молия-хўжалик фаолияти натижаларига тўғри олиб бориш усули*: мусбат курс фарқи — молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобвараққа, манфий курс фарқи — молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобвараққа;

— *жамғариш усули*: мусбат курс фарқи — кечиктирилган даромадларни (келгуси даврлар даромадларини)

ҳисобга олувчи ҳисобвараққа, манфий курс фарқи — келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобвараққа.

Курс фарқларини киритишнинг қўлланиладиган усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Мусбат курс фарқи 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» ҳисобварағида, манфий курс фарқи 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Курс фарқлари молиявий фаолият бўйича даромадлар ёки харажатларга қўшилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-шакл):

150-сатр бўйича — мусбат курс фарқлари;

200-сатр бўйича — манфий курс фарқлари кўрсатилади.

Фойда солигини ҳисоблашда мусбат курс фарқи корхонанинг жами даромадига қўшилиши, манфий курс фарқи эса чиқариб ташланиши лозим.

Ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланган корхоналар учун курс фарқи қисмида солиқ солиш объекти мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошган тақдирда, ушбу ошган сумма солиқни ҳисоблашда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Корхоналар маҳсулотларга нархни шартли birlikларда (одатда, АҚШ долларига тенглаштирилган) белгилаб, тўловни сўмда қабул қилган ҳолларда ҳам курс фарқларини ҳисоблаш лозим.

Мисол. Корхона сотиладиган маҳсулот қийматини АҚШ доллариди белгилайди, бироқ ҳисоб-китобларни тўлов санасидаги МБ курси бўйича сўмда ўтказилади. Маҳсулот қиймати 3 минг долларни, шу жумладан ҚҚС 500 долларни ташкил қилади. Сотилган маҳсулотлар таннархи — 2 020 минг сўм. Бўнакнинг келиб тушиши ва маҳсулотларнинг юклаб жўнатилиши бир ойда амалга оширилди.

Доллар курси:

100 % миқдориди бўнак келиб тушган санада — 1 226 сўмни;

маҳсулотлар юклаб жўнатилган санада — 1 228 сўмни ташкил қилди.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Харидордан бўнак олинди (3 000 × 1 226)	3 678	5100	6310
2	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилди (2 500 × 1 228)	3 070	4010	9010
3	ҚҚС ҳисобланди (500 × 1 228)	614	4010	6410
4	Қарзни қайта баҳолашдан курс фарқи (1 228 – 1 226) × 3 000 ва бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилади	6 3 684	9620 6310	6310 4010
5	Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	2 020	9110	2810

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхона ушбу вазиятни қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттиради:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Харидордан бўнак олинди (3 000 × 1 226)	3 678	5100	6310
2	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилди (3 000 × 1 228)	3 684	4010	9010
3	Қарзни қайта баҳолашдан курс фарқи (1 228 – 1 226) × 3 000 ва бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилади	6 3 684	9620 6310	6310 4010
4	Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	2 020	9110	2810

Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда манфий курс фарқи солиқ солинадиган базани камайтирмайди (агарда мусбат курс фарқи бўлмаса).

Тузилган шартнома шартларига кўра товарларга нархларни хорижий валюта эквивалентида белгилайдиган корхоналар ҳисобварақ-фактураларни хорижий валюта эквивалентида ёзиб, ҳисобварақ-фактура ёзилган санадаги МБ курси бўйича сўмда акс эттирадилар.

Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисмини қуйидагича тўлдиради:

Товар (иш, хизмат)-лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиғи		ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставкаси	суммаси	ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Тарози қурилмаси	дона	1	\$ 2 500	\$ 2 500	акциз солиғисиз		20	\$ 500	\$ 3 000
Тўлов учун жами ҳисобланди				\$ 2 500				\$ 500	\$ 3 000
Тўлов учун жами сўмди: уч миллион олти юз саксон тўрт минг сўм				3 070 000				614 000	3 684 000
Юклар жўнатиш санасидаги курс: 1 USD = 1 228 сўм									

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхона ҳисобварақ-фактурани қуйидагича тўлдиради:

Товар (иш, хизмат)-лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиғи		ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставкаси	суммаси	ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Тарози қурилмаси	дона	1	\$ 3 000	\$ 3 000	акциз солиғисиз		ҚҚСсиз		
Тўлов учун жами ҳисобланди				\$ 3 000					
Тўлов учун жами сўмди: уч миллион олти юз саксон тўрт минг сўм				3 684 000					
Юклар жўнатиш санасидаги курс: 1 USD = 1 228 сўм									

Тайёр маҳсулотни чегирмалар билан сотишдаги тушум

Ишлаб чиқарувчилар ўзларининг доимий харидорларига ёки катта туркум харид қилувчиларга пул чегирмалари, савдо дисконтлари ва бошқа рағбатларни тақдим этиши мумкин. Пул чегирмалари деганда одатдаги сотиш нархининг камайтирилиши тушунилади. Пул чегирмалари 9050-«Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирма-

лар» контрпассив ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чегирмалар маҳсулот сотишдан олинган тушумни камайтиради.

Мисол. Корхона ўз маҳсулотини сотишда доимий харидорларига пул чегирмасини тақдим этади. Тарози қурилмасини сотиш нархи 120 минг сўмни ташкил қилади, чегирма суммаси сотиш нархидан 10 %. Тарози қурилмасининг таннархи — 50 минг сўм.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Тарози қурилмасини сотишдан олинган даромад акс эттирилади	100	4010	9010
2	ҚҚС ҳисобланди	18	4010	6410
3	Чегирма акс эттирилади	10	9050	4010
4	Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ҳисобдан чиқарилди	50	9110	2810
5	Харидор томонидан қарз тўланди	108	5110	4010
6	9050-ҳисобварақнинг ёпилиши	10	9010	9050

Маҳсулотни чегирма билан сотишда даромад чегирма чегирилган ҳолда аниқланади. Тегишлича, жамғармаларга мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини корхоналар чегирма чегирилган сотиш қийматидан (90 минг сўмдан) амалга оширишлари керак:

Йўл жамғармасига — 1 350 сўм (90 000 x 1,5 %);

Пенсия жамғармасига — 1 350 сўм (90 000 x 1,5 %);

Мақтаб таълимини ривожлантириш жамғармасига — 450 сўм (90 000 x 0,5 %).

Чегирма билан юклаб жўнатилган маҳсулот — тарози қурилмасига ҳисобварақ-фактурани куйидаги тартибда ёзиш лозим (жадвал қисми):

Товар (иш, хизмат)-лар номи	Ўл-чов би-рлиги	Миқ-дори	Нархи	Етказиб берил-ган қиймати	Актив солиғи		ҚҚС		Етказиб берилган ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					став-кяси	сум-маси	став-кяси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Тарози қурилмаси	дона	1	100 000	100 000	актив солиғисиз		20	20 000	120 000
Чегирма			10 000						
Тузатиш киритил-ган сумма			90 000	90 000			20	18 000	108 000
Тўлов учун жами: Бир юз саккиз миң сўм								18 000	108 000

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхона чегирма-ларни қуйидаги тартибда акс эттириши лозим:

Т / р	Ҳужалик операцияларнинг мазмуни	Сумма, миң сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Тарози қурилмасини сотишдан олинган даромад акс эттирилади	120	4010	9010
2	Чегирма акс эттирилади	12	9050	4010
3	Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннари ҳисобдан чиқарилди	50	9110	2810
4	Харидор томонидан қарз тўланди	108	5110	4010
5	9050-ҳисобварақнинг ёпилиши	12	9010	9050

Чегирма билан юклаб жўнатилган маҳсулот — тарози қурилмасига ҳисобварақ-фактурани қуйидаги тартибда ёзиш лозим (жадвал қисми):

Товар (иш, хизмат)-лар номи	Ўл-чов би-рлиги	Миқ-дори	Нархи	Етказиб берил-ган қиймати	Актив солиғи		ҚҚС		Етказиб берилган ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					став-кяси	сум-маси	став-кяси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Тарози қурилмаси	дона	1	120 000	120 000	актив солиғисиз		ҚҚСсиз		
Чегирма				12 000					

Товар (иш, хизмат)-лар номи	Ул-чов бир-лиги	Миқ-дори	Нархи	Етказиб берилган қиймати	Ақим солиғи		ҚҚС		Етказиб берилган ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					став-кяси	сум-масы	став-кяси	суммасы	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Тузатиш киритилган сумма				108 000			ҚҚСсиз		
Тўлов учун жами: Бир юз саккиз миң сўм				108 000					

Тайёр маҳсулотни сотишдан кейин кўрсатиладиган хизматлар билан сотишдаги тушум

Тайёр маҳсулотлар сотишдан кейин кўрсатиладиган хизматларнинг муайян суммасини ўз ичига оладиган нарх бўйича сотилганда ушбу сумма кечиктирилган даромад сифатида акс эттирилади. Сотишдан кейин кўрсатиладиган хизматлар бўйича хизматлар кўрсатилган даврда бу сумма асосий фаолият бўйича сотишдан олинган даромадга қўшилади.

Кечиктирилган даромадлар 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Сотишдан кейин хизматларнинг кўрсатилиб боришига қараб ушбу даромад 6230-ҳисобварақ дебетидан 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Спорт тренажёрининг сотиш баҳоси 1 800 миң сўмни (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда) ташкил қилади. Олди-сотди шартномасига биноан бу суммага сотишдан кейинги бир йил давомида тренажёрга хизмат кўрсатиш суммаси — 240 миң сўм ҳам қўшилган. Тренажёрнинг таннархи — 950 миң сўм.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Спорт тренажёрини сотишдан олинган даромад акс эттирилади (1 800 - 240 = 1 560) (1 560 - 1 560 × 20 % : 120)	1 300	4010	9010
2	Сотиш бўйича кечиктирилган даромад акс эттирилади	240	4010	6230
3	ҚҚС ҳисобланди [(1 800 - 240) × 20 % : 120]	260	4010	6410
4	Сотилган спорт тренажёрининг таннархи ҳисобдан чиқарилади	950	9110	2810
5	9010 ва 9110-ҳисобварақлар ёпилади	1 300 950	9010, 9910	9910, 9110
6	Харидордан пул маблағлари келиб тушди	1 800	5110	4010
7	Бир йил давомида ҳар ойда сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича даромадлар акс эттириб борилади (240 : 12 = 20) [20 - (20 × 20 % : 120)]	17	6230	9030
8	ҚҚС ҳисобланди (20 × 20 % : 120)	3	6230	6410

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхона ушбу вазиятни ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттиради:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Спорт тренажёрини сотишдан олинган даромад акс эттирилади	1 560	4010	9010
2	Сотиш бўйича кечиктирилган даромад акс эттирилади	240	4010	6230
3	Сотилган спорт тренажёрининг таннархи ҳисобдан чиқарилади	950	9110	2810
4	9010 ва 9110-ҳисобварақлар ёпилади	1 560 950	9010 9910	9910 9110
5	Харидордан пул маблағлари келиб тушди	1 800	5110	4010

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
6	Бир йил давомида ҳар ойда сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича даромадлар акс эттириб борилади	20	6230	9030

Маҳсулотни тўловни кечиктириш шарти билан сотишдаги тушум

Маҳсулотни тўловни кечиктириш шарти билан сотиш харидор томонидан унга сотилган товар учун тўлов муддатини шартномада келишилган муайян муддатга ўтказишлигини билдиради. Тўловни кечиктирганлик учун сотувчи харидор билан келишувга кўра ундан қўшимча тўловни (кечиктирганлик учун фоиз) талаб қилиши мумкин.

Тўловни кечиктиришда даромад тўлов муддатидан қатъи назар маҳсулот юклаб жўнатилгач тан олинади. Бунда даромад кечиктирганлик учун қўшимча тўлов ҳисобга олинмаган қиймат бўйича тан олинади. Қўшимча тўлов суммаси юзага келган даврда корхонанинг молиявий даромади сифатида тан олинади.

Таъкидлаш лозимки, тўловни кечиртирганда ҳам 15 фоизлик бўнакнинг мавжудлиги зарур ҳисобланиб, тўловни кечиктириш муддати маҳсулот юклаб жўнатилган кундан бошлаб 90 кундан ошмаслиги лозим.

Мисол. Корхона 1 майда ўз маҳсулоти — офис мебелини 1 800 минг сўмга (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда) сотди. Харидор билан тузилган шартномага кўра у харид қийматининг қолган 85 фоизини 90 кундан кейин ўтказиш мажбуриятини олади. Сотилган маҳсулотнинг таннарихи — 1 150 минг сўм. Тўловни кечиктирганлик учун харидор қўшимча равишда 30 минг сўм тўлаши лозим.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулот қийматидан 15 % миқдориди бўнакнинг олиннши акс эттирилади	270	5110	6310
2	Маҳсулотни сотишдан олинган даромад акс эттирилади	1 500	4010	9010
3	ҚҚС ҳисобланди	300	4010	6410
4	Сотилган маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди	1 150	9110	2810
5	Харидор томонидан қолган қарзнинг қайтарилиши акс эттирилади	1 530	5110	4010
6	Тўловни кечиктирганлик учун даромад акс эттирилади	30	4830	9530
7	Тўловни кечиктирганлик учун тўлов келиб тушди	30	5110	4830

Корхона ҚҚСсиз сотилган маҳсулот ҳажмидан (1 500) Пенсия жамғармасига, Йўл жамғармасига ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳам ўтказиши лозим.

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхона ушбу вазиятни ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттиради:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулот қийматидан 15 % миқдориди бўнакнинг олиннши акс эттирилади	270	5110	6310
2	Маҳсулотни сотишдан олинган даромад акс эттирилади	1 800	4010	9010
3	Сотилган маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди	1 150	9110	2810
4	Харидор томонидан қолган қарзнинг қайтарилиши акс эттирилади	1 530	5110	4010
5	Бўнакнинг ҳисобга олиннши акс эттирилади	270	6310	4010

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
6	Тўловни кечиктирганлик учун даромад акс эттирилади	30	4830	9530
7	Тўловни кечиктирганлик учун тўлов келиб тушди	30	5110	4830

Маҳсулотни тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишдаги тушум

Маҳсулотни тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш харидор товар қийматини дарҳол эмас, балки шартномада белгиланган муддатларда бир неча тўловлар билан тўлашини билдиради. Тўловни бўлиб-бўлиб тўлаганлик учун битим тарафларининг келишувига кўра қўшимча тўлов (бўлиб-бўлиб тўлаганлик учун фоиз) белгиланган бўлиши мумкин.

Сотувчи маҳсулотни юклаб жўнатиш санасида фоизлар чегирилган ҳолда сотиш нархидан келиб чиқиб даромадни тан олиши лозим. Фоизлар олинишига қараб молиявий фаолият бўйича даромад сифатида тан олиниши лозим.

Таъкидлаш лозимки, тўловни бўлиб-бўлиб тўлаганда ҳам 15 фоизлик бўнакнинг мавжудлиги зарур ҳисобланиб, қарз эса маҳсулот юклаб жўнатилган кундан бошлаб 90 кундан ошмаган муддатда тўланиши лозим.

Корхона сотилган маҳсулот ҳажмидан Пенсия жамғармасига, Йўл жамғармасига ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳам ўтказиши лозим.

Тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида маҳсулотларни сотиш бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Корхона тўловин бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида маҳсулотларни сотишни акс эттиради		
	дебет	кредит
Харидордан бўнак олинди	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»	6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»
Маҳсулотни сотишдан олинган даромад акс эттирилади	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»
Сотилган маҳсулот бўйича ҚҚС ҳисобланди	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»	2830-«Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар»
Тўловларнинг келиб тушишига қараб харидор қарзларининг тўланиши акс эттирилади	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»
Бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилади	6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхона ушбу вазиятни ҳисобда ҚҚСдан ташқари худди шундай ёзувлар билан акс эттиради.

Маҳсулотни воситачилар орқали (комиссия шартномаси бўйича) сотишдаги тушум

Тайёр маҳсулотларни олувчи тайёр маҳсулотларни юк жўнатувчи (сотувчи) номидан сотиш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиши назарда тутилган комиссия шартларида сотишда даромад юк жўнатувчи томонидан товарларни юклаб жўнатиш пайтида эмас, балки маҳсулот олувчи томонидан учинчи тарафга сотилган пайтда тан олинади.

Харидорга товар сотилгандан (мулк ҳуқуқи ўтгандан) кейин комиссиянер комиссия шартномасида белгиланган муддатда комитентга ҳисобот (*намунага қаранг*) тақ-

Комиссионер ҳисоботи

_____дан

Мазкур ҳисобот мен ва _____

(Комитентнинг Ф.И.О. ёки номи)

ўртасида тузилган комиссия шартномаси бўйича Комиссионер бўлмиш мен _____

(Ф.И.О., лавозими ва ташкилотнинг номи)

томонимдан тузилди.

Юқорида кўрсатилган шартноманинг _____-бандида мен (корхона) қуйидаги битимни тузишим назарда тутилган: _____.

_____ битим бўйича

(битим предмети кўрсатилсин)

мен томонимдан ушбу хатти-ҳаракатлар амалга оширилди _____

(амалга оширилган хатти-ҳаракатлар келтирилсин)

уларнинг натижасида _____

(Ф.И.О. ёки ташкилотнинг номи)

_____ билан шартнома тузилди.

Бунда менинг харажатларим: _____

(харажатлар рўйхати ва харажатларни тасдиқловчи

ҳужжатларнинг реквизитлари кўрсатилсин)

Мазкур ҳисоботга қуйидагиларни илова қиламан: _____

(ҳисоботга илова қилинадиган, шу жумладан Комиссионернинг харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати)

Имзо ва Муҳр

дим этиши лозим. Ҳисобот ихтиёрий шаклда тузилади, унда маҳсулотнинг ҳужжатларда қайд этилган сотиш саноли бўлиши шарт. Ушбу сана пул маблағларининг ҳақиқатда келиб тушишидан қатъи назар комитентга тегишли бўлган товарларнинг юклаб жўнатилиш куни саналади. Ҳисоботга сотилган товарларнинг сотиш қиймати, шунингдек комиссионер харажатлари миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар: харидорлар билан контрактлар, ҳисобварақлар, юкхатлар, бажарилган ишлар далолатномалари, товар-транспорт юкхатлари ва ш. к. нусхалари илова қилиниши мумкин.

Комитент ва комиссионер ўртасидаги ҳисоб-китоблар комиссия шартномасида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ҳисоб-китобларнинг икки варианты ва тегишинча, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг икки варианты:

- комиссионернинг ҳисоб-китобларда иштирокисиз;
- комиссионернинг ҳисоб-китобларда иштироки билан (бунда икки: тўлиқ ёки қисман иштироки усули) бўлиши мумкин.

Комиссионернинг ҳисоб-китобларда иштирокисиз комитентдаги маҳсулотларни сотиш шунга асослангани, товар учун пул маблағларини харидор комитентга ўтказди, комитент эса комиссионерга унинг воситачилик ҳақини ўтказди.

Мисол. Ишлаб чиқариш фирмаси комиссия шартномалари бўйича воситачилар орқали 540 минг сўмлик тайёр маҳсулотни сотади, шу жумладан ҚҚС — 90 минг сўм. Маҳсулотларнинг ҳақиқий таннари 400 минг сўмни ташкил қилади, комиссионер хизматлари қиймати — 20 минг сўм, шу жумладан ҚҚС — 3,3 минг сўм. Комиссионер ҳисоб-китобларда иштирок этмайди.

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентияси	
			дебет	кредит
1	Тайёр маҳсулот комиссияга берилди	400	2830	2810

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
2	Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар акс эттирилди	450	4010	9010
3	Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилди	400	9110	2830
4	Сотилган маҳсулот бўйича ҚҚС ҳисобланди	90	4010	6410
5	Сотилган маҳсулот учун тўлов акс эттирилди	540	5110	4010
6	Комиссионернинг хизматлари ҳисобдан чиқарилди	16,7	9410	6990
7	Комиссионер хизматлари бўйича ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинди	3,3	4410	6990
8	Комиссионер хизматларига ҳақ тўланди	20	6990	5110

Пенсия ва Йўл жамғармаларига мажбурий ажратмалар солиш объекти бўлиб ҚҚС ва акциз солиғи (450 мишг сўм) чегирилган маҳсулотларни сотиш бўйича айланма ҳисобланади.

Сотилган маҳсулот ҳажмидан Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳам тўланади.

Комиссионерга тўланган воситачилик ҳақи суммаси комитентда сотиш харажатлари таркибида акс эттирилади. Тегишлича, воситачилик ҳақи бўйича ҚҚС суммаси комитент томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

Комитентнинг бухгалтерия ҳисобида комиссионернинг ҳисоб-китобларда тўлиқ иштироки билан маҳсулотларни сотишни акс эттириш товар учун пул маблағларини харидор комиссионерга ўтказиши муносабати билан қийинчилик туғдиради. Бироқ ушбу маблағлар комитентнинг мулки ҳисобланади. Комиссионер олинган тушумни комиссия шартномасида келишилган муддатларда комитентга ўтказиши шарт. Комиссионер комиссия шартномасига

кўра ўзига тегишли бўлган суммаларни келиб тушган суммалардан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Комитент ҳисоб-китобларда комиссияер иштирок этадиган комиссия бўйича операцияларни акс эттиради		
	дебет	кредит
Маҳсулотларни комиссияерга бериш акс эттирилди	2830-«Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»
Комиссияернинг ҳисоботи олинди (маҳсулотни сотишдан олинган даромад акс эттирилади)	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»
Сотилган маҳсулот бўйича ҚҚС ҳисобланди	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»	2830-«Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар»
Комиссияерга воситачилик ҳақи ҳисобланди	9410-«Сотиш харажатлари»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Воситачилик ҳақи суммаси бўйича ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинди	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Комиссияердан пул маблағларининг (воситачилик ҳақи чегирилган тушум) келиб тушиши ва воситачилик ҳақи суммасининг ҳисобга олинishi акс эттирилади	5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»; 6990-«Бошқа мажбуриятлар»	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар»

Комиссияернинг ҳисоб-китобларда қисман иштирок этиши варианты товарни сотишдан пул оқимларини комитент ва комиссияер ўртасида тақсимлашни назарда тугади: харидор комиссияерга воситачилик ҳақи суммасини, комитентга унинг воситачилик ҳақи чегирилган тушумини ўтказди.

Маҳсулотни қайтаришдаги тушум

Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушумга қайтарилган маҳсулотлар қиймати киритилмайди. Сотилган товарларнинг қайтарилиши 9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши» контрпассив ҳисобварағида юритилади. 9040-ҳисобварақнинг дебет айланмаси маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларни камайтиради.

9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши» ҳисобварағининг дебетида қайтарилган товарлар қиймати:

пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан — харидорларга товарларнинг қиймати қайтарилганда; олинадиган ҳисобварақлар билан — қайтарилган товарлар бўйича бекор қилинган дебиторлик қарзлари суммасига;

тўланадиган ҳисобварақлар билан — мазкур товарлар учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган тўловлар ва бўнақлар бўйича вужудга келган қарз суммасига акс эттирилади.

Бунда илгари ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг дебити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақлар, олинадиган ҳисобварақларнинг кредитида ёзув амалга оширилади.

Корхона сотилган маҳсулотлар қайтарилишини акс эттиради		
	дебет	кредит
Қайтариш акс эттирилади	9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши»	4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»
Қайтарилган маҳсулотлар кирим қилинади	2810-«Тайёр маҳсулот»	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари»
Ҳисобот даври охирида 9040-ҳисобварақнинг ёпилиши	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»	9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши»

Солиқ солиш мақсадида тушумни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Тайёр маҳсулотни реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган маҳсулотлар қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш ҳолини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

Солиқ кодексининг 130-моддасида фойда солиғини ҳисоблаш учун маҳсулотни реализация қилишдан тушумни белгилашнинг алоҳида ҳоллари белгиланган. Чунончи, маҳсулотлар таннархидан паст баҳода реализация қилинганда (маҳсулотларни экспорт қилиш бундан мустасно) ва маҳсулотлар бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун реализация қилишдан олинадиган тушум маҳсулотнинг таннархи асосида аниқланади.

Мисол. Корхона ҳисобот даврида 12 000 минг сўмга маҳсулотлар туркумини реализация қилди, шу жумладан ҚҚС 2 000 минг сўмни ташкил этди. Реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи 14 000 минг сўмни ташкил этади.

Солиқ солинадиган фойдани ҳисоблаб чиқариш учун жами даромадга 14 000 минг сўмни киритиш керак.

Товарларни таннархдан паст нархда эркин алмаштириладиган валютага экспорт қиладиган ишлаб чиқарувчи корхоналар учун сотишдан тушадиган тушум миқдори экспорт товарлари сотилган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади (ЎЗР Президентининг 29.12.2008 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ—1024-сон қарорининг 6-банди).

Мисол. Корхона маҳсулотлар туркумини 18 минг АҚШ долларига экспортга реализация қилди. Реализация қилинган маҳсулотларнинг таннархи 30 000 минг сўмни ташкил этади.

Маҳсулотлар реализация қилинган (БЮД расмийлаштирилган) пайтдаги доллар курси — 1 410 сўм.

Миллий валютага қайта ҳисоблашда экспортга реализация қилишдан тушум 25 380 минг сўмни (18 000 x 1 410) ташкил этади. Маҳсулот ўз таннархидан паст нархда реализация қилинганлигига қарамасдан, солиқ солинадиган

фойдани ҳисоблаш учун жами даромадга 30 000 минг сўмни эмас, 25 380 минг сўмни киритиш керак.

Нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган маҳсулотларни реализация қилишдан олинadиган тушум белгиланган нарх (тариф)-дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларга нархлар (тарифлар) давлат органлари томонидан белгиланади. Масалан, дон маҳсулотларини харид қилиш нархи Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот» АК билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги томонидан белгиланади, Молия вазирлиги «Ўздонмаҳсулот» билан биргаликда эса донга, қўшимча маҳсулотларга, донни бирламчи қайта ишлашдан чиқиндиларга эркин улгуржи сотиш нархлари ва унинг улгуржи-сотиш нархининг чегараланган даражаси ва давлат ресурслари ундан ёпиладиган шаклли нонга чакана нархни белгилайди.

2010 йил 1 январдан бошлаб Солиқ кодексининг 355-моддасига киритилган қоидага биноан, маҳсулотларни таннархидан паст нархларда реализация қилишда ёки уларни текинга беришда ягона солиқ тўлови солинадиган объект бўлиб маҳсулот таннархи ҳисобланади. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган маҳсулотлар учун реализация қилишдан олинadиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга берилadиган маҳсулотларга татбиқ этилмайди.

Мисол. Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулот туркумини 35 минг сўмга реализация қилди. Берилган пишириқ туркумининг таннархи 47 минг сўмни ташкил қилди.

Мазкур ҳолда ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базага 47 минг сўмни — сотилган маҳсулот туркумининг таннархини киритиш керак.

ХАРИДОР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БЎНАКЛАР ҲИСОБИ

Сўмдаги бўнаклар ҳисоби

Маҳсулотларни юклаб жўнатиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг мажбурий шарти бўлиб харидор ва буюртмачилар томонидан етказиб берилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Олинган бўнаклар суммаси даромад сифатида тан олинмайди ва тегишинча, улардан солиқлар тўланмайди.

Мисол. Ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотларини сотиш қийматидан қисман — 30 % олдиндан тўлаш шарти бўйича сотади. Олди-сотди шартномаси бўйича сотиш қиймати 24 000 минг сўмни ташкил қилади, шу жумладан ҚҚС — 4 000 минг сўм. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи — 16 000 минг сўм. Бўнак 28 мартда олинди. Маҳсулотларни юклаб жўнатиш 7 апрелда амалга оширилди.

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
28 март				
1	Маҳсулотлар харидоридан бўнак олинди	7 200	5110	6310
7 апрель				
2	Маҳсулотларни сотиш (даромад) акс эттирилади	20 000	4010	9010
3	ҚҚС акс эттирилади	4 000	4010	6410
4	Сотилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади	16 000	9110	2810
5	Аввал олинган бўнакни ҳисобга олиш акс эттирилади	7 200	6310	4010
6	Тушумнинг олиниши акс эттирилади	16 800	5110	4010

Товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач маблағлар келиб тушмаган тақдирда қарз муддати кечиктирилган саналади.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг бор бўлишига йўл қўйган ҳамда ҳисобварақларида тегишли маблағлари бор бўлганда тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларини бузган корхоналарнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланиши — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача жарима солиниши мумкин.

Хорижий валютада олинган бўнақлар ҳисоби

Хорижий валютада бўнақлар олинганда корхона бухгалтери қарзни ҳар ойда ва ушбу қарзни қайтариш санасида ЎзР МБ курси бўйича қайта баҳолаши лозим. Тегишлича, мусбат ва манфий курс фарқлари пайдо бўлиши мумкин, улар юзага келиш даврида молиявий фаолият бўйича даромадлар (харажатлар)га киритилади.

Мисол. Ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотларини сотиш қийматидан қисман — 25 % олдиндан тўлаш шарти билан сотади. Олди-сотди шартномаси бўйича сотиш қиймати 10 000 минг долларни ташкил қилади. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 8 000 минг доллар. Бўнақ 20 мартда олинди. Маҳсулотлар 3 майда юклаб жўнатилди, якуний тўлов 15 майда амалга оширилди.

Валюта курси қуйидагиларни ташкил қилган (шартли равишда):

бўнақ олинган санада — 1 доллар учун 1 247 сўм;

31 мартда — 1 доллар учун 1 249 сўм;

30 апрелда — 1 доллар учун 1 251 сўм;

қарз тўланган санада — 1 доллар учун 1 254 сўм;

якуний тўлов санасида — 1 доллар учун 1 262 сўм.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
20 март				
1	Маҳсулотлар харидоридан бўнақ олинди (10 000 × 0,25 × 1 247)	3 117 500	5210	6310
31 март				
2	Олинган бўнақни қайта баҳолаш акс эттирилади (1 249 - 1 247) × 2 500	5 000	9620	6310
30 апрель				
3	Бўнақни қайта баҳолаш акс эттирилади (1 251 - 1 249) × 2 500	5 000	9620	6310
3 май				
4	Қарзни қайтаришда курс фарқи ва бўнақнинг ҳисобга олинishi акс эттирилади (1 254 - 1 251) × 2 500 ва (1 254 × 2 500)	7 500 3 135 000	9620 6310	6310 4010
5	Маҳсулотлар юқлаб жўнатишда даромад акс эттирилади (10 000 × 1 254)	12 540 000	4010	9010
6	Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади	8 000	9110	2810
15 май				
7	Дебиторлик қарзини қайтаришда курс фарқи акс эттирилади (1 262 - 1 254) × 10 000 × 0,75	60 000	4010	9540
8	Харидордан пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади (10 000 × 0,75) × 1 262	9 465 000	5210	4010

ТОВАРЛАРНИ СОТИШДАН ОЛИНГАН ТУШУМ

Товарларни сотишдаги тушум ҳисоби

Товарларни сотишдан олинган даромадлар 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади. Сотилган товарларнинг таннархи 2900-«Товарлар» гуруҳи ҳисобварақлари кредитидан 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Чакана савдо корхонаси Тошкент шаҳрида 2 000 минг сўмлик товарлар сотди. Товарлар ҳисоби харид қиймати бўйича юритилади. Сотилган товарларнинг ҳақиқий таннархи 1 850 минг сўмни ташкил қилди.

Ҳисобда товарларни харид қиймати бўйича сотиш қуйидагича қайд этилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, мишг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Чакана савдода товарларни сотиш акс эттирилди	2 000	5010	9020
2	Сотилган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилади	1 850	9120	2920
3	9020-ҳисобварақнинг ёпилиши	2 000	9020	9910
4	9120-ҳисобварақнинг ёпилиши	1 850	9910	9120
5	Ягона солиқ тўлови ҳисобланди	80	9820	6410

Савдо корхоналари ягона солиқ тўлови тўлайди. Солиқ солиш объекти товарларни сотишдан олинган тушум (товар айланмаси) ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги савдо корхоналари учун солиқ ставкаси 2009 йилда 4 %ни ташкил қилади, тегишинча, ягона солиқ тўлови суммаси 80 минг сўмни (2 000 x 4 %) ташкил қилади.

Савдо фаолияти билан ишлаб чиқариш корхоналари ҳам шуғулланишлари мумкин. Бунда, агар савдо корхона

учун соҳа фаолият тури ҳисобланмаса, савдо бўйича у алоҳида ҳисоб юритиши шарт эмас. Бу фаолият бўйича умумбелгиланган солиқлар ва ажратмалар тўланади.

Мисол. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи қурилиш корхонаси қурилиш материалларини қайта сотиш мақсадида сотиб олади. Материалларни етказиб берувчига 60 000 минг сўм тўланди, шу жумладан ҚҚС — 10 000 минг сўм. Қурилиш материалларини корхона базасига етказиб бериш бўйича чет транспорт ташкилотининг хизмати 1 200 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС — 200 минг сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари корхона омборларга жойлаш учун ёғочларни арралаш бўйича 600 минг сўмлик харажатларни амалга оширди. Шу ҳисобот даврида қурилиш материаллари 90 000 минг сўмга сотилди, шу жумладан ҚҚС — 15 000 минг сўм.

Материалларнинг таннархи харид қилиш харажатларини ва товар-моддий захираларни жойлашиш жойига етказиб бериш ва тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини ўз ичига олади. Харид қилиш харажатларига ҚҚС қўшилмайди, чунки корхона уни ҳисобга олиш учун қабул қилади.

Харид қилинган материалларнинг ҳақиқий қиймати 51 000 минг сўмни (50 000 + 1 000), ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган ҚҚС суммаси эса 10 200 минг сўмни ташкил қилади.

Т / Р	Ҳужалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Қурилиш материали — товарни сотиб олиш акс эттирилади	50 000	2910	6010
2	Материал бўйича ҚҚС мол етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактурасига асосан ҳисобга олиш учун қабул қилинади	10 000	4410	6010
3	Чет ташкилот томонидан товарларни етказиб бериш бўйича харажатлар акс эттирилади	1 000	2910	6010
4	Транспорт ташкилотининг хизматлари бўйича ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинади	200	4410	6010, 6990
5	Арралаш бўйича харажатлар акс эттирилади	600	9410	2310

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
6	Товарларни сотиш акс эттирилади	75 000	4010	9020
7	Сотилган товарлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	51 000	9120	2910
8	Ҳисобланган ҚҚС акс эттирилади	15 000	4010	6410
9	Ҳисобварақларни ёпиш 9020 9120	75 000	9020	9910
		51 000	9910	9120

2010 йил 1 январдан бошлаб Солиқ кодексининг 355-моддасига киритилган қоидага биноан, маҳсулотларни таннархидан паст нархларда реализация қилишда ёки уларни текинга беришда ягона солиқ тўлови солинадиган объект бўлиб маҳсулотнинг олиш баҳоси ҳисобланади. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган маҳсулотлар учун реализация қилишдан олинadиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга берилadиган маҳсулотларга татбиқ этилмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 2010 йил 1 январдан бошлаб улгуржи савдо корхоналари ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловларини ўтказилган ҳар бир савдо операциясидан келиб тушган тушум суммасининг 5 фоизи миқдорида тўлашлари шарт.

Савдо устамасини ҳисобдан чиқариш

Сотиш нархлари бўйича ҳисоб юритадиган савдо корхоналари товарларни сотишда савдо устамаси суммасини ҳисобдан чиқаришлари керак. Савдо устамаси 2980-«Савдо устамаси» контрактив ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Савдо устамаси — бу савдо ташкилотининг даромади.

Сотилган товарлар таннархи сотилган товарларнинг сотиш қиймати билан сотилган товарларга тўғри келувчи савдо устамаси суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Сотилган товарларга тўғри келувчи савдо устамаси суммаси сотилган товарлар сотиш қийматини (товар айланмасини) савдо устамасининг ўртача фоизига кўпайтириб аниқланади.

Савдо устамасининг ўртача фоизи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Ҳисобот даври бошидаги савдо устамалари қолдиги	+	Ҳисобот даврида келиб тушган товарлар бўйича савдо устамалари
Ҳисобот даври бошидаги товарлар қолдигининг сотиш қиймати	+	Ҳисобот даврида олинган товарларнинг сотиш қиймати

Чиқиб кетган товарлар бўйича савдо устамаси суммаси ҳисобдан чиқарилиши лозим. Шунингдек нархи туширилган товарлар бўйича ҳам устама ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Чакана савдо корхонаси 10 тўплам ошхона сервизини 1 тўплам учун 55 минг сўм нарх бўйича сотди. Бир тўплам сервизнинг харид қиймати — 45 минг сўм. Савдо устамаси ҳар бир тўплам бўйича 10 минг сўмни ташкил қилади.

Бухгалтерия ҳисобида ушбу операциялар қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Сотилган сервизлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	550	9120	2920
2	Сервизларни сотишдан олинган даромад акс эттирилади	550	5010	9020
3	Сотилган сервизлар бўйича савдо устамаси ҳисобдан чиқарилди	100	2980	9120

Алкоғолли ичимликлар билан савдо қилувчи корхоналар сотиш нархини белгилаётганда шуни назарда тутишлари керакки, 2010 йил 1 январдан бошлаб алкоғолли маҳсулотларга (пиводан ташқари) нисбатан энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар белгиланган бўлиб, алкоғолли маҳсулотлар ушбу нархлардан паст нархларда сотилиши мумкин эмас:

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 л тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	1 800	2 400
Коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар, 1 л тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	3 800	5 000

Алкоғолли маҳсулотларни белгиланган нархлардан паст нархларда сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда:

қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида, лекин белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

айнан шу қонун бузилиши жарима қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида, лекин белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима қўлланади.

Жарима суммасини аниқлашда сотилган алкоғолли маҳсулот қиймати энг кам улгуржи-сотиш нархи бўйича ҳисоблаб чиқарилади (ЎзР ВМнинг 23.12.2009 йилдаги «Алкоғолли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида» 327-сон қарори).

Товарларни чегирмалар билан сотиш

Савдо корхоналари ўзларининг доимий харидорлари манфаати учун чегирма тизимидан фойдаланишлари мумкин. Бухгалтерия ҳисобида харидорларга тақдим этилган пул чегирмалари махсус контрпассив 9050-«Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» ҳисобварағида акс эттирилади. Нархга ва сотувга берилган чегирмалар суммалари 9050-ҳисобварақ дебетида 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинган даромадлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда киритилади.

Мисол. Улгуржи савдо корхонаси юмшоқ мебеллар тўпламини пул чегирмаси билан сотади. Тўпламнинг сотиш нархи — 12 000 минг сўм, чегирма суммаси сотиш нархидан 10 %.

Тўпламнинг таннархи — 8 500 минг сўм.

Мебелларни чегирма билан сотиш ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилиши лозим:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Сотилган товарнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	8 500	9120	2920
2	Товарни сотишдан олинган даромад акс эттирилади	12 000	4010	9020
3	Чегирма акс эттирилади	1 200	9050	4010
4	9050-ҳисобварақнинг ёпилиши	1 200	9010	9050

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШДАГИ ТУШУМ

Ишлар (хизматлар)ни бажаришдан олинган даромадлар 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» ҳисобварағида, уларнинг таннархи эса — 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварағида акс эттирилади.

Мисол. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона курилиш ташкилотининг буюртмасига кўра лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлади. Буюртма қиймати — 24 000 минг сўм, шу жумладан ҚҚС — 4 000 минг сўм. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш таннарни 18 000 минг сўмни ташкил қилди. Шартнома 100 %лик олдиндан тўловни назарда тутди.

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Олдиндан тўлов олинди	24 000	5110	6310
2	Хизматларни сотиш акс эттирилди	20 000	4010	9030
3	ҚҚС ҳисобланди	4 000	4010	6410
4	Сотилган хизматларнинг таннарни ҳисобдан чиқарилди	18 000	9130	2010
5	Олдиндан тўлов суммаси ҳисобга олинди	24 000	6310	4010

Корхона ҚҚСсиз сотилган хизматлар ҳажмидан (20 000 минг сўмдан) Пенсия жамғармасига, Йўл жамғармасига ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳам ўтказиши лозим.

Ишлар (хизматлар) бажарилганда корхоналар буюртмачининг номига хизматлар кўрсатилган (ҳужжатлар тақдим этилган) кундан кечиктирмай икки нусхада ҳисобварақ-фактура ёзишлари керак. Ишлар бажарилганда (хизматлар кўрсатилганда) ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисми қуйидаги тарзда тўлдирилади:

Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб берилган қиймати	Ақид солиғи		ҚҚС		Етказиб берилган ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставкаси	суммаси	ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Курилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари	сўм			20 000 000	—	—	20 %	4 000 000	24 000 000
Жами				20 000 000				4 000 000	24 000 000
Тўлов учун жами	Йигирма тўрт миллион сўм								

Лойиҳа-смета ҳужжатларини топширишни ҳам ихтиёрий шаклда икки нусхада тузилган қабул қилиш-топшириш далолатномаси (далолатноманинг намунали шаклига қаранг) билан расмийлаштириш лозим. Далолатномани шартнома тарафларининг ваколатли шахслари имзолашлари ва уларнинг имзолари муҳр билан тасдиқланиши лозим.

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар шунга ўхшаш вазиятни ҳисобда қуйидагича акс эттирадилар:

Т / Р	Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Олдиндан тўлов олинди	24 000	5110	6310
2	Хизматларни сотиш акс эттирилди	24 000	4010	9030
3	Сотилган хизматларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	18 000	9130	2010
4	Олдиндан тўлов суммаси ҳисобга олинди	24 000	6310	4010

Кўшилган қиймат солиғини тўламайдиган корхоналарда ҚҚС ҳисобварақ-фактурада кўрсатилмайди ва «кўшилган қиймат солиғисиз» муҳри кўйилади (ёки қўл билан ёзиб қўйилади).

Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Ақдос солиғи		ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставкаси	суммаси	ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари	сўм			24 000 000	—	—	ҚҚСсиз		
Жами				24 000 000					
Тўлов учун жами	Йигирма тўрт миллион сўм								

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини
қабул қилиш-топшириш далолатномаси**

2008 йил 25 май

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда Ижрочи деб юритиладиган «А» корхона номидан Устав асосида фаолият юритувчи Ҳақимов Туроб Икромович бир тарафдан ва кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «С» корхона номидан Горликов Владимир Владимирович иккинчи тарафдан 2008 йил 15 мартдаги 1993/14-сонли шартнома (пулли хизматлар кўрсатиш шартномаси) асосида мазкур далолатномани шу ҳақда туздиларки, Ижрочи Буюртмачига Тошкент ш., Навоий кўчаси, 25-уй манзилидаги офис учун бино қурилишига лойиҳа-смета ҳужжатлари тўпламини топширади.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари тўплами 110 варақдан иборат.

Ижрочидан:
Ҳақимов Т.И.

Буюртмачидан:
Горликов В.В.

(имзо)

(имзо)

Сана

Сана

М.Ў.

М.Ў.

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар ихтиёрий асосда ҚҚС тўлаш ҳуқуқига эга. Бундай корхоналар ишлар (хизматлар)ни сотишни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия ёзувларини ҳамда ҳисобварақ-фактураларни умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхоналар каби расмийлаштирадilar. Бироқ бунда ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасига, бироқ ягона солиқ тўлови ҳисобланган суммасининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорига камайтирилади.

КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА БОШҚА МУЛКИНИ СОТИШДАН ОЛИНГАН ТУШУМ

Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадларга қўшилади.

Корхонанинг асосий воситалари ва бошқа мулки чиқиб кетишининг ҳисоби 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» ва 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварақларида юритилади.

Мазкур ҳисобварақлар бўйича ёзувлар муфассал амалга оширилади:

— дебетида чиқиб кетаётган объектнинг дастлабки (тиклаш) қиймати ва чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади;

— кредитида сотишдан олинган тушум, ҳисоблаб ёзилган амортизация ажратмалари суммаси (асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича), шунингдек қайта баҳоланган қолдиғи (чиқиб кетаётган асосий воситалар бўйича) акс эттирилади.

9210 ва 9220-ҳисобварақларнинг дебети бўйича қолдиқ (зарар) жорий ҳисобот даврида 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағига, кредити бўйича қолдиқ (фойда) эса 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» ва 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Бошланғич қиймати 120 минг сўм бўлган шкаф сотилди. Асосий воситаларнинг ушбу объекти бўйича ҳисобланган амортизация 30 минг сўмни ташкил қилади. Қайта баҳолаш сальдоси — 4 минг сўм. Шартнома баҳоси — 200 минг сўм.

Асосий воситаларни сотишдан олинган молиявий натижа сотишдан олинган тушум ва резерв капиталани ҳисобга олувчи ҳисобварақларда қайд қилинадиган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи)га тузатилган, қўшилган қиймат солиғи ва сотишга доир харажатлар ҳисобга олинган ҳолда сотиладиган асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

ҚҚС суммасини ҳисобга олиш назарда тутилмаган асосий воситалар сотилганда солиқ солинадиган айланма сотиш баҳоси ва қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Кўрилаётган вазиятда ҚҚС қуйидагича ҳисобланади:

$$[200 - (120 - 30)] : 120 \times 20 = 18,333 \text{ минг сўм.}$$

Мазкур операциядан молиявий натижа:

$$200 - 18,333 - (120 - 30) + 4 = 95,667 \text{ сўм} - \text{шкафни сотишдан олинган фойда.}$$

Фойда корхонанинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар таркибига киритилади ва фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда корхонанинг жами даромадига қўшилади. Шкафни сотишдан олинган тушум бошқа даромад сифатида Йўл ва Пенсия жамғармаларига, шунингдек Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар объекти ҳисобланмайди.

Асосий воситалар объектининг чиқиб кетиши корхонанинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган базаси камайишига олиб келади.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Шкафнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш	120	9210	0140
2	Сотилган шкафнинг ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилди	30	0240	9210
3	Қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилди	4	8510	9210

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
4	Шкаф харидорининг қарзини акс эттириш	200	4010	9210
5	Шкафни сотишдан бюджет олдидаги ҚҚС бўйича қарз акс эттирилди	18,333	9210	6410
6	Сотишдан олинган молиявий натижа (фойда) акс эттирилди	95,667	9210	9310

Асосий воситалар, мазкур вазиятда эса шкаф сотилганда корхона харидорга ҳисобварақ-фактура ёзиши шарт (жадвал қисми):

1-устунда «Шкаф» ёзилади;

2-устунда «дона ёки бирлик» кўрсатилади;

3-устун тўлдирилмайди;

4-устунда шкафнинг қолдиқ қиймати — 90 минг сўм кўрсатилади;

5-устунда солиқ солинадиган айланма ҳажмидан ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси киритилган сотиш баҳоси — 200 минг сўм акс эттирилади;

6-7-устунларда «Акциз солиғисиз» штамп қўйилади;

8-устунда ҚҚС ставкаси — 20 % кўрсатилади;

9-устунда ҚҚС суммаси — 18,333 минг сўм ёзилади;

10-устунда ҚҚС ҳисобга олинган сотиш қиймати — 200 минг сўм кўрсатилади.

Товар (ми, хизмат)-лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдор	Нархи	Етказиб берил қиймати	Акциз солиғи		ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставкаси	суммаси	ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Шкаф	дона		90 000	200 000	акциз солиғисиз		20	18 333	200 000
Тўлов учун жами:	икки юз минг сўм			200 000				18 333	200 000

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар шкафни сотишни қуйидаги ёзувлар билан акс эттирадилар:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Шкафнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш	120	9210	0140
2	Сотилган шкафнинг ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилди	30	0240	9210
3	Қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилди	4	8510	9210
4	Шкаф харидорининг қарзини акс эттириш	200	4010	9210
5	Сотишдан олинган моллиявий натижа (фойда) акс эттирилди	114	9210	9310

Ҳисобварақ-фактура ҚҚС суммаси кўрсатмасдан ёзилади:

Товар (иш, хизмат)-лар номи	Ўл-чов бир-лиги	Миқ-дори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиғи		ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставкаси	сум-маси	ставкаси	сум-маси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Шкаф	дона		90 000	200 000	акциз солиғисиз		ҚҚСсиз		
Тўлов учун жами:	икки юз минг сўм			200 000					

Асосий воситаларни сотишдан олинган даромад асосий (соҳа) фаолият тури ставкаси бўйича ягона солиқ тўлови солиш объекти ҳисобланади.

2009 йилнинг 1 январидан бошлаб асосий воситаларни тугатишда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ солинадиган базага тугатилаётган асосий воситаларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган даромад киритилмайди.

Асосий воситаларни қолдиқ қийматидан паст баҳо бўйича (зарар билан) сотиш ҚҚС ҳисоблаш учун асос

бўлиб ҳисобланмайди, фойда солиғи бўйича эса ҳар бир муайян ҳолда қарор қабул қилиниши керак. Бу солиқ қонунчилиги асосий воситаларни сотиш (ҳисобдан чиқариш)дан кўрилган зарарлар (хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан кўп ишлатилган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар бундан мустасно) фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда чегирилмаслигини назарда тутиши билан боғлиқ.

ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ

Товарлар экспортининг шартлари

Экспорт шундай божхона режимини, унда товарлар (ишлар, хизматлар) Ўзбекистон божхона ҳудудидан ташқарига уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кириш мажбуриятсиз олиб чиқилади.

Ўз ишлаб чиқариш маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар товарларни экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурталаш полиси мавжуд бўлганда ёки харидорнинг банки кафолати бўлганда олдиндан ҳақ тўламасдан аккредитив очиб ЭАВга олиб чиқишлари мумкин. Бироқ бу қоида пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар, рангли ва қора металллар парчалари ва чиқиндилари каби хом ашё товарлари экспортга татбиқ этилмайди.

Тушумнинг келиб тушиш муддати 60 кундан ошмаслиги лозим. Маҳсулотларни савдо уйлари, хусусий ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси орқали четга олиб чиқишда тушумнинг келиб тушиш муддати 180 кундан ошиб кетмаслиги керак. Валюта тушуми келиб тушиши 30 банк кунидан ортиқ муддатга кечиктирилганда келиб тушмаган сумманинг 100 фоизи миқдоридан жарима назарда тутилган.

Корхоналар ўз маҳсулотларини ЭАВга экспорт қилишда ҚҚСнинг ноль ставкасини қўллашди, қимматбаҳо ме-

таллар бундан мустасно. Белгилловчи омил бўлиб товарнинг Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқилиши ҳисобланади.

Товарлар экспортда ноль ставкасини қўллаш учун қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиши лозим:

— контракт (ёки белгиланган тартибда тасдиқланган контракт нусхаси);

— товарнинг божхона расмийлаштирувини ўтказадиган божхона органининг белгилари қўйилган БЮД;

— экспорт қилинаётган товарларга хорижий шахс ҳақ тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари ва банк кўчирмаси;

— товарлар кўрсатилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқлайдиган, товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Солиқ кодексининг 218-моддасида белгиланишича, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, агар бунда қуйидаги шартлар бажарилса:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ҚҚС тўловчиси бўлса;

2) товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса;

3) олинган товарларга (ишларга, хизматларга) етказиб берувчи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки ҚҚС алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса;

4) товарлар импорт қилинганда — ҚҚС бюджетга тўланган бўлса. Агар бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш шarti билан ҚҚС тўлашдан озод этиш тарзида имтиёз берилган бўлса ҳам, ҚҚС ҳисобга олинади;

5) норезидент томонидан хизматлар кўрсатилганда ҚҚС бюджетга тўланган бўлса;

6) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспорт қилинганда тўловни тасдиқловчи банкдан кўчирма мавжуд бўлса.

ҚҚС бўйича манфий фарқ (ҳисобга киритиладиган ҚҚС суммасининг ноль ставкали айланмалар бўйича ҚҚС суммасидан олиши) корхонага СКнинг 227—228-моддаларида назарда тутилган тартибда қайтарилади.

ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш корхонага қайтарилаётган суммани ушбу корхонанинг Пенсия ва Йўл жамғармалари, шунингдек Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзларини қоплашга йўналтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. ҚҚСнинг қайтарилаётган суммаси шунингдек корхонанинг товарлар (ишлар, хизматлар) учун етказиб берувчи корхоналарга улар томонидан солиқ қарзини, шунингдек Пенсия жамғармаси, Йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзини қоплаган ҳолда тўловларни (шу жумладан бўнакни) тўлашга йўналтирилиши мумкин.

ҚҚСнинг ортиқча суммасини Пенсия, Йўл жамғармалари ва Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар тўлашга, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) учун улар томонидан солиқ қарзи қопланган ҳолда етказиб берувчи корхоналарга тўловларга (шу жумладан бўнак тўловларга) йўналтириш учун корхона томонидан қўшимча равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш учун тузилган шартномаларнинг, товарлар (ишлар, хизматлар) берилганини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларнинг нусхалари, солиқ тўловчининг етказиб берувчи корхоналар олдидаги қарзи солиштирма далолатномалари, шунингдек етказиб берувчи корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бюджетга қарзлари, шу жумладан жамғармаларга мажбурий ажратмалар бўйича қарзи солиштирма далолатномалари тақдим этилади.

Экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактура бўлиб божхона юк декларацияси ҳисобланади.

Товарларни экспортга етказиб беришда акциз солиғи ҳам солинмайди, бундан айрим товарлар мустасно.

1997 йил 1 ноябрдан бошлаб олиб чиқиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг барча турларига экспорт божхона божлари бекор қилинди. Экспортчи корхоналар божхона расмийлаштируви учун йиғимни тўлашлари лозим.

Товарларни четга олиб чиқаётганда имтиёзларни қўллашда мажбурий шарт сифатида ЭАВда тушум олиш ҳисобланади. Эркин айирбошланадиган валюта — бошқа хорижий валюталарга эркин ва чексиз (исталганча) айирбошланадиган валюта. Конверсия (алмаштириш) ҳар қандай хорижий валютага амалга оширилганда тўлиқ ва мазкур мамлакат валютаси баъзи валюталаргагина айирбошланганда ҳамда халқаро тўлов айланмасининг барча операциялари бўйича айирбошланмаганда қисман бўлади. ЎЗР АВ томонидан 12.08.2002 йилда 1165-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда тўлов сифатида АҚШ доллари, инглиз фунт стерлинги, ЕВРО, Швейцария франки, япон иенаси сингари валюталарни қабул қилиш тавсия қилинганлигини ҳисобга олган ҳолда, солиқ органлари экспортчи корхоналарга имтиёзларни қўллашда айнан ушбу валюталар рўйхатига таянадилар.

Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни аниқлаш

Корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти деганда қуйидаги асосий талабларга риоя этган ҳолда тўлалигича ушбу корхонада ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулотлар тушунилади:

— амалдаги қонунларда белгиланган ҳолларда тегишли фаолият турини амалга ошириш учун махсус рухсатноманинг мавжудлиги;

— ўзининг (шу жумладан, ижарага олинган) моддий ва (ёки) молиявий ресурслар шаклидаги асосий ва айланма фондлардан фойдаланилиши;

— маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир асосий технологик жараёнларнинг ушбу корхонада доимий банд бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши;

— тайёрланган маҳсулот таснифининг Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) позицияси рақамли коднинг дастлабки тўрт белгиси бўйича (нефт-

ни қайта ишлаш корхоналари учун — охирги учта белгиси бўйича) маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошланғич хом ашё ва материалларга нисбатан (кон саноати тармоқлари корхоналарининг хом ашё маҳсулотларидан ташқари) ўзгартирилиши;

— экспорт учун мўлжалланган пировард маҳсулот қийматида ушбу корхонада қўшилган камида 30 фоизлик қийматнинг мавжудлиги (кон саноати тармоқлари корхоналарининг хом ашё маҳсулотларидан, улар учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни белгилашнинг қўшимча шарт-шароитлари белгиланадиган «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг нефть ва газ қазиб олиш ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати корхоналаридан ва даваль хом ашёси қайта ишлангандан кейин олинган маҳсулотлардан ташқари). Охирги ҳолда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот бўлиб хом ашё эгаси учун — маҳсулотнинг қайта ишлаганлик учун ҳақ сифатида қайта ишловчи корхона тасарруфида қоладиган қисми чегириб ташланган ҳолдаги хом ашё қайта ишланганидан кейин олинган маҳсулот, қайта ишловчи корхона учун эса — қайта ишлаганлик учун ҳақ сифатида қайта ишловчи корхона тасарруфида қоладиган ёки корхонадан сотиб олинган хом ашёдан олинган маҳсулот ҳисобланади. Маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича тегишли вазирликлар ва идораларнинг махсус қарорлари қабул қилиниши мумкин.

Юқорида келтирилган шартларга риоя қилинганда маҳсулот ўз тайёр маҳсулоти ҳисобланиб, уни экспорт қилишда корхона белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши мумкин.

Ишлаб чиқариш корхонаси томонидан маҳсулотлар экспорти ҳисоби

Фойда солиғи ва мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда экспортчи корхона сотишнинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти экспорти улушини ҳисоблаши керак:

— экспорт улуши 15 %дан 30 %гача бўлганда фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари 30 %га камаяди;

— экспорт улуши 30 % ва ундан ортиқ бўлганда улар 2 барабар камаяди.

Кўрсатилган имтиёзларни экспорт маҳсулотни ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари орқали сотадиган корхоналар қўллашлари мумкин.

Савдо-воситачи корхоналарга, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари — пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига ушбу имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Мисол. Корхона 10 минг АҚШ доллари суммасида ўзи ишлаб чиқарган саноат маҳсулотини экспорт қилади.

Етказиб бериладиган маҳсулотнинг таннарихи 8 750 минг сўмни ташкил қилади.

Маҳсулотни экспортга ишлаб чиқариш учун сотиб олинган материаллар бўйича ҚҚС олинган ҳисобварақ-фактураларга кўра 1 400 минг сўмни ташкил қилди.

1 ноябрда харидор тўловни амалга оширди.

8 ноябрда корхона маҳсулот экспортига БЮДни расмийлаштирди.

9 ноябрда корхона валюта тушуми бир қисмини мажбурий сотиш учун банкка топшириқнома тақдим этди.

ЎзР МБ томонидан белгиланган доллар курси:

тўлов санасида — 1 АҚШ доллари учун 1 345 сўмни;

БЮД расмийлаштирилган санада — 1 АҚШ доллари учун 1 346 сўмни;

сотиш санасида — 1 АҚШ доллари учун 1 347,5 сўмни ташкил қилган.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Харидордан тўлов келиб тушди (10 000 × 1 345)	13 450	5211	6310
2	Маҳсулотни сотиш акс эттирилди (10 000 × 1 346)	13 460	4010	9010
3	Сотилган маҳсулотнинг таннарихи ҳисобдан чиқарилди	8 760	9110	2810

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
4	Божхона йиғими ҳисобланди ва тўланди ($13\,460\,000 \times 0,2\%$)	26,92	9410 6990	6990 5110
5	ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинди	1 400	6410	4410
6	Курс фарқи ($1\,346 - 1\,345$) $\times 10\,000$ ва бўнақнинг ҳисобга олиниши акс эттирилди	10 13 460	9620 6310	6310 4010
7	Валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотиш акс эттирилди ($10\,000 \times 50\% \times 1\,347,5$)	6 737,5	5530 5110	5211 5530
8	Валютани сотиш санасидаги курс фарқи акс эттирилди ($1\,347,5 - 1\,345$) $\times 10\,000$	25	5211	9540
9	Тушум қолдиғи бирламчи валюта ҳисобварағига ўтказилади ($5\,000$ долл. $\times 1\,347,5$)	6 737,5	5210	5211

Экспорт қилинган маҳсулот қиймати (10 460 минг сўм) Пенсия жамғармасига, Йўл жамғармасига ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларга тортиш объекти ҳисобланади.

Экспорт қилинган товарлар учун хорижий валютадаги тушумнинг 50 фоизи тушум корхонанинг транзит валюта ҳисобварағамига тушган санадан бошлаб 5 банк кундан кечиктирмай мажбурий сотилиши керак. Марказлаштирилган экспорт бўйича валюта 3 банк кундан кечиктирмай сотилиши керак.

Кичик корхоналар томонидан маҳсулотлар экспорти ҳисоби

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин айирбошланадиган валютадаги экспорт улуши қуйидагиларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчилари учун:

агар реализациянинг умумий ҳажмида 15 %дан 30 %гача бўлса — белгиланган ставка 30 %га камаяди;

агар реализациянинг умумий ҳажмида 30 % ва ундан кўп бўлса — белгиланган ставка 2 барабар камаяди.

Реализациянинг умумий ҳажми деганда барча фаолият турларидан олинган тушум суммаси тушунилади. Шунга эътибор бериш лозимки, экспорт улушини ҳисоблаб чиқаришда ўзи ишлаб чиқарган хом ашё товарларини — пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар, рангли ва қора металллар парчалари ва чиқиндиларини реализация қилиш экспорт ҳажмига киритилмайди.

Экспорт улуши ўсиб боровчи якун билан аниқланади.

Мисол. Ягона солиқ тўловини тўловчи корхона 10 минг АҚШ доллари суммасида ўзи ишлаб чиқарган саноат маҳсулотини ЭАВга экспорт қилади. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг таннархи 8 750 минг сўмни ташкил қилади. Сотишнинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот экспорти улуши 45 %ни ташкил қилади.

ЎзР МБ томонидан белгиланган доллар курси:

юклаб жўнатиш (БЮДни расмийлаштириш) санасида — 1 АҚШ доллари учун 1 345 сўмни;

тўлов санасида — 1 АҚШ доллари учун 1 346 сўмни ташкил қилди.

Экспорт улуши 30 %дан ошган, шунинг учун корхона ягона солиқ тўловини 3,5 % (7 % : 2) ставка бўйича тўлайди.

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулотни сотиш акс эттирилди (10 000 долл. × 1 345)	13 450	4010	9010
2	Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	8 750	9110	2810
3	Божхона йиғими ҳисобланди (13 450 000 × 0,2 %)	26,9	9430	6990
4	Харидордан тўловнинг келиб тушиши (10 000 долл. × 1 346)	13 460	5211	4010
5	Мусбат курс фарқи акс эттирилади (1 346 — 1 345) × 10 000	10	4010	9540

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, миңг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
6	Ягона солиқ тўлови ҳисобланди (ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ЭАВга экспорт улуши 30 %дан юқори) $(13\,450\,000 + 10\,000) \times 3,5\%$	471,1	9810	6410

Товарларни таннархидан паст нархларда реализация қилишда солиқ солиш мақсадида тушум бўлиб мазкур товарлар таннархи ҳисобланади. Бироқ мазкур қонда ўзлари ишлаб чиқарган товарларни таннархдан паст нархда ЭАВга экспорт қилишга татбиқ этилмайди, мазкур ҳолда солиқ солиш мақсадида сотишдан тушадиган тушум миқдори экспорт товарлари сотилган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда аниқланади (ЎзР Президентининг 29.12.2008 йилдаги ПҚ—1024-сон қарорининг 6-банди).

ЭАВ — АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки ва Япония иенаси.

Кичик бизнес корхоналари ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини нақд хорижий валютага экспорт қилиши мумкин.

Экспорт қилинган маҳсулот учун нақд хорижий валюта ваколатли банкларнинг кассаларида қабул қилинади. Бунда нақд хорижий валютани қабул қилишнинг мажбурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

— ваколатли банк ва божхона органларида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилган контрактларнинг мавжудлиги;

— жисмоний шахс — норезидент нақд хорижий валютани четдан олиб келганини тасдиқловчи божхона декларацияси (Т-6) ёки жисмоний шахс — норезидентнинг ҳисобварағидан нақд хорижий валюта олинганлиги тўғрисидаги ваколатли банк маълумотномаси мавжудлиги.

Ваколатли банклар:

— агар божхона декларациясига кўра олиб кирилган нақд чет эл валютасининг суммаси киритиладиган нақд чет эл валютаси суммасидан ошиб кетса, божхона декларациясида банк кассасига қабул қилинган нақд чет эл

валютасининг қабул қилиниш санаси ва суммасини, тегишли белги қўйган ҳолда кўрсатадилар (божхона декларациясининг асл нусхаси норезидентга қайтарилади, кўчирма нусхалари куннинг касса ҳужжатлари ва тегишли йиғмажилдларга тикилади);

— агар божхона декларациясига қўра олиб кирилган нақд чет эл валютасининг суммаси киритиладиган нақд чет эл валютасининг суммасига тенг бўлса, божхона декларациясининг асл нусхасини куннинг касса ҳужжатларига, кўчирма нусхаларини тегишли йиғмажилдларга тикадилар.

Ваколатли банклар кассаларида республика норезидентларидан нақд хорижий валюта қабул қилинганидан сўнг корхоналар тузилган контрактлар ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган Ҳисоб-китоблар маълумотномаси асосида товарларни экспортга жўнатадилар. Нақд хорижий валюта кейинги банк кунидан кечиктирмай экспортчиларнинг ҳисобварақларига ўтказилади.

Савдо-воситачи корхоналар томонидан товарлар экспорти ҳисоби

Савдо-воситачи корхоналар ҳам товарларни экспортга жўнатишлари мумкин. Бироқ бунда улар:

— валюта тушумининг 100 %лик олдиндан тўловини ёки 100%лик аккредитивни таъминлашлари;

— экспортчи корхоналар каби фойда ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўлламасликлари;

— хорижий валютада олинган тушумнинг 50 %ини тушум транзит валюта ҳисобрақамига тушган санадан бошлаб 5 банк кунидан кечиктирмай мажбурий сотилишини таъминлашлари керак.

Мисол. Савдо корхонаси илгари мамлакат ичида сотиб олган товарларини 10 минг АҚШ долларига экспорт қилади. Товарларнинг харид қиймати — 8750 минг сўм.

Валюта курси:

тушум келиб тушган санада — 1 АҚШ доллари учун 1337 сўмни;

товар юклар жўнатилган санада — 1 АҚШ доллари учун 1 340 сўмни ташкил қилди.

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Олдиндан тўлов олинди (10 000 долл. × 1 337)	13 370	5211 5210	6310 5211
2	Товарлар сотилишини акс эттириш (10 000 долл. × 1 340)	13 400	4010	9020
3	Сотилган товарлар таннархини ҳисобдан чиқариш	8 750	9120	2910
4	Курс фарқини акс эттириш (1 340 — 1 337) × 10 000	30	9620	6310
5	Товар учун олдиндан тўлов суммаси ҳисобга олинди	13 400	6310	4010
6	Божхона йиғимларининг ҳисобланиши (13 400 000 × 0,2 %)	26,8	9430	6990
7	Ягона солиқ тўлови ҳисобланди (13 400 × 5 %)	670	9810	6410

Маъмур вазиятда солиқ солинадиган база 13 400 минг сўмни (10 000 × 1 340) ташкил қилди. Манфий курс фарқи (30 минг сўм) солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Экспортчи корхоналар учун назарда тутилган солиқ ставкасини камайтириш кўринишидаги имтиёзлар савдо фаолиятига татбиқ этилмайди, тегишинча, ягона солиқ тўлови белгиланган ставка бўйича ҳисобланади.

Улгуржи савдо корхонаси учун ягона солиқ тўлови суммаси 670 минг сўмни (13 400 × 5 %) ташкил қилади.

ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАР

Ҳисобварақ-фактураларга қўйиладиган талаблар

Корхона товарларнинг юклар жўнатилиш санасидан кечиктирмасдан белгиланган шакл бўйича 2 нусхада ҳисобварақ-фактура ёзиши лозим. Биринчи нусха харидорга берилади, иккинчиси мол етказиб берувчида қолади.

Ҳисобварақ-фактура раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва корхона муҳри билан тасдиқланади. Шахсий имзолари ўрнига имзо муҳри (факсимиле)дан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 279—I-сонли «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасининг ҳамда Ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш тартибининг (АВ томонидан 21.01.2008 йилда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган, МВ ва ДСҚнинг «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида» қарорига 3-илова) бузилиши ҳисобланади. Хусусан, Қонуннинг 9-моддасида таъкидланишича, бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилар:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Ҳисобварақ-фактура юклаб жўнатиш (сотиш) бўйича операция содир этилганлиги ҳолатини қайд этувчи бирламчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва ҳисоб ёзувларини юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маҳсулотлар узлуксиз етказиб берилаётганда ҳисобварақ-фактуралар бир ойда камида бир марта ёзилиши мумкин.

Қимматликларни фақат ҳисобварақ-фактура бўйича ёзувчи ва юклаб жўнатувчи корхоналар (юкхатлар ўрнига) ҳисобварақ-фактурада «товарни ишончнома бўйича олиш» тўғрисида белги қўйишлари лозим.

Товарларни етказиб беришга ҳисобварақ-фактуралардан ташқари юкхатлар ёзишда «ишончнома бўйича олиш» тўғрисидаги белги ҳисобварақ-фактурада тўлдирилмайди.

«Ишончнома бўйича олиш» тўғрисидаги ёзув шунингдек уларнинг ҳақиқатда олиниши далолатномалар, маълумотномалар ёки бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар билан тасдиқланадиган ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш бўйича ҳам тўлдирилмайди.

2010 йил 1 январдан бошлаб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи солиқ солинадиган базага уни кўпайтиришга (камайтиришга) қаратилган тузатиш киритган тақдирда, етказиб берувчи томонидан қўшимча ҳисобварақ-фактура тузилиб, товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи уни олганлигини тасдиқлаши керак.

Қўшимча ҳисобварақ-фактурада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- 1) унинг рақами ва тузилган санаси;
- 2) ҳисобварақ-фактурани тўлдиришда зарур бўлган реквизитлар;
- 3) тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;
- 4) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисобга олмаган ҳолда солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий);
- 5) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи суммасига тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий).

Ҳисобварақ-фактураларни рўйхатга олиш

Ёзилган ҳисобварақ-фактуралар хронологик тартибда рақамланиши лозим.

Корхоналар келиб тушган ва ёзилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини юриштишга мажбур. Бунда 2010 йил 1 январдан бошлаб харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳисобварақ-фактуралар реестрига фақат ҚҚС алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар кирилади. Солиқ даври давомида ҚҚС билан харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри солиқ инспекциясига қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобига илова сифатида тақдим этилади.

Харидор (буюртмачи)ларга берилган ҳисобварақ-фактуранинг иккинчи нусхаси ҳар ойда ёки ҳар чоракда Берилган ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш журналида хронологик тартибда тикиб қўйилади. Берилган ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш журналининг барча саҳифалари рақамланган, журналнинг ўзи эса тикиб боғлаб қўйилган бўлиши керак.

**Харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар
(ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестри**

Т / р	Етказиб берувчи номи	Етказиб берувчи СТИР	Ҳисоб-варақ-фактура санаси ва рақами	Етказиб бериш қиймати (ҚҚС-сиз)	ҚҚС суммаси	Улардан, ҳисобга олинмайдиганлари, шу жумладан:								
						асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш бўйича		қиймати, ҚҚС билан бирга асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш қийматига кирадиган ишлар, хизматлар бўйича		текинга олинганлари бўйича		буш вақтни мазмули ўтказиш, кўнгилочар томошалар ташкил этиш мақсадида олинганлари бўйича		
						қий-мат	ҚҚС	қий-мат	ҚҚС	қий-мат	ҚҚС	қий-мат	ҚҚС	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
	Жами:													
	ҚҚС суммаси ҳисобга олиниши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати (5-устун – 7-устун – 9-устун – 11-устун – 13-устун)				x									
	Ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммаси ҳисоб-китоби учун фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси (6-устун – 8-устун – 10-устун – 12-устун – 14-устун)			x										

ҚҚС тўловчилари ҳисобланмаган ягона солиқ тўловчи тўловчи корхоналар ҚҚС суммасини ҳисобварақ-фактурада кўрсатмайдилар, балки «Қўшилган қиймат солиғисиз» деган белгили муҳр қўядилар (ёки ёзувни ёзиб қўядилар).

Акцизли маҳсулот ишлаб чиқармайдиган ёхуд ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган корхоналар акциз солиғи бўйича устунларда «Акциз солиғисиз» деган белгили муҳр қўядилар (ёки ёзувни ёзиб қўядилар).

Қиймати хорижий валютада ифодаланган маҳсулотларни юклаб жўнатишда ҳисобварақ-фактура хорижий валютага эквивалентликда ёзилиб, ҳисобварақ-фактура ёзилган санада МБ курси бўйича қайта ҳисобланган сўмда акс эттирилади.

Қурилиш ташкилотлари буюртмачиларга ҳисобварақ-фактуранинг барча мажбурий реквизитлари таркиб топган бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома-ҳисобварақ-фактура юборадилар. Шунинг учун улар қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ёзмайдилар.

Белгиланган намунадаги ҳисобварақ-фактура бевосита аҳолига товарлар сотилганда ёзилмайди. Ушбу ҳолларда касса чеки ёки хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши)ни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар берилади. Улар ҳисобварақ-фактура ҳисобланади.

Ҳисобварақ-фактураларни нотўғри расмийлаштирганлик учун молиявий жазо чоралари

Ҳисобварақ-фактурада ҚҚСни ҚҚС солинмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда (2010 йил 1 январдан бошлаб), шунингдек ҚҚС тўловчилари бўлмаган корхоналар акс эттирганда етказиб берувчи корхонадан ҚҚС суммаси ва ушбу сумманинг 20 %и миқдориди жарима ундирилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари ҚҚС бўйича бюд-

жет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайдилар ва уларга нисбатан жарима жазолари қўлланилмайди.

Молиявий жазо чораларини қўллаш фақат суд тартибиде амалга оширилади, солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб ёзиш, шунингдек корхона содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно.

XV бўлим. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан даромадлар

Тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан даромадлар (тушум) 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» ва 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» ҳисобварақлари кредитида 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Тушумни акс эттириш билан бир вақтнинг ўзида сотилган тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар таннархини 2800-«Тайёр маҳсулотлар», 2900-«Товарлар», 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» гуруҳи ҳисобварақлари кредитидан 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи», 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи», 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқариш лозим.

Ҳисобот даври охирида 9000 ва 9100-ҳисобварақлар 9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағига ёпилади.

Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

— корхоналарнинг асосий фондлари ва бошқа молмулкни сотишдан олган даромадлари;

— даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

- рента даромади, ёрдамчи хизматлардан даромадлар;
- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарима, пеня, боқимондалар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо чоралари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар;
- бегараз молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Асосий фондлар ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар

Асосий фондлар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар ҳисобда 9300-«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларида акс эттирилади:

- 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»;
- 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда».

Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар

Кредиторлик қарзи — етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан етказиб берилган товарлар, материаллар, хизматлар, бажарилган ва муддатида ҳақи тўланмаган ишлар учун корхонанинг уларга бўлган қарзи.

Депонент қарзи — тўланмаган иш ҳақи бўйича ходимлар олдидаги қарз.

Муддатида сўндирилмаган кредиторлик қарзи қуйидаги икки ҳолда ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

- даъво билдириш муддати (қарз вужудга келган пайдан бошлаб уч йил) ўтганда;
- кредитор корхона тугатилганда.

Ҳисобдан чиқарилган кредиторлик қарзи суммаси асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлар таркибига киритилади ва унга юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови солинади.

Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар акс эттирилади		
	дебет	кредит
Даъво билдириш муддати ўтганлиги муносабати билан кредиторлик ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқариш	6010-«Мол стказиб берувчилар ва гудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»; 6720-«Депонентланган иш ҳақи»	9360-«Кредиторлик ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар»

Мисол. Корхона раҳбарининг қарорига кўра даъво билдириш муддати ўтганлиги муносабати билан материаллар етказиб берувчи олдидаги 200 минг сўм миқдоридаги кредиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилди.

Бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади:

Т / Р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Даъво билдириш муддати ўтганлиги муносабати билан кредиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилди	200	6010	9360

200 минг сўм ҳам фойда солиғини, ҳам ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базага киритилади ва унга асосий (соҳа) фаолият турига мос келувчи ставка бўйича солиқ солинади.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар ижарага берувчи корхоналар томонидан бу фаолият улар учун асосий бўлиши ёки бўлмаслигига боғлиқ равишда акс эттирилади. Асосий воситаларни ижарага бериш асосий фаолият тури ҳисобланмаган корхоналар оператив ижарага бериш чоғида 9350-«Оператив ижарадан олинган даромадлар» ҳисобварағидан фойдаланади ва, тегишинча, даромадлар бошқа операцион фаолиятдан олинган даромадлар деб тан олинади.

Жарима, пеня, боқимонда ва бошқа хил жазо чоралари бўйича даромадлар

Жарима, пеня ва боқимондалар кўринишида, шунингдек бошқа жазо чоралари бўйича даромадлар, улар қарздор томонидан тан олиниши (тасдиқланиши) шартли билан даромадлар сифатида тан олиниши керак.

Беғараз молиявий ёрдамдан даромадлар

Беғараз молиявий ёрдам олиш ҳисобда 9380-«Беғараз молиявий ёрдам» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Мисол. Корхона ўз муассисларининг биридан 500 минг сўм миқдорида беғараз молиявий ёрдам олди.

Бухгалтерия ҳисобида беғараз молиявий ёрдамнинг келиб тушиши қуйидаги тартибда акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентияси	
			дебет	кредит
1	Молиявий ёрдамни олиш акс эттирилди	500	5110	9380

Молиявий ёрдам суммаси юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базага қўшилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар учун ҳам текинга олинган сумма солиқ солинадиган айланмага қўшилади ва унга асосий (соҳа) фаолият турига мос бўлган ставка бўйича солиқ солинади.

Молиявий фаолиятдан даромадлар

Молиявий фаолиятдан даромадлар Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги даромад турларига бўлинади:

— бошқа корхоналар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича ди-

видендлар ва облигациялар ҳамда бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

— мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан олинган даромадлар;

— валюта ҳисобварақлари, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича мусбат курс фарқлари;

— қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга ва ҳоказоларга сарфланган маблағлар (қўйилмалар)ни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;

— олинган роялтилар ва сармоя трансферти;

— молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Бошқа корхоналар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар

Фоизлар кўринишидаги даромадларга депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадлар киреди.

Фоизлар кўринишидаги даромадларни ҳисобда ҳисоблаб ёзиш тамойили бўйича пул маблағларининг олинган ҳолатидан қатъи назар акс эттириш лозим.

Дивидендлар кўринишидаги даромадлар — бу акциялар бўйича ва бошқа корхона ва ташкилотларнинг устав капиталига улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромадлар. Даромадлар — дивидендларга тўлов манбаида 10 % ставка бўйича солиқ солинади.

Қонунчиликда даромадларнинг ушбу кўринишига бир қатор имтиёзлар назарда тутилган.

Юридик шахслар томонидан дивидендлар кўринишида олинган ва улар олинган юридик шахснинг устав капиталига йўналтирилган даромадларга солиқ солинмайди.

Шунингдек ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадларига солиқ солинмайди.

Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларининг ўз инвестиция портфелида турган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларидан дивидендлар шаклида олинган даромадларига ҳам солиқ солинмайди (Солиқ кодекси 156-моддасининг 6-қисми).

2008 йил 1 январдан 2014 йил 28 июлга қадар юридик шахсларнинг бир йилдан ортиқ муддатга тижорат банкларининг депозитлар ва қарз қимматли қоғозларига жойлаштиришдан олган фоизли даромадлари солиқ солишдан озод этилади (ЎзР Президентининг 28.07.2009 йилдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ—1166-сон қарорининг 8-банди).

2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга:

— юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан;

— суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари фойда солиғини тўлашдан озод қилинган. Солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилади (ЎзР Президентининг 21.05.2008 йилдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ—872-сон Қарорининг 4-банди).

Кўрсатиб ўтилган имтиёزلарни қўллаш тартиби АВ томонидан 17.07.2008 йилда 1838-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ—872-сон қарори билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида» махсус Низом билан тартибга солинади.

2009 йил 1 январидан:

— жисмоний шахслар ўзлари таъсис этган микрофирма ва кичик корхоналардан оладиган;

— юридик шахсларнинг капиталлаштиришга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган маблағлари қисмида дивиденд тарзидаги даромадлари 5 йил муддатга солиқ солишдан озод этилган.

Имтиёз дивиденд қайси давр учун ҳисоблаб ёзилганидан қатъи назар, 2009 йил 1 январдан бошлаб 2014 йил 1 январга қадар тўланадиган барча дивидендларга татбиқ этилади.

Ушбу имтиёзни қўллаш тартиби Дивидендлар тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисида низом (АВ томонидан 10.02.2009 йилда 1901-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган.

Юридик шахсларга дивидендлар тўланганда ушбу дивидендларни (уларнинг бир қисмини) олувчилар томонидан мазкур маблағлар капиталлаштиришга, инвестицияларга ва аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган тақдирда солиқ тўлов манбаида ушланмайди.

Мазкур имтиёзни қўллаш мақсадида капиталлаштириш деганда юридик шахслар томонидан ўз устав фондини (устав капиталини) оширишга маблағларни йўналтириш тушунилади, инвестициялар сифатида юридик шахслар томонидан модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, реконструкция қилиш ва қурилишга йўналтириладиган, шунингдек бошқа юридик шахсларнинг устав капиталига (фондига) қўйилма сифатида йўналтириладиган маблағлар тан олинди, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоблар эса асосий қарз ва кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўланишини ўз ичига олади.

Дивидендлар тарзидаги даромадларни тўлов манбаида солиқ солишдан озод этиш учун юридик шахс ҳар гал дивиденд тўланганда тўлов манбаига белгиланган шаклда ариза тақдим этади.

**Тўлов манбаида дивидендлар тарзидаги даромадлар
бўйича тўлов манбаида солиқ солишдан озод этиш
тўғрисида**

АРИЗА

Юридик шахс

«Олмазор» МЧЖ

(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

Тошкент ш., Навоий кўч., 15

(почта индекси, шаҳар (туман, қишлоқ), кўчанинг номи ва уйнинг
(хонадоннинг) рақами)

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳно-
ма

1	1	1	1	1	1	1
---	---	---	---	---	---	---

2. СТИР

2	2	2	2	2	2	2	2	2
---	---	---	---	---	---	---	---	---

3. Телефон: код

9	9	8	7	1
---	---	---	---	---

 рақам

1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

Сиздан Дивидендлар тарзидаги даромадларни солиқ со-
лишдан озод этиш тўғрисидаги низомга мувофиқ тўлов
манбаида 2008 йил учун ҳисобланган 20 (йигирма) милли-
он сўм миқдоридаги дивиденд тарзидаги даромадлардан
фойда солигини ушлаб қолмаслигингизни сўрайди.

Ушбу аризада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Дивиденд тўловчи юридик шахснинг ходими томонидан тўлдирилади																
Раҳбар СТИР <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td>1</td><td>2</td><td>3</td><td>4</td><td>5</td><td>6</td><td>7</td><td>8</td><td>9</td></tr></table> Ф.И.Ш. <u>Раҳимов А. Н.</u> Имзо _____	1	2	3	4	5	6	7	8	9								
1	2	3	4	5	6	7	8	9									
Бош бухгалтер СТИР <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td>9</td><td>8</td><td>7</td><td>6</td><td>5</td><td>4</td><td>3</td><td>2</td><td>1</td></tr></table> Ф.И.Ш. <u>Ғофурова Н. А.</u> Имзо _____	9	8	7	6	5	4	3	2	1								
9	8	7	6	5	4	3	2	1									
Сана <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td>0</td><td>6</td></tr></table> <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td>0</td><td>3</td></tr></table> <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td>2</td><td>0</td><td>0</td><td>9</td></tr></table> (кк/оо/ййй)	0	6	0	3	2	0	0	9	Сана <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td> </td><td> </td></tr></table> <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td> </td><td> </td></tr></table> <table border="1" style="display: inline-table; vertical-align: middle;"><tr><td> </td><td> </td><td> </td><td> </td></tr></table> (кк/оо/йй)								
0	6																
0	3																
2	0	0	9														
Ф.И.Ш. _____ Имзо _____	Ф.И.Ш. _____ Имзо _____																

Ариза икки нусхада тақдим этилади: дивиденд тарзидаги даромад тўловчи юридик шахс бир нусхасига аризани олганлиги ҳақидаги белги қўяди ва уни тақдим этувчига қайтаради. Ариза солиқни тўлов манбаида ушламаслик учун асос бўлиб ҳисобланади.

Микрофирма ёки кичик корхона жисмоний шахсларга дивиденд тўлаганда улар томонидан имтиёзни қўллаш тўғрисидаги ариза тақдим этилмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ ушланмайди.

Тўлов манбаида солиқ солишдан озод этилган дивиденд тарзидаги даромадлар уларни олувчи корхонанинг банкдаги махсус ҳисобварағида (5530-«Бошқа махсус ҳисобварақлар» ҳисобварағи) жамланади.

Мисол. Корхона олаётган дивидендларининг бутун суммаси — 20 млн сўмни капиталлаштирмоқда. Ушбу даромадларни тўлаш манбаи бўлган корхонага тақдим этиладиган аризага асосан мазкур дивидендлар тўлов манбаида солиқ солишдан озод этилади.

Дивидендларни олаётган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида уларнинг олиниши ва ишлатилиши қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар тарзидаги даромад ҳисоблаб ёзилди	20 000	4840	9520
2	Махсус ҳисобвараққа дивидендлар келиб тушди	20 000	5530	9840
3	Дивидендлар ҳисобига устав капиталининг кўпайиши акс эттирилади	20 000	8710 5110	8300 5530

Дивидендларнинг модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, реконструкция қилиш ва қурилишга йўналтирилиши бухгалтерия ёзувларида 5530-«Бошқа махсус ҳисобварақлар» ҳисобварағи орқали акс эттирилади.

Мисол. Корхона асосий ва ёрдамчи цехларини хўжалик усули билан реконструкция қилмоқда. Реконструкция пайтида қуйидаги харажатлар қилинди: 17 000 минг сўмлик ускуна сотиб олинди; ходимларга иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб ёзилди — 9 300 минг сўм; материаллар ҳисобдан чиқарилди (ҚҚС билан бирга) — 20 500 минг сўм; амортизация ҳисоблаб ёзилди — 2 500 минг сўм, шунингдек 12 000 минг сўмга тенг бошқа харажатлар ҳисобдан чиқарилди.

Цехларни реконструкция қилиш учун ускуна ва материаллар тўлов манбаида солиқ тўлашдан озод этилган дивидендлар жамланадиган махсус ҳисобварақдаги маблағлар ҳисобидан харид қилинди.

Махсус ҳисобварақдаги маблағлардан реконструкция қилиш учун фойдаланиш бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидагича акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар тарзидаги даромад ҳисоблаб ёзилди	37 500	4840	9520
2	Махсус ҳисобвараққа дивидендлар келиб тушди	37 500	5530	9840
3	Цехларни реконструкция қилиш учун ускуна ва материаллар харид қилинди	37 500	0700 1000	6010
4	Ускуна ва материаллар учун етказиб берувчиларга ҳақ тўланди	37 500	6010	5530
5	Цехлар реконструкцияси учун материаллар ва ускуналар ҳисобдан чиқарилди	37 500	0810	0700 1000

Бошқа юридик шахсларнинг акцияларини (устав капиталидаги пайларни) харид қилиш учун йўналтирилдиган дивидендлар 5530-«Бошқа махсус ҳисобварақлар» ҳисобварағини қўллаган ҳолда инвестициялар сифатида акс эттирилади.

Мисол. Корхона 5 000 минг сўм миқдоридан олаётган дивидендлари ҳисобига бошқа юридик шахсларнинг акцияларини харид қилмоқда.

Дивидендларни олаётган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида уларнинг олинishi ва ишлатилиши қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар тарзидаги даромад ҳисоблаб ёзилди	5 000	4840	9520
2	Махсус ҳисобвараққа дивидендлар келиб тушди	5 000	5530	9840
3	Олинган дивидендлар ҳисобига бошқа юридик шахснинг акцияларини харид қилиш акс эттирилади	5 000	0600	5530

Тўлов манбаида солиқ солинмаган дивидендлардан мақсадли фойдаланилишини махсус Ҳисоб-китобда тасдиқлаш лозим, ушбу Ҳисоб-китоб корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ инспекциясига Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатларда тақдим этилади.

Тўлов манбаида фойда солиғи солинмаган дивидендлар тарзидаги даромад олган корхона 2014 йил 1 январга қадар махсус ҳисобварақдаги бутун суммани ишлатиши лозим. Акс ҳолда фойдаланилмаган масблагларнинг қолган қисмига, шунингдек мақсадли равишда фойдаланилмаган маблагларга дивидендлар тарзидаги даромадлар сифатида мажбуриятлар юзага келган пайтда амал қилган ставка бўйича фойда солиғи солиниши керак.

Олдин Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинган дивидендлар ва фоизлар олган юридик шахс — резидент тўлов манбаида солиқ тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатлари мавжуд бўлса, уларни жами даромаддан чегиртириш ҳуқуқига эга.

Валюта ҳисобварақлари бўйича мусбат курс фарқлари

Мусбат курс фарқи чет эл валютасида амалга оширилган операциялар бўйича, операцияларни бухгалтерия

ҳисобида миллий валютада акс эттиришда хўжалик операцияси амалга оширилган сана билан ушбу операция бўйича ҳисоб-китоб санаси ўртасидаги вақт оралиғи натижасида юзага келади.

Қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар


Қимматли қоғозларга ва шуъба корхоналарга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар, улар тегишли бўлган ҳисобот даврида тан олинади ва 9560-«Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» ҳисобварағи кредитида акс эттирилади. 12-сон БҲМСда қимматли қоғозларни қайта баҳолаш суммасини акс эттириш вариантларини танлаш ҳуқуқи берилганлигини ҳисобга олган ҳолда корхоналар ўз ҳисоб сиёсатларида қўлланадиган усулни тасдиқлашлари керак.

Роялти


Роялти — бу корхонанинг ўз узоқ муддатли активларидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бериш муносабати билан олинган даромадлар. Масалан, роялти патентлар, савдо маркалари, муаллифлик ҳуқуқи ва компьютер дастурларини фойдаланишга беришда юзага келади. Роялти кўринишидаги даромад (фоизлар, рента ва бошқ.) вақт давомида ёки активдан фойдаланиш мобайнида тан олинади.

СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)НИ АНИҚЛАШ

Фойда солиғини тўловчи корхоналарда соф фойда қуйидаги тартибда шакллантирилади:



Ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланган корхоналарнинг соф фойдаси (зарари) қуйидаги тартибда шакллантирилади:



Соф фойда (зарар) 9910-«Якуний молиявий натижа» транзит ҳисобварағида шакллантирилади. 9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебитида корхонанинг харажатлари (зарарлари), кредитида эса даромадлари (фойдалари) акс эттирилади. Ҳисобот давридаги дебет ва кредит айланмаларни таққослаш ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)ни кўрсатади.

Ҳар бир ҳисобот даври якунида 9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебити ва кредити бўйича айланмалар жамланади ва ушбу ҳисобварақ бўйича ҳисобот даврининг якуний молиявий натижасини тавсифловчи умумий қолдиқ чиқарилади.

Ҳисобот йилининг якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисобот тузиш чоғида 9910-«Якуний молиявий нати-

жа» ҳисобварағи 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ҳисобварағи билан корреспонденцияда ёпилади. Бу операция баланс реформацияси деб аталади.

Баланс реформацияси ҳар бир янги йил бошидан ўтган йил молиявий натижаларини ўсиб борувчи якун билан акс эттирилишининг якунланиши билан изоҳланади. Шунинг учун кейинги йилнинг 1 январида молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақ ўтган йилнинг ёзувларидан «тозаланган» бўлиши керак.

Баланс реформацияси ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолати бўйича қуйидаги ҳисобварақларни ёпиш билан амалга оширилиши керак:

9000-«Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар»;

9100-«Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархи»;

9300-«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»;

9400-«Давр харажатлари»;

9500-«Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар»;

9600-«Молиявий фаолият бўйича харажатлар»;

9710-«Фавқулодда фойдалар»;

9720-«Фавқулодда зарарлар»;

9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар»;

9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар».

Мисол. Корхона ҳисобот йилида 14 400 минг сўмлик маҳсулот сотди, шу жумладан ҚҚС — 2 400 минг сўм.

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 6 000 минг сўмни ташкил қилди.

Харид қилинган материаллар бўйича 1 000 минг сўм миқдорида ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинди.

Давр харажатлари 2 900 минг сўмни ташкил қилди, улардан 900 минг сўм фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан чегирилмайди.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2 400 минг сўм суммада даромад олди, шу жумладан ҚҚС — 400 минг сўм. Мулкни ижарага бериш корхона учун асосий фаолият тури ҳисобланмайди.

540 минг сўм [(12 000 – 6 000 – 2 900 + 900 + 2 000) x 9 %] миқдориди фойда солиғи ҳисобланди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи — 364,8 минг сўм.

Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра корхона тақсимланмаган фойдага эга бўлмаган.

Соф фойда (зарар)ни аниқлаш учун корхона қуйидаги ёзувларни амалга ошириши керак:

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспондентияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилади	12 000	4010	9010
2	ҚҚС акс эттирилади	2 400	4010	6410
3	Сотилган маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	6 000	9110	2810
4	Давр харажатлари ҳисобдан чиқарилди	2 900	9410, 9420, 9430	0200, 1000, 6710, 6520 ва б.
5	Мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар акс эттирилади	2 000	4820	9350
6	Ижара ҳақи бўйича ҚҚС акс эттирилади	400	4820	6410
7	Фойда солиғи ҳисобланди	540	9810	6410
8	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланди	364,8	9820	6410
9	Ҳисобот даврининг охирида 9010-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	12 000	9010	9910
10	Ҳисобот даврининг охирида 9110-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	6 000	9910	9110
11	Ҳисобот даврининг охирида 9350-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	2 000	9350	9910
12	Ҳисобот даврининг охирида 9410, 9420 ва 9430-ҳисобварақларнинг ёпилиши акс эттирилади	2 900	9910	9410(300) 9420(1600) 9430(1000)

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
13	Ҳисобот даврининг охирида 9810-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	540	9910	9810
14	Ҳисобот даврининг охирида 9820-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	364,8	9910	9820
15	Ҳисобот йилининг соф фойдаси ҳисобдан чиқарилади	4 195,2	9910	8710

Ягона солиқ тўловини тўловчи корхона молиявий натижани қуйидаги тарзда ҳисоблайди.

Мисол. Корхона ҳисобот йилида 12 000 минг сўмлик маҳсулот сотди.

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 6 000 минг сўмни, маҳсулотларни сотиш харажатлари 1 700 минг сўмни ташкил қилди.

Корхонада ҳисобот йилида бошқариш бўйича жорий харажатлар 1 200 минг сўмни ташкил қилди.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2 400 минг сўм суммада даромад олди. Мулкни ижарага бериш корхона учун асосий фаолият тури ҳисобланмайди. Мулкни ижарага бериш билан боғлиқ харажатлар (амортизация ажратмалари, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг тегишли улуши) 1 600 минг сўмни ташкил қилди.

1 008 минг сўм $(12\ 000 + 2\ 400) \times 7\ %$ суммада ягона солиқ тўлови ҳисобланди.

Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра корхона тақсимланмаган фойдага эга бўлмаган.

Соф фойдани аниқлаш учун қуйидаги ёзувлар амалга оширилиши керак:

Т / р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Маҳсулотларни сотиш акс эттирилади	12 000	4010	9010

Т / Р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
2	Сотилган маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	6 000	9110	2810
3	Сотиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди	1 700	9410	0200, 1000, 6710, 6520 ва б.
4	Жорий харажатлар ҳисобдан чиқарилди	1 200	9420	0200, 1000, 6710, 6520 ва б.
5	Мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар акс эттирилади	2 400	4820	9350
6	Ижара бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	1 600	9430	0200, 1000, 6710, 6520 ва б.
7	Ягона солиқ тўлови ҳисобланди	1 008	9820	6410
8	Ҳисобот даврининг охирида 9010-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	12 000	9010	9910
9	Ҳисобот даврининг охирида 9110-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	6 000	9910	9110
10	Ҳисобот даврининг охирида 9350-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	2 400	9350	9910
11	Ҳисобот даврининг охирида 9410, 9420 ва 9430-ҳисобварақларнинг ёпилиши акс эттирилади	1 700 1 200 1 600	9910	9410 9420 9430
12	Ҳисобот даврининг охирида 9820-ҳисобварақнинг ёпилиши акс эттирилади	1 008	9910	9820
13	Ҳисобот йилининг соф фойдаси ҳисобдан чиқарилади	2 892	9910	8710

31 декабрь ҳолатига кўра 9910-ҳисобварақ кредитидаги қолдиқ 2 892 минг сўмни ташкил қилади. Бу сумма — ҳисо-

бот йилининг соф фойдаси, у декабрдаги якуний ўтказма билан 8710-ҳисобвараққа ўтказилади. Ҳисобот даврининг фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарорни корхона мулкдорлари кейинги йилда қабул қиладилар («Хусусий капитал» бўлимида батафсил берилган).

Таҳлилий ҳисобда соф фойда суммаларини олдинги даврларда капиталлаштирилган ва ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасига бўлиш мақсадга мувофиқ, бунда ҳисобот даврининг якунида иккита сумма — капиталлаштирилган + ҳисобот даврининг тақсимланмаган, бошида эса фақат — капиталлаштирилган акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда суммаси ҳисобот даври учун молиявий ҳисоботни топширишда баланснинг 450-сатрида акс эттирилади.

Молия-хўжалик фаолияти натижасида зарар ҳам кўрилиши мумкин, у 450-сатрда минус белгиси билан акс эттирилади.

Мисол. Корхона ҳисобот йилида маҳсулотларни сотишдан 12 000 минг сўмлик тушум олди (шу жумладан ҚҚС — 2 000 минг сўм).

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 8 000 минг сўмни ташкил қилди. Маҳсулотлар сотишдан ялпи фойда — 2 000 минг сўм (12 000 – 2 000 – 8 000). Маҳсулотларни сотиш харажатлари — 1 700 минг сўм. Тегишлича, сотишдан олинган фойда 300 минг сўмга тенг (2 000 – 1 700).

Ҳисобот йилида корхонани бошқариш бўйича жорий харажатлар — 1 200 минг сўм.

Ушбу йилда корхона мулкни ижарага беришдан 2 400 минг сўм суммада даромад олди (шу жумладан ҚҚС — 400 минг сўм). Мулкни ижарага бериш корхона учун асосий фаолият тури ҳисобланмайди. Мулкни ижарага бериш билан боғлиқ харажатлар (амортизация ажратмалари, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг тегишли улуши) 1 900 минг сўмни ташкил қилди.

Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра корхона тақсимланмаган фойдага эга бўлмаган.

Йил якунлари бўйича 2-сон «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» шаклида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

010-сатр «Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум»да — 10 000 минг сўм;

020-сатр «Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннарни»да — 8 000 минг сўм;

030-сатр «Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан ялли фойда (зарар)»да — 2 000 минг сўм;

040-сатр «Давр харажатлари, жами»да — 4 800 минг сўм;

090-сатр «Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари»да — 2 000 минг сўм;

100-сатр «Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)»да — 800 минг сўм;

220-сатр «Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)»да — 800 минг сўм;

270-сатр «Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)»да — 800 минг сўм.

800 минг сўм миқдоридаги зарар ҳисобот йили учун балансинг 450-сатри бўйича (минус белгиси билан) акс эттирилади.

Ўтган йилларнинг, шунингдек жорий йилнинг зарари:

— резерв капитали (фонди);

— муассисларнинг мақсадли бадаллари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Ҳисобот йилининг зарарини қоплаш бўйича операциялар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Ҳисобот йилининг зарари қопланади		
	дебет	кредит
Ҳисобот йилининг зарарини резерв капитали маблағлари ҳисобидан қоплаш акс эттирилади	8520-«Резерв капитали (фонди)»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
Ҳисобот йилининг зарарини таъсисчиларнинг мақсадли маблағлари ҳисобидан қоплаш акс эттирилади	8890-«Бошқа мақсадли тушумлар»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Агар ҳисобот йилининг қопланмаган зарарини қоплаш учун мавжуд манбалар етарли бўлмаса, балансда қопланмаган зарар кўрсатилади.

ЗАРАРЛАРНИ ТАҚСИМЛАБ ЎТКАЗИШ

Ўтган ҳисобот даврида зарар кўрган корхоналар кейинги даврларнинг, лекин кўпи билан 5 йилнинг солиқ солинадиган даромадини кўрилган зарарларнинг тўлиқ суммасига ёки унинг бир қисмига камайтиришлари мумкин. Бунда камайтириш суммаси ҳисобот давридаги солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Солиқ кодексининг 161-моддасига мувофиқ чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг (141-модданинг олтинчи қисми) жами даромаддан (129-модданинг биринчи қисми) ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади. Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:

- моддий харажатлар (142-модда);
- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (143-модда);
- амортизация харажатлари (144-модда);
- бошқа харажатлар (145-модда);
- келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар (146-модда).

Чегириб ташланмайдиган бирон-бир харажат таркибида ҳисобга олинган (унинг бир қисми бўлган тақдирда улар чегириб ташланадиган харажатлар бўлиб ҳисобланмайди. Уларга, хусусан, белгиланган нормалардан ортиқча хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари киради. Лекин худди шу харажатлар белгиланган нормалар доирасида чегириб ташланадиган харажатларга киради.

Зарар шунингдек қонун ҳужжатлари солиқ солинадиган фойдани камайтиришга руҳсат бермайдиган ноишлаб чиқариш харажатларини амалга ошириш ҳисобига шаклланиши мумкин. Улар чегирилмайдиган харажатлар бўлиб, уларнинг рўйхати Солиқ кодексининг 147-моддасида келтирилган. Зарарларни ноишлаб чиқариш, нормадан ортиқ харажатларга тақсимлаб ўтказиш меъёрларини қўллаш имконияти солиқ тўловчиларни улардан фойдаланишга ва шу йўл билан солиқ тўлашдан бўйин товлашга рағбатлантиради. Шунинг учун чегирилмайдиган харажатлар суммасига тузатилган зарарлар («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклнинг 240-сатридаги сумма эмас) тақсимлаб ўтказилиши керак.

Мисол. Йил якуни бўйича фойда солиғи тўлангунга қадар зарар 20 млн сўмни, чегирилмайдиган харажатлар эса 21 млн сўмни ташкил этади. Солиқ солинадиган фойда манфий эмас, балки мусбат қийматдан иборат ($-20 + 21 = 1$). Кўриб турганимиздек, корхона манфий молиявий натижага эга бўлсада, зарарларни тақсимлаб ўтказиш меъёрларидан фойдалана олмайди, чунки у уларнинг натижасида зарар ҳосил бўлган чегирилмайдиган (ноишлаб чиқариш) харажатларни амалга оширган.

Солиқ кодекси 157-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилишича, оддий ширкат шартномасининг амал қилиши тугатилганда ва мол-мулк ушбу шартнома шерикларига (иштирокчиларига) қайтарилганда қайтарилаётган мол-мулк қиймати билан бу мол-мулкнинг илгари оддий ширкат шартномаси бўйича топширилган қиймати ўртасидаги манфий фарқ солиқ солиш мақсадида зарар деб эътироф этилмайди ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди. Тегишинча, зарарларни келгусига тақсимлаб ўтказиш меъёри оддий ширкат шартномаси бўйича қайтарилаётган ва топширилган мол-мулк қиймати ўртасидаги манфий фарққа қўлланилмайди.

Солиқ кодекси солиқ тўловчига зарарларни ушбу зарарлар кўрилган солиқ давридан кейин келадиган беш йил давомида келгусига тақсимлаб ўтказишга рухсат беради.

Деярли ҳар қандай бизнес хўжалик фаолиятида у ёки бу даражада мавсумий қизғин паллага дуч келади. Яхна ичимликларни ишлаб чиқариш бунга мисол бўла олади: ёзда уларни сотиш юқори чўққига чиқади, қишда эса сотиш кескин пасаяди. Шунинг учун корхона I чорак, ярим йил, 9 ой ва йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботни тузишда ҳам зарарни, ҳам фойдани кўрсатиши мумкин. Фойда солиғи, корхонанинг молиявий натижалари сингари, ўсиб борадиган якун билан ҳисоблаб чиқарилади. Лекин солиқ солинадиган фойда тақсимлаб ўтказилиши керак бўлган зарар суммасига фақат йил якуни бўйича камайтирилиши мумкин.

Зарарларни тақсимлаб ўтказиш даврларини белгилашга доир мисоллар

Корхона зарар кўрган солиқ даврлари	Корхона солиқ солинадиган фойдани тақсимлаб ўтказиладиган зарар суммасига камайтириш ҳуқуқига эга бўлган солиқ даврлари
2007 йил	2008–2012 йиллар якунлари бўйича
2007 ва 2008 йиллар	2007 йилдаги зарарлар бўйича — 2009–2012 йиллар якунлари бўйича; 2008 йилдаги зарарлар бўйича — 2009–2013 йиллар якунлари бўйича
2007 ва 2009 йиллар	2007 йилдаги зарарлар бўйича — 2008, 2010–2012 йиллар якунлари бўйича; 2009 йилдаги зарарлар бўйича — 2010–2014 йиллар якунлари бўйича

Ҳар бир кейинги солиқ даврида ҳисобга олинadиган тақсимлаб ўтказиладиган зарарнинг жами суммаси жорий солиқ давридаги солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чекловдан ошадиган зарар суммаси кейинги солиқ даврида қопланиши мумкин.

1 - мисол. Жорий йилнинг солиқ солинадиган фойдаси 100 млн сўмни, ўтган йилда ҳосил бўлган тақсимлаб ўтказиладиган жами зарар суммаси эса — 50 млн сўмни ташкил этади. Ушбу ҳолда корхона тақсимлаб ўтказиладиган зарарнинг барча суммасини қоплаш имкониятига эга.

2 - мисол. Жорий йилнинг солиқ солинадиган фойдаси 100 млн сўмни, ўтган йилда ҳосил бўлган тақсимлаб ўтказиладиган жами зарар суммаси эса — 200 млн сўмни ташкил этади. Ушбу ҳолда корхона барча тақсимлаб ўтказиладиган зарарни қоплаш имкониятига эга эмас. У солиқ солинадиган фойдани фақат 50 млн сўмга камайтириш ҳуқуқига эга. Қолган 150 млн сўм беш йиллик муддат тугагунга қадар кейинги солиқ даврларида қопланиши мумкин.

Лекин корхона бир неча йил давомида зарар кўриши мумкин. Зарарли солиқ даврлари кетма-кет келиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатларда зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади.

Мисол. Корхона 2006 йил якунлари бўйича 300 млн сўм, 2007 йил якунлари бўйича 200 млн сўм зарар кўрди. Солиқ солинадиган фойда 2008 йилда 700 млн сўмни ташкил этди.

Биринчи навбатда корхона 2006 йилда ҳосил бўлган зарарнинг қайси суммасини 2008 йилда ёпиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлаймиз. Солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизини 350 млн сўм ташкил этади (700 млн x 50 фоиз). Тегишинча, 2008 йилда 2006 йилда кўрилган 300 млн сўм зарарнинг барча суммаси қопланади. Шунингдек, корхона 2007 йилдаги 50 млн сўм зарарни ҳам қоплаши мумкин, қолган 150 млн сўм эса (200 – 50) корхона фойда кўриши шарти билан 2009–2012 йилларда қопланади.

Мисол. Корхона 2006 йилда 300 млн сўм, 2008 йилда 200 млн сўм зарар кўрди. 2007 йил якунлари бўйича солиқ солинадиган фойда 500 млн сўмни, 2009 йил якунлари бўйича — 600 млн сўмни ташкил этди.

2007 йил солиқ солинадиган фойдасининг 50 фоизини 250 млн сўм ташкил этади, бу 2006 йилда ҳосил бўлган 250 млн сўм зарарни қоплайди, зарарнинг қолган қисми — 50 млн сўм эса (300 – 250) 2009–2011 йилларда қопланади. 2008 йилдаги молиявий натижа манфий бўлганлиги учун, зарарнинг ушбу қисми мазкур йилда қопланиши мумкин эмас.

2009 йилдаги солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизини 300 млн сўм ташкил этади. Ушбу суммадан 2006 йил зарарининг қолган қисми (50 млн сўм) ва 2008 йилда ҳосил бўлган зарарнинг тўлиқ қисми (200 млн сўм) қопланади.

Мисол. 2007 йил якунлари бўйича солиқ тўловчи фойда солиғи тўлагунга қадар манфий молиявий натижа — 700 млн сўм зарар кўрди. Унинг суммаси ҳисобот (солиқ) даврида солиқ солинадиган базага киритилиши керак бўлган 100 млн сўмлик харажатга тузатилди ва 2008–2012 йилларга тақсимлаб ўтказиладиган жами зарар суммаси 600 млн сўмни ташкил этди. Кейинги 5 йиллик молиявий-хўжалик фаолияти давомида корхона фойда кўриб ишлади.

Т / р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йиллари					
		2007	2008	2009	2010	2011	2012
1	Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклнинг 240-сатри)	-700	100	110	140	100	120
2	Ҳисобот (солиқ) даврининг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар (Фойда солиғи ҳисоб-китобининг 060-сатри)	100	100	120	150	80	80
3	Солиқ солинадиган фойда (Фойда солиғи ҳисоб-китобининг 090-сатри)	-600	200	230	290	180	200
4	Солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган зарар ёки зарар бир қисмининг суммаси (3-сатр × 50 %, лекин 8-сатр бўйича ўтган давр учун зарар ёки зарар бир қисмининг қолдигидан кўп эмас)	0	100	115	145	90	100
5	Солиқ солинадиган база (3-сатр – 4-сатр)	0	100	115	145	90	100
6	Белгиланган фойда солиғи ставкаси	10 %	10 %	10 %	9 %	9 %	9 %
7	Бюджетга тўланиши керак бўлган фойда солиғи суммаси (5-сатр × 6-сатр)	0	10	11,5	13,05	8,1	9
8	Кейинги йилга тақсимлаб ўтказилиши керак бўлган зарар ёки зарар бир қисмининг қолдиги	600	500	385	240	150	50

Т / Р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йиллари					
		2007	2008	2009	2010	2011	2012
9	Зарарлар ҳисобига солиқ солинадиган фойдани камайтиришни ҳисобга олмаган ҳолда бюджетга тўланиши керак бўлган фойда солиғи суммаси (3-сатр × 6-сатр)	0	20	23	26,1	16,2	18
10	Зарарларни тақсимлаб ўтказиш нормалари қўлланилганидан сўнг корхонанинг ихтиёрида қоладиган маблағ суммаси (9-сатр – 7-сатр)	0	10	11,5	13,05	8,1	9

Ушбу мисолда корхона беш йил давомида 2007 йилда ҳосил бўлган зарарни тақсимлаб ўтказиш бўйича нормани қўллайди. Лекин солиқ солинадиган фойда етишмаслиги туфайли 2013 йилга тақсимлаб ўтказилмайдиган 50 млн сўм зарар қолади, ушбу зарар зарарларни тақсимлаб ўтказиш нормасини қўллаш учун беш йиллик муддат тугагани сабабли қопланмасдан қолади.

Фойда солиғини тўлашдан вақтинча озод қилинган ва йил якуни бўйича зарар кўрган корхоналар зарарларни кейинги солиқ даврларига тақсимлаб ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Мисол. Корхона Солиқ кодексининг 59-боби ва Президентнинг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон) Фармонига мувофиқ 2006 йил 1 январидан 2008 йил 31 декабрга қадар фойда солиғи тўлашдан озод қилинган. 2008 йил якунларига кўра у зарар кўрди. Зарар 2009–2014 йилларга тақсимлаб ўтказилмайди.

Фаолиятининг асосий тури ёки муайян бир тури (масалан, маданий ёдгорликларни таъмирлаш) бўйича фойда солиғи тўлашдан озод қилинган, лекин фаолиятининг

бошқа турлари бўйича уни тўлайдиган қўп тармоқли корхоналар фаолиятининг фойда солиғи бўйича имтиёз татбиқ қилинмайдиган асосий бўлмаган туридан кўрилган зарарларни тақсимлаб ўтказиш нормасини қўллаш ҳуқуқига эга. Бунинг учун улар солиқ солинадиган объектлар ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида ҳисоб-китобини олиб боришлари лозим. Бунда улар фаолиятнинг муайян турига тегишли бўлган барча даромадлар ва харажатларни тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари билан тасдиқлашлари лозим.

2008 йилнинг 1 январидан эътиборан зарарларни тақсимлаб ўтказиш нормаси шунингдек қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқ тўловчи-ҳуқуқий ворисига ҳам татбиқ этилмоқда. Ушбу ҳолда у солиқ солинадиган фойдани қайта ташкил этилган юридик шахснинг қайта ташкил этиш пайтигача кўрган зарари суммасига камайтириш ҳуқуқига эга.

XVI бўлим. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

Молиявий ҳисоботни мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра юридик шахс ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган, солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланадиган алоҳида бўлинмалар тақдим этади.

Корхонанинг мустақил балансга ажратилмаган барча алоҳида бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичлари молиявий ҳисоботга киритилиши керак.

Ушбу бўлимда суғурта ташкилотлари ва банклар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисобот кўриб чиқилмайди.

Корхоналар чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар, бундан микрофирма ва кичик корхоналар мустасно.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия баланси — 1-сон шакл;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-сон шакл;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот — 3-сон шакл;
- пул оқимлари тўғрисида ҳисобот — 4-сон шакл;
- хусусий капитал тўғрисида ҳисобот — 5-сон шакл;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2а-сон шакл.

Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия баланси — 1-сон шакл;

— молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-сон шакл;

— дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2а-сон шакл.

Кичик корхона ва микрофирмалар фақатгина қуйидагилардан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар:

— бухгалтерия баланси — 1-сон шакл;

— молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-сон шакл;

— дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2а-сон шакл.

Молиявий ҳисобот қўшимча маълумотлар — изоҳлар, ҳисоб-китоблар, тушунтириш хати ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади.

Тушунтириш хатида молиявий ҳисоботда келтирилган тегишли моддага ҳавола қилиб кўрсатган ҳолда ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар ёритилади.

Тушунтириш хати корхонанинг ҳисоб сиёсатини ёритиши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини реал баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши лозим.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси бўлиб ҳисобот даврининг охириги тақвимий куни ҳисобланади. Йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври бўлиб 1 январдан 31 декабргача бўлган тақвимий йил ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

1 октябрга қадар янги барпо этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин барпо этилган кор-

хоналар эса — давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бош-лаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам ки-ради) кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлин-малари негизида барпо этилган корхоналарга татбиқ этил-майди).

Акциядорлик жамиятлари, инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жам-лаб турувчи бошқа фондлар ва уларнинг бошқарувчи ком-паниялари, молиялаш манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари бўлмиш хайрия фон-длари ва бошқа жамоатчилик фондлари, устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъек-тлар аудиторлик текшируви ўтказилгандан кейин 15 кун мобайнида, бироқ ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай солиқ органларига молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисидаги аудиторлик хулоса-сининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар.

Ташаббусли аудиторлик текшируви ўтказилган тақдир-да, корхона молиявий ҳисоботининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасининг нусхаси солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун да-вомида тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботни тузишда Ўзбекистон Республи-касининг 1996 йил 30 августдаги 279—I-сонли «Бухгал-терия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Респуб-ликаси Фуқаролик кодекси, Бухгалтерия ҳисобининг мил-лий стандартлари, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юри-тиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалаларини тар-тибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тая-ниш керак.

Молиявий ҳисоботни топшириш муддатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томони-дан молиявий ҳисоботни топширишнинг қуйидаги муд-датлари белгиланган:

1. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкани бошқарувчи бошқа органлар учун умумлаштирилган чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этишнинг қуйидаги муддатлари белгиланади:

чораклик ҳисоботлар — ҳисобот чораги тугагандан сўнг 40 (қирқ) кун мобайнида;

йиллик ҳисоботлар — ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай.

2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари учун йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддати ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай белгиланади.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни молия органларига йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Қолган хўжалик юритувчи субъектлар чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни қуйидаги муддатларда тақдим этадилар:

чораклик молиявий ҳисоботлар — ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25-кунига қадар;

йиллик молиявий ҳисоботлар — ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай.

Кичик корхона ва микрофирмалар йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тўлдириш ва топширишга доир талаблар

Молиявий ҳисобот шаклларида барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Корхонада муайян активлар, пассивлар, операциялар мавжуд бўлмаганда тегишли модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

Молиявий ҳисобот шакллари корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдиришда бирор-бир ўчиришлар ва устига ёзишларга йўл қўйилмайди. Хатолар тузатишган тақдирда тегишли қайдлар қилиниши лозим, уларни молиявий ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларидаги тузатишлар (улар тасдиқланганидан кейин) унинг маълумотларини бузишлар аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Ўтган даврда йўл қўйилган фундаментал (муҳим) хатоларни тузатиш суммаси молиявий ҳисоботда йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш ҳамда активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг моддаларига тегишли тузатишлар киритиш йўли билан акс эттирилиши мумкин.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ бўлмаган харажатларни ишлаб чиқариш харажатларига (ёки муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланганда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди. Мазкур тузатишлар жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс эттирилади.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ (1-СОН ШАКЛ)

Бухгалтерия баланси ҳисобот кунида корхонанинг мол-мулки таркиби (активда) ва уни шакллантириш манбаларини (пассивда) акс эттиради.

Баланс тузиш чоғида шуни эсдан чиқармаслик лозимки:
— актив ва пассив моддалари ўртасида ўзаро ҳисобга олинишга йўл қўйилмайди;

— амортизация қилинадиган мулк (асосий воситалар ва номоддий активлар) қолдиқ қиймати билан акс эттирилади;

— дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, шунингдек молиявий қўйилмалар қисқа ва узоқ муддатлиларга бўлинган ҳолда кўрсатилади.

Бухгалтерия балансини тўлдириш тартиби

Бухгалтерия баланси шакли қуйидагиларни ўз ичига олади:

- манзил қисми;
- «Актив» бўлими;
- «Пассив» бўлими;

— Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олиннадиган қимматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

Бухгалтерия балансида маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Баланс активи

Балансининг «Актив» бўлимида хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли активлари акс эттирилади.

I бўлим. Узоқ муддатли активлар

«Узоқ муддатли активлар» бўлимида асосий воситалар ва номоддий активларнинг қиймати, узоқ муддатли инвестициялар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар суммалари ёритилади.

Асосий воситалар (010, 011, 012-сатрлар)

Балансининг 010-сатри бўйича ҳисоби 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ва 0310-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воси-

талар» гуруҳи ҳисобварақларида юритиладиган хусусий ва узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар бошланғич (тиклаш) қиймати бўйича акс эттирилади.

011-сатр бўйича ҳисоби 0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларида юритиладиган асосий воситалар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси келтирилади.

Баланснинг 012-сатри бўйича асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (010 ва 011-сатрлар фарқи) акс эттирилади.

Номоддий активлар (020, 021, 022-сатрлар)

Баланснинг 020-сатри бўйича номоддий активлар бошланғич қиймати бўйича, яъни корхонанинг уларни харид қилиш, яратишга доир харажатлари суммаси бўйича акс эттирилади. Номоддий активлар ҳисоби 0400-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларида юритилади.

Бу модда бўйича шунингдек гудвилл суммаси ҳисобот даврида амалга оширилган ҳисобдан чиқаришлар чегирилган ҳолда акс эттирилади.

021-сатр бўйича 0500-«Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақлари бўйича номоддий активлар бўйича ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси акс эттирилади.

Баланснинг 022-сатри бўйича номоддий активларнинг қолдиқ қиймати (020 ва 021-сатрлар фарқи) акс эттирилади.

Узоқ муддатли инвестициялар (030-сатр)

030-сатр бўйича қимматли қоғозларга, шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари, чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга қўйилган маблағлар суммаси ҳамда бошқа узоқ муддатли инвестициялар акс эттирилади. Бу сатр баланснинг 040, 050, 060, 070, 080-сатрларини жамловчи ҳисобланади. Баланснинг ушбу сатри бўйича қимматли қоғозлар қиймати корхона томонидан улар бўйича даромадлар

олиш бир йилдан ортиқ муддатга режалаштирилиши ёки харид қилинган қимматли қоғозларнинг белгиланган сўндириш муддати бир йилдан ошиши шарти билан акс эттирилади. Бошқа ҳолларда қимматли қоғозлар қиймати балансинг 370-сатри бўйича акс эттирилади, ҳисоб эса 5800-«Қисқа муддатли инвестициялар» гуруҳи ҳисобварақларида юритилади.

Қимматли қоғозлар (040-сатр)

040-сатр бўйича шуъба ва қарам жамиятларнинг қимматли қоғозларидан ташқари облигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилган маблағлар акс эттирилади. Қимматли қоғозлар ҳисоби 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида юритилади.

Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (050-сатр)

050-сатр бўйича 0620-«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинган шуъба хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган маблағлар кўрсатилади.

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати қуйидагилар туфайли бошқа жамият томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади:

— унинг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши;

— улар ўртасида шартнома тузилиши (масалан, бундай жамият ишларини бошқариш ҳақида, бунда иккинчи жамият ёки ширкат бошқарувчи компания сифатида намоён бўлади);

— бошқа имконият (масалан, ушбу жамиятни бошқариш органларига бундай таъсир кўрсатишнинг ҳақиқий имконияти туфайли) (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 67-моддаси).

Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (060-сатр)

060-сатр бўйича қарам хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган маблағлар акс эттирилади.

Бундай инвестицияларнинг ҳисоби 0630-«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар» ҳисобварағида юритилади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акциялар (устав капитали)нинг 20 фоизидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 68-моддаси).

Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (070-сатр)

070-сатр бўйича чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарнинг акциялари, облигациялари, устав капиталига улушлари ва бошқа инвестицияларига қўйилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

Инвестициялар ҳисоби 0640-«Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар» ҳисобварағида юритилади.

Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (080-сатр)

080-сатр бўйича юқорида саналган моддаларда ҳисобга олинмаган ва 0690-«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган узоқ муддатли инвестицияларга қўйилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (090-сатр)

090-сатрда ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади. Бундай асбоб-ускуналар ҳисоби 0710-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий» ва 0720-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий» ҳисобварақларида юритилади.

Монтажни талаб қилувчи асбоб-ускуналарга қисмлари йиғилганидан сўнг ва фундаментга ёки таянчга, полга, қаватлар ўртасидаги устунларга ва бошқа бино ва иншоотларнинг таянч конструкцияларига мустақамлангандан сўнг ишга тушириладиган асбоб-ускуналар, шунингдек бундай асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари комплекtlари киради. Бундай асбоб-ускуналар таркибига шунингдек назорат-ўлчов аппаратлари ёки ўрнатиладиган асбоб-ускуна таркибида монтаж қилиш учун мўлжалланган бошқа асбоблар киради.

0700-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» ҳисобварағида:

- транспорт воситалари;
- мустақил турувчи дастгоҳлар;
- қурилиш механизмлари;
- қишлоқ хўжалиги машиналари;
- ўлчов ва бошқа асбоблар;
- ишлаб чиқариш инструментлари, инвентарлар ва бошқалар ҳисобга олинмайди.

Капитал қўйилмалар (100-сатр)

100-сатр бўйича қуйидагилар кўрсатилади:

- хўжалик усулида ва пудрат усулида амалга ошириладиган тугалланмаган қурилишнинг қиймати;
- харид қилинган фойдаланишга топширилмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг қиймати;
- асосий подани шакллантириш харажатлари;
- ерни ободонлаштиришга, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга ва бошқаларга қўйилмалар суммалари.

Юқорида таъкидланган харажатларнинг ҳисоби 0800-«Капитал қўйилмалар» гуруҳи ҳисобварақларида юритилади.

Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (110-сатр)

110-сатр бўйича ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритиладиган, олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича топширилган асосий воситалар учун олинадиган тўловлар

қолдиги, ходимларнинг узоқ муддатли қарзи ва бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари акс эттирилади:

0910-«Олинган векселлар»;

0920-«Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар»;

0930-«Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари»;

0940-«Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари».

Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (120-сатр)

120-сатр бўйича вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи, дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар ва ҳисобдан чиқарилмаган бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар кўрсатилади.

Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

0950-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи»;

0960-«Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар»;

0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар».

I бўлим бўйича жами (130-сатр)

«I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича 012, 022, 030, 090, 100, 110, 120-сатрларнинг йиғиндисиди кўрсатилади.

II бўлим. Жорий активлар

«Жорий активлар» бўлимида товар-моддий захиралар, келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми, дебиторлик қарзи, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва бошқа жорий активлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

Товар-моддий захиралар, жами (140-сатр)

140-сатр бўйича балансинг 150, 160, 170, 180-сатрларида келтирилган ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва товарлар қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш захиралари (150-сатр)

150-сатр бўйича 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларида ҳисобга олинган хом ашё захиралари, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идиш материаллари, инвентарь ва хўжалик анжомлари, қайтариладиган чиқиндилар ва бошқа моддий қимматликларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади.

Ушбу модда бўйича шунингдек 1100-«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар» гуруҳи ҳисобварақлари бўйича дебет сальдо ҳам кўрсатилади. Уни асосан чорвачилик ва паррандачилик корхоналари (сут ишлаб чиқариш, қорамоллар, чўчқалар, қушлар ва ш.к.ни ўстириш ва бўрдоқига боқиш комплекслари ва фермалари) тўлдирадидилар.

Корхона 1500-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ва 1600-«Материаллар қийматидаги тафовутларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларидан фойдаланганда кўрсатилган бойликлар ушбу ҳисобварақларда 150-сатр бўйича акс эттирилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш (160-сатр)

160-сатр бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлар (хизматлар) бўйича харажатлар кўрсатилади. Яъни баланснинг ушбу сатри бўйича технологик жараёнда кўзда тутилган қайта ишлашнинг барча босқичларидан ўтмаган маҳсулотлар, шунингдек синов ва техник қабул қилишдан ўтмаган, қисмлари бутланмаган буюмларнинг қиймати акс эттирилади.

160-сатр бўйича акс эттириладиган ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

2010-«Асосий ишлаб чиқариш»;

2110-«Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар»;

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;

2710-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар».

Тайёр маҳсулот (170-сатр)

170-сатр бўйича омбордаги ҳамда кўргазмада бўлган ва комиссия (консигнация) шартномаси бўйича сотишга топширилган тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннарихи бўйича кўрсатилади.

Ишлаб чиқариши тугалланган, синов ва қабул қилишдан ўтган, буюртмачилар билан тузилган шартнома шартларига кўра барча қисмлари бутланган ва техник шартлар ҳамда стандартларга мувофиқ бўлган буюмлар ва маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Тайёр маҳсулотларнинг ҳисоби 2800-«Тайёр маҳсулотлар» ҳисобварақларида юритилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот ва топширилмаган ишлар тугалланмаган деб ҳисобланади ва тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида кўрсатилади.

Товарлар (180-сатр)

180-сатр бўйича омборлардаги товарлар қолдиқларининг қиймати, чакана савдодаги товарларнинг қиймати, кўргазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссияга (консигнацияга) топширилган товарларнинг қиймати, ижара буюмлари, товар идишлари ва бўш идишларнинг қиймати, йўлдаги товарлар ҳамда бошқа товарлар қиймати кўрсатилади. 180-сатр бўйича товарлар савдо устасисиз акс эттирилади.

180-сатрни савдо ёки умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналар тўлдиради.

Товарлар 2900-«Товарлар» гуруҳи ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Келгуси давр харажатлари (190-сатр)

190-сатр бўйича ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин кейинги ҳисобот даврларида молиявий-ҳўжалик фаолият харажатларига киритиладиган харажатлар (масалан, бўнак тариқасида тўланган ижара ҳақи, маҳсулотларни сертификатлаш бўйича харажатлар, даврий нашрларга обуна бўйича харажатлар ва бошқалар) акс эттирилади.

Келгуси давр харажатлари ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

3110-«Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи»;

3120-«Олдиндан тўланган хизмат ҳақи»;

3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари».

Ушбу сатр бўйича келгуси давр харажатларининг дебет сальдоси кўрсатилади.

Кечиктирилган харажатлар (200-сатр)

200-сатр бўйича қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солигининг жорий қисми, дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар ва бошқа кечиктирилган харажатлар кўрсатилади:

3210-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи»;

3220-«Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар»;

3290-«Бошқа кечиктирилган харажатлар».

Дебиторлар, жами (210-сатр)

210-сатр бўйича 220, 240, 250, 260, 270, 280, 290, 300, 310-сатрларда кўрсатилган харидорлар ва буюртмачилар қарзлари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи, мол етказиб берувчилар, пудратчилар, ходимларга берилган бўнақлар; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари; муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи ва турли дебиторларнинг қарзлари суммасининг якуни сифатида жами дебиторлик қарзи кўрсатилади.

211-сатрда маълумот учун дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади. Товарлар амалда жўнатишган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгандан кейин етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағларнинг келиб тушмаганлиги муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи деб ҳисобланади (ЎЗР Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжа-

лигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1154-сонли Фармонининг 2-банди).

Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи (220-сатр)

220-сатр бўйича буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулотлар, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун сўндирилмаган қарз даргумон қарзлар бўйича резерв чегирилган ҳолда кўрсатилади.

Харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»;

4020-«Олинган векселлар».

Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (230-сатр)

230-сатр бўйича ҳисоби 4110-«Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхона балансига қўшиладиган ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)нинг жорий қарзи акс эттирилади.

Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (240-сатр)

240-сатр бўйича шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг жорий қарзи (4120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебет сальдоси) акс эттирилади.

Ходимларга берилган бўнақлар (250-сатр)

250-сатр бўйича ходимларга меҳнат ҳақи бўйича, хизмат сафарларига, умумхўжалик харажатларига берилган бўнақлар ва келгуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа бўнақлар суммаси кўрсатилади.

Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

4210-«Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар»;

4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар»;

4230-«Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»;

4290-«Ходимларга берилган бошқа бўнаклар».

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (260-сатр)

260-сатр бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ муддати бир йилдан кам бўлган келгуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнаклар суммаси акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

4310-«ТМЗ учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар»;

4320-«Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар»;

4330-«Бошқа берилган бўнаклар».

Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (270-сатр)

270-сатр бўйича бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади.

Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича, шу жумладан харид қилинган товар-моддий захиралар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларида ажратилган ҚҚС бўйича бўнак тўловлари ҳисоби 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» ҳисобварағида юритилади.

Давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнак тўловлари (280-сатр)

280-сатр бўйича корхоналар давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича мажбурий ажратмалар бўйича бўнак тўловлари ва ортиқча тўловларни акс эттирадилар.

Суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига бўнак тўловлари ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

4510-«Суғурта бўйича бўнак тўловлари»;

4520-«Давлат мақсадли жамғармаларига бўнак тўловлари».

Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (290-сатр)

290-сатр бўйича ҳисоби 4610-«Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи» ҳисобварағида юритиладиган муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи кўрсатилади.

Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (300-сатр)

300-сатр бўйича корхона ходимларининг кредитга сотилган товарлар, ходимларга берилган қарзлар, корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи ва ходимларнинг бошқа қарзлари кўрсатилади.

Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

4710-«Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи»;

4720-«Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи»;

4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»;

4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари».

Бошқа дебиторларнинг қарзи (310-сатр)

310-сатр бўйича қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинadиган турли дебиторларнинг турли хил операциялар бўйича қарзлари акс эттирилади:

4810-«Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар — жорий қисм»;

4820-«Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар»;

4830-«Олинadиган фоизлар»;

4840-«Олинadиган дивидендлар»;

4850-«Олинадиган роялти»;

4860-«Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар»;

4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари».

Пул маблағлари, жами (320-сатр)

320-сатр бўйича хўжалик юритувчи субъектлар 330, 340, 350, 360-сатрларда кўрсатилган касса, ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳамда бошқа пул маблағлари суммасини кўрсатадилар. Баланснинг ушбу моддаларида акс эттирилган суммалар банк кўчирмаларига ва пул маблағларининг касса ҳисоботи бўйича қолдиқларига мос келиши керак.

Кассадаги пул маблағлари (330-сатр)

Баланснинг 330-сатри бўйича корхона кассасида бўлган пул маблағлари акс эттирилади. Бу сатрда 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ва 5020-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари» ҳисобварақларининг дебети бўйича қолдиқ кўрсатилади.

Ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари (340-сатр)

340-сатр бўйича банклардаги ҳисоб-китоб ҳисобварақларида бўлган миллий валютадаги пул маблағлари қолдиғи (5110-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» ҳисобварағининг дебети бўйича қолдиқ) кўрсатилади.

Чет эл валютасидаги пул маблағлари (350-сатр)

350-сатр бўйича корхоналар банклардаги валюта ҳисобварақларида бўлган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютада баҳоланган валюта маблағларининг қолдиғини акс эттирадilar.

Хорижий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

5210-«Мамлакат ичида валюта ҳисобварақлари»;

5220-«Чет элдаги валюта ҳисобварақлари».

Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (360-сатр)

360-сатрда қуйидаги ҳисобварақлар бўйича корхонадаги пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади:

5510-«Аккредитивлар»;

5520-«Чек дафтарчалари»;

5530-«Бошқа махсус ҳисобварақлар»;

5610-«Пул эквивалентлари»;

5710-«Йўлдаги пул маблағлари (ўтказмалари)».

Қисқа муддатли инвестициялар (370-сатр)

370-сатр бўйича корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозлари, давлат ва маҳаллий заём облигацияларига қисқа муддатли (12 ойдан ошмайдиган муддатга) инвестициялари, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқа жорий инвестициялар кўрсатилади.

Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

5810-«Қимматли қоғозлар»;

5820-«Берилган қисқа муддатли қарзлар»;

5890-«Бошқа жорий инвестициялар».

Бошқа жорий активлар (380-сатр)

380-сатр бўйича ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритиладиган, мазкур ҳисобот даврида инвентарлаш чоғида аниқланган, улар бўйича айбдор шахслар топилмаган камомадлар, ўғирликлар ва бойликларнинг шикастланишидан талафотлар суммаси ҳамда бошқа жорий активлар кўрсатилади:

5910-«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»;

5920-«Бошқа жорий активлар».

II бўлим бўйича жами (390-сатр)

«II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича 140, 190, 200, 210, 320, 370, 380-сатрларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

Балансинг активи бўйича жами (400-сатр)

400-сатр бўйича 130-сатр ва 390-сатрни қўшиш йўли билан олинган активнинг жами суммаси кўрсатилади.

Баланс пассиви

Балансинг «Пассив» бўлимида хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятлари акс эттирилади.

I бўлим. Ўз маблағлари манбалари

«Ўз маблағлари манбалари» бўлимида устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб олинган хусусий акциялар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушумлар ва бўлгуси харажатлар ва тўловлар резервлари бўйича маълумотлар ёритилади.

Устав капитали (410-сатр)

410-сатр бўйича корхона устав капиталининг таъсис ҳужжатларида корхона муассислари улушлари (ҳиссалари, номинал қиймат бўйича акциялари, пай бадаллари)нинг жами сифатида рўйхатга олинган миқдори кўрсатилади.

Устав капиталининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8310-«Оддий акциялар»;

8320-«Имтиёзли акциялар»;

8330-«Пай ва улушлар».

Қўшилган капитал (420-сатр)

420-сатр бўйича акцияларни номинал қийматдан юқори нархларда бирламчи сотиш чоғида олинган эмиссион даромад суммаси, корхонанинг устав капиталини шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси билан маблағларни устав капиталига ҳақиқатда киритиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курслари ўртасида юзага келадиган курс фарқлари суммаси акс эттирилади.

Қўшилган капитал ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8410-«Эмиссия даромади»;

8420-«Устав капиталини шаклантиришдаги курс фарқи».

Резерв капитали (430-сатр)

430-сатр бўйича корхона уставига кўра фойда ҳисоби-га, мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляциян резервлар, текинга олинган мол-мулк ҳисобига ташкил этилган резервлар суммаси, шунингдек мақсадли фойдаланиш шарти билан тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари суммаси кўрсатилади.

Резерв капитали ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

8520-«Резерв капитали (фонди)»;

8530-«Текинга олинган мулк».

Сотиб олинган хусусий акциялар (440-сатр)

440-сатр бўйича корхонада бўлган, кейинчалик тарқатиш ёки йўқ қилиш учун сотиб олинган хусусий акциялар, ҳиссалар ва пайларнинг қиймати кўрсатилади.

Сотиб олинган хусусий акциялар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

8610-«Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий»;

8620-«Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли».

Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (450-сатр)

450-сатр бўйича ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари) акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»;

8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)».

Агар корхона ҳисобот йили яқунлари бўйича зарар кўрса, унда у ушбу сатрда «минус» белгиси билан акс эттирилади.

Мақсадли тушумлар (460-сатр)

460-сатр бўйича грантлар маблағлари, субсидиялар, аъзолик бадалларининг қолдиғи, мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари суммалари ва бошқа сарфланмаган мақсадли тушумлар акс эттирилади.

Мақсадли тушумлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8810-«Грантлар»;

8820-«Субсидиялар»;

8830-«Аъзолик бадаллари»;

8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари»;

8890-«Бошқа мақсадли тушумлар».

Ушбу тушумларни хусусий капитал сифатида акс эттириш шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

— маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;

— маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;

— белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги.

Бўлғуси харажатлар ва тўловлар резервлари (470-сатр)

470-сатр бўйича корхона томонидан бўлғуси харажатлар ва тўловлар учун резерв қилинган маблағлар кўрсатилади.

Резервлар ҳисоби 8910-«Бўлғуси харажатлар ва тўловлар резервлари» ҳисобварағида юритилади.

I бўлим бўйича жами (480-сатр)

«I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича қуйидаги натижа кўрсатилади: 410-сатр + 420-сатр + 430-сатр – 440-сатр + 450-сатр + 460-сатр + 470-сатр.

II бўлим. Мажбуриятлар

«Мажбуриятлар» бўлимида корхонанинг узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (490-сатр)

490-сатр бўйича сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган, 500, 520, 530, 540, 550, 560, 570, 580, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси акс эттирилади.

491-сатрда маълумот учун корхонанинг 500, 520, 540, 560, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари суммаси кўрсатилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (500-сатр)

500-сатр бўйича олинган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

Узоқ муддатли қарзлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

7010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»;

7020-«Берилган векселлар».

Қонунчиликнинг муддати ўтказиб юборилган (дебиторлик ва кредиторлик) қарзларга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабини ҳисобга олган ҳолда, 7010-ҳисобварақ моҳиятан ишлатилмайдиган ҳисобварақ ҳисобланади. Агар етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун мобайнида келиб тушмаса, бундай қарзлар муддати ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (510-сатр)

510-сатр бўйича ҳисоби 7110-«Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз» ҳисобварағида юритиладиган ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)га узоқ муддатли мажбуриятлар акс эттирилади.

Мазкур модда бўйича ахборотлар маълумот учун келтирилади.

Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарз (520-сатр)

520-сатр бўйича ҳисоби 7120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарз» ҳисобварағида юритиладиган шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига узоқ муддатли қарзлар (ички идоравий ҳисоб-китоблар) акс эттирилади.

Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (530-сатр)

530-сатр бўйича корхоналарнинг кечиктирилган даромад бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

7210-«Дисконт (чегирмалар) кўринишида узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7220-«Мукофотлар (устамалар) кўринишида узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7230-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар».

Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (540-сатр)

540-сатр бўйича ҳисоби 7240-«Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобварағида юритиладиган корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (550-сатр)

550-сатр бўйича корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар суммаси акс эттирилади.

Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

7250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича фойда солиғи бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»;

7290-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар».

Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (560-сатр)

560-сатр бўйича 7310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» ҳисобварағида ҳисобга олинган бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнаклар кўринишида бошқа ташкилотлардан олинган узоқ муддатли қарзлар суммаси кўрсатилади.

Узоқ муддатли банк кредитлари (570-сатр)

570-сатр бўйича 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида ҳисобга олинган олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича банкларга бўлган қарз суммалари акс эттирилади.

Узоқ муддатли қарзлар (580-сатр)

580-сатр бўйича бошқа корхоналар ва муассасалардан олинган узоқ муддатли қарзлар бўйича қарз суммалари акс эттирилади.

Узоқ муддатли қарзлар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

7820-«Узоқ муддатли қарзлар»;

7830-«Тўланадиган облигациялар»;

7840-«Тўланадиган векселлар».

Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (590-сатр)

590-сатр бўйича корхонанинг ижарага берувчи (лизинг берувчи), ходимлар, турли жисмоний ва юридик шахслар олдида турли хил ноижорий операциялар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар суммалари, суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари асосида турли ташкилотлар ва айрим шахслар фойдасига корхона ходимларининг иш ҳақидан ушланган суммалар кўрсатилади.

Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

7910-«Тўланадиган молиявий ижара»;

7920-«Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзлар».

Жорий мажбуриятлар, жами (600-сатр)

600-сатр бўйича 610, 630, 640, 650, 660, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 730, 740, 750, 760-сатрларда кўрсатилган корхона жорий мажбуриятларининг (бир йилдан кам бўлган муддатли) йиғиндиси акс эттирилади.

601-сатрда маълумот учун 610, 630, 650, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 760-сатрларда кўрсатилган корхонанинг жорий кредиторлик қарзлари суммаси кўрсатилади.

602-сатрда маълумот учун корхонанинг жорий кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарз (610-сатр)

610-сатр бўйича харид қилинган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланмаган жорий мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган жорий қарзлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»;

6020-«Берилган векселлар».

Ажратилган бўлинмаларга қарз (620-сатр)

620-сатрда ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)га жорий мажбуриятлар акс эттирилади. Бундай мажбуриятлар (ички хўжалик ҳисоб-китоблари) ҳисоби 6110-«Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритилади.

Мазкур модда бўйича ахборотлар маълумот учун келтирилади.

Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (630-сатр)

630-сатр бўйича шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади. Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарзлар ҳисоби 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритилади.

Кечиктирилган даромадлар (640-сатр)

640-сатр бўйича ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритиладиган корхонанинг кечиктирилган даромадлар бўйича мажбуриятлари суммаси кўрсатилади:

6210-«Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар»;

6220-«Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар»;

6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар».

Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (650-сатр)

650-сатр бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли ҳукумат идораларининг қарорига кўра тўловини кечиктиришга руҳсат берилган корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммасининг жорий қисми акс эттирилади.

Бундай мажбуриятлар ҳисоби 6240-«Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ҳисобварағида юритилади.

Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (660-сатр)

660-сатр бўйича корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа сўндирилмаган кечиктирилган мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»;

6290-«Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар».

Олинган бўнақлар (670-сатр)

670-сатр бўйича бошқа ташкилотлардан олинган, бўлғуси ҳисоб-китобларга кўра бўнақлар бўйича қарзлар қолдиғи кўрсатилади.

Олинган бўнақлар бўйича жорий қарзлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»;

6320-«Акцияларга обуначилардан олинган бўнақлар»;

6390-«Бошқа олинган бўнақлар».

Бюджетга тўловлар бўйича қарз (680-сатр)

680-сатр бўйича корхонанинг бюджетга тўловларнинг барча турлари, жумладан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси бўйича қарзи акс эттирилади.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағида юритилади. Бюджет билан якуний ҳисоб-китоб қилиш чоғида тўланган бўнақ тўловлари (4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари» ҳисобварағи) ҳисобга олинади.

Суғурта бўйича қарз (690-сатр)

690-сатр бўйича корхоналарнинг мол-мулкни ва ходимларни суғурталаш бўйича тўловларга доир қарзи қолдиғи кўрсатилади.

Бундай қарзлар ҳисоби 6510-«Сугурта бўйича тўловлар» ҳисобварағида юритилади.

Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (700-сатр)

Балансинг 700-сатри бўйича корхонанинг давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи кўрсатилади.

Давлат мақсадли жамғармаларига қарзлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар»;

6530-«Шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларга тўловлар».

Муассисларга бўлган қарзлар (710-сатр)

710-сатр бўйича корхонанинг муассислар олдида дивидендлар бўйича ва чиқиб кетаётган муассислар олдида уларнинг улушлари бўйича мажбуриятлари суммаси акс эттирилади.

Муассисларга бўлган қарзлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6610-«Тўланадиган дивидендлар»;

6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улушлари бўйича қарз».

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (720-сатр)

720-сатр бўйича ҳисобланган, лекин тўланмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, мукофотлар, нафақалар ва бошқа тўловлар кўрсатилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар»;

6720-«Депонентланган иш ҳақи».

Қисқа муддатли банк кредитлари (730-сатр)

Балансинг 730-сатри бўйича олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарз суммалари акс эттирилади.

Қисқа муддатли банк кредитлари ҳисоби 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида юритилади.

Қисқа муддатли қарзлар (740-сатр)

740-сатр бўйича бошқа корхоналар ва шахслардан олинган қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

Қисқа муддатли қарзлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6820-«Қисқа муддатли қарзлар»;

6830-«Тўланадиган облигациялар»;

6840-«Тўланадиган векселлар».

Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (750-сатр)

750-сатр бўйича корхонанинг узоқ муддатли қисмдан ўтказилган узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми суммалари акс эттирилади.

Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмининг ҳисоби 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» ҳисобварағида юритилади.

Бошқа кредиторлик қарзлари (760-сатр)

760-сатр бўйича корхонанинг турли кредиторлари билан операциялар бўйича қарзлари суммаси акс эттирилади.

Бошқа кредиторлик қарзларининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

6910-«Тўланадиган оператив ижара»;

6920-«Ҳисобланган фоизлар»;

6930-«Роялти бўйича қарзлар»;

6940-«Кафолатлар бўйича қарзлар»;

6960-«Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар»;

6970-«Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар»;

6990-«Бошқа мажбуриятлар».

II бўлим бўйича жами (770-сатр)

«II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича 490 ва 600-сатрларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

Баланс пассиви бўйича жами (780-сатр)

780-сатр бўйича 480 ва 770-сатрлар бўйича суммалар натижаси сифатида олинган пассивнинг якуний суммаси акс эттирилади.

Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган қимматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома

Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинмадиган қимматликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотномада корхонанинг балансдан ташқари ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган, корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча фойдаланишида ёки тасарруфида бўлган бойликларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ахборотлар кўрсатилади.

Оператив ижарага олинган асосий воситалар (790-сатр)

790-сатр бўйича корхонага эгалик ҳуқуқида тегишли бўлмаган, балки қисқа муддатли ижара шартномаси асосида бошқа корхона ёки жисмоний шахслардан олинган асосий воситалар қиймати акс эттирилади. Бундай асосий воситалар 001-«Оператив ижарага олинган асосий воситалар» балансдан ташқари ҳисобварағида тарафлар томонидан шартномада кўрсатилган баҳода ҳисобга олинади.

Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қимматликлар (800-сатр)

800-сатр бўйича масъул сақлашга қабул қилинган ТМҚ қиймати акс эттирилади. Бундай қимматликлар 002-«Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қимматликлар» балансдан ташқари ҳисобварағида қабул қилиш-топишириш далолатномаларида ёки ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган нархларда ҳисобга олинади. Бундай қимматликларга қуйидагилар киради:

— ушбу қимматликларга эгалик қилиш ҳуқуқи қиймати тўлангач корхонага ўтишини назарда тутган шартно-

ма бўйича олинган, ҳали ҳақи тўланмаган материаллар ва товарлар;

— масъул сақлаш учун корхона омборида вақтинча қолдирилган, сотилган товарлар ва бошқ.

Қайта ишловга қабул қилинган материаллар (810-сатр)

810-сатр бўйича қайта ишловга қабул қилинган материаллар қиймати кўрсатилади. Қайта ишловга қабул қилинган материаллар 003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» балансдан ташқари ҳисобварағида қабул қилиш-топшириш далолатномаларида ёки ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган нархларда ҳисобга олинади.

Комиссияга қабул қилинган товарлар (820-сатр)

820-сатр бўйича комиссия шартномаси (топшириқ шартномаси ёки агентлик шартномаси) бўйича сотиш учун олинган товарлар қиймати акс эттирилади. Бу товарларга эгалик қилиш ҳуқуқи комитентга (топширувчи, принципалга) тегишли бўлади. Бундай товарлар балансдан ташқари 004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (830-сатр)

830-сатр бўйича ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар қиймати акс эттирилади. Ускуна балансдан ташқари 005-«Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» ҳисобварағида буюртмачи томонидан илова ҳужжатларида кўрсатилган нархларда ҳисобга олинади.

Қатъий ҳисобот бланклари (840-сатр)

840-сатр бўйича қатъий ҳисобот бланклари қиймати акс эттирилади. Бланklar ҳисоби балансдан ташқари 006-«Қатъий ҳисобот бланклари» ҳисобварағида юритилади. Қатъий ҳисобот бланкларига квитанция дафтарчалари, гувоҳнома бланклари, дипломлар, турли хил абонементлар, талонлар, билетлар, товар-транспорт ҳужжатлари бланклари ва бошқалар киради.

Қатъий ҳисобот бланқларига оид ҳужжатлар рўйхати, уларни сақлаш ва фойдаланиш тартиби корхона томонидан белгиланади. Қатъий ҳисобот бланқлари шартли баҳода ҳисобга олинади.

Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (850-сатр)

850-сатр бўйича балансдан ташқари 007-«Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи» ҳисобварағида ҳисобга олинган суммалар акс эттирилади.

Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг қарзи балансдан қуйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилади:

— даъво қилиш муддатининг тугаши (даъво қилиш муддати қарз юзага келишидан бошлаб 3 йилни ташкил қилади);

- қарздор банкрот деб эълон қилиниши;
- корхона тугатилганда.

Ҳисобдан чиқарилган қарз балансдан ташқарида яна 5 йил ҳисобга олинishi лозим.

Тўлашга қобилиятсиз қарздорнинг қарзи 007-ҳисобварақдан ушбу муддатдан олдин ҳам ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Бу қуйидаги икки ҳолатда содир бўлади:

- қарздор қарзни тўлаганда;
- қарздор корхона тугатилганда.

Мажбурият ва тўловларни таъминлаш — олинган (860-сатр)

860-сатр бўйича корхона томонидан мажбурият ва тўловларни бажаришни таъминлаш бўйича олинган кафолатлар суммалари акс эттирилади. Бу суммалар балансдан ташқари 008-«Мажбурият ва тўловларни таъминлаш — олинган» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

008-ҳисобварақда қуйидагиларни таъминлаш учун корхона томонидан бошқа ташкилотлардан олинган кафолатлар суммалари акс эттирилади:

— корхона томонидан у ёки бу мажбуриятлар бажарилишини (олинган товарлар ҳақини тўлаш, кредит ёки қарзни қайтариш ва бошқ.);

— корхона томонидан харидорларга сотилган товарларга ҳақ тўланишини.

Кафолатлар ҳисоби пул ифодасида юритилади. Агар кафолатни тақдим этиш шартномасида кафолат суммаси кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда олинган кафолат суммаси шартнома шартларига кўра аниқланади.

Мажбурият ва тўловларни таъминлаш — берилган (870-сатр)

870-сатр бўйича корхона томонидан мажбурият ва тўловларни бажаришни (масалан, ўзи олган товарларга ҳақ тўлаш, кредит ёки қарзни қайтариш ва ш. к.) таъминлаш бўйича берилган кафолат суммалари акс эттирилади.

Бундай кафолатлар балансдан ташқари 009-«Мажбурият ва тўловларни таъминлаш — берилган» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Кафолатлар ҳисоби пул ифодасида юритилади. Агар кафолатни тақдим этиш шартномасида кафолат суммаси кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда берилган кафолат суммаси шартнома шартларига кўра аниқланади.

Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар (880-сатр)

880-сатр бўйича молиявий ижарага берилган асосий воситалар қиймати акс эттирилади. Асосий воситаларни молиявий ижарага бериш чоғида бир вақтнинг ўзида уларни балансдан чиқариш билан (улар сотиш ҳисобварақларидан чиқиб кетади) уларнинг қиймати 010-«Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» ҳисобварағи дебетига акс эттирилади. Ижара муддати тугагач ёки шартноманинг бошқа шартларига кўра асосий воситаларни қайтариш чоғида, шунингдек шартнома муддати тугагач ижарачи томонидан асосий воситаларни солиб олиш вақтидан бошлаб 010-ҳисобварақ кредитланади.

Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк (890-сатр)

890-сатр бўйича ссуда шартномасига кўра олинган мулк қиймати акс эттирилади. Текинга фойдаланиш шартномаси (ссуда шартномаси)га кўра биринчи томон (ссуда берувчи) иккинчи томонга (ссуда олувчига) буюмни вақтинчалик текинга фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олиши ёки бериши, иккинчи томон эса шу буюмни қабул қилган вақтдаги ҳолатда, нормал эскиришни эътиборга олган ҳолда ёки шартномада белгиланган ҳолатда қайтариши керак.

Ссуда шартномасига кўра мулк олган корхона уни баланسدан ташқари 011-«Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк» ҳисобварағи дебети ва ссуда шартномаси муддати тугагач қайтарилган вақтда 011-ҳисобварақ кредитида акс эттиради. Ссуда олувчи корхона томонидан бундай объектлар бўйича амортизация ҳисобланмайди.

Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (900-сатр)

900-сатр бўйича келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар акс эттирилади. Ушбу ҳисобот даврининг солиқ солинадиган базасига қўшиладиган, бироқ кейинги ҳисобот даврларининг солиқ солинадиган фойдасидан чиқариладиган харажатлар ҳисоби 012-«Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» ҳисобварағида юритилади. Бундай харажатлар моддалари СКнинг 146-моддасида келтирилган.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган (ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, қатъий белгиланган солиқ) тизимини қўлловчи корхоналар томонидан ушбу сатр тўлдирилмайди.

Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (910-сатр)

910-сатр бўйича бўшатирилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилмаган ва «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да (2-сон шаклда) акс эттирилмайдиган ва, тегишлича, молиявий натижаларнинг шаклла-

нишига таъсир қилмайдиган вақтинчалик солиқ имтиёзлари акс эттирилади.

Бундай маблағлар ҳисоби 013-«Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағида юритилади.

Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик анжомлари (920-сатр)

920-сатр бўйича ҳисоби 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик анжомлари» ҳисобварағида юритиладиган фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик анжомлари қиймати акс эттирилади.

Инвентарь ва хўжалик анжомларини фойдаланишга беришда уларнинг қиймати тўлалигича ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатларига киритилади ва бир вақтнинг ўзида 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик анжомлари» ҳисобварағи дебетида акс эттирилади.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ (2-СОН ШАКЛ)

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда умумхўжалик (одатдаги) фаолият ва фавқулодда вазиятлардан, фаолиятнинг тугатилиши, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, шунингдек ҳисоботда фундаментал (муҳим) хатоларни тузатишдан олинган даромадлар ва зарарлар моддалари акс эттирилади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда қуйидагиларни кўрсатиш лозим:

- сотишдан соф тушум;
- сотишдан ялпи молиявий натижа;
- асосий фаолиятдан бошқа операцион даромад ва харажат;
- асосий хўжалик фаолиятидан молиявий натижа (фойда ёки зарар);
- молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажат;
- умумхўжалик фаолиятидан молиявий натижа;
- фавқулодда фойда ва зарар;

— фойда солиғини тўлагунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);

— ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тўлдириш тартиби

Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум (010-сатр)

010-сатр бўйича маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ва қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотларнинг қиймати, харидорларга тақдим этилган сотиш нархларидан чегирмалар айириб ташланган ҳолда кўрсатилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олувчи қуйидаги ҳисобварақлар маълумотлари асосида тўлдирилади:

9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»;

9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»;

9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»;

9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши»;

9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар».

Асосий фаолияти мол-мулкни ижара (лизинг)га бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатрда жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммасини, воситачи корхоналар эса комисион ҳақлар суммасини акс эттирадilar.

Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи (020-сатр)

020-сатр бўйича қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархининг суммаси кўрсатилади:

9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»;

9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»;

9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»;

9140-«Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш»;

9150-«Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар».

Ишлаб чиқариш корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархини, савдо корхоналари — сотилган товарларнинг харид қийматини, ишларни бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) корхоналар — ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш)да таннархга олиб борилган харажатларни кўрсатадилар. Товар айланмасида иштирок этмасдан, хизматлар учун ҳақ кўринишида даромад оладиган воситачи ташкилотлар ушбу сатрни тўлдирмайдилар.

Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда (зарар) (030-сатр)

030-сатр бўйича маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр — 020-сатр) сифатида аниқланадиган ялпи фойда кўрсатилади.

Давр харажатлари, жами (040-сатр)

Мазкур сатрда 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича жами сумма акс эттирилади.

Сотиш харажатлари (050-сатр)

050-сатр бўйича маҳсулотни сотишга доир қилинган харажатлар (маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг бўлими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ва ҳоказолар) акс эттирилади. Бундай харажатлар ҳисоби 9410-«Сотиш харажатлари» ҳисобварағида юритилади.

Маъмурий харажатлар (060-сатр)

060-сатр бўйича ҳисоби 9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхонани бошқариш ха-

ражатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

Бошқа операцион харажатлар (070-сатр)

070-сатр бўйича ҳисоби 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялаш ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари (080-сатр)

080-сатр бўйича СКнинг 146-моддасида келтирилган, сармоя билан таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ва сармоя билан таъминланадиган асосий воситалар қиймати-га қўшилмайдиган харажатлар акс эттирилади.

Мазкур сатр 9440-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» ҳисобварағи маълумотлари асосида тўлдирилади.

Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (090-сатр)

090-сатр бўйича асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарима ва пенялар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, беғараз молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

9330-«Ундирилган жарима, пеня ва устамалар»;

9340-«Ўтган йиллар фойдалари»;

9350-«Оператив ижарадан даромадлар»;

9360-«Кредиторлик ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар»;

9370-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари»;

9380-«Беғараз молиявий ёрдам»;

9390-«Бошқа операцион даромадлар».

Асосий фаолиятдан фойда (зарар) (100-сатр)

100-сатр бўйича корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан давр харажатлари суммасини айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини қўшиш йўли билан аниқланади (030-сатр – 040-сатр + 090-сатр).

Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами (110-сатр)

Мазкур сатрда 120, 130, 140, 150, 160-сатрлар бўйича яқуний сумма акс эттирилади.

Дивидендлар кўринишида даромадлар (120-сатр)

120-сатр бўйича ҳисоби 9520-«Дивидендлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхонага тегишли акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

Фоизлар кўринишида даромадлар (130-сатр)

130-сатр бўйича ҳисоби 9530-«Фоизлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

Молиявий ижара (лизинг)дан даромадлар (140-сатр)

140-сатр бўйича асосий фаолияти мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) бериш ҳисобланмаган корхоналар ҳисоби 9550-«Молиявий ижарадан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) беришдан олган даромадларини акс эттирадилар.

Валюта курси фарқидан даромадлар (150-сатр)

150-сатр бўйича ҳисоби 9540-«Валюталар курслари фарқларидан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган валюта операциялари бўйича мусбат курс фарқларидан, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромадлар акс этирилади.

Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар (160-сатр)

160-сатр бўйича қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

9510-«Роялти кўринишида даромадлар»;

9560-«Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»;

9590-«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар».

Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами (170-сатр)

170-сатр бўйича 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс этирилади.

Фоишлар кўринишида харажатлар (180-сатр)

180-сатр бўйича ҳисоби 9610-«Фоишлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, банклар кре-

дитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

Молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизлар кўринишида харажатлар (190-сатр)

190-сатр бўйича ҳисоби 9610-«Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар (200-сатр)

200-сатр бўйича ҳисоби 9620-«Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида балансинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курс фарқлари акс эттирилади.

Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар (210-сатр)

210-сатр бўйича ҳисоби 9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари» ва 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар) (220-сатр)

220-сатр бўйича корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини айтириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади (100-сатр + 110-сатр – 170-сатр).

Фавқулодда фойда ва зарарлар (230-сатр)

230-сатр бўйича фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади, «Даромадлар (фойда)» устуни 9710-«Фав-

қулодда фойдалар» ҳисобварағининг маълумотлари, «Харажатлар (зарарлар)» устуниси эса 9720-«Фавқулодда зарарлар» ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар) (240-сатр)

240-сатр бўйича +/- белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни қўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси фойда солиғининг ҳисоб-китоби чоғида асос бўлиб ҳисобланади.

Фойда солиғи (250-сатр)

250-сатр бўйича ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган фойда солиғи суммаси кўрсатилади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўловчи корхоналар ушбу сатрга чизиқ тортиб қўядилар.

Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар (260-сатр)

260-сатр бўйича йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона фойда ҳисобига тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасини акс эттирадилар.

Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (270-сатр)

270-сатр бўйича ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади (240-сатр — 250-сатр — 260-сатр).

Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома (280—470-сатрлар)

«Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома»да корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоб-

лаб ёзилган ва тўланган солиқлар ва тўловлар турлари бўйича бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотноманинг 480-сатрида корхона томонидан ҳисобот даври учун бюджетга солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг ҳисобланган ва тўланган жами суммаси кўрсатилади.

Агарда корхонада ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар бўйича қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий фарқ мавжуд бўлса, «Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади» устуни бўйича 300-сатрда ушбу манфий фарқ суммаси «минус» белгиси билан кўрсатилади.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ (3-СОН ШАКЛ)

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботда корхона асосий воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тўлдириш тартиби

3-устунда ва *6-устунда* тегишлича йил бошида ва охирида корхона балансида қайд этилган асосий воситаларнинг, шу жумладан жорий ижарага топширилган, консервацияда бўлган ва ҳоказо асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати акс эттирилади.

4-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йили давомида келиб тушган асосий воситаларнинг қиймати, шу жумладан илгари ҳисобга олинмаган, айланма маблағлардан ўтказилган, шунингдек ишга туширилган янги асосий воситалар акс эттирилади.

5-устунда ҳисобот йилида тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав капиталига бериш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талафотларни аниқлаш натижасида ва бошқа са-

баблар бўйича чиқиб кетган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати акс эттирилади.

7-устунда ва **10-устунда** тегишлича йил боши ва охиридаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

8-устунда ҳисобот йилида ҳисоблаб ёзилган асосий воситалар бўйича эскириш суммасидаги ўсиш, шу жумладан илгари тўлиқ ҳисоблаб ёзилмаган эскириш суммасини қўшган ҳолда акс эттирилади ва ҳ. к.

9-устунда чиқиб кетган асосий воситалар бўйича жамланган эскириш акс эттирилади.

11-устунда 3-устун ва 7-устун маълумотлари ўртасидаги айирма сифатида аниқланадиган асосий воситаларнинг йил бошидаги қолдиқ қиймати акс эттирилади.

12-устунда 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги айирма сифатида аниқланадиган асосий воситаларнинг йил охиридаги қолдиқ қиймати акс эттирилади.

010–160-сатрлар бўйича асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича маълумотлар тегишли устунларда: асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, ҳисобланган эскириши ва қолдиқ қиймати акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ва 0310-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағи) маълумотлари асосида акс эттирилади. Эскириш суммаси 0200-«Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақлари маълумотларига мувофиқ аниқланади.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бошланғич қиймат ва ҳисобланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

«Жами асосий воситалар» моддаси бўйича (170-сатр) 010-сатрдан 160-сатрга қадар бўлган сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади ва тегишли устунларда асосий воситаларнинг, шу жумладан ишлаб чиқариш (171-сатр)

ва ноишлаб чиқариш (172-сатр) асосий воситалари тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ҳаракати (келиб тушиши ва чиқиб кетиши) кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари маҳсулот ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий оқатланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш билан ҳамда моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлган фаолиятнинг бошқа турлари билан бевосита боғлиқ.

Ноишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситаларга уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият воситалари ва ҳоказолар киритилади.

«Йил давомида харид қилинган асосий воситалар, жами» моддаси бўйича (180-сатр) маълумот учун йил давомида харид қилинган барча асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади. 181, 182, 183-сатрлар бўйича эса молиялаш манбалари бўйича: ўз маблағлари (181-сатр), банк кредитлари (182-сатр) ва бошқа қарз маблағлари (183-сатр) ҳисобига харид қилинган асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади.

«Тугалланмаган қурилиш» моддаси бўйича (190-сатр) маълумот учун тегишли устунларда пудрат ҳамда хўжалик усуллари билан бажариладиган тугалланмаган қурилиш ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ (4-СОН ШАКЛ)

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот даврида молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар акс эттирилади.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот операцион, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Операцион фаолият — хўжалик юритувчи субъектнинг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек субъектнинг инвестиция ва молиявий фаолиятига оид бўлмаган

ўзга хўжалик фаолияти (тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, товарларни сотиш ва бошқалар).

Инвестиция фаолияти — пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш.

Молиявий фаолият — хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, унинг натижасида хусусий капитал ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тўлдириш тартиби

Корхонанинг *операцион фаолияти* натижасида юзага келган пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги маълумот 4-сон шаклнинг 010—050-сатрларида очиқ берилади.

Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан пул тушумлари (010-сатр)

010-сатр бўйича ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун корхонанинг банк ҳисобварақлари ва кассасига келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

Мол етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул тўловлари (020-сатр)

020-сатр бўйича корхоналар мол етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари суммасини кўрсатадилар, бундан узоқ муддатли активларни харид қилиш учун тўловлар мустасно.

Ходимларга ва улар номидан пул тўловлари (030-сатр)

030-сатр бўйича ходимларнинг ўзига ва уларнинг номидан тўланадиган пул маблағлари суммаси, шу жумладан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш;
- ходимлардан мажбурий суғурта бадалларини ушлаб қолиш;

- жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш;
- алиментларни тўлаш;
- кассадан ва банк ҳисобварақларидан ходимлар билан ва улар номидан ҳисоб-китобларга доир пул маблағларини бошқа сарфлашлар акс эттирилади.

Операцион фаолиятга доир бошқа пул тушумлари ва тўловлари (040-сатр)

040-сатр бўйича «Чиқим» устунисида роялти, турли хил тақдирлашлар ва бошқа операцион фаолиятдан тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунисида эса улардан олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

Жами: операцион фаолиятдан соф пул кирими/чиқими (050-сатр)

050-сатр бўйича «Кирим» устуни бўйича «+» белгисининг ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олиб, 010, 020, 030, 040-сатрлар суммаси кўрсатилади.

«Кирим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо «Кирим» устуни бўйича, тескари ҳолда эса — «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

Инвестиция фаолиятидан пул оқимлари ҳисоботнинг 060—100-сатрларида акс эттирилади.

Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш (060-сатр)

060-сатр бўйича асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларга дахлдор бўлган суммалар акс эттирилади. Хусусан «Чиқим» устунисида харид қилинган асосий воситалар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунисида эса — асосий воситаларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммаси кўрсатилади.

Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш (070-сатр)

070-сатр бўйича хўжалик юритувчи субъектлар «Чиқим» устунисида харид қилинган номоддий активлар учун

мол етказиб берувчига тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — НМАни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш (080-сатр)

080-сатр бўйича «Чиқим» устунида қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини харид қилиш учун тўланган пул маблағлари суммаси, шу жумладан воситачиларга комиссиян тақдирлашлар ва биржада тўланган фоизлар акс эттирилади. «Кирим» устунида қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

Инвестиция фаолиятига доир бошқа пул тушумлари ва тўловлари (090-сатр)

090-сатр бўйича бошқа инвестиция фаолиятидан пул оқимлари кўрсатилади: «Чиқим» устунида тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — олинган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

Жами: инвестиция фаолиятидан соф пул кирими/чиқими (100-сатр)

100-сатр «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 060, 070, 080, 090-сатрларни жамлаш натижаси ҳисобланади.

«Кирим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо «Кирим» устуни бўйича, тескари ҳолда эса — «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг *молиявий фаолияти* натижасида юзага келган ялпи пул тушумлари ва тўловлари пул оқимлари тўғрисида ҳисоботнинг 110–180-сатрларида акс эттирилади.

Олинган ва тўланган фоизлар (110-сатр)

110-сатр бўйича корхоналар олинган ва тўланган фоизлар суммалари тўғрисидаги ахборотни очиб берадилар.

110-сатрнинг «Кирим» устунида олинган фонизлар, «Чиқим» устунида тўланган фонизлар акс эттирилади.

Олинган ва тўланган дивидендлар (120-сатр)

120-сатр бўйича олинган ва тўланган дивидендлар суммалари акс эттирилади. «Кирим» устунида олинган дивидендлар, «Чиқим» устунида уларнинг тўланиши акс эттирилади.

Акциялар ёки хусусий капитал билан боғлиқ бошқа дастакларни чиқаришдан пул тушумлари (130-сатр)

130-сатр бўйича ҳисобот йилида чиқарилган (сотилган) акциялар ёки хусусий капитал билан боғлиқ бошқа дастаклар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

Хусусий акцияларни сотиб олганда ва сотганда пул тўловлари ва тушумлари (140-сатр)

140-сатр бўйича сотиб олинган хусусий акцияларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммалари, шунингдек корхонада бўлган хусусий акциялар, ҳиссалар ва пайлар учун, уларни кейинги сотиш ёки йўқ қилиш (бекор қилиш) мақсадида эгаларига тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ҳамда қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари (150-сатр)

150-сатрнинг «Кирим» устунида ҳисобот даврида келиб тушган кредитлар ва қарзлар суммаси, «Чиқим» устунида — кредитлар ва қарзлар бўйича тўловлар кўрсатилади.

Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари (160-сатр)

160-сатр бўйича «Чиқим» устунида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — ижарачидан (лизинг олувчидан) келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

Молиявий фаолиятга доир бошқа пул тушумлари ва тўловлари (170-сатр)

170-сатр бўйича бошқа молиявий фаолиятга доир пул маблағлари суммалари акс эттирилади: «Чиқим» устунидан тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунидан — олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

Жами: молиявий фаолиятдан соф пул кирими/чиқими (180-сатр)

180-сатр бўйича «Кирим» устунидан бўйича «+» ва «Чиқим» устунидан бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 110, 120, 130, 140, 150, 160, 170-сатрлар суммаси акс эттирилади.

Бунда «Кирим» устунидан суммаси «Чиқим» устунидан суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо «Кирим» устунидан бўйича, тескари ҳолда эса — «Чиқим» устунидан бўйича акс эттирилади.

Корхонанинг солиқларни тўлашга сарфланадиган пул маблағлари тўғрисидаги ахборот, шунингдек пул маблағлари қолдиқлари Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботнинг «Солиқ солиш» бўлимида (190—240-сатрларда) акс эттирилади.

Тўланган даромад (фойда) солиғи (190-сатр)

190-сатр бўйича хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланган фойда солиғи суммаси акс эттирилади.

Тўланган бошқа солиқлар (200-сатр)

200-сатр бўйича тўланган солиқлар, божлар ва уларга тенглаштирилган йиғимлар ҳамда ажратмалар суммаси кўрсатилади, бундан фойда солиғи мустасно.

Жами: тўланган солиқлар (210-сатр)

210-сатр бўйича 190 ва 200-сатрлар суммаси акс эттирилади.

Жами: молия-хўжалик фаолиятдан соф пул кирими/чиқими» (220-сатр)

220-сатр бўйича «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 050, 100, 180, 210-сатрлар суммаси кўрсатилади.

Бунда «Кирим» устуни суммаси «Чиқим» устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо «Кирим» устуни бўйича, тескари ҳолда эса — «Чиқим» устуни бўйича акс эттирилади.

Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси (221-сатр)

221-сатр бўйича ҳисобот даври мобайнида ҳосил бўлган ва қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган, чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган мусбат ёки манфий курс фарқлари сальдоси акс эттирилади:

5000-«Кассадаги пул маблағлари»;

5200-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари»;

5500-«Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари»;

5600-«Пул эквивалентлари»;

5700-«Йўлдаги пул маблағлари (ўтказмалари)».

Йил бошидаги пул маблағлари (230-сатр)

230-сатр бўйича корхона баланси 320-сатри 3-устунида кўрсатилган йил бошидаги пул маблағлари қолдиқларининг суммаси акс эттирилади.

Пул маблағлари ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

5000-«Кассадаги пул маблағлари»;

5100-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари»;

5200-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари»;

5500-«Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари»;

5600-«Пул эквивалентлари»;

5700-«Йўлдаги пул маблағлари (ўтказмалари)».

Йил охиридаги пул маблағлари (240-сатр)

240-сатр бўйича ҳисобот даври охирида пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади. Маълумотлар баланснинг 320-сатри 4-устунига мос келиши лозим.

Чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома

Маълумотноманинг 250—290-сатрлари бўйича ҳисобот даврида чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати акс эттирилади.

Валюта маблағлари операцияларни амалга ошириш пайтида, валюта маблағлари қолдиғи эса — ҳисобот даврининг охириги санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмда акс эттирилади.

Йил бошидаги қолдиқ (250-сатр)

250-сатр бўйича ҳисобот даври бошида корхонанинг валюта ҳисобварақларида ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси кўрсатилади.

Келиб тушган валюта маблағлари, жами (260-сатр)

260-сатр бўйича 261, 262, 263, 264-сатрларда кўрсатилган, ҳисобот даврида валюта тушумларининг умумий суммаси кўрсатилади, бу сатрларда қуйидагилар акс эттирилади:

261-сатр бўйича «Сотишдан тушум» — ҳисобот даврида олинган валюта тушуми;

262-сатр бўйича «Конвертация қилинган» — сотиб олинган чет эл валютаси;

263-сатр бўйича «Молиявий фаолият бўйича» — молиявий фаолиятдан олинган валюта маблағлари;

264-сатр бўйича «Бошқа манбалар» — 261, 262, 263-сатрларда саналмаган манбалар ҳисобига корхонанинг валюта ҳисобварақларига ва кассасига бошқа валюта тушумлари.

Сарфланган валюта маблағлари, жами (270-сатр)

270-сатр бўйича корхона томонидан турли мақсадларга сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади:

271-сатр бўйича «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар» — мол-мулкни сотиб олишга, бажарилган ишларга ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашга йўналтирилган валюта маблағлари;

272-сатр бўйича «Молиявий фаолият бўйича тўловлар» — молиявий фаолият бўйича сарфланган валюта маблағлари;

273-сатр бўйича «Бошқа мақсадлар учун» — 271, 272-сатрларда саналмаган бошқа мақсадларга сарфланган валюта.

Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси (280-сатр)

280-сатр бўйича ҳисобот даври мобайнида ҳосил бўлган, ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритиладиган чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган мусбат ёки манфий курс фарқлари сальдоси акс эттирилади:

5000-«Кассадаги пул маблағлари»;

5200-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари»;

5500-«Банқдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари»;

5600-«Пул эквивалентлари»;

5700-«Йўлдаги пул маблағлари (ўтказмалари)».

Йил охиридаги қолдиқ (290-сатр)

290-сатр бўйича ҳисобот йили охирида корхонанинг валюта ҳисобварақларида ва кассасида бўлган, қуйидаги тарзда аниқланадиган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади: 250-сатр + 260-сатр - 270-сатр + 280-сатр.

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ (5-СОН ШАКЛ)

Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот ҳисобот йилида корхона хусусий капиталининг ҳолати ва уни шакллантириш манбалари бўйича ҳаракатини акс эттиради. Унда хусусий капитал ва унинг таркибий қисмлари ҳақида, устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), сотиб олинган хусусий акциялар ва хусусий капиталнинг бошқа унсурлари ҳақида ахборот очиб берилиши лозим.

Шунингдек хусусий капитал тўғрисида ҳисоботда чиқарилган акциялар миқдори, акцияларнинг номинал қиймати, муомаладаги акциялар сони ҳақидаги ахборот ҳам очиб берилиши керак.

Хусусий капитал тўғрисида ҳисоботни тўлдириш тартиби

Йил бошидаги қолдиқ (010-сатр)

010-сатр бўйича йил бошидаги ҳолат бўйича қуйидаги ахборот кўрсатилади:

*3-устун «Устав капитали»*да таъсис ҳужжатларида қайд этилган ва устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (8310-«Оддий акциялар», 8320-«Имтиёзли акциялар», 8330-«Пай ва улушлар») кўрсатилган устав капиталининг суммаси кўрсатилади;

*4-устун «Қўшилган капитал»*да қўшилган капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (8410-«Эмиссия даромади», 8420-«Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи») қайд этилган қўшилган капитал суммаси кўрсатилади;

*5-устун «Резерв капитали»*да резерв капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар», 8520-«Резерв капитали (фонди)», 8530-«Текинга олинган мулк») қайд этилган резерв капитали маблағлари суммаси акс эттирилади;

6-устун «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»-да тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», 8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)») қайд этилган, йил бошидаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси кўрсатилади;

*7-устун «Сотиб олинган хусусий акциялар»*да сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (8610-«Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий», 8620-«Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли») қайд этилган, кейин тарқатиш ёки йўқ қилиш учун корхонада бўлган сотиб олинган хусусий акцияларнинг суммаси кўрсатилади;

*8-устун «Мақсадли тушумлар ва бошқалар»*да мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан, махсус жамғармалар, бошқа корхоналар, жисмоний шахслардан грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари кўринишида текинга олинган активлар ва бошқа мақсадли тушумлар, шунингдек хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар эмиссияси (020-сатр)

020-сатр бўйича ҳисобот йилида қимматли қоғозларни чиқариш ва сотишдан олинган эмиссия даромади акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш (030-сатр)

030-сатр бўйича ҳисобот йилининг биринчи куни ҳолати бўйича ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган асосий фондларни қайта баҳолашдан ташқари, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш суммаси акс эттирилади.

Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган валютаси курси фарқлари (040-сатр)

040-сатр бўйича таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасида ва маблағлар устав капиталига ҳақиқатда киритилган санада Марказий банк курсининг ўзгариши натижасида пайдо бўладиган ҳисобот давридаги курс фарқи акс эттирилади. Бундай курс фарқи қўшилган капитал сифатида 8420-«Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» ҳисобварағида акс эттирилади.

Резерв капиталига ажратмалар (050-сатр)

050-сатр бўйича таъсис ҳужжатларига кўра ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот йили учун резерв капиталига ажратмалар суммаси акс эттирилади.

Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари) (060-сатр)

060-сатр бўйича ҳисобот йилида олинган соф фойда (зарар) суммаси кўрсатилади.

Текинга олинган мол-мулк (070-сатр)

070-сатр бўйича ҳисобот йилида текинга олинган мол-мулкнинг қиймати кўрсатилади.

Мақсадли фойдаланиш учун олинган маблағлар (080-сатр)

080-сатр бўйича ҳисобот йилида олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари ва мақсадли фойдаланиш учун бошқа тушумлар кўрсатилади.

Тўланган дивидендлар (090-сатр)

090-сатр бўйича аввалги йил учун фаолият якунлари бўйича ҳисобот йили бошида тақсимланмаган фойдадан ҳисоблаб ёзилган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

Хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари (100-сатр)

100-сатр бўйича хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари суммаси акс эттирилади.

Йил охиридаги қолдиқ (110-сатр)

110-сатр бўйича тегишли устунлар бўйича ҳисобот даври охирида хусусий капиталнинг сальдоси кўрсатилади. Бунда 030, 040, 050, 100-сатрларда акс эттирилган ва 8420-«Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи», 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар», 8520-«Резерв капитални (фонди)», 8800-«Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ва 8900-«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларида ҳисобда турган хусусий капитал манбаларининг йил бошидаги суммага нисбатан камайиши «-» белгиси билан кўрсатилади. Шунингдек, «-» белгиси билан ҳисобот йилидаги ҳисобланган дивидендлар (090-сатр) ва қопланмаган зарар (060-сатр) суммаси акс эттирилади.

Хусусий капиталнинг кўпайиши (+) ёки камайиши (-) (120-сатр)

120-сатр бўйича йил бошидаги сумма билан қиёслаганда ҳисобот йили охирида хусусий капиталнинг кўпайиши ёки камайиши суммаси акс эттирилади.

Акциядорлик жамиятлари 130 дан 150-сатрларгача бўлган сатрларни маълумот учун тўлдирадilar.

ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА (2А-СОН ШАКЛ)

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотномада ҳисобот даврининг охириги санасида корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотномани тўлдириш тартиби

*2-устун «Дебиторлар ва кредиторлар рўйхати»*да дебитор (кредитор)дан юқори турадиган вазирликлар (идоралар) бўйича дебитор ва кредиторларнинг рўйхати келтирилади. Агар дебитор (кредитор) юқори турадиган вазирликка (идорага) эга бўлмаса, юридик шахснинг тўлиқ номини кўрсатиш лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги қарзлар бўйича дебитор (кредитор)нинг номи (тўлиқ ёки умумқабул қилинган қисқартиришлар билан) кўрсатилади, шунингдек қавсда мамлакатнинг номи кўрсатилади.

2-устунда 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича мажбурий тартибда дебитор (кредитор)нинг номи кўрсатилади.

3-устунда қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

а) 1-сатр бўйича дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 2 ва 3-сатрлари йиғиндисига тенг бўлиши керак;

б) 4-сатр бўйича кредиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 5 ва 6-сатрлари йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Дебиторлик қарзининг умумий суммаси ижара бўйича олинадиган тўловларни, харидор ва буюртмачилардан, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан, давволар бўйича олинадиган ҳисобварақларни; ходимларга, мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга берилган бўнақларни; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғуртага бўнақ тўловларини; муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзларини; ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзларини ва бошқа дебиторларнинг, шу жумладан ички идоравий корхоналар билан ҳисоб-китобларни ўз ичига олади. Бунда ички идоравий ҳисоб-китоблар деганда мустақил балансларга эга бўлган ва бир муайян вазирлик, идора, корпорация, уюшма, концерн ёки бирлашма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тушунилади.

Дебиторлик қарзининг умумий суммаси Бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 110 ва 210-сатрлари йиғиндисига мувофиқ келиши керак.

Кредиторлик қарзининг умумий суммаси мол етказиб берувчилар, пудратчилар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақларни; олинган бўнақларни; бюджетга тўловлар бўйича, суғурта бўйича, давлат мақсадли жамғармалари олдидаги, муассислар олдидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзларни, шу жумладан ички идоравий корхоналар билан ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Кредиторлик қарзининг умумий суммаси Бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 491 ва 601-сатрлари йиғиндисига мувофиқ келиши керак.

3-устунда 2, 2.1, 2.2, 2.2.1, 3, 3.1-сатрлар бўйича 1-сатр бўйича акс эттирилган дебиторлик қарзининг умумий суммаси қуйидаги тартибда очиб кўрсатилади:

а) 2-сатр бўйича республика ичидаги дебиторлик қарзларининг умумий суммаси кўрсатилади;

б) 2.1-сатр бўйича республика ичидаги дебиторларнинг номлари бўйича қарзлар кўрсатилади;

в) 2.2-сатр бўйича ички идоравий дебиторлик қарзларининг умумий суммаси келтирилади;

г) 2.2.1-сатр бўйича 2-сатрдан ажратилган ҳолда дебиторлар номлари бўйича ички идоравий қарзлар суммаси кўрсатилади;

д) 3-сатр бўйича республиканинг ташқарисидаги дебиторлик қарзларининг умумий суммаси кўрсатилади;

е) 3.1-сатр бўйича республиканинг ташқарисидаги дебиторлар номлари бўйича қарзлар кўрсатилади.

4, 5, 5.1, 5.2, 5.2.1, 6, 6.1-сатрлар (кредиторлик қарзи) дебиторлик қарзига ўхшаш ҳолда тўлдирилади.

4-устунда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган, муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач муддати ўтказиб юборилган деб

ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-сон Фармони қисман ўзгартириш тўғрисида» ПФ-2340-сон Фармонининг 1-банди).

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги «Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида»ги 132-сон қарорида белгиланишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорининг 5-иловасига киритилган айрим корхоналар олинган газ учун якуний ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоб оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида амалга оширадилар. Ушбу корхоналарга нисбатан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати ҳисоб-китоб оyi тугаган кундан бошлаб 30 кун ўтгач белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 511-сон қарорига мувофиқ электр энергияси истеъмолчиси бўлган корхоналар учун истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати календарь оyi тамом бўлгандан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5-сон қарорига мувофиқ барча юридик шахсларга кўрсатилган (истеъмол қилинган) коммунал хизматлар учун муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати календарь оyi тамом бўлгандан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 245-

сон қарорига кўра марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиши ёки товарни қайтадан олиб келиш муддати 60 кундан, муассислар томонидан хориждаги корхоналар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация оморлари) манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича — 180 кундан ошмаслиги керак. Ташқи савдо операциялари бўйича қарз божхона чегарасидан ўтилганидан кейин тегишлича 60 ва 180 кун ўтгач ўтказиб юборилган деб ҳисобланади.

Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугаганидан кейин келадиган кундан бошлаб муддати ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича ўтказиб юбориш муддати сўндиришнинг муайян муддатлари белгиланган хўжалик шартномалари асосида аниқланади.

Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган қарзлар бўйича:

а) **5-устунда** корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган умумий қарз кўрсатилади, хусусан:

1-сатр бўйича дебиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 9, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

4-сатр бўйича кредиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

б) **6-устунда** муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг умумий суммаси кўрсатилади;

в) **7-устунда** корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорларига кўра олдиндан ҳақ тўламасдан юклаб жўнатилган (олинган) маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича умумий дебиторлик (кредиторлик) қарзи кўрсатилади. Ундан муддати ўтказиб юборилган қарз **8-устун** бўйича акс эттирилади;

г) **9-устунда** давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш кўзда тутилган хом ашё ва материаллар бўйича

ўтказилган бўнак тўловларининг суммаси кўрсатилади. Ундан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи **10-устунда** кўрсатилади. 9 ва 10-устунларда акс эттириладиган маълумот фақат дебиторлик қарзи қисмида тўлдирилади;

д) **11-устунда** корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорларига кўра белгиланган тартибда сўндириш муддати кечиктирилган қарзлари акс эттирилади;

е) **12-устунда** қонун ҳужжатларига мувофиқ билдирилган даъволар бўйича суд жараёнида кўриб чиқиладиган қарзлар суммаси кўрсатилади. Бу ерда хўжалик судининг кредитордан ундириш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарорлари бўйича қарзлар ҳам акс эттирилади.

2а-сон шакл сатрларининг миқдори тегишлича 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича кўрсатиладиган дебиторлар ва кредиторларнинг миқдорига боғлиқдир.

Зарурат туғилган тақдирда корхона ва ташкилотларга «Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган қарз» бўлимида қўшимча устунлар очишга рухсат берилади.

ХVII бўлим. ЖАВОБГАРЛИК

КОРХОНАЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги, ҳисоботни ўз вақтида топширмаганлик ёки уларда ишончсиз (нотўғри) маълумотларни кўрсатиш, солиқлар ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлашдан бош тортиш, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ солиш тартибидаги бошқа ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга Солиқ кодекси билан белгиланган молиявий жазо чоралари қўлланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик ҳолатлари аниқланганда солиқ органлари судга мурожаат қилмасдан қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси ва пеняни сўзсиз тартибда ундириш ҳуқуқига эга.

Бироқ, ҳар доим ҳам давлат органлари хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари ёки бошқа таъсир чораларини мустақил равишда қўллаш ҳуқуқига эга бўлавермайди. Қуйида фақат суд қарорига кўра қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати келтирилган:

— фаолиятни тугатиш;

— фаолиятни тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни қўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно);

— банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

— молиявий санкцияларни қўллаш, солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб ёзиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно;

— ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

— фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни 10 иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишнинг тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).

Материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, корхона солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеня тўлаганда молиявий жазо чоралари қўлланилишидан озод этилади.

Йиғиндиси корхонанинг охириги ҳисобот кунигаги жорий активлари суммасининг 20 %идан ошадиган қўшимча ҳисоблаб ёзилган солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловлар ва қўлланилган молиявий жазо чораларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ҳар ойлик тўловлар билан 6 ой мобайнида бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

2010 йил 1 январдан бошлаб корхонанинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари куйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида тўхтатиб турилиши мумкин:

солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи — юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда;

солиқ тўловчи — юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда (Солиқ кодексининг 96-моддаси).

Юридик шахсларга нисбатан Солиқ кодекси бўйича қўлланиладиган жазо чоралари

Ҳуқуқбузарлик тури	Жазо чоралари
Товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш)	яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум даромад суммасини ундириш
Қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳолларни истисно этганда, кирим қилинмаган товарлар сақлаш	кирим қилинмаган товар қийматини ундириш
Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик	муддати ўтказилган ҳар бир кун учун 1 % миқдорда, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб ёзилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг 10 %дан кўп бўлмаган миқдорда жарима
Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмайдиган даражада бузиб юритганлик	солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушум суммасининг 1 %и миқдорда, бироқ энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима

МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жазо чораларини қўллаш билан бир қаторда корхоналарнинг мансабдор шахслари ҳам маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

**Мансабдор шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодекс бўйича қўлланиладиган жазо
чоралари**

Хуқуқбузарлик тури	Жарима миқдори
Солиқ солинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 7 бараваригача
анча миқдорда содир этилган худди шундай хуқуқбузарлик (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 30 бараваридан 100 бараваригача)	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача
Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача
Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача
маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган худди шундай хуқуқбузарлик	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваридан 5 бараваригача
Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқларни, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, худди шунингдек камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача

Хуқуқбузарлик тури	Жарима миқдори
Маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган худди шундай хуқуқбузарлик	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваридан 5 бараваригача
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача
маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган худди шундай хуқуқбузарлик	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача
Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваридан 7 бараваригача
Аудиторнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг топшириғига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида аниқланган қонун ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби юритишга, шунингдек молниявий ҳисобот ҳужжатларини тайёрлашга доир талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваридан 5 бараваригача
Хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиши*	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача
Иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 2 бараваридан 4 бараваригача
Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш	энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваридан 5 бараваригача

* Маъмурий ундириш қўллангандан кейин тақвимий йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош торганлик учун корхонанинг мансабдор шахсига корхонада энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима солинади.

**Жиноят кодекси бўйича мансабдор шахсларга нисбатан
қўлланиладиган жазо чоралари**

Хуқуқбузарлик тури	Жазо чоралари	
<p>Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса</p>	жарима	энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача
	ёки ахлоқ тузатиш ишлари	икки йилгача
	ёки қamoқ	олти ойгача*
<p>Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш: а) такроран; б) кўп миқдорда (энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 300 бараваригача) содир этилган бўлса</p>	жарима	энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 600 бараваригача
	ёки ахлоқ тузатиш ишлари	икки йилдан уч йилгача
	ёки озодликдан маҳрум қилиш	уч йилгача*
<p>Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, жуда кўп миқдорда (энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари ва ундан ортиқ миқдорда) содир этилган бўлса</p>	жарима	энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 600 бараваригача
	ёки озодликдан маҳрум қилиш	уч йилдан беш йилгача*
<p>Сохта банкротлик, яъни ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар etkazилишига сабаб бўлса</p>	жарима	энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 200 бараваригача
	ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш	беш йилгача
	ёки ахлоқ тузатиш ишлари	уч йилгача
	ёки озодликдан маҳрум қилиш**	уч йилгача

БУХГАЛТЕР УЧУН АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

II жилд

Тошкент — «НОРМА» — 2010

Чиқариш учун масъул
Муҳаррир
Бадий муҳаррир
Компьютерда саҳифаловчи

М. Мелибоев
С. Махмудова
А. Мирзамуҳамедов
Н. Киселёва

Оригинал-макетдан 2010 йил 5 октябрда босишга
рухсат этилди. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$. LWS Base қоғози.
26,5 шарт. б. т. Адади 1000 нусха. Буюртма № 754.
Нархи шартнома асосида.

«НОРМА» МЧЖ, Тошкент ш., Ҳ. Олимжон майдони, 10а.

«ТОРПРИНТ» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.